


**«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБAA  
КОШЦЕРНИНИНГ БОШ ТАХРИРИЯТИ**





# ТЎЛАН НИЗОМ

САЙЛАНМА



ЖЕВРАЛАР  
ДОСТОЖЛАР  
РЎЗОЧИЛАР

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
КОНЦЕРНИНИНГ БОШ ТАХРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 1988

АБДУЛРАШИДОВ

Низом, Тўлан.

САЙЛАНМА: Шеърлар. Достонлар. Рубойлар. — Т.: «Шарқ», 1998. — 384 б.

ББК Ўз2

Шоир Тўлан Низом Мустақиллик кўйичси сифатида қатор маъмурдор шеър ва достонлари билан танилган. Унинг Чулпон, Усмон Носир, Миртемир-га бағишланган достон ва лирик қиссалари, айниқса, «Уч сўз», «Рухи равоним», «Оқ гул», «Юракдаги гап» сингари асарлари шоир ижодий имкониятлари кенглигини кўрсатади.

Тўлан Низом шеърларининг эркин руҳда жаранглаши, достонлари маъмурдорлиги ва рубойлари ўткир мантиқ асосида яралганлиги билан алоҳида эътиборга лойиқдир.

## ШЕЪР ҲАВОСИ

Шундай кишилар бўладики, улардан бирортаси даврада пайдо бўлса, суҳбатга файз киради. Давра кенгайиб бораверади. Бу хил одамларнинг кўксига оҳанрабои булади. Уларни, тортими кучли, суҳбати жонон, деб атайдилар. Устозларимиз Гафур Гулом, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзодалар ана шундай файзли инсонлардан эди.

Гапни сал олисроқдан бошламоқчиман. Қадим Ипак йўли водий оралаб, Ёзёвонда чегарани кесиб ўтади. Уёғи Андижоннинг Бўз тумани. Чегаранинг бу томонида менинг ўт-олюв ёшлигим қолган. Ўн беш йил шу ердаги тўқайларда, Сарсонқумнинг аёвсиз бўронларида адашиб, кунига неча бора жойини ўзгартирадиган қум тепаликларида эчкимарларнинг совуқ нигоҳидан сесканиб, илонларнинг хунук вишиллашларидан ҳушёр тортиб, «Уфқ» қаҳрамонларини излаганман.

Шу ерда кичкинагина хизматимни қадрлаб ёзёвонликлар чегара остонасидаги ўрта мактабга менинг номимни қўйишган. Қўллуқ сизларга, қадрдон китобхонларим!

Энди чегарадан ўтамиз. Бобуру Машрабларнинг пойи қадами теккан, Нодирабегим ажиб хаёлларга толган, Чўлпон кўксига оташин сатрлар гулханини ёққан Андижоннинг муборак остонасига қадам қўямиз.

Бу гўша мен учун бениҳоя қадрли, бениҳоя ардоқлидир. Чунки чегарадан ўтишингиз билан, Ипак йўлининг ўнг томонида Саидахоним номидаги билим юртига рўбарў келасиз.

Йилига бу йўллардан Саидахон билан икки-уч марталаб ўтардик. Қўҳна карвон йўлида Саидахон қанчалаб шеърлар тўқиган. Мен неча-неча ҳикояларни дилимга туғиб ўтганман. Энди ёлғиз ўзим йўл юриб келяпман. Билим юрти ҳовлисидаги хиёбонда тошга айланган Саидахон мени интизорлик билан кўтмоқда. Шоиранинг метин бюети мени маънос қутиб олади. Бир дам ўзимни унутаман.

Тошкентдаги ҳовлимизга Саидахоннинг ўзи эккан гуллардан бир дастасини олиб келганман. Уларни ҳайкал пойига қўяман. Шунда тош қотган лаблари бир жилмайиб қўйгандек бўлади.

Бу жойда шоирлар хиёбони бор. Унда жаҳонгир шоҳ ва шоир Мирзо Бобур, шеърятимиз маликаси Нодирабегим, истиқлолнинг толмас курашчиси — шеърларини ўз қони билан битган мумтоз шоир Чўлпон, бугунги шоирларимизнинг меҳрибон устози, ҳар бир мисраси юрак-юракларга сиғиб кетадиган шоир Миртемир бюети бор. Улар хиёбонни тўлдирган талабаларнинг дилкаш суҳбатларига гўё

жимгина қулоқ тутадилар. Азамат дарахтлар соя ташлаган хисбонлар, капалаклар лин-лин учиб ўйнаётган гулзорлар уфурётган шеър ҳавосидан нафас олаётгандек...

Шундай кишилар бўладики, улардан бирортаси пайдо бўлса даврага файз киради. Сўхбати жонон бундай кишиларни «шоир одам» деб атайдилар.

Саида Зуннунова номидаги билим юртининг директори шоир Тулан Низом ана шундай тортими кучли, ҳар қандай даврага сиғиб кетадиган ёқимтой инсондир.

Андижонда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг бўлими бор. Унга расман уюшма раҳбарлик қилади. Аммо, Бўзда ўз-ўзидан ташкил топган уюшма муҳри бўлмаса ҳам уни Тошкентда тан оладилар. Ўтказиладиган турли тадбирларга таклиф қиладилар. Водийга саварга чиққан шоирлар, олимлар албатта билим юртига қўниб ўтадилар. Эркин Воҳидов билан Абдулла Орипов Озод Шарафидинов билан Умарали Норматов, Турсуной Содиқова билан Эътибор Охунова, Ўткир Ҳошимов билан Неймат Аминов, Худойберди Тўхтабоев билан Носир Фозилов, Абдуқодир Ҳайитметов билан Беғали Қосимов каби шоир у олимлар билим юртига тез-тез келиб, талабалар билан гангли сўхбат ўтказадилар. Буларнинг бари Тулан Низомнинг тортимлигидан, оламийлигидан. У бор жойда ижод аҳли ўз-ўзидан тўпланиб қолади.

Тулан Низом номи чиққан шоир. Унинг йигирмадан ортиқ шеърий тўплами, дostonлари аллақачон ўқувчи қўлига теккан ва зукко шеърхошларининг меҳрини қозонган. Айниқса, кейинги ўн йил Туланбой учун сермахсул бўлди. Бобур, Чулпон, Усмон Носир, Саида Зуннуноваларнинг ҳаётини ниҳоятда гўзал тасвирлаган дostonлар туркумини яратди.

Қўлимда Туланбойнинг қалингина, жуда чиройли нашр қилинган «Ватан сурати» китоби. Унда бир чиройли газаллар, рубоийлар, дostonлар бор.

Одатда, шеърга унча-мунча қўли келиб қолган ёшлар пойтахтга нитиладилар. Пойтахт адабий муҳитидан умидвор бўладилар. Нашриётларга, редакцияларга ва ниҳоят, Ёзувчилар уюшмасига яқин бўлиш ижодий ўсишга ёрдам беради, деб ўйлайдилар. Шу хилдаги ҳали «данак қотирмаган» ёшлар пойтахтга келиб редакциялару нашриётларнинг остонасида сарғайиб, умрларини ўтказадилар. Аслида, уйқи ўрин танламас деганларидек, ижод ҳам жой танламайди. Хоразмда яшаб ижод қиладиган Матназар Абдулҳакимнинг, наманганлик Ҳабиб Саъдулланинг, самарқандлик Душан Файзийнинг, бухоролик Тошғўлат Аҳмаднинг, фарғоналик Охунжон Ҳакимларнинг пойтахтда ижод қиладиган шоирлардан қаери кам?! Андижоннинг Бўз туманида муқим яшаб ижод қиладиган шоир Тулан Низомни бунга мисол қилса бўлади. Юқорида номлари зикр этилган шоирларимиз пойтахтга нитилмадилар. Тутилган юртларидан кўнгил узмай, қадрдон манзараларни, ҳар бир тоши, ҳар бир кўчаси ардоқли бўлган жойларнинг шеърий сувратини чиздилар. Тулан Низомнинг каттакон шеърий мажмуасига «Ватан сурати» деб ном қўйиши ҳам бежиз эмас эди.

Ҳозир ҳамма вилоятларнинг ўз телевидениеси, радиоси,

нашриёти ва бир нечтадан газетаси бор. Демак, ҳадеб пойтахтта ишқаланаверишга ҳожат қолмаган.

Самарқанд, Андижон нашриётларида босилган маҳаллий муаллифларнинг романларини кўрдим. Кўп вилоят ва туманларда босилган шеърӣ тўпламларни ўқидим. Вилоят ва туманларда яшайдиган ижодкорлар учун китоб чиқариш муаммоси аста-секин ҳал бўлиб келяпти экан...

Гап Бўз туманида яшайдиган шоир Тўлан Низом тўғрисида кетаётган эди. Тўланбойнинг китоблари Андижонда ҳам, Тошкентда ҳам бот-бот босилиб туради. Республикамизнинг атоқли адабиётшунос олимлари Тўлан Низомнинг ижодига қизиқиб қолдилар. Айниқса, профессор Озод Шарафидинов, профессор Наим Каримовлар унинг ижодини мунтазам кузатиб борадилар. Дўстона маслаҳатларини ундан аямайдилар. «Ватан сурати» китобига ёзган жуда жиддий мақоласида Озод Шарафидинов шоир Тўлан Низомнинг ижоди тўғрисида ҳолисона фикрларини баён қилади. Профессор Наим Каримов эса унинг дostonларини таҳлил этади.

Тўланбой қишлоқда яшайди. Аммо, у водий вилоятларида яшайдиган ижодкорлар билан тез-тез дийдор кўришиб туради. Улар янги шеърларини бир-бирларига ўқиб беришади. Хуллас, мушоира авжига чиқади.

Тўланбой шубҳасиз таланти шоир. Баъзи шоирлар тўғрисида гап кетганда: ўзи яхши шоир-у, одамгарчилиги бундайроқ ёки жуда чиройли ёзади-ю, ўзининг тортими йўқроқ, шеърлари кўркам, аммо ўзи файсизроқ қабилдаги гапларни эшитамиз. Бундай гапларнинг Тўланбойга алоқаси йўқ. У яхши шоир бўлиш билан бирга тортимли, файзли одам.


Тўлан Низом туфайли Бўз тумани вилоятнинг адабий марказига айланиб қолди. Узининг олтмиш ёшини нишонлаётган шоир Тўлан Низомга дил-дилдан ижодий муваффақиятлар тилайман.

Азизим Тўланбой! Сизни яхши инсон сифатида ҳам қадрлайман. Бизнинг оиламизга кўрсатган ҳурмат-эҳтиромингиз учун ҳам чин қалбдан миннатдорлик билдираман. Саидахоннинг хотирасини абадийлаштириш борасидаги саъйи ҳаракатларингиз учун, билим юрти ҳовлисига ўрнатилган бюст учун сизга чин инсоний ташаккурларимни изҳор қиламан!

*САИД АҲМАД,  
Ўзбекистон Халқ ёзувчиси*







## ИЛТИЖО

Менинг шеърим керак одам ўқисин,  
Англамаса, ёлғон гапни тўқисин.  
Бўхтон селин ёғдирса гар устимга,  
Булбул келиб тилларидан чўқисин.

Йиғларимни чин ошиқлар тингласин,  
Юрагимда муҳаббатни англасин.  
Бу тентак, деб сўзларимдан кулса ким,  
Унинг қалби ўтмас бўлсин, зангласин.

Фарёдимни эшитсин жумла-жаҳон,  
Қўлда қалам, тилда шеърим, бағрим қон.  
Ишқим — Ватан, Ишқим — туپроқ, Ишқим — Халқ,  
Дўстим эса дунёдаги Ҳақ Инсон.

## КҰНГИЛ ДАФТАРИ

Сен дарди йўқ кўзингдан ёш тўкмагил,  
Йиғлатмагил, сен ёшимга чўкмагил,  
Нолон кўнгил чок-чокидан сўкмагил,  
Таъна қилма, эр бошимни букмагил,  
Варақлама, дафтаримни кўчирма.

Бир дард ўртар, жисмим аро изтироб,  
Қуюлганми ўювчи ўткир симоб.  
Ой ўтар, йиллар ўтар айлаб хароб,  
Шўх шамол янглиғ чопар умрим шитоб,  
Жон қушим — бу, каптаримни учирма.

Кўз ҳам толди, кута-кута мен ҳамон,  
Интизорлик онди-ю, қийналди жон,  
Дўст деган душманимдан кўрдим зиён,  
Душманимни менга дейсан меҳрибон,  
Дўстларимга душман захрин ичирма.

Суйганимга жафо қилсам мабодо,  
Дўстларимни кўролмасам дамо-дам,  
Ҳам узатган қўлим қолса ҳавода,  
Ва имоним бут бўлмаса зиёда,  
Оллоҳ, шу дам жонни олгил, кечирма.

## ТОҒ ДАРАХТЛАРИ

Ёнбағрида эгри-бугри ўсган — дарахтлар,  
Сўқмоқларнинг йўлларини тўсган дарахтлар,  
Ваҳимага бир ваҳима қўшган дарахтлар,  
Шохларини ерга ташлаб жўшган дарахтлар,  
Йиллар ўтиб, қариб-чириб тушган дарахтлар.

Юксакликни сақлагувчи эй, сен, мажруҳ тан,  
Шамолларни ёқлагувчи эй, сен, мажруҳ тан,  
Шўх дарёни оқлагувчи эй, сен, мажруҳ тан,  
Қор уюмин тахлагувчи эй, сен, мажруҳ тан,  
Ёввойи юрт — тоғ қучоғи сенмисан, Ватан.

Термуламан бўйларингга, раҳмим келади,  
Қулоқ тутиб куйларингга, раҳмим келади,  
Қўшилишиб ўйларингга, раҳмим келади,  
Ҳасратингни сўйларингга, раҳмим келади,  
Қўнглим овлаб чўққилардан шамол елади.

Сенга ади қомат бермай йиғлар табиат,  
Чинор янглиғ омад бермай йиғлар табиат,  
Тошлар кучли илдизингни сихлар табиат,  
Тошлар тиги оқ танангни тиглар табиат,  
Салқинингга ўлтирибман, йиғлайман фақат.

Сен ҳам мендай дили синиқ, доим беморсан,  
Ошиқлигинг бунда аён, очиқ, ошкорсан,  
Тоғ ишқида умринг ўтар интизор, хорсан,  
Инсон қўли, муруввати, меҳрига зорсан,  
Шоир борки, илҳом борки, шеър каби борсан.

Бор умрини тоғ қўйнида ўтказган дарахт,  
Ер бағирлаб томир отган эй ошиқ, эй, аҳд!  
Тилсиз қоя қаршингда жим, ухлайди карахт,  
Эътиқодинг буюк экан, буюқдир бу тахт,  
Сен ҳам шоҳлар оламида ўзингча бир шоҳ!

## САЙРА, ҚУШИМ

Сайра, қушим, сайра, қушим, тонг отди,  
Еру кўкни эркалаган ел ётди,  
У келмади, бағримга ҳижрон ботди,  
Икки кўзим ботган ой каби қотди,  
Лола шафақ юрагимни кўзғотди.

Сайра, қушим, сайра, қушим, дил ёнди,  
Шеърим билан ёруғ олам уйғонди,  
Қаро кеча қаролиғидин тонди,  
Интизор кўзларим ёшига қонди,  
Гул гунчасин зор булбулдан қизғонди.

Сайра, қушим, сайра, қушим, шеър битди,  
Қийнаб-қийнаб қиёмидан у ўтди,  
Ғолиб келган илҳомнинг ухлар пайти,  
Ёруғ чўлпон зангор кўкни тарк этди,  
Армонларим янги кунларга етди.

Сайра, қушим, сайра, қушим, сайраб қол,  
Дардларингни, кел, сен бугун куйга сол,  
Хонишингдан қафас куйса аҳтимол,  
Манглайингдан ариб кетса аччиқ ҳол,  
Ғанимларинг қолса, дейман ҳайрон, лол.

Сайра, қушим, сайра, қушим, олтин қуш,  
Ҳаволанма, тупроқни ўп, ерга туш,  
Назар солгил, Она замин фаромуш,  
Не фарзандлар йўқотмоқда ақлу ҳуш,  
Тилларингда юз очсайди бу турмуш.

Сайра, қушим, сайра, қушим, эл билсин,  
Эркам, десин, олқасин, дуо қилсин,  
Дўст қувонсин, душман бағри титилсин,

Хавас қилса Ўзбекистонга келсин,  
Курмак бўлса Андижонга интилсин.

Сайра, қушим, сайра, қушим, ғам кетсин,  
Кетиб қолган улуғ руҳлар ҳам қайтсин,  
Ғамнок найинг кўнгилларни эритсин.  
Келажакка мендан саломлар етсин:  
У қуш эмас, Тулан Низом, деб айтсин!

## МЕНИНГ ЖАВОБИМ

Дўстлар, бўлинг менга суянч,  
Ешим ўтур, ҳолим аянч,  
Юз ажини минг битта ранж,  
Кўрган азобимдир менинг.

Юракда ғам, кўнгил таранг,  
Осмон узоқ, ер ҳам заранг,  
Дарёга ҳам кўлга қаранг,  
Кўзи селобимдир менинг.

Балоларга нишон юртим,  
Балогардон Турон юртим.  
Меҳнатдан бағри қон юртим,  
Дили хунобимдир менинг.

Аждод руҳи қайтиб келсин,  
Майин еллар каби елсин.  
Аҳволимиз улар билсин,  
Ҳоли харобимдир менинг.

Ислом қани, иймон қани?  
Виждон истар инсон қани?  
Ҳалол топган бир нон қани?  
Бағри кабобимдир менинг.

Жумҳурият озод бўлса,  
Оролимиз сувга тўлса,  
Эътиқод ҳам қушод ўлса,  
Топган савобимдир менинг.

Умрим узоқ қилсин худо,  
Малҳам бериб Ибн Сино,  
Юрагимдан чиққан нидо,  
Чалган рубобимдир менинг.

Ватанга бор сўзим айтсам,  
Ғафлат элин мен уйғотсам,  
Ёвга алам тошин отсам,  
Қилган жавобимдир менинг.

## УСМОН НОСИРНИНГ ҚАМОҚДА ОЛИНГАН СУРАТИГА ТЕРМУЛИБ

НАИМ КАРИМОВГА

Бу суратмас, чексиз уқубат!  
Қаттиқ азоб ва қаттиқ хўрлик!  
Кирдикорин кўрсатиб шиддат —  
Сурат солган қоғозга зўрлик...

Бу суратмас, тухмат ва бўҳтон!  
Қўзғалган ўч! Олган аланга!  
Уни чизган қасоскор бир жон,  
Башараси таниш оламга...

Бу суратмас, қора фожиа!  
Миллат учун ўлимдир тезкор!..  
Ёзганлари эмиш ножўя,  
Сўзларида эмиш сирлар бор.

Бу суратмас, қамоқ ва қийноқ!  
Ўзбекистон учун ҳақорат...  
Унинг қалби эмиш сал қайноқ,  
Руҳида бор жиддий жароҳат?

Бу суратмас, ёнаётган шеър!  
Поёни йўқ, чеки йўқ армон!  
Бу кўзлармас, йиғлаётган ер!  
Бу ҳаёлмас, туби йўқ осмон!

Бу суратмас, ўчмас хотира...  
Оғриётган енгилмас юрак!  
Бу суратнинг ранглари хира,  
Менга беринг, бу менга керак.

Бу суратмас, нурни толдирган —  
Ўлиб-ўлиб ўлмаган шоир!  
Авлодларни доғда қолдирган,  
Бу ўша, ўша Усмон Носир...



## ТИНГЛА, ДЕНГИЗ

Бир дам тўхта, қора денгиз, қора денгиз,  
Борлиқ ичра сара денгиз, сара денгиз.  
Қирғоғингда термуламан дардим айтиб,  
Сен ҳам менга қара, денгиз, қара, денгиз.

Кимга дейин ҳасратимни, ҳасратимни,  
Ерга сизмас ҳайратимни, ҳайратимни.  
Минг шукурки, берган экан табиат ҳам  
Сендан ўзар ғайратимни, ғайратимни.

Сендек тошар тўфонларим, тўфонларим,  
Кўкка сапчир вулқонларим, вулқонларим.  
Ҳаёт менга шамол бўлди, довул бўлди,  
Аччиқ келур забонларим, забонларим.

Тўхтамайди қиш-ёзларим, қиш-ёзларим,  
Кўзимдаги юлдузларим, юлдузларим.  
Ором бермас узун қаро тун, кечалар,  
Ҳамда оппоқ кундузларим, кундузларим.

Дилда тинмас суронларим, суронларим,  
Тиним билмас бўронларим, бўронларим.  
Сендек нотинч, Ҳақ йўл истар эртақларда  
Юзин очган Туркистонун Туронларим.

Сенда тўлқин, менда тўлқин, менда тўлқин,  
Тўлқин билмас ранги сўлгин, ранги сўлгин.  
Кел, бағринг оч, бағрим босай тақдир учун,  
Сенда ёлқин, менда ёлқин, менда ёлқин.

## ЯНА НАВОИЙ ҲАЙКАЛИГА БОҶИБ...

Ҳар тонг Сизга таъзим қилиб келаман, устоз,  
Ҳар тонг Сизга сифинаман, юрак айтар роз.

Сизга йиглаб-сиқтайман мен қалбимни тўкиб,  
Зориллайман беш асрнинг қатига чўкиб.

Сўнг шеър топиб югураман ўз замонамга,  
Қудрат олиб миллатимга, ўз имонимга.

Армон тўла қақшаган ул — ой-кунлар қани?  
Ишқда содиқ Фарҳодлару Мажнунлар қани?

Лайли қани, Ширин қани, тимсоли қайда?  
Сиз қуйлаган ўлмас дўстлик мисоли қайда?

Лекин бу кун қуёш чиқди, энг буюк савоб:  
Бошимизга сўзингиздан нур сочур офтоб.

Ўзбек бўлиб сайраётир нурли тилингиз,  
Ҳар ўзбекда мужассамдир ёрқин дилингиз.

Яна бутун пойингизда турибман танҳо,  
Қўларимда Сиз яратган абадий дунё.

## ЎЛИМ

Шамол елгандай бўлди,  
Меҳмон келгандай бўлди,  
Майса билгандай бўлди,  
Ўтиб кетди надомат.

Осмон тўкмади бир ёш,  
Қуёш ҳам эгмади бош.  
Шунчалар қаттиқ бардош,  
Ҳеч бўлмади қиёмат.

Изини ер кўрмади,  
Кимсан дея сўрмади.  
Сочларини ўрмади,  
Тингламади адолат.

Бор эди унда ҳам тил,  
Атиргулдай нозик дил,  
Япроғи эди яшил,  
Ҳаёт қилди хийнат.

Кетдию учди-қолди,  
Йўқлик аро йўқолди.  
Йўқлик қаърига олди,  
Тамом бўлди ҳикоят.

Умр савдоси шулдир,  
Яшаш ғавғоси шулдир.  
Уйқу рўёси шулдир,  
Бу қандайин аломат?..

## ЮРАК САДО ҚИЛДИ, КЎЗИМ НАМЛАНДИ

Армонларим, аламларим жамланди,  
Зўр юк бўлиб руҳим ичра ғамланди,  
Бугун беҳос улар жонга ҳамланди,  
Киприкларим ҳар биттаси шамланди,  
Юрак садо қилди, кўзим намланди.

Мурувват не, билмас дунёи азим,  
У асли кимга ғам, кимларга базм,  
Унинг ҳийласига қилмасман жазм,  
Ростгўй қалам — дўстим, юпанчим — назм,  
Юрак садо қилди, кўзим намланди.

Ёлғон ҳаёт алдар, бошим айланди,  
Кўрай десам уни кўзим бойланди,  
Фироқ ели бўлиб борлиқ сўйланди,  
Яратиб қўйгандан ер ҳам ўйланди,  
Юрак садо қилди, кўзим намланди.

Дўстлар дўстман дейди, лек эътибор йўқ,  
Садоқат бобида битта қарор йўқ,  
Ишқда миннатдор йўқ, бир бахтиёр йўқ,  
Ошиққа оламда ҳеч ғамгузор йўқ,  
Юрак садо қилди, кўзим намланди.

Куйдим, ёндим, аммо барбод бўлмадим,  
Таъна дашномлардан озод бўлмадим,  
Э, рижкор, сен билан шод бўлмадим,  
Умр ўтди, ҳосили мурод бўлмадим,  
Юрак садо қилди, кўзим намланди.

Майлига, кўрайин, қонимга бир кел,  
Ўзинг сарсон қилган бошимга бир кел,  
Мард эсанг, мен урар тошимга бир кел,  
Андижонга кел, ё шаҳри Шошимга кел,  
Юрак садо қилди, кўзим намланди.

Бас қил, юрак, отам сўзи қўлласин,  
Устодларим азал рўзи қўлласин,  
Мир Алишер, Бобур кўзи қўлласин,  
Аввал худо — оллоҳ ўзи қўлласин,  
Юрак садо қилди, кўзим намланди.

## ЯРИМ КЕЧА ЭДИ ҶШАНДА

Чўлпон ёвуз сўёсат туфайли  
эълон қилинмаган асарларини  
тўплаб, куйдириб, кулини халтага  
солиб, шифтга илиб қуйган эмиш.

Ярим кеча эди ўшанда,  
Ўлим эди унга кушанда,  
Оёқ-қўли гўё кишанда  
Эс-ҳушини йўқотиб Чўлпон —  
Ютар эди лаҳта-лаҳта қон...  
Тошдек қотиб ер билан осмон  
Уни кўриб турарди ҳайрон...

Ярим кеча эди ўшанда,  
Ўлим эди унга кушанда,  
Оёқ-қўли гўё кишанда  
Чўлпон шеърдан узилар эди,  
Кўзида ёш тизилар эди,  
Кўнгли қаттиқ бузилар эди,  
Юрак бағри эзилар эди.

Ярим кеча эди ўшанда,  
Ўлим эди унга кушанда,  
Оёқ-қўли гўё кишанда  
Минг тугилди Чўлпон хаёли,  
Илҳомлари тутқун мисоли...  
Шунчалар хор шоирнинг ҳоли?  
Кимга қолди унинг уволи?..

Ярим кеча эди ўшанда,  
Ўлим эди унга кушанда,  
Оёқ-қўли гўё кишанда  
Чўлпон баттар тўлғонар эди  
Тун хаёли чўлғонар эди,  
Учар юлдуз бойланар эди,  
Кўкда ой ҳам айланар эди...

Ярим кеча эди ўшанда,  
Ўлим эди унга кушанда,  
Оёқ-қўли гўё кишанда  
Чўлпон йиғлаб турди, қўзғолди,  
Кулёмалар дастасин олди,  
Ўтга отди, оловга солди,  
Кўзи қотди, бемажол қолди.

Чўлпон кулни оҳиста уйди,  
Кафтга олди, ҳовучлаб суйди  
Ва устига кўз ёшин қуйди,  
Аста деди: Ҳаммаси куйди...  
Ярим кеча эди ўшанда,  
Оёқ-қўли гўё кишанда,  
Ўлим эди унга кушанда.

Ярим кеча эди ўшанда,  
Оёқ-қўли гўё кишанда,  
Ўлим эди унга кушанда.  
Ҳар бир дилни айлаб қаро қон  
Кулни солиб халтага Чўлпон,  
Баланд шифтга илди ногаҳон —  
Ва лабига сўз келди шу он:

— Кул бўлгани энди яхшироқ,  
Мангуликка турсин у шундоқ.  
О, унугай, бу сўзни қандоқ?  
Эртас бўлиб қолди беадоқ...  
Ярим кеча эди ўшанда,  
Оёқ-қўли гўё кишанда,  
Ўлим эди унга кушанда.

Шундан буён кўп йиллар ўтди,  
Денгиз битди, дарёлар кетди,  
Не-не юлдуз кўкни тарк этди...  
Чўлпон кимдир, эл ҳам унутди.  
Оёқ-қўли гўё кишанда,  
Ўлим эди унга кушанда,  
Ярим кеча эди ўшанда.

Ўша кулга айланган рўмон,  
Алангага тушган шеър, достон,  
Чўлпон номли ўша ёнган жон —  
Турон эди, эди Туркистон!  
Оёқ-қўли гўё кишанда,  
Ўлим эди унга кушанда,  
Ярим кеча эди ўшанда.

*Апрел, 1997 йил.*

## ҚОЛҒАН УМРИМ

Умрим яна борми дея ўксинаман дилимга,  
Армонимни битар эдим йиғлаётган элимга,  
Бу муқаддас ерим учун тикка бориб ўлимга,  
Курашардим Темур каби камар боғлаб белимга,  
Бугун дардим айтмас эдим, чўғлар босиб тилимга,  
Ёлбормасдим кунларимга, ойларимга, йилимга.

Сахарларда жисмим аро бу ўтни ёқмас эдим,  
Тонгда туриб хазон урган боғларга боқмас эдим,  
Тумор қилиб вафо расмин бўйнимга тоқмас эдим,  
Минг пушаймон билан ўзни илондек чоқмас эдим,  
Бугун дардим айтмас эдим, чўғлар босиб тилимга,  
Ёлбормасдим кунларимга, ойларимга, йилимга.

Рушноликни кўрмадим мен нобоп замон туфайли,  
Мурувват не сўрмадим мен вафосиз жон туфайли,  
Ғайри ишга урмадим қўл оппоқ иймон туфайли,  
Бош олиб ҳам кетолмадим еру осмон туфайли,  
Бугун дардим айтмас эдим, чўғлар босиб тилимга,  
Ёлбормасдим кунларимга, ойларимга, йилимга.

Бир капалак интилгандек порлаётган шам-нурга,  
Роз айтаман устодларим Навоийга, Бобурга,  
Ҳамон сўзда йўл қўяман хатоликка, қусурга,  
Ва ҳўнгираб йиғлағайман шак келтириб сабрга,  
Бугун дардим айтмас эдим, чўғлар босиб тилимга,  
Ёлбормасдим кунларимга, ойларимга, йилимга.

Яна қанча яшагумдир дўст билан, душман билан,  
Босган изим тўлиб кетди гул билан, тикан билан,  
Азиз Ўзбекистонни тақдир қилган менга тан,  
Айрилмайин, деб қўрқаман тўймаган Ватан билан,  
Бугун дардим айтмас эдим, чўғлар босиб тилимга,  
Ёлбормасдим кунларимга, ойларимга, йилимга.

Кошки, умрим онам айтган алла каби ларзакор,  
Минг бир кеча эртагидай бепоен ва мазмундор,  
Булса дейман миллатимнинг меҳри менга ифтихор,  
Ўлмас эдим, яшар эдим халқим каби барқарор,  
Бугун дардим айтмас эдим, чуғлар босиб тилимга,  
Елбормасдим кунларимга, ойларимга, йилимга.



## МУЛОҚОТ

- Бахил қандай яшади?
- Ўткинчи дунё билан.
- Бўлмайин ким-ла сирдош?
- Забони бурро билан.
- Қимлар билан курашсам?
- Ёвуз аждаҳо билан.
- Аҳмоқ ўзни қай ўлчар?
- Энг қиммат баҳо билан.
- Болам қандай етишсин?
- Номус ва ҳаё билан.
- Нима билан фахр этай?
- Эл билан, маъво билан.
- Недан устод мукаррам?
- Зўр мазмун, маъно билан.
- Юрак нима билан ёш?
- Шеърят — дарё билан.
- Илҳом ким билан дўстдир?
- Яккаю танҳо билан.
- Қай бўлур иаҳори инқ?
- Гул билан, вафо билан.
- Нечун қуёш абадий?
- У-да, ер — само билан.
- Ким билан қолсин Тўлан?
- Ёлғиз бир худо билан.

## МУСОФИР

Кўнгил боғларида кезган бегона,  
Гулларни беизн узган мусофир.  
Муҳаббат гадоси довдир, девона,  
Менинг ўз булбулим ўлмаган, ахир...

Сен жуда мулойим, севги ўғриси,  
Енгил товушингда минг битта тилак.  
Лек, тентак эмассан, гапнинг тўғриси,  
Сени тентак қилган мен ўзим тентак.

Севги шевасидан ўқийсан дoston,  
Риё ташвишлари кўзингга чўккан.  
Менинг-да ғамларим ердан то осмон;  
Бошимга маломат ёмғирин тўккан.

Кет, энди, келгинди, даргоҳимдир берк,  
Рухлар нури билан покладим энди.  
Менга кўнгул керак, менга керак эрк,  
Сен эжкан у дарахт қуриди, синди.

## ПУШКИН ҲАҚИДА ИККИ ШЕЪР

### I. КЎЗ

Қай меҳр кўзига кўёшни солди,  
Нигоҳи тиг мисол, қараши порлоқ.  
Қалбим кучга тўлди, руҳим кўзғолди,  
Унинг ёнишига термулиб узоқ.

Гуриллаб турибди унда аланга,  
Унда Россиянинг ўзини кўрдим.  
Ҳақни сўйлагувчи бутун оламга  
Жасур рус халқининг ўзини кўрдим.

Унда ҳайқиради қадимий Волга,  
Унда шовуллайди чексиз ўрмонлар.  
Унда шоир чиқар олдинги йўлга,  
Русни рус айлаган марду майдонлар.

Унда зўр қудрат бор: топган таваллуд —  
«Царское село»ни айлар бир дунё.  
Унда буюк хайл ҳеч билмас ҳудуд,  
Унда келажак бор ва сўнмас зиё.

Ҳайрат-ла термулиб суратга чунон,  
Шоир кўзларига қиламан ҳавас.  
Менинг кўзларимга сиғади жаҳон,  
Мен ҳам Ўзбегимни кўра олсам бас!

### II. ШОИР ЖАСАДИ

Еру кўкка сиғмаган жонни  
Ўз бағрига сиғдирар тобут...  
Пушкин деб аталган виждонни  
Руснинг ўзи айлади нобуд.

Оқ гул каби ястанмиш жасад,  
Қўкрагида шеърий китоби.  
Кимдир дейди тобутни ясат,  
Шоир умрин ҳақиқий боби.

Суратдаги тобутга боқиб,  
Афсус билан шуни ўйладим.  
Мен ўтяпман дўмбира қоқиб,  
Бир туп гулдай мен ҳам гулладим.

Мен ҳам бир кун кўзимни юмсам,  
Қўярларми кўксимга шеърим?  
Тобутимни ясатиб, кўмсаб —  
Кузатарми, тугилган ерим?

Қанчалар соз, тумонат одам,  
Тобутимни олса елкага...  
Яна қайтиб келардим мен ҳам,  
Ўзбекистон — мушфиқ ўлкага.

## ОМОН ҚОЛДИМ

Дардкаш қалбим, сенинг билан зор, нолон қолдим,  
Лек имон бут, руҳим тоза, мусулмон қолдим,  
Бу кун билсин дўсту душман, пок виждон қолдим,  
Танҳо эрдим, то оқибат ёлғиз жон қолдим,  
Яша, шеърим, сен бор, жаҳонда омон қолдим,  
Минг шукур қилгумдир, ўлмакда осон қолдим.

Юзинг қуёш экан, чўғда, оловда ёндим,  
Кўз, қош, хол ва лаб аталган қаловда қолдим,  
Ғам, яна ҳасрат қамради, таловда ёндим,  
Рашку ҳасад алангаси — яловда ёндим,  
Яша, шеърим, сен бор, жаҳонда омон қолдим,  
Минг шукур қилгумдир, ўлмакда осон қолдим.

Ҳажринг тўлқин бўлди, қолдим гирдобида мен,  
Оламни кўролмам дийдам селобида мен,  
Қовурилиб ётибман ишқнинг чўғ — тобида мен,  
Мажнун қолди доғда, ўтдим ишқ бобида мен,  
Яша, шеърим, сен бор, жаҳонда омон қолдим,  
Минг шукур қилгумдир, ўлмакда осон қолдим.

Фироқ дарёсида чўкдим, лойландим бугун,  
Ишқнинг чигал ипларига бойландим бугун,  
Қуюн эрдим, бир серобга айландим бугун,  
Чин паноҳ деб она-Ерга жойландим бугун,  
Яша, шеърим, сен бор, жаҳонда омон қолдим,  
Минг шукур қилгумдир, ўлмакда осон қолдим.

Мендек куйган, дили маҳзун оламда борми,  
Қай девона шунчаларки аламда борми,  
Ғар аламда бўлса ҳамки, қаламда борми,  
Бу садоқат пуштикамар боламда борми,  
Яша шеърим, сен бор, жаҳонда омон қолдим,  
Минг шукур қилгумдир, ўлмакда осон қолдим.

Ул ёр дебон ўзлигимдин мен тондим, дўстлар,  
Бир ёмоннинг минг заҳрига мен қондим, дўстлар,  
Бир жафо домига тушдим, мен ёндим, дўстлар,  
Хусннинг ақли қисқа, бунга ишондим, дўстлар,  
Яша, шеърим, сен бор, жаҳонда омон қолдим,  
Минг шукур қилгумдир, ўлмакда осон қолдим.

Ҳижрон билан ўлмас, яшар Тулан Низомий,  
Қаён борур, мудом шошар Тулан Низомий,  
Дарё кечар, тоғлар ошар Тулан Низомий,  
Ошиқлигин билсин башар Тулан Низомий,  
Яша, шеърим, сен бор, жаҳонда омон қолдим,  
Минг шукур қилгумдир, ўлмакда осон қолдим.

## ҚУЗГУН

### I

Қузгун нима ўзи? У қандай маҳлуқ?  
Билмайман! Билмайман асил номини.  
Дегайлар дунёда ўшадир бадхулқ...  
Унга тўнтарайлик осмон томини!?

Қонда кезиб юрар дард, алам бўлиб,  
Рашку ҳасад бўлиб, ҳис, рўё бўлиб.  
Баъзан ёлғон бўлиб, гоҳо кам бўлиб,  
У ҳам ўтиб борур шум дунё бўлиб.

### II

Қай кундир боғ ичра тушди бир қузгун,  
Атир гул шодасин тўкиб ташлади.  
Гунча, деб жон берган бир ғариб маҳзун  
Булбул мурдасини чўқий бошлади.

Ям-яшил майсалар бўлди-я пайхон,  
Позик повдаларни қушлар қилди тарк.  
Боғдан қочиб чиқди бечора боғбон,  
Қалтироқ тутганча мисоли бир барг.

Жувонмарг айлади сарв шохини,  
Бошин ерга букди садарайхонлар.  
Унга билдирмайин аччиқ оҳини  
Кавакка яшринди чаён, илонлар.

Куртақлар тилидан отилди фарёд,  
Япроқлар юзида аччиқ чизгилар.  
Товуслар қанотин буқлади, ҳайҳот,  
Бир тошга айланди кейин сезгилар.

Чулдираб тинчиди ариқча, жилға,  
Тупроқ кулга тўлди, осмон чангиди.  
Ойхон қулоғидан итқитди сирға,  
Табиат гангиди, ҳар жон гангиди.

### Ш

Қайдан келдинг қузғун, эй қора қузғун,  
Нечун пайхон қилдинг яшвоқ боғимни.  
Гулларинг эди-ку саҳрода юлғун,  
Бермайман даламни, тошлоқ тоғимни.

Тур, энди ўрнингдан, йўқол қошимдан,  
Ўз юртинг, маконинг бормидир сенинг?  
Ўласан, ўласан отган тошимдан  
Ишқимдек буюқдир нафратим менинг.



## ТАБИАТ ҚҰШИҒИ

Тоғлар кўкка керадир қучоқ,  
Қуёшга интилур чўққилар.  
Ёш тўккан булутлар шум, қочқоқ,  
Бўронлар қувалаб йўқ қилар.

Дарёлар айқирар, ҳовлиқар,  
Биларму қайларга борарин.  
Денгизлар тўлғонар, ер сиқар,  
Тўлқинлар бузади қарорин.

Тошлар қотиб қолур шу асно,  
Харсанглар қулайди чил-парчин.  
Юлдузга лим тўлса кенг само,  
Титраб ғазал ўқур Ой — барчин.

Най чалар жилғалар, ирмоқлар,  
Эринчоқ бир уйқу илинар.  
Қарсақму чаладир қирғоқлар,  
Қалбимда шеърим бор, билинар.

Тун сокин, тун ўйчан, хаёлкаш,  
Дафтарга тушади мисралар.  
Илҳом йиғи бошлар бир-яккаш,  
Майса қулоғида сирғалар.

Тонг ёриб кулади зар қуёш,  
Капалак қанотин ёзади.  
Гунча, деб қушлар ҳам бебардош,  
Суратин самога чизади.

Кундуз бошланади заҳматли,  
Далага чонади ёш-яланг.  
Шундоқ ўтган отам раҳматли,  
Қайда қолди кетмон ҳоли танг?

Буғдойзор шовуллаб, солланур  
Хирмонга тўлади зумрад дон.  
Ўн тошли тегирмон айланур,  
Дастурхон устида ширмой нон.

Ёмғир қуйилади беаёв,  
Қорлар эриб битар бечидам.  
Баҳор кулиб ўйнар бежилов,  
Ёз ўтиб, куз келур дам-бадам.

Ҳар дарахт, ҳар майса, ҳар бир ўт  
Айтадир шукрона бир оят:  
Оламда нима бор тўкие, бут?  
Шу эрур сўнги йўқ ҳикоят...

Олғмиш йил кўрганим ўзимдир,  
Табиат қўшиғи ҳасратим.  
Онажон, боланг-ку бир зумдир,  
Кечир, яратганинг ҳурмати.

*1997 йил.*

*Хумсон.*

## ЗАНЖИРСАРОЙ ШЕЪРЛАРИ.

АБДУЛЛА ОРИПОВГА

### I. ТУПРОҚ ИСЕНИ

Волиданг бўламан, отангман рости,  
Наслу насабларинг хоки пойиман.  
Кел, тикил, юлгунлар, тиконлар босди,  
Оламнинг кўримсиз битта жойиман.

Темурга ўргатдим жанглар сурурин,  
Шоир Бобур бўлиб Ҳиндга шайландим.  
Кўкрагим устида отлар дупури,  
Қонларга қоришган лойга айландим.

Ўтди қанча-қанча авлод-аждодлар,  
Оловли бағримда кулранг фиғоним.  
Абдуллага бердим шеърий фарёдлар,  
Унинг оҳангида менинг туғеним.

Эҳтиёт бўл ўғлим, аста қўй қадам,  
Армонлар чўк тушган Занжирсаройман.  
Кўзингга сурт мени, ўнгил дам-бадам,  
Аслида қуёшман, аслида ойман.

Чексизлик тўлади акеу садога,  
Кўзимга кўринар қадим чангалзор.  
Ёлбориб йиғлагим келур худога...  
Билмайман манглайда яна нелар бор?

### II. САРДОБА

Кимсасиз даштaro сардоба юпун,  
Жулдур бир етимдек тилсиз турибди.  
Сув чўккан, руҳ чўккан, ўчиб кетган ун,  
Қартайган тошлар кўп хаёл сурибди.

Замонлар қафғида йиқилмасдан у,  
Хурпайиб яшайди, кимсасиз гумбаз.  
Жимжитлик юракка ташлайди гулув,  
Қоронғу чоҳига тикилсанг бир паст.

Сардоба — сув эмас, ғам йиғар қудуқ,  
Аччиқ тақдирдан уқаман малол.  
Қар — соқов, сўзломас, тиллари дудуқ —  
Йиғини билмайди бу саҳройи чол.

### III. ЧЎККАН МАҚБАРАЛАР

Бу кимдир, қайси бир кўнгил,  
Исеми нима, тошлар айтарми?  
Эҳтимол, ўтгандир минг йил,  
Уйламоққа уйлар етарми?

Бу ушал соҳибқиронми,  
Ё донишми, ёки шоир?  
Лайли сифат гулдек жонми,  
Ёки ишқ деб ўлган Тоҳир.

Хаёлим тўкилув қабрга,  
Бу тупроқ кимдир, сўниққан.  
Мунчалар ўрганиб сабрга,  
Олам ғамларин унутган.

Ҳеч ким билмас, йўқолган из,  
Шунча хорми Одамизот.  
Фақат кезар еллар гиз-гиз,  
Номларини қилолмаслар ёд.

Кеча-кундуз тинмаган жон,  
О, тошибди абадийлик.  
Тиловат қил, тиз чўк, Инсон,  
Шулар каби биз ҳам дейлик.

### IV. ТЕМУР ҚАБРИ ЕНИДА ЙИГЛАГАНИМ

Ёшим бир жойга етганда —  
Иймон ҳақни ёд этганда,  
Юрагимни уйғотганда,  
Кимлигимни билдим энди.

Кўз олдимда Темур қabri,  
Нидо қилмас тугаб сабри,  
Наслу насаблардан бири —  
Йиғламоққа келдим энди.

Унг ёнида Султон Маҳмуд,  
Чап ёнида Шохрух жим-жит,  
Улуғбекда чексиз сукут...  
Уммон бўлиб қалқдим энди.

Бош томонда топиб эъзоз —  
Ухлар экан улуғ устоз,  
Темур унга сўйлайди роз,  
Минг тавбани қилдим энди.

Бобом ётур тош остида,  
Мен турибман ер устида,  
Вужудимни ғам босди-да —  
Доно бўлиб тўлдим, энди.

Бўлмай туриб қиёмат то,  
Ўалигимни уқдим мано,  
Тақдир бер эй худовандо,  
Қуёш янглиғ балқдим, энди.

Ғар аждодим Соҳибқирон,  
Ёзай руҳига бир дoston,  
Анғласин, деб жумла-жаҳон,  
Қаламга дуст бўлдим энди.

## МЕН ЮРАКНИ ҚЎЗҒАСАМ...

Маним таваллуд топганим ушал Кубонинг ери,  
Янги қишлоқ аталмиш кент, Акбарободдан бери,  
Отам Низомиддин деҳқон, нони — пешона тери,  
Қамолимни кўролмади, ёзилмади кўнгил чери,  
Эсласам, тилга қуръон — дуо, оятлар келур,  
«Гар юракни қўзғасам, ширин ҳикоятлар келур».

Кўчиб келганда «Бешгул»га бешиқда мурғак эдим,  
Онам бағрида ёлғиз, бир беғубор гўдак эдим,  
Ерга қўймас эканлар ҳеч, эрка ҳам серғак эдим,  
Икки чечан опамларга фақат мен эрмак эдим,  
Ҳайласам опамларни эрмак, ривоятлар келур,  
«Гар юракни қўзғасам, ширин ҳикоятлар келур».

Дўшпидек кичик қишлоқ, чор атрофи яйлов эди,  
Қўлда қармоқ доимо Сарижўтада ов эди,  
Чиндан менга Муҳаммад «ўз», бошқалар «бирова» эди,  
Табиатдан шеър дарди бизларга сийлов эди,  
Хотиримга ўтлоқлару кишнаган отлар келур,  
«Гар юракни қўзғасам, ширин ҳикоятлар келур».

Отам ўлгач, онам билан мунғайиб қолдим менам,  
Етимликнинг сири қурсин, сарғайиб қолдим менам,  
Тун-кечалар ақлим олиб эртақлар айтур онам,  
Ой янглиғ тўлар руҳда ўзгача ёруғ олам,  
Навоийни тушда кўрсам, кўзга Беҳзодлар келур,  
«Гар юракни қўзғасам, ширин ҳикоятлар келур».

Бир пари элтди ҳушим, асло оромим қолмади,  
Вафо, деб дод этмаган бир кеча-шомим қолмади,  
Ўз-ўзимни унутдим мен, эда номим қолмади,  
Ҳафонинг заҳри, шул деб ичмаган жомим қолмади,  
Сўнган муҳаббатни десам, арзу шикоятлар келур,  
«Гар юракни қўзғасам, ширин ҳикоятлар келур».

Қай куни кўрдим уни, ёнган ўзим, куйган ўзим,  
Энг гўзал, танҳо дебон, севган ўзим, суйган ўзим,  
Тақдирим қаҳр айлагач ҳам жонидан тўйган ўзим,  
Сел каби ёшлар тўкиб, икки кўзим ўйган ўзим,  
Шул сабаб сўзлайман, ёдга хиёнатлар келур,  
«Гар юракни кўзғасам, ширин ҳикоятлар келур».

Жон десам, жон ўрнида бир омонат жонда дўст йўқ,  
Энди билдим хешларимни, олам жаҳонда дўст йўқ,  
Ширин суҳан айтган билан ҳар дастурхонда дўст йўқ,  
Шеърдан булак ҳамдард йўқ, паноҳ йўқ, ош-нонда дўст йўқ,  
Кимларнидир эсласам, аччиқ киноятлар келур,  
«Гар юракни кўзғасам, ширин ҳикоятлар келур».

Пайҳон қилур нокас эли ўрмонда шер бўлмаса,  
Юрт харобдур гурбатини енгмоққа эр бўлмаса,  
Миллатим миллат эмас бир муқаддас ер бўлмаса,  
Халққа умрим дафтаридида бир буюк шеър бўлмаса,  
Йиғлагайман, мен учун охир қиёматлар келур,  
«Гар юракни кўзғасам, ширин ҳикоятлар келур».

Розимасман, айтолмасам айтар сўзим элимга,  
Дарё мисли ўтаётган кунларимга, йилимга,  
Меҳнатимдан, ҳимматимдан белбоғ боғлаб белимга,  
Аждодлардан улуғ мерос — иймон тугиб дилимга,  
Дунё кезиб ҳажга бир кун сабру саёҳатлар келур,  
«Гар юракни кўзғасам, ширин ҳикоятлар келур».

## МОВАРОУННАҲР ФАРЗАНДЛАРИ

МАЛИК МУРОДОВГА

Амир Темур руҳи уйғотган,  
Ғафлат уйқуларин отган,  
Малойиклар дилин қўзғотган,  
Улуғ сафар нашъасин тотган —  
Азаматлар, мардлар, шаввозлар.  
Бобом, дея дилни доғлаган,  
Саҳарларда ўкеиб йиғлаган,  
Армон билан белни боғлаган,  
Темур каби юрмоқ чоғлаган —  
Беназирлар ичра мумтозлар.  
Йўлчиларга бир омад ёрдур,  
Ҳам йўлларда илонлар бордир,  
Тоғ сўқмоғи жарликлар тордир.  
Ёнбағирда қурилди чодир:  
Битикларга тўлди қоғозлар.  
Кўнга бетгай қадим Самарқанд,  
Аждодларга жон иллари банд,  
Осмони паст, кўнгли-чи баланд,  
Улуғбекнинг руҳига пайванд —  
Қалбингизда бордир минг розлар.  
Ортада қолди не-не оч саҳро,  
Ҳар қадамда азиз қадамжо,  
Худо қудрат қилдими ато,  
Тошлардан ҳам отилур садо,  
Ҳар бирингиз чин навқасозлар!<sup>1</sup>  
Шовуллайди Сайхун ва Жайхун,  
Орол бўлмас, деб кунпаякун  
Тўлғонадир, тўлқинлари хун,  
Оҳ, бу қисмат шунчалар узун,  
Тинмасмикан нолакор созлар.

<sup>1</sup> Навқасозлар — нола чекувчилар.



Дунё иши оғудир бот-бот,  
У Темурни олиб қочган от...  
Динсиз замон йўқолсин, кушод,  
Бўлсин бобом номлари озод!  
Титраб чиқур бугун овозлар,  
Бу изларда нур каби оқинг,  
Бу излардан дунёга боқинг,  
Бу изларнинг губорин қоқинг,  
Бу изларга шамчироқ ёқинг!  
Парвардигор сизни эъозлар.

## БОБУР ТАВАЛЛОСИ

Ишқ аро йўл қани, йўлдош қани,  
Қўлламоққа қўл қани, қўлдош қани?

Дил лиммо-лим, сир қани, сирдош қани,  
Бирман деган бир қани, бирдош қани?

Қонга тўлдим, шеър қани, шеърдош қани,  
Қайга борай, ер қани, ердош қани?

Хунхор қани, зўр қани, зўрдош қани,  
Менки ўлдим, гўр қани, гўрдош қани?

Ишқи хорман, гул қани, гулдош қани,  
Бошни ёрган ул қани, ул тош қани?

Хокисорман, қон қани, қондош қани,  
Бир ўзимман, жон қани, жондош қани?

## ТУРКИСТОН — МЕНИНГ УЙИМ

Туркистон — менинг уйим;  
Унда бор ҳаловатим,  
Роҳатим, саодатим,  
Тилим, адабиётим,  
Шеърим, қўшиғим, куйим.

Туркистон — менинг уйим;  
Аждодларимдан мерос,  
У — сенга хос, менга хос,  
Севганим рост, куйганим рост —  
Унда издиҳом, тўйим.

Туркистон — менинг уйим;  
Унда бургут, сорларим,  
Молим, эчким, норларим,  
Таблада тулпорларим,  
Бесаноқ йилқим, қўйим.

Туркистон — менинг уйим;  
Навоий, Махтумқули,  
Абай, Чингиз халқ ўғли,  
Йўлим — уларнинг йўли —  
Оламга сиғмас ўйим.

Туркистон — менинг уйим;  
Жаннатга ўхшар гўё,  
Сирдарё, Амударё —  
Боғлари — тўкин дунё,  
Меваси қуюм-қуюм.

Туркистон — менинг уйим;  
Истиқлол, деб жўш урдим,  
Хумо қушга тўш урдим,  
Сўнг бағримга яширдим —  
Билмайман қайга қўйим.

Туркистон — менинг уйим;  
Нур қалъаси Шошимда,<sup>1</sup>  
Юртбошиси бошимда,  
Меҳри бор қуёшимда  
Эй юрак, қайна, суюн!

---

<sup>1</sup> Шон — Тошкент.

## НИҲОЛЛАР

Йул буйида улкан қайрағоч,  
Ўтган йили кесилиб кетди.  
Илдизидан бу йил баҳорда  
Униб чиқди нозик ниҳоллар.  
Ана, улар аста тебранар,  
Ўсмоқ,

Ўсмоқ,

Ўсмоқ дардида,  
Қайирмангиз уларни, еллар,  
Баргларига қундирманг губор.  
Илдизларин ювмасин жала,  
Бошларидан кетмасин қуёш!  
Не ажабки,

келиб бир айём  
Тулдирсалар дунёнинг бағрин —  
Улуғликни дилига туйган  
Гуноҳи йўқ шу кичкиналар ...

## УЧАЁТГАН БУРГУТ

Қушлар билан учиб-а кетай, ёр-ёр.  
Халқ қўшиғидан.

Тоғлар тепасида учган бургут — қуш,  
Қанчалар юксаксан, қанчалар буюк.  
Улуғвор парвозинг рўё ёки туш?  
Сўзлагил, мунчалар суюксан, суюк!

Бургут деди, ошёним ҳў тоғларда,  
Чунки, чекеиз кўкда ҳаво мусаффо.  
Сен, Инсон, Ердасан — гўзал боғларда,  
Мен сенга ҳавасманд, сен менга шайдо.

Инсон зоти бургут бўлмоқни истар,  
Сўнгра ерда эркин ўлмоқни истар.

\* \* \*

Мен гулхона бўлсайдим,  
Ҳеч ким гулсиз ўтмасди.  
Ишқ ойидай тўлсайдим,  
Ошиқлар қон ютмасди...  
Эрсам зангори осмон,  
Бағрим турса мусаффо,  
Ҷамики қушлар омон  
этсалар кайфу сафо.

Бўлсайдим бир нурхона,  
Тун йўқолса бошлардан.  
Она Ватан боғлари  
Порласа қуёшлардан!  
Ё бўрондай толмасдан  
Денгизларни уйғотсам.  
Лоқайд тоғу тошларни  
Титратсаму қўзгатсам.

Чопсам яёв гирёна,  
Изимда қолса йиллар...  
Қушиқ айтсам равона  
Бағрига олса эллар!  
Яна дунё кезардим,  
Топинардим тупроққа.  
Юракларни безардим,  
Кетар эдим узоққа!

Қошки бўлсам селхона,  
Борлиқ ғуборни ювсам.  
Иғво, уруш, кулфат, ғам,  
Жаъми иллатни қувсам.  
Кўрсам кўнгилларни оқ,  
Қайта-қайта туғилсам.  
Аллаким турса ғамнок,  
Дардига малҳам бўлсам.

Замонамдай кулсам мен,  
Олсам жаҳоний қудрат.  
Орзуларга тўлсам мен,  
Умрим билмаса сарҳад.  
Сўнгра бахтим сўроқлаб,  
Икки кўзим порласа!  
Ҳаёт мени ардоқлаб,  
Қурашларга чорласа!

## КАКЛИК

### I

Чойхонада мақтанади какликбоз,  
«Неча йилдир шу қафасда сайрайди!  
Каклик зоти ичра ягона, мумтоз,  
Мудом сайрар, дилу жоним яйрайди!»

Ҳей, какликбоз, бўлганим бечоранинг  
Уйи, жойи, қариндоши, боласи?  
Агар, шундай десанг, қалби поранинг  
Сайрашимас, нодон, аччиқ ноласи!

### II

Нола чекур сим ёғочда якбора каклик,  
Ошёнига талпинади хунбора каклик,  
Кенгликларга чиқсам дейди бир бора каклик,  
Сим тўрларга бошин уриб овора каклик,  
Йиғламоқни оширади тобора каклик.

Жуфти билан қувалашиб довонлар оша,  
Баланд тоғлар, гулбоғларни айлаб томоша,  
Орзулардан қанот қоқур кўп толиб-тоша,  
Кеча-кундуз ўйнар эди тенг-ла, сирдоша,  
Муҳаббатдан қувнар эди ошкора каклик.

Тоғда бир пайт қўшиғини тинглаган эдим,  
Сайрашидан овозини англаган эдим,  
Дил қайрадим, кўз ёш тўкмай занглаган эдим,  
Уни англаб, юрагимни тирнаган эдим,  
Эркин-эркин чарх урарди сайёра каклик.

Битта овчи тонг маҳали унга тўр солди,  
Қанотлари қайрилгандан учолмай қолди,



Шидатлари зое кетди, чарчади, толди,  
Сайёд эса секин бориб қўлига олди,  
Тутқун бўлди юрак-бағри садпора каклик.

Сўнг қафасга қамаб қўйди уни ўшал кун,  
Шу соатдан руҳи синиқ, аҳволи забун,  
Қўнгли оғриқ, кўзи боғлиқ, тақдири тугун,  
Бу оламда йўқ экан-да иқболи бутун,  
Етимлардек гирён бўлди зор-зора каклик.

Кун ўткаур катак ичра ўзи ёлғиз, тоқ,  
Ақлу ҳушдан ул адашган келган кунийёқ,  
Айрилиқнинг ери қаттиқ, осмони йироқ,  
Кўзи мовий, яноқ қизил, бақбақаси оқ,  
Мотам ичра бўйинбоғи тим қора каклик.

Ҳей какликбоз, сен-ку ундан куйлашни ўрган,  
Садоқатни, ишқ дардини сўйлашни ўрган,  
То тириксан, ватанингни ўйлашни ўрган,  
Қафасда ҳам қўшиқ айтиб курашни ўрган,  
Бас қил энди, қолдирмагил душвора каклик.

Озод қилгил, ул қуш билан учиб кетаман,  
Бошим олиб, йироқларга кучиб кетаман,  
Дўстларимни энг сўнгги бор кучиб кетаман,  
Бир Ҳақни деб бу дунёдан учиб кетаман,  
Менинг билан учиб кетсин бечора каклик.

## ЭЛБЕК ТУҒИЛГАН ҚИШЛОҚ

Қўм-қўк осмон остида,  
Қўм-қўк тоғлар устида,  
Ям-яшил дарахтлар-ла,  
Ям-яшил тош тахтлар-ла  
Ястаниб ётган тупроқ —  
Элбек туғилган қишлоқ.


Тунда ойи сузилган,  
Нур ипағи узилган,  
Қўнгил тинчи бузилган,  
Армон қилган, чўзилган,  
Қучли момақалдироқ —  
Элбек туғилган қишлоқ.

Эгалари ким экан?  
Ёнғоқларни ким эккан?  
Шамолга солган жуған —  
Буронларга жон тиккан?  
Пешонаси ярқироқ —  
Элбек туғилган қишлоқ.

Бунда Чўшпон изи бор,  
Усмон Носир сўзи бор,  
Илҳомнинг физ-ғизи бор,  
Мен тотиган тузи бор  
Майсалари хилпироқ —  
Элбек туғилган қишлоқ.

Тарқаганда шум «миш-миш»,  
Битикларини, эмиш,  
Тоғларга яширганмиш...  
Юксакка оширганмиш...  
Уни сўйлар беадоқ —  
Элбек туғилган қишлоқ.

*1997 йил, июн,  
Хумсон.*



*Мер айтим келадити,  
Онажон!*



## ШЕЪР АЙТГИМ КЕЛЯПТИ, ОНАЖОН!

\* \* \*

Рост гап, фақат сиғинаман Онамга,  
Онам берган муъжизакор оламга,  
Олам берган бу муқаддас қаламга...

Онам ўтиб кетди ёруғ оламдан,  
Мен ушлаган бу муқаддас қаламдан —  
Элга сўзлаётир барҳайт Онам.

## ОНАМ РУҲИ

Онам ўлган. Бўлди неча йил,  
Ҳаётимнинг шами-ку сўнган.  
Чидаб келдим, оҳким, сағир дил,  
Ҳижрон гами юракда тўнган.

Мозорига бораман гоҳи,  
Тиз чўкаман, тиззамда титроқ.  
Эшитмас у ўғлининг оҳин,  
Орамизда сўнги йўқ қирғоқ.

Пойига оқ гуллар қўяман,  
Кўнглим кўтарилар тоғлардай.  
О, меҳрига қачон тўяман,  
Онам эди тўкин боғлардай...

Пешонамни силаган у қўл  
Тирикманки, чиқмас эсимдан.  
Мен онамсиз босдим қанча йўл,  
Болаларим келар изимдан.

Тонгларимни ёритар у нур,  
Мен-ла яшар ўша улўф руҳ.  
Онажоним, минг бора шуқур,  
Менинг бахтим, Сиз буюк шуқуҳ...

Онам ўтган. Бўлди неча йил,  
Ҳаётимнинг шами-ку сўнган.  
Уни қўмсар етим шоир дил,  
Ҳижрон дарди кўнгилда тўнган.

## ШЕЪР АЙТГИМ КЕЛЯПТИ, ОНАЖОН!

Ҷора тун тарқалур, нур яқин,  
Жисмимни куйдирар бир чақин,  
Соғинчдан юрагим зўр оқин,  
Ларзага келтириб кўк тоқин —  
Шеър айтгим келяпти, Онажон!

Суратинг ҳеч кўзимдан кетмас,  
Дод десам-да овозим етмас,  
Ер-ку бориб хабарим айтмас,  
Дардим битмас, шеърларим битмас,  
Шеър айтгим келяпти, Онажон!

Мозорингга ўтқаздим бир гул,  
Эртаю кеч йиғлаб турар ул,  
Бош кўтаргил, унга қараб кул,  
Шохларига қўнсайди булбул,  
Шеър айтгим келяпти, Онажон!

Қолдим баъзан ғам ичра нолон,  
Шунчалар ҳам тормикан жаҳон,  
Кўнгил оғрир, жигарим ҳам қон,  
Садо қилмас ер билан осмон,  
Шеър айтгим келяпти, Онажон!

Отам ўтди кўрмай рўшнолик,  
Ундан мерос — дўстлик, ошнолик,  
Отасизлик — аччиқ ташналик,  
Ота бўлиб йўлга бошладинг,  
Шеър айтгим келяпти, Онажон!

Бола эдим, кетмонни олиб,  
Далаларга чиқдим йўл солиб,  
Кечда қайтдим чарчаб ва толиб,  
Сўнг ром этди, шеър экан ғолиб,  
Шеър айтгим келяпти, Онажон!

Навой тушимга кирди неча қур,  
Бобур кўз олдимда тик, мағрур.  
Машраб деди: юр, мен билан юр,  
Қўлимдан ушлади Миртемир,  
Шеър айтгим келяпти, Онажон!

Кўп шаҳарлар кездим сарсари,  
Андижоним эмасди бари,  
Фаргона ҳам юртлар сарвари —  
Деган эдинг менга илгари,  
Шеър айтгим келяпти, Онажон!

Келин кўрсам, деб айтган эдинг,  
Набиралар гамин ҳам эдинг,  
Бош ўғлимни, бу Бунёд дединг,  
Кичкинасин бу Озод дединг,  
Шеър айтгим келяпти, Онажон!

Сенга ўхшаш одам бормикан,  
Она каби ҳамдам бормикан,  
Она номли зўр ғам бормикан,  
Онасиз ҳам олам бормикан,  
Шеър айтгим келяпти, Онажон!

Сенсан мададкорим, Сен — кучим,  
Эзгуликка тўлган бор ичим,  
Ҳеч кимга йўқ ҳасадим, ўчим,  
Шеърга битмоқ фарзандлик бурчим,  
Шеър айтгим келяпти, Онажон!

## ОНАМ СУРАТИ

Бугун яна термуламан, Онажон,  
Сен томонга интиламан, Онажон,  
Айтгил, энди не қиламан, Онажон,  
Не ўтганин мен биламан, Онажон,  
Садо чиқмас, соғинаман, сурат жим.

Шоир бўлдим ҳасратингни айтгани,  
Армонингни мен боламга битгани,  
Вақтим етмас ухлагани, ётгани,  
Опам келар йиғлаб-йиғлаб кетгани,  
Сиқиламан, ўкинаман, сурат жим.

Зиёратга бордим кеча қабринга,  
Зор йиғладим, киролмадим бағринга,  
Раҳминг сира келмасми сағиринга,  
Биласан-ку тайёр эдим амринга,  
Ёлбораман, ўтинаман, сурат жим.

Меҳнат билан элда топдим эътибор,  
Бунёд, Озод ўғлим ва тўрт қизим бор,  
Мен яшайман изларинга интизор,  
Соғинганда Ўзбекистон менга тор,  
Юрак босиб, ютинаман, сурат жим.

Кўз ёшим — сув, боғ унар чаман-чаман,  
Оқ сутинг, деб илҳомимни ичаман,  
Сен — Туркистон, Она-Ер, Она Ватан,  
Ўзингдадир, ўзинг берган жону тан,  
Бош қўяман, сиғинаман, сурат жим.



## ИНДИРА ГАНДИ ХОТИРАСИГА .

Бугун элда тонг саҳар,  
Тарқалди бир шум хабар:  
Бир фалокат иш бўлди...  
Индира Ганди ўлди...  
Унинг зўр ҳаётига,  
Букилмас қанотига,  
Саботига, онтига,  
Ўқ отилди неча бор.  
Ҳайҳот, бу қандай душвор?  
... Ер бўялди қонига,  
Унинг ширин жонига  
Хиёнат қилди зулм:  
Бевақт ажал, оч ўлим.  
Шак келтиргум тангрига,  
Ҳиндистоннинг бағрига  
Кўксига кирмиш тикан.  
Дунё бебақо экан...  
Ганг сапчиди самога,  
Ҳимолай сал сабога,  
Йиқилгудай ҳурпайди.  
Буни Неру кўрсайди!  
Чўчиб уйғонди Тагор,  
Сиқар эди қаро гўр.  
Безовта Бобур руҳи,  
Авлодларнинг шукуҳи —  
Океандай беором,  
Нотинч кундуз ҳам оқшом.  
Наҳотки: Зиё, Нурга,  
Муҳаббатга, Меҳрга,  
Адолатга, Орзуга —  
Энг покиза туйғуга  
Ўқ отди ножинс, нокас.  
Бу қотилни ким билмас?  
Юрт сотганни, эл сотганни.  
Оналикка ўқ отганни  
Кечирарми Одамзод?

Шундай исён, истибод!  
Қулдан қўлларга ўтар,  
Елкама-елка кетар.  
Тобути эди гулдан.  
Келтирилиб бир кулдон  
Ўт ёқилди жасадга.  
Жасад ёнар... Асабга,  
Аламга, ғамга гўё —  
Торлик қиларди дунё.  
— Охирда шундай кетай,  
— Додин берай, деб атай,  
Ўтга отиб ўзликни,  
Аждаҳо, ёвузликни,  
Зулумотни, ғафлатни,  
Қулфатни, жаҳолатни,  
Ғанимни, душман, ёвни —  
Гуриллатиб оловни  
Индира ёндирарди  
Ўчини қондирарди.  
Сўнгра бутун халойиқ,  
Фарзандин билиб лойиқ:  
Бошга қўйиб кулдонни,  
Титратиб ҳар бир жонни,  
Баланд тоғлар устидан  
Ва коинот остидан,  
Қутлуғ кулни кўк аро,  
Тенги йўқ мотамсаро  
Замин узра сочдилар.  
Ва шундай фол очдилар:  
«Муносиб кўриб бизни,  
Индира каби қизни  
Яна қайтиб бергин, Ер?»  
Ҳайрат билан олам дер:  
«Гул унадир хокидан!»  
Сўнг осмон пештоқидан  
Борлиқ аро янграр сас:  
Индира Ганди ўлмас!  
У — асрин жасур қизи,  
Сўнмас умид юлдузи!  
У — мангулик ҳайкали:  
Ишонч, қувонч, тасалли.  
Ирода, Бардош, Кураш.  
Қалби ҳаммага туташ!  
У — Ҳинднинг парвонаси!  
У — Жаҳоннинг онаси!

## САФАР

(О қ ш е ь р)

Эрта тоғ уйғондим қуш каби енгил,  
Остонадан олиб бир сиқим туңроқ.  
Тўлиқиб бош эгдим Онам пойига,  
Фарзандларим менга маънос тикилди,  
Кўзига ёш тўлди ёстиқдошимнинг.  
Шул замон бўлиниб жисмим иккига,  
Бўғзимга тиқилди гўё бор кучим.  
Онам эркалади сийпаб бошимни,  
Бир дам дуо қилди  
Ва сўнгра деди:  
«Ҳаётда кўролсанг ер айланишин,  
Кўзингга жойлардинг дунёнинг ишин!..»  
Қувониб, мардона жўнаб кетдим мен  
Қутлуғ шеър дардида,  
Буюк бир ҳавас!  
Истайман юракда катта бир вулқон,  
Тиниқлик сўрайман қуёшдан, ойдан!  
Замишни қучаман нур янглиғ учиб,  
Мен олам кезипман,  
Онамнинг меҳри  
Тикилиб турибди пастак уйимдан!..

## ТУШИМГА КИРДИ ОНАМ

Тушимга кирди онам:  
Хассасига таяниб —  
Остонада турибди.

Сочлари ошпоқ, тол-тол  
Ва боқади жовдираб —  
Бир хавотир кўрибди.

Кийган либоси ғариб,  
Индолмайман, забон йўқ  
Тилим қақшаб, қурибди.

Қулингни оч, дер шу дам,  
Қўйнигимга яширдим —  
Билмам, недир берибди.

Сўнгра, алқади роса,  
Яна бир разм солсам —  
Ҳовлимизда юрибди.

Чўчиб турдим, болиш нам  
Қўзларимда аччиқ ёш —  
Юрак бежо урибди.

Қабрига бордим тонгда,  
Атиргулга сув қўйдим —  
Битга барги қурибди.

Кечиринг, деб ёлбориб  
Сағанага тикилсам:  
Мангулик ўй сурибди.

## ОНА ТОВУС НОЛАСИ

Уч кун бўлди она товус тиним билмай йиғлайди,  
Ва-ёқ, ва-ёқ дейди қақшаб, бўғилиб — бағиллайди,  
Ҳар томонга ўзин уриб, кетмоқликни чоғлайди,  
Ҳовли ичра югуради, тўхтамай қоқоғлайди,  
Чўғ кўзлари қонга тўлиб жигарини тиглайди,  
Болам, дея нола қилур, юракларни доғлайди.

Уч кун бўлди ўлганига унинг учта боласи,  
Қаҳратонда жон берибди уч маъсум зуволаси,  
Ёмғир каби қуюлади кўзларидан жоласи,  
Қулоғимдан кетмай қолди унинг аччиқ ноласи,  
Дилим оғрир, яна борми йиғламоқнинг чоласи,  
Оқарибди чаккамдаги сочимнинг бир толаси.

Уч кун бўлди фароғатим, роҳатим йўқ ўзимда,  
Торлик қилур, туролмайман, қучоғи кенг Бўзимда,  
Боғимга ҳам сиғмай қолдим, шафқат ёши кўзимда,  
Калимага келмас тилим, тутиламан сўзимда,  
Раҳмим дарё бўлиб оқур, ҳар тонг янги рўзимда,  
Кўз тегмасин, икки кўзим ўғлимда ҳам қизимда.

Мен тамоша қилар эрдим товусларим эрталаб,  
Учаласи ўйнар эди онаси-ла эркалаб,  
Ҳовлимда бир чирой эди, юрар эди ярқираб,  
Минг товланиб ёнар эди, сайрар эди чулдираб,  
Кўзим тўймай мен бир тараф, улар эса бир тараф,  
Ё, уларга ажал тегди, кўз тегдими кўп қараб.

Водариғо, ишқ элига доимо азоб дунё,  
Энди билдим чин, ростини, шу боис хароб дунё,  
Муҳаббатсиз телбаларга беради шароб дунё,  
Айрилиқ жомига қонмас, кўз ёшга селоб дунё,  
Яхшилар бир омонатдир, ёмонга ниқоб дунё,  
Товусимга мазор бўлди, қушларга сероб дунё.

Уч кун бўлди она товус тиним билмай қақшайди,  
Уч кун бўлди, қичқиради, кўнгилларни гашлайди.  
Болаларсиз энди қандоқ бу жонивор қишлайди,  
Болам, дея фарёд чекур, оналарга ухшайди,  
Шундан руҳим туғён уриб танҳоликни хушлайди,  
Товусларим менинг билан то умрбод яшайди.

Товусимни билурмикан, билмасмикан кўру кар,  
Нодон киши билмас эса ҳар гўзаллик чанг босар,  
Эддан ҳайдаб аждод руҳин, юртни вайрон қилдилар,  
Интизорлик тортиб қушим тўкар бўлди болу нар,  
Аҳволини кўрмаганлар, бағри тошлар беҳабар,  
Оқибат шу бўлса агар мен кетайин дарбадар.

Товус каби товланур кўп аҳди йўқ дўсти ёлгон,  
Товуссифат минг ранг ила бизни алдайди замон,  
Товус мисол аҳбобларим, бормикан сизда имон,  
Тўғри йўлдан оздирурлар, эс-ҳушинг олиб шайтон,  
Тўлқин уриб тўлғонади юрагимда бир уммон,  
Жон оғриниб чиқди яна, бу кеча чақди чаён.

Бул Ватанни чоҳга тортув юртфурушлар басма-бас,  
Айтгил бугун қодир худо, улар чин банданг эмас,  
Бу бинони бор айладинг қиммати шу, бўлди хас,  
Бебақо тақдирни қўй, унга ҳеч йўқдир ҳавас,  
Тулан Низом, бузлама, ҳей, мунча бўлдинг ўтнафас,  
Қанчалар зорланмагил, дунё товусга арзимас.

## ОНАМ-А...

Сендан ўзга меҳрибонни кўрмадим,  
Сенсиз ёруғ бу жаҳонни кўрмадим,  
Сендан буюк ор-виждонни кўрмадим,  
Сенсиз тўкиё ер-осмонни кўрмадим,  
Бугун яна ёдга тушган онам-а.

Кўришамиз, болам, қиёматда деб,  
Йиғлайверма, бўтам, надоматда деб,  
Сен яккасан, яша диёнатда деб,  
Умринг ўтказ ҳалол, ибодатда деб,  
Билдирмасдан мендан қочган онам-а.

Улушинг бор, дастурхонда, ўзинг йўқ,  
Кўз олдимда суратинг бор, сўзинг йўқ,  
Кўзларимга қараб турган кўзинг йўқ,  
Йиғламаган ўғлинг ҳамда қизинг йўқ,  
Рўзгоримда шамдай ўчган онам-а.

Эртаю кеч ўғитларинг тилимда,  
Ҳасратларинг кўзимдаги селимда,  
Кўпга қилган оналигинг элимда;  
Сен боғлатган шоҳи белбоғ белимда,  
Келмасликка қушдай учган онам-а.

Сендан қолган уйни обод айладим,  
Сутинг ҳаққи, руҳингни шод айладим,  
Ғариб эдим, ўзни кушод айладим —  
Елғизингни Бунёд, Озод айладим,  
Юртга учта ўғил қўшган онам-а.

Кўрганингда бўлар эди — шу алам!  
Дунё иши шундоқ экаи, бири кам.  
Шу боисдан йиғлаб ўтар эл-олам,  
Армонларинг маиа мен тутган қалам —  
Шоир бўлиб қайнаб жўшган онам-а...

Яратгансан пири имоним бўлиб,  
Қаратгансан табиб инсоним бўлиб,  
Яйратгансан боғу бўстоним бўлиб,  
Сайратгансан улуғ Туроним бўлиб,  
Ўзбекистон каби қучган онам-а.



## ФОТИМА

Бузлик машхур пахтакор — деҳқон  
Фотима Исроил қизи янги йил базмида  
ўқиб бериш учун шеър сўраганда ёзганим.

Айт, қандай шеър керак ўқимоқ-чун базмда,  
Сен ўзинг зўр шеърсан, зўр қўшиқсан, наздимда,  
Сен туғилдинг меҳнат учун чўли азимда,  
Марказий Фарғонаю Ўлка таъзимда:  
Боболар руҳига сиғин, синглим Фотима,  
Момолар изини соғин, синглим Фотима.

Сен эмасми оналарнинг тонгги поласи,  
Нелар кўрдинг, кел сўзлагил, меҳнат боласи,  
Вза гулларида қолган кўзинг жоласи,  
Эгатларга тўкилган қора сочинг толаси:  
Боболар руҳига сиғин, синглим Фотима,  
Момолар изини соғин, синглим Фотима.

Билакларинг толдиргандир зил бало кетмон,  
Чеккан заҳматингда йиғлар минг йиллик армон,  
Сен яратдинг бу дунёда энг баланд хирмон,  
Сен — Фарғона, Сен — Намангон, Сендир — Андижон:  
Боболар руҳига сиғин, синглим Фотима,  
Момолар изини соғин, синглим Фотима.

Қади зеболар кўркига ишонмагил, қўй,  
Хушрўй ҳаволар лафзига сен қонмагил, қўй,  
Мадҳу санолар кайфига қувонмагил, қўй,  
Юрт — маъволар меҳридан ҳеч тонмагил, қўй:  
Боболар руҳига сиғин, синглим Фотима,  
Момолар изини соғин, синглим Фотима.

Сен — Зухросан, Сенсан — Барчин, Сен — ўша Лайли,  
Лек, оздириб кетолмади ҳаётнинг майли,  
Сенга қисмат бўлмиш ёлғон муҳаббат сайли,

Бас қил, ўксима, дунёнинг шул экан зайли:  
Боболар руҳига сиғин, синглим Фотима,  
Момолар изини соғин, синглим Фотима.


Ўзбек заифаси, яша, ўзбек онаси,  
Сен бор, фаришталик юртнинг ҳар бир хонаси,  
Ҳар мусулмон ҳовлиларин сен парвонаси,  
Меҳрингдан унади юз минг чигит донаси:  
Боболар руҳига сиғин, синглим Фотима,  
Момолар изини соғин, синглим Фотима.

Қўлингга санчилар кузда ғўза чаноғи,  
Баҳордан қишгача йўқдир қайғу адоғи,  
Не-не деҳқонларнинг шундан қолмади соғи,  
Элардан чиқарми «Пахта иши»нинг доғи:  
Боболар руҳига сиғин, синглим Фотима,  
Момолар изини соғин, синглим Фотима.

Ойдин кеча пахтазорда ҳамроҳ бўлиб ой,  
Тўрт юз кило пахта терган онам Ўғилой,  
Тошхон эмасмиди далага чирой?  
.Лек, давлат кўп кўрди, афсус, эл бўлмади бой:  
Боболар руҳига сиғин, синглим Фотима,  
Момолар изини соғин, синглим Фотима.

Бу кун Сен — Ўрта Осиё тимсоли, синглим,  
Бу кун Сен — дардқаш Туроним мисоли, синглим,  
Бу кун Сен — Алпомиш элин аёли, синглим,  
Сенсан буюк Навоийнинг хаёли, синглим:  
Боболар руҳига сиғин, синглим Фотима,  
Момолар изини соғин, синглим Фотима.

Бошингга бахт бўлиб келсин Янги йил,  
Саодат шамоли бўлиб елсин Янги йил,  
Фотима эканинг билсин Янги йил,  
Сенга бир яхшилик қилсин Янги йил:  
Боболар руҳига сиғин, синглим Фотима,  
Момолар изини соғин, синглим Фотима.



*Барити  
бир  нир етди?..*



## БАРИНИ БИР УПИЧ ЕНГДИ...

\* \* \*

Дединг: «Хайр!»  
Дедим: «Тухта!»  
Дединг: «Нуқта!»  
Дедим: «Сабр!»...

## СЕНИНГ ЭРТАКЛАРИНГ...

(Т у р к у м)

### МОНОЛОГ

Севгимизнинг нишонаси деб,  
Берган эдинг бир қўшоқ гилос.  
Шунда бахтта офарин айтиб,  
Тақдиримга севинганим рост.  
Экмоқ бўлдим гилос кўчатин,  
Сен сув олдинг,  
Мен-чи белжурак.  
Жой кўрсатдинг,  
Мен-чи ковлайман.  
(Билмам, ёки кўнглинг овлайман?)  
Энтикаман ва оламан тин...  
Еҳу!  
Сеҳринг элитса керак!  
Экиб ҳам бўлдик.  
Юз ноз ила  
Кўзларимга тикилдинг шу вақт.  
Ҳей, упичлар!  
Сен севгига аҳд!!!  
Мана, уч йил.  
Учар қуш бўлиб  
Ўтди уч баҳор.  
Ўша гилос,  
У сирли гилос  
Эҳ, гуллаб қийғос  
Мева қилди!  
Сен қайдасан ёр?  
Юрагимга ўқ отган дилдор!  
Бизнинг севги гуллади-ю,  
Ҳатто, мева қилмади бир бор!..  
Менми, гуноҳкор?  
Йўқ!  
Шундоқ...  
Боларидай кўп гулни ўпдинг,  
Ишқи жинчиरोқ!  
Сендай,  
Сендай қуруқ гўзалдан  
Ўша,  
Ўша гилос яхшироқ!

## ЎПИЧ

Илк бўса!  
Бевош лабларимда таъминг қолмаган!  
Бевош кўзларимдан топмайсан сеҳринг.  
Бевошлигинг курсин!  
Сендай бевошни  
Фақат қарғамоқдан тилим толмаган!  
Ҳой, сарсон қилди-ку,  
Лаззатинг,  
Меҳринг!  
Тутантириқ бўлдинг,  
Ё бўлдинг учқун?!  
Иннайкейин ёқдим ишқдан аланга!  
Иннайкейин ишқим юксалди!  
У кун  
Муштдеккина қалбим сизмай оламга!!!  
Ахир,  
Орзуларим бағри кенг эди,  
Денгизмиди,  
Сўз йўқ эди мадҳига!  
Ахир,  
Орзуларим бағри кенг эди,  
Наҳотки,  
Барини бир ўпич енгди?..

\* \* \*

Йиллар ўтди қиё боқмасдан  
Туголмадим этакларидан.  
Тортиб олиб йигитлигимни  
Бериб кетди эртақларидан.

Бу кўчалар  
Ўша кўчалар...  
Ўпичларга

Ажиб хилватгоҳ —  
Аҳдга гувоҳ —  
Сокин кўчалар.  
Бир севгидан  
Оқин кўчалар.

Йўлим тушиб утяпман яна,  
Сен қайдасан, сочлари сунбул?  
Райҳонзорда кўринмас бўйинг,  
Ўсма қўйиб, дурранг дол қилиб,  
Кийиб олиб барқут нимчадан,  
Човра ости шўҳ ариқчадан  
Ишқим дея оқизмайсан гул!..  
Қувонч тўла қўнғироқ куйинг  
Эшитилмас отанг боғидан...

Ҳой, жон севгим,  
Унутмам асло!  
Сенинг дардинг  
Ҳаёт ишқидир.  
Ўша билан  
Шонли йўлдаман.  
Қадамимда осмон  
Мужассам!  
Қадамимда —  
Саҳроларга жон!  
Ниятим зўр,  
Касбим яхшилик!

Элни севган  
Эрларга дўстман!  
Йиллар ўтди қиё боқмасдан,  
Тутолмадим этакларидан.  
Тортиб олиб йигитлигимни  
Бериб кетди этакларидан!

## КЎНГИЛ

### БЕВАФО ИШҚИНИ ДЕЙДИЛАР ШАМОЛ

Юрагим қоврилди  
Қалб қозонида.  
Қалб ўчоқ эканми,  
Куйдирди дилни.  
Нафас тутун бўлиб кетар онид  
Оғиз, лабларимда қолдирди қурум.  
Аламдан кўзларим ёш тўкди юм-юм.  
Сўнгра,  
Қотди  
Икки қизиган тандир.  
Мерган киприк — куйган косов демай тур.  
Ахир,  
Удир,  
У-чи  
Ўтга тушган қил.  
Сўзлайин,  
Бардош қил,  
Йиғлама, кўнгил!  
Бахтинг қаро бўлсин демаган онам.  
Ҳайҳот!..  
Олтин бўлсин ушласанг тупроқ,  
Дея пешонамни силаган отам  
Ўтиб кетди воҳки, дунёдан...  
Ҳайрат, қайгуларим наҳот замбил-зил,  
Қуй, ўзни тўхтатил,  
Йиғлама кўнгил!  
Бевафо ишқини дейдилар шамол.  
Шамолнинг қисмати:  
Тортқилаш,  
Очиш...  
О, севги либосим у йиртиб, дарҳол,  
Яна бир гулшанга бошлади қочиш.  
Кетди,



У беҳаё!  
Унутдим.  
Негай?  
Мен шундоқ ўтмасман,  
Ўзгани кутай!  
Эвоҳ!  
Шамолдан сўнг келганда жала,  
Чанг,  
Тўзонларини ювганда дала,  
Булут орқасидан кулганда қуёш,  
Ёрим деб кутиб ол!  
Қалбига қўл сол!  
Бахтинг ёр бўлсин!  
Шодлан!  
Қувонгил!  
Эй, ошиқ кўнгил!!!

\* \* \*

Ярим кеча...  
Илҳом қийнарни  
Ярим кеча.  
Хушчақчақ эдим.  
Шеър етилиб зар кийинарни.  
Ярим кеча...  
Қўп чарчоқ эдим.  
Уйқу келди тоғ ели мисол,  
Уйқу келди вақтим ўғирлаб,  
Уйқу келди.  
О, мизғиб хаёл,  
Туш кўрибман:  
Сен ер бағирлаб,  
Дод соласан,  
Фарёд қиласан.  
Синган эмиш вафо дарахтим.  
Сочинг куйган,  
Сочинг юлинган.  
Юлинганмиш тақдиринг,  
Бахтинг!  
Зориллайсан...  
Ҳеч парвойим йўқ!  
Мен хиёнат майин ичибман.  
Ёр демоққа ҳечам ройим йўқ!  
Онт ичибман!!

Сендан кечибман!!  
Чучиб тушдим.  
Юрагим потраб,  
Шиддат забти билан шу маҳал,  
Тишга чиқдим:  
Тун сочин тараб,  
Тонг оқариб келарди хал-хал.  
Ёритгичлар жилмайиб сирдан,  
Йигит,  
«Бахтинг осмондай!» дерди.  
Қуёш олов итқитиб бирдан  
Ишқим тафтин кўрсатиб берди.  
Сени хор қилиб қўяманми,  
Сени зор қилиб қўяманми...

\* \* \*

Синамаган йигитга  
Синглим тушди ёр-ёр.

*(Халқ қўшиғи)*

О, Иқроор бўлдим  
Қўзларимда аччиқ ёш.  
Эски дарддан,  
Гуё ундан қутулдим.  
Сенга унаштирди,  
Бағрингмасми тош?

Қўша қариб кетмоқ  
Осонмиди ёр!  
Ахир,  
Умр йўли эмасдир яйлоқ!  
О, бу йўллар  
Зовур, чақир.  
Минг жар бор.  
Демак, бордир,  
Минг алам,  
Туман душвор!

Менга нотанишсан  
Нотаниш менга сеҳринг,  
Нигоҳинг!  
Билмам, ё парисан?  
Мени асрайдими  
Қўнглинг, даргоҳинг?!  
Гумоним йўқ  
Кирасан ҳаётимга!  
Оҳ, баъзилар  
Таъна қилсалар майли!  
(На чора,  
Шу экан дунёнинг майли?!)  
Эликиб,  
Қўникиб

Бору бисотга.  
Бахт йўлидан  
Юрамиз илдам-илдам!  
Сенинг  
Қалбинг тоза,  
Йўқ  
Зарра гўбор!  
Меҳнатда ёқамиз оловли севги!  
Ахир,  
Нелар келмас,  
Одам қўлидан?!  
Иқроқ бўлдим,  
Қўзларимда аччиқ ёш.

\* \* \*

Учрашардик ўтли ишқ аро,  
Гоҳо ойдин, гоҳо қора шом.  
Аччиқ-чучук сирли можаро  
Саҳаргача этарди давом.  
Сўнг уйингга кириб кетардинг,  
Қайтар эдим қўшни қишлоққа.  
Юрагимга гурур отардинг,  
Ишонч сизмас эди ҳеч ёққа!  
Йиллар ўтди...  
Қайданам бу кун  
Йўлим тушди маҳалланг томон.  
Жув-жув этиб баданим бутун,  
Юрак-бағрим ачишди ёмон.  
Жазманларинг менга қасд қилиб  
Пойлармикан бирор хилватда?  
Ҳе майлига! Ғайратим — олам!  
Мен қолмайман ёвга ғафлатга!

Вафо ботир қилармиш,  
Жафо-чи — қўрқоқ!

\* \* \*

Севишганда ёрнинг висоли ширин,  
Сал йироқ бўлганда оҳ-воҳи ширин.

Қўни-қўшнидан ҳам сўргани севинч,  
Хатто, тушга кириб тургани севинч.

Бирдан ташлаб кетса оқим сингари,  
Яна қайтиб келмас уларнинг бари!

Ўпичлар тилда-ю, нигоҳи дилда,  
Чеҳра рангпарлиги қолади гулда.

Алқисса, қалбингда ёнади армон,  
У сира тугамас, у жуда ёмон...

## УНУТИЛҒАН КҮЧА

Умрим утди шу кучани соғиниб...  
Ишқ отида,  
Умидлар қанотида,  
Қанча юрдим  
Шу кучага сифиниб...  
Йиллар кетди қоча-қоча.  
Қуюлдим,  
Улғайибман,  
Чикди эсдан  
Ёлғизгина,  
Жажжи қишлоқ куксидаги  
Бу куча!  
...Нечун, хаёл, шўхлигимдай учасан?  
Қандоқ,  
Тагин юриб қолдим  
Бу ердан?  
Нечун,  
Йўлим тушди  
Ўтган кунларга?  
Нечун босган изларимга қайтыпман?  
Юрак!  
Нечун,  
Ўқтин-ўқтин урасан?!  
Қулоғимга эртақ айтяпсан,  
Тўп тол!  
Қўзларимга сув беркитяпсан,  
Анҳор!  
Чалдевор,  
Қулоч кериб имляяпсан  
Ухлоқ ҳисларимни!  
Мен эмасман кечаги!  
Ҳасратларим ол!  
Ҳаётимнинг кулмиш  
Сулмас чечаги!

Йўлга чиқдим қуёш сари  
Бахтим қасдида!  
Сира алдаёлмас  
Чирой бозори.  
Сира энди, дўстлар,  
Кирмасман унга!  
Фақат, ҳозир,  
Фақатгина шул замон  
Мен тўхтаб пича  
Ҳунграб йигелайман  
Унутилган кўча —  
Севгим мозори,  
Бевош ёшлигимнинг  
Қабри устида!

## ОШИҚ СҮЗИ

Наҳот,  
Шундай бедаво ишқим?  
Наҳот, юрак тинчимас сира?  
Билармисан куйганлигимни?  
Бунинг учун недан ўч олай...  
Ё, ўзимни оловга солай...  
Ё, туфонлар остида қолай?

Қайга қўяй ўзимни, севгим?  
Кўзларимга олам тор бўлса,  
Сенинг ҳуснинг менга дор бўлса,  
Севган киши шунча хор бўлса,  
Бу дунёдан мен кета қолай?..

Қани энди унутмоқнинг иложи бўлса?  
Бу кўзларим кўрмаса сени?  
Яшай олсанг мендан йироқда...  
Яшай олсам сендан узоқда...  
Бедард ўтса ёруғ кунларим!  
Бедард кетган узун тунларим —  
Мазмун берса умримга дейман!

Дейману яна сени ўйлайман...  
Нега мендан кетасан йироқ?  
Мендан кўнглинг қолдими,  
Ё, қалбингга ларза солдими  
Юрагимнинг интилишлари?  
Кунлар ўтар, соатлар ўтар,  
Ҳар лаҳзада сени қўмсайман.  
Соғинаман, соғинчим ёмон —  
Куйдиради вужудимни у.  
Ҳар дам исминг айтиб пичирлайман:  
Шафқат айла, кўзимда яша,  
Кўзимдан кетма,  
Ошиқлигим **Ҳ А Қ Қ И !**



## ИНТИЗОРЛИК

Юрагимда қайнаб севги илҳомлари,  
Ўртанурман интизорлик оқшомлари.

Боғ кезаман сизмайин ҳеч бу оламга,  
Меҳрим тортмас ҳатто гуллар саломлари.

Қулоғимга майин еллар қанотида  
Чалинади айрилиқнинг мақомлари.

Билганимда бу йўлларга кирмас эдим,  
Бўлмас экан ошиқларнинг оромлари.

Ишқ қийнасин, майли дўстлар, бу ҳам бўлса  
Ҳар кишига табиатнинг инъомлари.

Юрагимда қайнар севги илҳомлари,  
Ўртанурман интизорлик айёмлари...

## ИШҚ

Тинчим тамом бўлди, ором йўқ танда,  
Лабларимда қотди шодлик ва ханда,  
Шундан буён оёқ-қўлим кишанда,  
Қайданам, оҳ сени кўрдим ўшанда;  
Мен қаттиқ севибмен, қаттиқ суйибмен,  
«Бошимни зўр ишга бериб қўйибмен»<sup>1</sup>.

Ҳар лаҳза тегрангда парвонаман, гул,  
Изма-из юраман, девонаман, гул,  
Пойингда хоксормен, остонаман, гул,  
Ҳасратинг туганмас, сўзонаман, гул,  
Ғам юкин юракда шунча уйибмен,  
«Бошимни зўр ишга бериб қўйибмен».

Эй ой, билгаймусен зарра мурувват,  
Порлоқ кўзларингда йўқмидир шафқат,  
Ҳижрон дафтарлари бўлди-ку қат-қат,  
Ўтда ўлмас мендек оламда фақат —  
Самандар дебману, ўзим куйибмен,  
«Бошимни зўр ишга бериб қўйибмен».

Қай кун оқшом боғда юрганинг кўрдим,  
Тулиқиб хаёлда турганинг кўрдим,  
Ағёр билан суҳбат қурганинг кўрдим,  
Қайдан ҳам кўрдим-а, нега ҳам кўрдим,  
Иккала кўзимни ўзим уйибмен,  
«Бошимни зўр ишга бериб қўйибмен».

Дил олган қора соч, қора қошларинг,  
Кўзимни қул қилган кўз талошларинг,  
Рашик ўтин ёқарлар дўст — сирдошларинг,  
Кўнглимга урилур таъна тошларинг,

<sup>1</sup> Чўпон сатри.

Не ёмонлик келса яхши йўйибмен,  
«Бошимни зўр ишга бериб қўйибмен».

Қанча алам ўтди, чидадим роса,  
Неча ганимлар-ла айлаб муроса,  
Сендан кечолмадим, палаги тоза,  
Яна сени дедим, қўнглимни эза,  
Меҳрсизлик аро чўқдим, пўйибмен,  
«Бошимни зўр ишга бериб қўйибмен».

Умрим кечсун сени сўраб-сўроқлаб,  
Ташлаб кетма энди юрагим боғлаб,  
Майлига маҳлиқо, Сен доғлаб-доғлаб,  
Бир вафо қил, сўнгра ўлдир қийноқлаб,  
Мен ошиқ жонимдин бугун тўйибмен,  
«Бошимни зўр ишга бериб қўйибмен».

## КҮНГИЛ ҚУШИ

Боғингизга бориб кўнсин —  
Дил қушим, кўнгил қушим.  
Сайрасин ул таъриф айлаб  
Бул кеча кўрган тушим.

Ул сўзласин қалб розини,  
Сиздадир ақлу ҳушим.  
На қилайки сизни фақат  
Ўйламак бўлди ишим.

Севганим сиз, қолмади ҳеч  
Сиздан ўзга ташвишим —  
Айрилиқ бағримни ўртаб,  
Беҳаловат турмушим.

Мунча қаттиқ бўлмасангиз,  
Фарқи йўқ ўзу қишим —  
Айтингиз, мақбул эмасдир —  
Қайси нобон қилмишим?!

Боғингизга бориб кўнсин  
Дил қушим, кўнгил қушим.  
Тилни тийсин ошиқ шоир,  
Унга ҳам берсин тўзим.

## БҮЗТҮРГАЙ

Осмондаги Бүзтүргай,  
Бүзламасанг на бүлгай?  
Дардларингни сен менга  
Сүзламасанг не бүлгай?

Осмондаги Бүзтүргай  
Бүзламасанг на бүлгай?  
Тузалмаган багримни  
Тузламасанг на бүлгай?

Осмондаги Бүзтүргай,  
Бүзламасанг на бүлгай?  
Ярим бүлган кунглимни  
Күзгамасанг на бүлгай?

Осмондаги Бүзтүргай,  
Бүзламасанг на бүлгай?  
Нишон каби күксимни  
Күзламасанг на бүлгай?

Осмондаги Бүзтүргай,  
Бүзламасанг на бүлгай?  
Куйган қул, деб сен мени  
Изламасанг на бүлгай?

Осмондаги Бүзтүргай,  
Бүзламасанг на бүлгай?  
Мен дардимни сүзласам  
Қуёш куйгай, ой куйгай.

## ПАРВОНАМАН

Суйганимга бадар қилма,  
Куйганимга назар қилма,  
Ўлганимга ҳазар қилма,  
Руҳимга ҳеч асар қилма,  
Мен ки битта парвонаман.

Ўзим келдим, ўзим кетдим,  
Ўзим билдим, ўзим битдим,  
Ўзим ўлдим, ўзим етдим,  
Ўзим севдим, ўзим айтдим,  
Мен ки битта парвонаман.

Мен урилдим чироғинга,  
Чидолмадим фироғинга,  
Чўғ тиқилди томоғимга,  
Кишан босдим аёғимга,  
Мен ки битта парвонаман.

Ёнди менинг зар қанотим,  
Умрим учар — тулпор отим,  
Муҳаббатдир бор ҳаётим,  
Қонга тўлди шеър-баётим,  
Мен ки битта парвонаман.

Етолмадим ойингга мен,  
Юзим босдим пойингга мен,  
Қўкрак тутдим ёйингга мен,  
Қоним тўқдим жойингга мен,  
Мен ки битта парвонаман.

Кел, ҳаққимга дуо айла,  
Ишқ савобин адо айла,  
Хох ер айла, само айла,  
Лек, йўлдошим худо айла,  
Мен ки битта парвонаман.

## САНАМ

Жон Санам, жонон Санам,  
Жонимда ҳар он Санам.  
Сен учун мен ёнаман,  
Мен учун сен ён, Санам.

Менга сен — имон Санам,  
Бу бошим осмон, Санам.  
Кўзларим йўлингда зор,  
Қилмагил гирён, Санам.

Сен тоза виждон, Санам,  
Чин башар, инсон Санам.  
Юракда ёлғиз — ўзинг,  
Қолмасин армон, Санам.

Сенсиз йўқ бу жон, Санам,  
Дил булмас шодон, Санам.  
Сенсиз менга на ҳожат —  
Бўзу Шаҳрихон, Санам.

Жон Санам, жонон Санам,  
Жонимда ҳар он Санам.  
Сен учун мен ёнаман,  
Мен учун сен ён, Санам.

## САЪДИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Берк эрди дарвоза, берк эрди ҳарам,  
Боғибондин бошқа йўқ эрди одам,  
Ким кирибдур бу чаманга, билмарам,  
Ким лабинг тишлаб кетибдир э, санам,  
Ким кўрибдур боғи лутфингдин карам.

Эҳтимол, ул ҳусн элин султонидир,  
Ё садоқат боғининг мардонидир,  
Ё муҳаббат ичра бир мўлтонидир,  
Бу қизил май ёки инсон қонидир,  
Ё сийёҳ томган киши чакмони нам.

Чақиб кўргил бу ҳодисот мағзини,  
Бошламасдан, маъшуқ-ошиқ баҳсини,  
Кимга келгуси ҳақорат «таҳсини»,  
Гул у ҳафта очмаганди оғзини,  
Пардасин ел йиртди бул кун субҳидам.

Эй муғанний, чалма танбур, қўйгил, бас,  
Бу қулоққа ёқмагай бир нағма, сас,  
Бода тутма, ўз-ўзимдин мен-ку маст,  
Қилмам энди шарбатин ичмак ҳавас,  
Бу идишдан шарбат ичган ўзга ҳам.

Ул гузални ёзгириб, қилма сўроқ,  
Нафратинг ҳам бўлмасин қайнар булоқ,  
Сен, Тулан, ёринг била бахтингга боқ,  
Саъдий, ўзга ишқ эшигин қоқ, бу боғ —  
Ичра ўтлабдир сурув қўйлар бу дам.



## ХУСАЙН БОЙҚАРО ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Парвардигор, не яратдинг мен каби дардди кишин,  
Тун узун бўлди бу кун ҳам тўлғониб чиқдим тагин,  
Тонг-саҳар гулзорга кирдим, англайин деб гул нишин,  
Сарви қаддинг ёдида нолам бийик, кўнглим хазин,  
Гул юзингнинг ҳасратидин иссиғ оҳим оташин.

Фироғ ўртар борлигимни, гурбатинг бўлмас адоғ,  
Ё жаҳаннам ичра тушдим, тортадирми қора чоғ,  
Жон олар бўлсанг нигоро, кел, ўзинг ол, бисмиллоҳ,  
Оҳу ҳажринг ҳамнафас, андуҳи шавқинг ҳам висоқ,  
Ёди васлинг ҳамсафар, дарду фироқинг ҳам нишин.

Сен — ҳаётим, ўзлигимсан, қай борай кўнгул уза,  
Бора-бора телба ўлдим, қўмсагайман кун уза,  
Кўзда ашким шашқатор, тўқилур сориг юза,  
Нуқтадур ё холи мушкин, ул лаби майгун уза,  
Ё анга ўхшарким, қўнғай шаккар устига чибин.

Изларингдан бу оламини кезиб юргум пиёда,  
Кўрсам дея умид айлаб ерда, ўру қиёда,  
Тўлан, сендан ўзга ошиқ сира кўрмам зиёда,  
Ёр васлидур Хусайнийнинг муроди дунёда,  
Сен муродига еттургил, ё илоҳал оламин.

## АДИБ СОБИР ТЕРМИЗИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Ҳажрингда кўнгли тормен, боиси — Сен,  
Телба дебсан, иқрормен, боиси — Сен,  
Хорлар ичинда хормен, боиси — Сен,  
Сочингдай беқарормен, боиси — Сен,  
Кўзингдек бадхумормен, боиси — Сен.

Соғинтирдинг дилоро, жигарим — қон,  
Сенсиз мен мотамсаро, кўнгул вайрон,  
Ҳар сўзингдан дил яро, минг пушаймон,  
Замонамдек эурсан аҳди ёлғон,  
Замонда хору зормен, боиси — Сен.

Овозанг бор ошиқлар суҳбатида,  
Иззатинг бор кўнгилларнинг қатида,  
Мен яшармен кокилинг чимматида,  
Юзинг васфи ҳисобсиз, ҳасратида,  
Ҳисобсиз ғамга ёрмен, боиси — Сен.

Югурдим қўяй, деб бошингга кўксим,  
Талпиндим босай, деб қошингга кўксим,  
Урулди меҳрсизлик ёшига кўксим,  
Тўлибдур кўзимнинг ёшига кўксим,  
Кўрарга бир хумормен, боиси — Сен.

Не тақдирки, қалбимнинг чоки Сендан,  
Кўзимнинг қораси-ю, оқи Сендан,  
Билгил, Тўлан Низомий хоки Сендан,  
Хабарсизликда мен ҳаттоки, Сендан,  
Хабарсиз бемадормен, боиси — Сен.

## МУҚИМИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Хабар олғил, тийғи ишқдин мен бугун вайронаман,  
Кулбам сори қуйғил қадам, сенга зор остонаман,  
Не қилай, ҳайронаман, ўзлгимдин тонаман,  
Ақлу хуш учди бошимдин, эй пари, девонаман,  
Бир иложе қил, эр ичра бўлмайин афсонаман.

Не сўзлармен, билолмасмен, куйиб доғи аламдин,  
Қон сирқираб томар бўлди жигаримда бу ғамдин,  
Жон қичқирур кетойин, деб вужудимдин, танамдин,  
Дарду сўзу ашқу оҳимни қиёс эт шаъмдин,  
Шомдин то субҳидам ҳажрингда ўртаб ёнаман.

Тушга кирсанг ўқсиб-ўқсиб тўхтамасдан йиғларам,  
Тўлқун урган сочларингни мен бўйнимга боғларам,  
Кўзни очсам, яна баттар куйдиросан, эй санам,  
Ул замонеким, йироқ васлингдин ўлдим, тобу дам,  
Ҳар кеча ёдингда минг йўл уйқудин уйғонаман.

Оҳ, вовайло, ёшлик ўтди, қади-қомат қолмади,  
Тақдиримда не ёзуғлик, бахту омад қолмади,  
Йўлларингда қуюн эрдим, энди ҳолат қолмади,  
Лаҳзае захри ғаминг ютмакка тоқат қолмади,  
Нўш этиб васлинг майидин ҳам қачон бир қонаман.

Телбараб қолдим мана, учди бошимдин билим,  
Таъна топи ёғди селдай, узилди кўнгул қилим,  
Қоврулурман, соврулурман, оятга келмас тилим,  
Хома мужғон, кўз қаросидин ёзиб рози дилим,  
Арзое қилдим эшит, маъюсу муштоқонаман.

Ўлсам девдим, умрим тугаб, қазои вақти етиб,  
Йўқ, юракни бермакдамен, унга мен қурбон этиб,  
Парвардигор қўйганмудур манглайимни шўр битиб,  
Оҳким, сенсиз қарору сабру оромим кетиб,  
Бир илон чоққон кишидек ҳар тараф тўлғонаман.

Арзим эшит, Турон элим, онам, Ўрта Осиё,  
Менга кун йўқ, шунча торму еру кўкнинг тоқи ё,  
Ишқ эрди-ку кўзларимнинг қорасино оқи-ё,  
Навбати жомим тўла қўйғил, карамдин, соқийё,  
Хар қадамда жо қилай юз лағзиши мастонаман.

Асло сендан айрилмадим, қанча қилсанг интизор,  
Ўзга юртни этмадим мен, Тўлан Низом, ихтиёр,  
Андижондан кетмадим ҳеч, меҳрибоним қайда бор,  
Мудки Ҳинду Марвдин келсам топардим эътибор,  
Шул эрур айбим, Муқимий, мардуми Фарғонаман.

## ФУРҚАТ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Ёлғиз бу ҳаётим қолди қўлингда,  
Билмадим борманми сенинг кўнглингда,  
Парвона бўлибман ўнг ва сўлингда,  
Туруб ҳар эрта жононим йўлингда,  
Оқарди чашми гирёним йўлингда.

Қай кунки, кўзим кўзингга тушди,  
Киприklarим уйқуни тарк этишди,  
Қайгу, ғамлар бир-биридан утишди,  
Фалак узра малакларга етушди,  
Сенга етмасму афғоним йўлингда.

Қовруларман ишқимни билмагингдин,  
Кўра туриб раҳм-шафқат қилмагингдин,  
Истиғнодан бағримни тилмагингдин,  
Муродим қатлим эрса келмагингдин,  
Фидодур бир қошиқ қоним йўлингда.

Улусдан тингламайман васфингни мудом,  
Ҳасрат-надоматда бўлмадим тамом,  
Тобора кучайди умидим беном,  
Ғубори тавсанингдин танда ором,  
Чиқарди йўқ эса жоним йўлингда.

Ҳижрон телба қилди, бўлибман дардқаш,  
Лабимда ханда йўқ, жисмимда оташ,  
Кўзимдан оқар ёш, ақлим ҳам сарқаш,  
Маломат тошидин бўлдим мунаққаш,  
Чу Мажнун жисми урёним йўлингда.

Алашим, армонларим дилда қат-қат,  
Демоққа элга келди ушбу фуреат,  
Тулан, ошиқ эрсанг садоқат кўрсат,  
Ғар ўлсам интизоринг бирла, Фурқат,  
Ётар жисмим мени, жоним йўлингда.

## ҲАЗИНИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Соғиниб тинди кўзим, ҳайрона тонг отгунча,  
Қўксимдин қонлар сочиб ҳар ёна тонг отгунча,  
Бу ёруғ жаҳон мисли зиндона тонг отгунча,  
Ҳижрон ўтига бағрим сўзона тонг отгунча,  
Ўртаб юрагим, бағрим бир ёна тонг отгунча.

Дил синди, қалбим яро, тунлари ётолмайман,  
Фош ўлдим олам аро, ҳар сори кетолмайман,  
Тақдирим, бахтим қаро, дафтарга битолмайман,  
Мен Вомиқу сен Узро, васлингга етолмайман,  
Ҳар кеча қароргоҳим остона тонг отгунча.

Дунё борича борсан, сен — қўйнимда туморим,  
Сени деб кўз очганман, ўзинг аҳду қарорим,  
Куяр ўтда бу жоним, ўзлимим, номус, орим,  
Раҳм айла бу ҳолимга, эй кўзлари хумморим,  
Ҳажрингда бу кўнгиллар вайрона тонг отгунча.

Ошиқ ўлдим, ишқ аҳли кўрмаган мисолимни,  
Сенки, эй парвойи йўқ, билмайсан аҳволимни,  
Юрак санчиб қоладир, тортурсан, уволимни,  
Ҳеч кимга деёлмайман арз ила бу ҳолимни,  
Қонга жигарим тўлди гирёна тонг отгунча.

Оҳ урсам боғлар куяр, ҳасратим аён айлаб,  
Йиғласам, қон йиғлагай тоғлар ҳам забон айлаб,  
Еткурса, изинг ўпсам қанийди имон айлаб,  
Хилватда агар кўрсам, арзимни баён айлаб,  
Сен бирлан бўлай анда ҳамхона тонг отгунча.

Келар бўлсанг, нигоро, Низомийга хабар қил,  
Кел, жафога ғорат сол, сен ишқда бир самар қил,

Сочингни қўлга кишан, ё белимга камар қил,  
Оқшомда жамолингни бир лаҳза муат гар қил,  
Айтай сенга ҳолимни, парвона тонг отгунча.

Сендек гули тожим йўқ, ҳар гўшада йиғларман,  
Сенсиз дил хирожим йўқ, ҳар гўшада йиғларман,  
Сенсиз ёр, ривожим йўқ, ҳар гўшада йиғларман,  
Найлайки иложим йўқ, ҳар гўшада йиғларман,  
Тор ўлди Ҳазинийга Фарғона тонг отгунча.

## МУҚАДДАС РУҲ

Муқаддас руҳ, покиза хаёл,  
Ўчмас севги, имон, эътиқод.  
Сиз Гулисиз, қўл етмас ҳилул,  
Сизни деди Алишердай зот.

Юракларни йиғлатган сизсиз,  
Сиз эмасми надомат, армон.  
Гурур нима қийнатган сизсиз,  
Сиз чеки йўқ ҳасрат ва ҳижрон.

Сиз мардона, нажот барорсиз,  
Лек билмайсиз зарра бир ҳиммат.  
Ўлимларга тикка борарсиз,  
Сиз жаҳонда ғолиб муҳаббат.


Бу дунёга келгансиз асли  
Лайли бўлиб, Ширин бўлиб Сиз.  
Сизнинг билан яшнар ишқ фасли,  
Сиз гўзаллик шоҳисиз ёлғиз.

Қора тупроқ бағрига олди,  
Фарҳод, Мажнун қайда, эй оллоҳ.  
Вафога зор, интизор қолди  
Алишернинг буюк қалби, оҳ.

Маконингиз мангулик жойда,  
Интилади Сизга бу борлиқ.  
Сиз яшайсиз қуёшда, ойда,  
Номингиз — нур, энг олий ёрлиқ.

Келинг энди, жон Муҳтарама,  
Навбат менга, беринг оғуни.  
Умрим бўйи мен ахтараман —  
Сиздай Бахтни, сиздай Қайғуни.





## ЧЎЛПОН

Достон

УЧАР ЮЛДУЗ

Учар юлдуз  
Учди қаён...  
Қаёнлиги  
Кимга аён?  
Ким ҳам кўрди,  
Билди ким ҳам,  
Қайга кетди.  
Қаро кийган  
Мотамсаро —  
Ухлоқ кўкни  
Ҳайрон этди.  
Осмон билмас,  
Само билмас,  
Билармикан  
Йиғлоқи ой.  
Сонсиз юлдуз  
Кўрмадими,  
Кўрса ҳамки  
Ким экан, деб  
Сўрмадими?  
Айта қолгил,  
Бемаҳал тун,  
Ахир, сенинг  
Сирли бағринг  
Ҳамиша хун.  
Дарёлар жим,  
Сойлар сокин,  
Боғлар хазон,  
Куз заъфарон.  
Олам чексиз,  
Сирларга кон.

Учар юлдуз  
Учди қаён...  
Қаёнлиги  
Кимга аён?  
Уни излаб  
Юраклар қон...  
Куяр имон...  
Ер биларми,  
Ер сўзласин,  
Берсин хабар.  
Билганлару  
Билмаганлар  
Ҳам бўзласин...

#### САДО

Мен вафо бўстонида севгувчи жон эдим, дўстлар,  
Бир нузли рухсора деб жигари қон эдим, дўстлар,  
Дилда ўт, қайноқ юрак, тоза имон эдим, дўстлар,  
Миллатимга, тилимга шеъри қалқон эдим, дўстлар,  
«Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар».

Япроқ янглиғ узилдим, қаро тақдир эмасми бу,  
Тилларимни кесдилар, менга таҳқир эмасми бу,  
Боғланди оёқ-қўлим, доғули даҳр эмасми бу,  
Виждоним бут ҳам ҳалол бир мусулмон эдим, дўстлар,  
«Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар».

Сен нега шодонсан деб кулгуларимни олдилар,  
Ерга сизмас, оташин туйғуларимни олдилар,  
Қаламимдан тўкилган қайғуларимни олдилар,  
Юртга виждон, халққа руҳ, элимга шон эдим, дўстлар,  
«Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар».

Ғанимнинг ўзлиги не, кўҳна тарих бир сўзласин,  
Мир Алишер шеър айтсин, жумла жаҳон бир бўзласин,  
Темур келсин, лашкарлари ёғийни бир тузласин,  
Аждодларим ким, дея бошим осмон эдим, дўстлар,  
«Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар».

Оталар ҳам оналар кўзларни ғамдан ёшлади,  
Иффат боғин қизлари сочвонни ўтга ташлади,  
Бехайё, шармандалар, қузғунлар бунда қишлади,

Ҳақ шудирки, ўзимга бек, ўзимга хон эдим, дўстлар,  
«Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар».

То азалдан ифтихорим — эзгу гулни юлди улар,  
Илму ҳунар бизда хўп, нодон экан, кулди улар,  
Ўғри, қаллоб, фирибгар, чиндан гадо бўлди улар,  
Ош серобу нонга кон, донга хирмон эдим, дўстлар,  
«Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар».

Ишқ ичра мен адашдим-а, интизор қилди ўшал,  
Ваъда айлаб нечалар, сўнг ҳокисор қилди ўшал,  
Мажнун сиққан оламни бир менга тор қилди ўшал,  
Шу боисдин йиғларам, унга қурбон эдим, дўстлар,  
«Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар».

Тўғри сўз айтсам агар, ҳар не ёмонга йўйдилар,  
Кеча-қундуз доимо йўлимга қопқон қўйдилар,  
Дўстларим душман экан, икки кўзимни ўйдилар,  
Чунки мен мажлис аро аччиқ забон эдим, дўстлар,  
«Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар».

Юрагимда ўқ отган айниган бу замон бўлди,  
Оқил<sup>1</sup> ҳамда Усмоҳон<sup>2</sup> нега улар томон бўлди?  
Ким ўзлигин истаса, рангу рўйи сомон бўлди,  
Кишвар бу хил ишидан жуда ҳайрон эдим, дўстлар,  
«Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар».

#### ARC SAO

Қайдин келур бу мунгли садо,  
Вужудимни титратур, эвоҳ.  
Тилсиз ердан чиқарми нидо,  
Тинчим олур безовта арвоҳ.

Чирпирайсан теграмда, э руҳ,  
Қайда кездинг, сенки бемозор?  
Қайда ўша жувонмарг гуруҳ?  
Барин сўзла, не сиру асрор?

---

<sup>1,2</sup> Шоир ҳақида бўхтон мақола ёзган кишилар.

Қани Фитрат, Отажон Ҳошим<sup>1</sup>  
Қодирийни кўрмадингми, айт?!  
Оқар ёшим, тугар бардошим,  
Ёдга тушса ўзинг ёзган байт:

«Эркин-эркин ҳаволарни қучғувчи,  
От чопганда учар қушни тутқувчи,  
Учар қушдай ёш йигитлар қаерда?  
Тоғ эгаси — сор бургутлар қаерда?»

Чироғимга тикиласан бир...  
Яқинимга келиб мунғайиб.  
Наҳот, мендан топасан ҳузур,  
Ахир, сенсиз қолдим сарғайиб.

Шеърингни ёд олганим учун  
Қарздорман, узаман мен ҳам.  
Қўз очасан сўзимда бир кун,  
Тириласан, агар ўлмасам.

Сени асло билмаганлар бор,  
Қўзларига илмаганлар бор.  
Чўпонфуруш ҳаммаси ҳам хор,  
Билиб туриб қилмаганлар бор.

Қулоғимда тугамас садо,  
Юрагимни кемирар алам.  
Ҳасратларинг бўлмайди адо,  
Дунёда йўқ шоирга қарам.

Овозингдан сесканиб, излаб,  
Титкилайман йиллар қатини.  
Қўз олдимда турибсан бўзлаб,  
Кел, ўқийлик умринг хатини.

---

<sup>1</sup> Ғуруҳ — халқ душмани аталиб қатағон бўлган адиблар.

Минг тўққиз юз иккинчи йил. Андижон,  
Қаҳратон қиш оч бўридай увиллар.  
Қора совуқ кезар, қутирар бўрон,  
Чинорлар ағнайди, толлар чийиллар.

Чошгоҳ. Булут босди ёруғ оламни,  
Даҳшат гирдобиди Бобурий шаҳар.  
Мириқиб ухласин дебон боламни,  
Она уйғонганди қировли саҳар.

Ота тишга чиқди, болалар уйнар,  
Иссиқ сандал узра қий-чув, тўполон.  
Кимдир йиғлар, кимдир кулар-да қувнар,  
Сулаймон<sup>1</sup> оиласи жўжабирдай жон.

Абдулҳамид ухлар ҳужрада ёлғиз,  
Чақмоқдай шиддатли тўрт ёшли бола.  
«Бувижон, эртакни узоқ айтдингиз,  
Қолди набирангиз уйқуси чала».

Шундай дея Ойша бир оз суйканди,  
Шу он гумбурлади ва тебранди ер.  
Қулоқ битди, кўз тинди, бош айланди,  
Эр-хотин югурар, додлар, болам дер.

Гичирлаб қулади нураган ҳужра,  
Ёш Ҳамид бошига йиқилди бир синч.  
Қон кетар, ёрилди бош суяк ичра,  
Болакай ётибди ўлик каби тинч.

Э аттанг, бу бошга наҳот синч тушди,  
Э номард тасодиф, э аччиқ тақдир.  
Яна кўнглим куйди, яна туташди,  
Доно ҳам, нодон ҳам сенга бари бир.

Бу бошда нелар бор, биларми эдинг,  
Оҳ, тақдир, тегди-я унга гавронинг.  
Бу бош қисматида нималар кўрдинг,  
Жароҳат еди-ку, борми виждонинг?!

<sup>1</sup> Сулаймон — Чўлпоннинг отаси.

Ана, азоб чекиб бола тўлғонар,  
Ота-онасига ўтадир қадри.  
Хаёлин бошқадан ўзи қизганар,  
Руҳида туғилар битажак сатри:

«Бошқада қанот бор, кўкка учадир,  
Шохларга қўнадир, боғда яйрайдир.  
Сўзлар садафдек... товуши найдек,  
Қуйи бор... уни-да деворлар тинглар».

Устма-уст қалди роқ бошланди яна,  
Ерни безгак тутар, сигмас дод-фарёд.  
Чуқур-чақирларда қайнар пўртана,  
Шаҳарда бутунлай бузилди ҳаёт...

Ер чўкди, дил чўкди, одамлар чўкди,  
Бу қандай қаро кун, ўсди мазорлар.  
Дуркун авлодларни тутдайин тўкди,  
Тирикларга қолди ғамлар, озорлар.

Зирқираб ёрилди она ер кўкси,  
Ютиб юборгудай имлар жарликлар.  
Нодира арвоҳи йиғлайди ўксиб,  
Йиғлар Қатортерак, қораёрликлар!

Чуқур ёриқлардан тошчалар отди,  
Кўкда ўчи бордай бу кекса замин.  
Мудҳиш манзарадан мавжудот қотди,  
Ҳамидга паноҳ бер, илоҳо омин!!

Неча кун, неча ой ўтиб орадан,  
Абдулҳамид турди аста оёққа.  
Ота хурсанд бўлиб умри боридан,  
Етаклай бошлади уёқ — буёққа.

Алғов-далғов бўлиб бола хаёли,  
— Дадажон, не бўлди, дея сўрайди.  
— Мунчалар харобдир Андижон ҳоли,  
Одамлар кўз ёши дилин тирнайди.

Вайрон кучалардан утаркан бола,  
Таниш ҳовлиларга ташларкан назар,  
Куксидан отилар бир дод, бир нола,  
Дустларин топмайди излаб, алҳазар.

Кўз ёши симобдай куксига оқар,  
Ота дер: йиғлама, яхшилиқ тила.  
Ёш Абдулҳамиднинг сўзига боқар,  
Унинг юрагида кўрар зилзила.

Дадажон, кетайлик, уйнамайман, йўқ,  
Юрагим сиқилур, отилмоққа шай.  
Дустларимсиз энди қувнамайман, йўқ,  
Йиғлоқи бувимдан эртақ эшитай...

#### КАМПИР ЭРТАҚЛАРИДАН

Бувижоним, келингиз,  
Эртақ айтиб берингиз.  
Гуруғли, Алпомишни,  
Аваз ҳам Кунтуғмишни  
Ўрганиб олдим роса,  
Айтингиз яна қолса.  
Мардлигу ботирликдан,  
Ҳар ишга қодирликдан —  
Тугамас бир ҳикоя,  
Сўзлангиз менга, дея  
Ҳамид хаёлга толди,  
Кампирни гапга солди.  
«Бундай бадбахт кунларда,  
Қоп-қоронғу тунларда  
Сенга не айтай, болам,  
Ичимга сизгмас нолам.  
Сен юнанчим, ўғлоним,  
Сенсан жону жаҳоним,  
Эртақни бошлай, майли,  
Ғамимни ташлай, майли.  
Бор экан-да, йўқ экан,  
Оч экан-да, тўқ экан,  
Андижонда битта қиз  
Ўлгудайин шўх экан.



Исми Ёрқиной<sup>1</sup> экан,  
Ўн беш кунлик ой экан.  
Сойдай шарқироқ экан,  
Бахти ярқироқ экан.  
Ширин экан тиллари,  
Қора сочин қиллари  
Белда тўлғонар экан,  
Саҳар уйғонар экан.  
Отаси Ўлмас<sup>2</sup> ботир  
Ҳар ишга экан қодир.  
Ўзи саркарда бўлиб,  
Кучу қудратга тўлиб,  
Халқни азоблар экан,  
Ҳаммани бошлар экан.  
Могу мулки зиёда,  
Ҳовли жойи озода.  
Катта экан боғи ҳам,  
Малайлардан бир одам —  
Еш йигит — оти Пўлат<sup>3</sup>  
Ишларкан қилиб ғайрат.  
Уни севар, Ёрқиной,  
Ўзига бериб чирой.  
Пўлат ҳам севар эди,  
Улар бир кун панд еди.  
Туришганда боғда шод,  
Отаси кўрди, ҳайҳот.  
Ўлмас қилиб хулоса,  
Пўлатни сўқди роса:  
«Сен ҳаромхўр, сен ифлос,  
Иш қилмадинг менга хос,  
Қизимга жазман бўлдинг,  
Текин овқатдан тўйдинг».  
Шунда Ёрқин кўз ёшлаб,  
Ўзини ерга ташлаб:  
«Дада, калламни олинг,  
Танамни гўрга солинг,  
Мени йўқотинг, майли,  
Ўлай севгим туфайли».  
«Ҳа, мен қотил эмасман,  
Сенга бир не демасман.  
Пўлатни ўлдираман,  
Гул каби сўлдираман.»

1.2.3 — Чўлпоннинг «Ёрқиной» драмаси қаҳрамонлари.

«Айт, кимни ўлдирасан?  
Гул каби сўлдирасан?  
Энди бўлдим кўп хуноб,  
Ҳей, тўхта, бергил жавоб!  
Айт, қайда менинг отам?  
Қўлларимда ойболтам...  
Тошиб бер, ҳой одамхўр,  
Хў ёнғоқ остида гўр  
Кимники, сўйла, қотил?  
Нега жимсан, борми тил?  
Айт, бу суяк кимники?!  
Отам ҳам акамники...  
Гўр ичидан олдим, деб,  
Бу халтага солдим», деб  
Пўлат халтани очди,  
Ботирнинг ақли қочди.  
Шу он Ерқин югурди.  
Пўлат қошида турди.  
— Пўлат ака, нима бу?  
— Буми, бошимда гулув.  
— Сўзланг, аниқроқ билай?  
— Айтганча бағрим тилай...  
Дадангиз Ботир баттол  
Оиламни бемалол  
Қириб ташлаган экан,  
Хунар ҳашлаган экан.  
Отам бошлиқ ҳаммани,  
Ҳатто қари аммамни  
Отган экан шу уйда.  
Сўнгра ўзи қўрқувда —  
Хув жойга этиб қўймиш,  
Уни ўрага йўймиш...  
Ерқин шунда тутақиб,  
Қўзларидан ёш оқиб,  
Дер: «Не учун? Тез сўйланг?»  
«Э Ерқиной, бир ўйланг,  
Отам ёлғиз қизини,  
Порлаган юлдузини  
Бермабди, кирмай сўзга,  
Қари амакингизга...  
Мен эсам қулман бунда,  
Еган-ичганим шунда  
Отам қони эмасми,  
Онам жони эмасми?...»

Кампир тин олди пича,  
Ой огди ярим кеча...  
Кампир сўйлолмай қолди,  
Шу ерда ҳоли толди.  
Кўзларига ёш келмас,  
Нима дейишин билмас.  
Ҳамид дер, эна, эна,  
Айтасизмидир яна?  
Охири нима бўлди,  
Ким қолдию ким ўлди?  
Сўзлаб беринг ҳаммасин.  
Йўқ, дер кампир олиб тин,  
Уйқу хоҳлайди кўзинг:  
Қолганини сен ўзинг,  
Қанча бўлса ҳам қийин,  
Тўқиб оласан кейин...

## МУТОЛАА

### I

Кунларни кўзга илмай,  
Йиллар утади елдай.  
Умр утганин билмай,  
Сандал ёнидан жилмай,  
Саъдийни ёд олади,  
Тонгда ухлаб қолади.

Ҳофизни ўқир аъло,  
Навоийга мубтало,  
Фузулий зўр тасалло,  
Мажнун ишқи бир баю.  
Бедилни ёд олади,  
Тонгда ухлаб қолади.

Низомийни билар у,  
Ўз бағрини тилар у,  
Худодан чин тилар у,  
Кўзига ёш келар у, —  
Бобурни ёд олади,  
Тонгда ухлаб қолади.

Олар Рудакий дарсин,  
Ҳайём рубоий тарзин,  
Жомий қилар шеър баҳсин,  
Узайин деб эл қарзин,  
Машрабни ёд олади,  
Тонгда ухлаб қолади.

Нодира, деб шону шаън,  
Йиглар Насимий билан,  
Кулар Муқимий билан,  
Фурқат билан жону тан.  
Румийни ёд олади,  
Тонгда ухлаб қолади.

Ой кетганида ҳориб,  
Юлдуз ёнур қизориб.  
Шеър битур юрак ёриб,  
Нажот сўраб, ёлвориб,  
Лутфийни ёд олади,  
Тонгда ухлаб қолади.

## II

Тонгда бир юлдуз учиб,  
Хаёл андоза бичиб,  
Юрак ўзидан кечиб,  
Шеър ҳам битди қон ичиб...  
Сўнг чиқди хаёл қучиб:

Учар юлдуз  
Учди қаён...  
Қаёнлиги  
Кимга аён...  
Осмон билмас,  
Само билмас,  
Билармикан  
Йиглоқи ой?..

Чуқур уйларга ботди,  
Юлдузлар бориб ётди,  
Зухро карашма отди,  
Юракда ишқ уйғотди,  
Пичирлаб сўзлар қотди:

Мунча порлоқсан, Чўлпон!  
Мунча чақноқсан, Чўлпон!  
Ҳижрон, фироқсан, Чўлпон!  
Сен нега тоқсан, Чўлпон!  
Менга ўртоқсан, Чўлпон!

## АРАЗ

### I

Чўлпон эрта чиқиб кетди қаёққа,  
Сойгузарми, чойхонами ё боққа?

То тонггача ухламади болажон,  
Татар домла келган эди кўп фиғон.

Қаён кетди, деб ҳадикда онаси,  
Ёш Чўлпондан аразлаган отаси.

Ўз ўғлини кўрарга ҳеч кўзи йўқ,  
Қанча бўлди, унга ширин сўзи йўқ.

Бойси шу — Чўлпон халққа оғармиш,  
Халқим, дея бағридан қон томармиш.

Ота тутган йўлдан у бормас эмиш,  
Унга ҳамма ўғлингиз ўжар, демиш.

Отаси-ку шаҳарнинг чўнг баззози,  
Чўлпон уни қилмоқчимас норози.

### II

Халойиқ тўпланган. Кўрсатиб карам,  
Ўрта ёш бир имом сўз айтиб қолди:  
«Азизлар, гайридин мана бу одам  
Мусулмон бўлмоқни бўйнига олди.

Тушида кўрибдур Каъбатуллони,  
Пайғамбар сўзини эшитган эмиш.  
Пул тўплаб берайлик, йўли худони,  
Ахир, осон эмас ҳажга бир борин».

Ўртада ўтирган бақалоқ киши  
Аста разм солди зимдан барчага.  
Бароқ мўйлов, кўк кўз, кемшик тиши,  
Ўйлар: мусулмон бўлдими-а, ақчага.

Шул замон ўртага отилди Чўлпон,  
Ёввойи куч билан ҳайқириб деди:  
«Нега керак сизга янги мусулмон,  
Ўша пулни элга берсангиз эди?!

Оч-яланғоч ётар болаю чақа,  
Аталага оғзи тегмаган қанча.  
Шундай аянч ҳолда бу иш қанақа?»  
Шеър ўқиб юборди қаҳри келганча:

«Сенинг қаттиқ сир-бағрингни кўп йиллардир эзганлар,  
Сен безсанг-да, қарғасанг-да кўкрагингда кезганлар,  
Сенинг эркин тупрофингда ҳеч ҳаққи йўқ хўжалар,  
Нега сени бир қул каби қизганмасдан янчалар?  
Нега сенинг қалин товшинг «кет» демайди уларга?  
Нега сенинг эркли кўнглинг эрк бермайди қулларга?  
Нега тагин танларингда қамчиларнинг кулиши?  
Нега сенинг турмушингда умидларнинг ўлиши?»

Шул замон анжуман бирдан музлади,  
— Беодоб бўлибди, — деди аллаким.  
Оғзига келганин ҳар ким сўзлади,  
Сўнгра мажлис аҳли бўлиб қолди жим.  
Ўртага чиқиб дер Сулаймон баззоз:  
«Ўғлим хато қилди ҳам катта гуноҳ.  
Авф этинг, улуғлар, тўхтанглар бир оз,  
Бу менинг айбимдир, кечирсин Оллоҳ».

Ўйда Сулаймонқул ўғлини сўқди:  
«Мунча аҳмоқ бўлдинг, шеър ҳам айтдинг боз».  
Ота норози сўз-гапларин тўқди,  
Чунки ўзлари ҳам шоиртаъб бир оз.

Шу пайт чақириб кимлардир келди,  
Отага айтдилар, равшан бўлди сир.  
Ўй тинтув қилинди, Чўлпон ҳам билди,  
Неки бор — дафтарга хатланди бир-бир.

— Буларга тенгманглар, — деди рус одам —  
Уни-да ҳалироқ олиб кетамиз.  
Биз ёзиб чиқайлик қўшнингизни ҳам,  
Ҳаммасини тўплаб бир ҳал этамиз.

Ота дер, ўғлига: яширсак, олмас,  
Кейин яраб қолур бир коримизга.  
Чулпон дер: «Сўнг менга ҳеч ишонч қолмас,  
Қўйинг, кун ҳам ўтар йўқ-боримизга».

Шунда Сулаймонқул деди ғазабда:  
Ота сўзларини қилмаган ўғил.  
Ёш умринг ўтмасин яна азобда,  
Умидим узилди, оғриди кўнгил.

Абдулҳамид кўзи ёшларга тўлди,  
Барча дафтарларин халтага солиб,  
Оналари билан хўшлашиб бўлди,  
Уйдан чиқиб кетди бошини олиб.

#### УЛАР КИМДИР

Билиб-билмай йўл солгонлар,  
Ноҳақликка ҳақ олгонлар,  
Ёмонликка тақалгонлар,  
Худо билсин, қўл олгонлар,  
Эҳтимолки, сотилгонлар,  
Билармикан отилгонлар,  
Улар кимдир, улар кимдир?  
Душманлардир, ғанимлардир.  
Халқ душмани эмиш Чулпон,  
Мафқурасида бор нуқсон,  
У миллатчи, хира иймон,  
Дея жавлиб қанча нодон,  
Зур шоирни қилди қурбон...  
Ўзлари ҳам сўнг пушаймон...  
Улар кимдир, улар кимдир?  
Душманлардир, ғанимлардир.

«Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир,  
Халқ исёндир, халқ оловдир, халқ ўчдир.  
Халқ қўзғолса, куч йўқдирки, тўхтатсин,  
Қувват йўқким халқ истагин йўқ этсин».

Ушбу шеърки улка кезар,  
Ўқигонлар багрин эзар,  
Асил орзу гулин узар,  
Дўст қувониб, ёвлар тўзар,  
Тенгларидан ҳар кун ўзар,  
Тухматчилар йўлин тўсар,  
Улар кимдир, улар кимдир?  
Душманлардир, ғанимлардир.

Меҳру шафқат айлаганлар,  
Доим уни пойлаганлар,  
Кир ахтариб лойлаганлар,  
Рақибларни мойлаганлар,  
Ёмон, дея сайлаганлар,  
Оёқ — қўлин бойлаганлар —  
Улар кимдир, улар кимдир?  
Душманлардир, ғанимлардир.

#### ОНА ИЛТИЖОСИ

Чўпон уйга кириб келди ол саҳар,  
Самарқандда, Шошда юриб дарбадар.  
Ичга сигмай соғинчлари жон қадар,  
Дарвозани тез бориб очди падар.

Қайга кетди отанинг эътирози,  
Бундан ортиқ бўлмас, ахир, жазоси.  
Қисмат эрур парвардигор ризоси,  
Қалбни тилди онанинг илтижоси:

«Вой, келдингми, Абдулҳамид, болам-а,  
Сен кетдингму қўзимга тор Олам-а.  
Бувинг ўлди, оқарди-соч толам-а,  
Йиғлай-йиғлай қўзда тинди жолам-а...

Бувинг кетди, қолавердик қоврилиб:,  
Бувинг кетди, мана, қолдинг айрилиб.  
Жон берарда сени сўрди қайрилиб,  
Қаерларда юрибсан-а соврулиб?

Бувинг сени парваришлаб ўстирган,  
Эркалатиб чакканга гул қистирган,  
Эртақ айтиб, устодликда рост турган,  
Ўлганимда тобутимни тут деган.



Отанг кекса, сингилларинг ҳали ёш,  
Уйлаб қўйгил, сен булмагил бағритош.  
Йигит моли ерда дерлар, қил бардош,  
Мол топилур эсон бўлса агар бош.

Ашъорингни ёза бергил сен шунда,  
Икки қўлим эмас ахир кишанда.  
Ош-нонингни ширин қилай мен кунда,  
Сен бўласан чин ўғлоним ўшанда.

Жоним болам, кетма энди ёнимдан,  
Агар кетсанг айриламам жонимдан.  
Ошлар қилай, тўйиб егил нонимдан,  
Қиз ҳам топдим сенга Андижонимдан...»

Она йиғлаб синиқ қалбин доғлайди,  
Отаси ҳам ўғлини қучоқлайди.  
Сингиллари акасин ардоқлайди,  
Чўлпон яна узук кўнглин боғлайди.

#### ҲИЖРОН САТРАЛАРИ

Солиҳа, эй кўзлари ўт,  
Эй кўзлари аланга қиз.  
Келгил, бу кун мени унут,  
Кетар бўлдим менки сенсиз.

Шодлигим йўқ сендан бўлак,  
Мен ўзгани ахтармадим.  
Сенга қолур шоир юрак,  
Ма, шеър тўла дафтарларим:

«Мен йўқсил на бўлиб уни суйибмен,  
Унинг-чун ёнибмен, ёниб-қуйибмен,  
Бошимни зўр ишга бериб қуйибмен,  
Мен суйиб... мен суйиб кимни суйибмен?  
Мен суйган суюкли шунчалар гўзал,  
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!»

Лабларимда «эркин буса»,  
У энди қаҳ-қаҳ отмайди.

Қошларингда учар ўсма,  
Лекин мени у сотмайди.

Вафо сенда, ҳаё сенда,  
Гузалликнинг сен шоҳисан.  
О, найлайн, жафо менда,  
Сен — шеъримсан, оҳисан.

Эсда қолур кечган йиллар,  
Сендан айру кетолмайман.  
Ишқинг қалбим ичра йиғлар,  
Лекин бахтсиз этолмайман.

Ёруғ кунлар кўрарсан сен,  
О Солиҳа, мендан узил.  
Мени мудом сўрарсан сен,  
Тўнғич боланг бўлсин ўғил.

Мен эсам-чи, унутмасмен,  
Бошга келса ҳар бало ҳам.  
Хаёлингни тарк этмасмен,  
Мени ютмас гар жаҳаннам!

#### СОЛИҲА ЙИҒИСИ

Ўт тушди жонима, жаҳонима,  
Қаролмам булутли осмонима.

Кўк аро юлдуз кўп, сайёра кўп,  
Тенг эмас чақнаган Чўлпонима.

Найлайн, ул қуёшдан айрилиб,  
Олам дол мен чеккан афғонима.

Не учун ўртага олди ганим,  
Дод қилай бу йўлда ҳайронима.

Ким дегай бепарзанддир шоирни,  
Ўғилдир шеърлари Туронима.

Дерди у: мен халқимни яширдим,  
Қалбимга — бу тубсиз уммонима.

Чўлпонсиз энди умр йўқ менга,  
Бағримни босайин Қуръонима.

#### ВИДО

Бешигимни тебратган,  
Ҳаёт қўшигин айтган,  
Оқ сут бериб яйратган,  
Шоир қилиб сайратган,  
Онажоним, хайру хуш.

Силаб ёлғиз бошимни,  
Бериб нону ошимни.  
Ҳам оқизган ёшимни,  
Чақнатган қуёшимни  
Отажоним, хайру хуш.

Солиҳахон, сайроним,  
Мендан қолиб ҳайроним,  
Қалбим ичра султоним,  
Адо бўлмас фиғоним,  
Ҳам ҳижроним, хайру хуш.

Ака, деган забоним,  
Фозила — бағри қоним,  
Гўзал Фоиқахоним,  
Йиғлайдирғон сўзоним,  
Ҳам армоним, хайру хуш.

Болалигим ҳамдами,  
Ёшлигимнинг малҳами,  
Йигитлигим шўх дами,  
Ёнган умримнинг шаъми —  
Дўст-ёроним, хайру хуш.

Рухимга бердинг зиё,  
Еринг қўзга тўтиё,  
Сен менга ёруғ дунё,  
Сенга бу сўнги виро,  
Андижоним, хайру хуш.

## СЎРОҚ

- «Ёрқиной»ни ким ёзган?
- Мен ёзганмен.
- «Қурбони жаҳолат»ни?
- Уни ҳам мен.
- «Кеча-кундуз» сеникими?
- Албатта меники.
- «Ҳамлет»нинг таржимоми?
- Энг аввало мен.
- Пушкин ўзбекчасини?
- Мен қилганмен.
- «Она»ни ким ўгирган?
- Мен биринчи китобин.
- Ҳофизни ўқийсанми?
- Ўқиймен.
- Машрабни ҳам биласан?
- Биламен.
- Айбдорсан, бўйнингга ол!
- Меҳнатим ҳалол.
- Ана, айтмадимми, сенсан қасоскор,  
Асарларинг ғояси чатоқ.  
Таржимангда зўр иллат бор,  
У тесқари минг ямоқ.  
Шулар бари сеникими?
- Булар бари меники.
- Бу жинойт, вассалом...  
Имзо чек, э нодон, бедод!  
Имзо қўйилди, ҳайҳот...

## ОЎБЕК СЎЗИ

Чўпон ўчмас ўтюрак,  
Рост оламни кўради,  
Рост одамни кўради.

Чўпон руҳи кўп сергак,  
Тун ва кунни улайди,  
Унда тоғлар қулайди.

Чулпон сатри қиличдек,  
Теккан жойни кесади,  
Ёвга ўлим эсади.

Чулпонни аниқ билмак:  
«Қурбони жаҳолат»ни,  
«Ёрқиной»да ҳолатни...

Чулпонни ёдланг андак,  
Ул «Бузилгон ўлка»ни,  
Кутарайлик елкани.

Чулпонни дилдан севмак:  
Она тил, адабиёт,  
Ҳам миллатдир барҳаёт.

Чулпонни англаш керак,  
Шеърини тинглаш керак,  
У — буюк ўзбек демак.

#### ТУТҚУН

Бугун тунда қўлларингни кишанлабоқ,  
Олиб бориб ташладилар мегин қамоқ.  
Тил уқмаслар сенга берур турли қийноқ,  
Иложинг йўқ, замин қаттиқ, осмон йироқ.  
Бир нафас ҳам сени тарк этмади Умид,  
Сулаймонқул баззоз ўғли Абдулҳамид.

Бир хонага ташладилар — тор, зимистон,  
Ётолмайди, туролмайди ҳеч бир инсон.  
Бу хонада узилгандир қанчалар жон,  
Деворида қотиб қолган сачраган қон.  
Бир нафас ҳам тарк этмади сени Умид,  
Сулаймонқул баззоз ўғли Абдулҳамид.

Одам бир йил тош устида қандоқ ётар,  
Ташқарида қуёш чиқар, қуёш ботар,  
Оқшом тушар, юлдуз кулар, тонглаз отар,  
Ичкарида дард қўзғотар, ғам уйғотар,  
Бир нафас ҳам тарк этмади сени Умид,  
Сулаймонқул баззоз ўғли Абдулҳамид.

Йил ҳам ўтди, сенга азоб онди жуда,  
Сабринг сели денгизлардай тошди жуда,  
Кўзларингдан уйқу узоқ қочди жуда,  
Емишинг йўқ, қорнинг эса очди жуда,  
Бир нафас ҳам тарк этмади сени Умид,  
Сулаймонқул баззоз ўғли Абдулҳамид.

Эшикларни шарақлатиб очди биров,  
Девга ўхшаш бесўнақай, сариқ мўйлов,  
Тур ўрнингдан, ивирсима, чиқ, дер, дарров,  
Муз баданни эритворди шунда олов.  
Бир нафас ҳам тарк этмади сени Умид,  
Сулаймонқул Баззоз ўғли Абдулҳамид.

Қора чодир ёнган мошин бир йўл олди,  
Эл ухлагач, тун қўйнида тез йўқолди,  
Кўк Чўлпонни — ўз кўзини уйиб олди,  
Жами юлдуз, тўлин ой ҳам ғамга толди,  
Бир нафас ҳам тарк этмади сени Умид,  
Сулаймонқул баззоз ўғли Абдулҳамид.

#### ЎҚ ОВОЗИ

Ўзбекистон, душманларинг қора иш режасин тузди,  
Қўллари қон бу қотиллар неча йиллар сенда кезди,  
Абдулҳамид номардлигин қайси номард боланг сезди,  
Дўзах азобига солди, Чўлпон ўз жонидан безди,  
Ўзбекистон, шоир ўғлинг — Чўлпонингга ким ўқ узди,  
Ўқ овози ярим кеча ухлаётган кўкни бузди.

Пок иймонга ўқ отилди, бир мусулмон уйғонмади,  
Туғилган юрт — ё Фарғона, ё Андижон уйғонмади,  
Ҳар сатрида меҳри томган бу Туркистон уйғонмади,  
Онам дея зардоб ютган Ўзбекистон уйғонмади,  
Ўзбекистон, шоир ўғлинг — Чўлпонингга ким ўқ узди,  
Ўқ овози ярим кеча ухлаётган кўкни бузди.

То жаҳолат кишан солди, бир қадам жилмади Чўлпон,  
Қуруқ тухмат ичра қолди, кўзига илмади Чўлпон,  
Кўрагидан нишон олди, дод-фарёд қилмади Чўлпон,  
Қўрқмади ҳеч, ўлим толди, ўлим не, билмади Чўлпон,

Ўзбекистон, шоир ўғлинг — Чўлпонингга ким ўқ узди,  
Ўқ овози ярим кеча ухлаётган кўкни бузди.

Борса бўлур эди эрта, кутиб қолди онажони,  
Ғазаб оти ҳоригандир, истаб келур отажони,  
Қиёматга бирга кетди гузал Солиҳа ҳижрони,  
Дадам қани деб сўргали ё қизи йўқ, ё ўғлони.  
Ўзбекистон, шоир ўғлинг — Чўлпонингга ким ўқ узди,  
Ўқ овози ярим кеча ухлаётган кўкни бузди.

Йигит бўлмас ўз ёри йўқ, боғ бўлурми гулзори йўқ,  
Минг афсуски, Чўлпон каби истеъдоднинг бозори йўқ,  
Бу қандайин қора тақдир, наҳот унинг мозори йўқ,  
Қай миллатда ғурур бўлмас, виждони йўқ ҳам ори йўқ,  
Ўзбекистон, шоир ўғлинг — Чўлпонингга ким ўқ узди,  
Ўқ овози ярим кеча ухлаётган кўкни бузди.  
Чўлпон, дея йиғлар мудом одоши — кўкдаги Чўлпон,  
Қаро тунда ёшлар тўкур юлдузлардан тўлиб осмон,  
Кўзда ашким тиёлмасман, «Кеча-кундуз»<sup>1</sup> юрагим қон,  
Зориллайман неча кундир хотирига ёзиб дoston.  
Ўзбекистон, шоир ўғлинг — Чўлпонингга ким ўқ узди,  
Ўқ овози ярим кеча ухлаётган кўкни бузди.

#### СИНГИЛ НОЛАСИ

Неча йилдир, Чўлпон арвоҳи  
Ўлка бўйлаб шамолдай кезар.  
Тирик экан шоир нигоҳи  
Тирикларни бутунлай сезар.

Бу кун унга қўйилди ҳайкал,  
Гурас-гурас келди халойиқ.  
Қуёш дейди бериб нур-сайқал:  
Мангуликка бу шоир лойиқ.

Қайдан келди тумонат одам,  
Уммон каби чайқалар тўлуқ.  
Парвардигор қилдими карам,  
Ёлкасига келиб қўнди руҳ.

Шу он ошпоқ кийинган кампир,  
Ёдгорликка юзини қўйди.  
Диллар қақшар, юраклар зирқир,  
Кампир йиғлаб йигига тўйди:

«Онам ўтди, отам ўлди, билмадинг,  
Ҳол сўраб ҳам бирор марта келмадинг,  
Бизга ташлаб, ўғилликни қилмадинг,  
Изсиз йўқолган акам,  
Мозорсиз қолган акам.

Вой акам, Чўлпон акам,  
Шоир — бағри қон акам.  
Билмам, қайда қаро тунда отилгон,  
Тирик бориб бир чуқурда жон бергон,  
Қонсираган душманига қон бергон,  
Қирчинлик ёшда кетган,  
Миллатини йиғлатган,  
Вой акам, Чўлпон акам,  
Шоир — бағри қон акам.

Ҳасратимни одамларга айтайин,  
Сени излаб бошим олиб кетайин,  
Шу тошларга дардларимни битайин,  
Совуқ тошлар сўзласин,  
Сингилгинанг бўзласин,  
Вой акам, Чўлпон акам,  
Шоир — бағри қон акам.

Қуёш сиққан кўкка сигмас фиғоним,  
Ерга сигмас ичимдаги армоним,  
Ёлғиз акам, меҳрибоним, бийроним,  
Гул териб қувнолмаган,  
Ёр олиб ўйнолмаган,  
Вой акам, Чўлпон акам,  
Шоир — бағри қон акам.

Фарёдим юракдан қайғуни қувса,  
«Кўнгилнинг мақсади кўз ёши бўлса,  
Ризоман; кўз ёшим дунёни ювса»,  
Бефарзанд ўтган акам,  
Ноумид кетган акам,  
Вой акам, Чўлпон акам,  
Шоир — бағри қон акам.

Дийдорингни кўрай деб то қиёмат,  
Сени қўмсаб кечар умрим надомат,  
Сен томонга борадурман, бер навбат,  
Тилар эдим худодан,



Кетойин, деб дунёдан,  
Вой акам, Чўлпон акам,  
Шоир — бағри қон акам.

Шогирдларинг сенга ҳайкал қўйганлар,  
Ғам кўрмасин яхшиликка йўйганлар,  
Хотирангни юрагига туйганлар,  
Ёдлаганлар ўлмасин,  
Сира сендай бўлмасин,  
Вой акам, Чўлпон акам,  
Шоир — бағри қон акам».

Алқисса ўқилди дуои Қуръон,  
Тирик қолганларни худо асрасин.  
Кўзлардан ёш оқур элтиб ҳаяжон,  
Кимдир ёддан айтди Чўлпон мисрасин.

«Кўнгил, сен мунчалар нега,  
Кишанлар бирла дўстлашдинг?  
На фарёдинг, на додинг бор,  
Нечун сен мунча дўстлашдинг?

Ҳақорат дилни оғритмас,  
Тубанлик мангу кетмасми?  
Кишанлар парчаланмасми?  
Қиличлар энди синмасми?

Тириксан ўлмагансан,  
Сен-да одам, сен-да инсонсан.  
Кишан кийма, бўйин эгма,  
Ки сен ҳам ҳур туғилгонсан».

Яна қулоқларга келди зўр садо,  
Ҳамма бир жон бўлиб уни тинглайди.  
Чўлпон! Бизга яқин ва таниш нидо,  
Ҳар юрак, ҳар кўнгил уни англайди:

Тухмат тоши бош ёрур, ўчмас бўлиб қолган бу гап,  
Ҳеч қачон синмас дедим бир тош билан дури садаф,  
Кечди умрим жанг билан, ғам бир тараф, шеър бир тараф,  
Кўп ёмонлик торта-торта дили вайрон эдим, дўстлар,  
«Муҳаббат осмонида гузал Чўлпон эдим, дўстлар»<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Қўшгирноқдаги сатрлар Чўлпонники.

Юрт бошига тушса ғам, бир ҳақ десун шоир эли,  
Пешласин ҳар бир улус ақлу ҳушин шоир эли,  
Енгин бир сўз-ла ёвнинг юз мингтасин шоир эли,  
Халқ учун бел боғлаган шоир ўғлон эдим, дўстлар,  
«Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар».

Кўз тўймас тикилсам-да, муқаддасдир бу тупроғим,  
Қалбимни баҳор қилган яйловларим, яшил тоғим,  
Аллалаб йўргаклаган ёруғ кулбам, шамчирогим,  
Отам бунёд айлаган боғу бўстон эдим, дўстлар,  
«Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар».

Гуноҳим кеч, туққан элим, пенонаси ҳўп шўрлигим,  
Қурашда енголмадим, сенга аён кўп ғўрлигим,  
Эгилмадим, букилмадим, шоирлигим — мағрурлигим,  
Ёвга мен қора довул, қора бўрон эдим, дўстлар,  
«Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар».

Кимга қилдим ҳасратимни, фарёдларим етмади ҳеч,  
Дўстларим, жигарларим кўзларимдан кетмади ҳеч,  
Жисмим ичра алапга — қўшиқларим битмади ҳеч,  
Ўзбекистон аталган битта достон эдим, дўстлар,  
«Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар».

Билсангиз, менинг номим одамлардан сўранг энди,  
Жувонмарг бўлди Чўлпон денг, бир янгроқ рубоб синди,  
Бу кун руҳим қанотланди, ғойибдан оқ от минди,  
Бир жону тан, бир Ватан — мен Туркистон эдим, дўстлар,  
«Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар».

## МАЖНУНТОЛ ЙИГИСИ

### Л и р и к қ и с с а

Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,  
Мен учун йиғласин, мен йиглаб бўлдим.

*Миртемир.*

#### I

Намозгарда содир бўлди шундай ҳол,  
Намозгарда узилди чексиз хаёл,  
Қақшаб келди ипақдек юмшоқ шамол,  
Эгиласан, бураласан, Мажнунтол,  
Юрагимни яралайсан, Мажнунтол.

Қаро ерга юзланасан мунча ҳам,  
Новдаларинг титрайди тарам-тарам,  
Яшил барглар тўкилуirmi бекарам,  
Эгиласан, бураласан, Мажнунтол,  
Юрагимни яралайсан, Мажнунтол.

Дардинг бўлса, дардкашингман, сўзлагил,  
Ғамга тўлган жигаримни тузлагил,  
Мен бўзлайин, сен ҳам мендай бўзлагил,  
Эгиласан, бураласан, Мажнунтол,  
Юрагимни яралайсан, Мажнунтол.

Вужуд билан товушингни тинглайман,  
Товушингдан кимлигингни англайман,  
Афсус чекиб кўнглимни мен тирнайман,  
Эгиласан, бураласан, Мажнунтол,  
Юрагимни яралайсан, Мажнунтол.

Қани, сўйла, мен-ку ёлғиз сирдошинг,  
Ёмғир каби, сел каби оқар ёшинг,  
Шоирмисан, метин экан бардошинг,

Эгиласан, бураласан, Мажнунтол,  
Юрагимни яралайсан, Мажнунтол.

## II

Кўрган эдим ёмон туш,  
Тирик эди ул устод.  
Тирик эди улуг зот,  
Эласам оғади ҳуш.

Сўзламоққа йўқ журъат,  
Хаёлларим тумтароқ.  
Ўлиб қолганмиш бир чоқ —  
Миртемир домла тўсат...

Борлиқ мотам тутганмиш,  
Барча эмиш фироқда.  
Бизнинг чекка қишлоқда,  
Дафн қилинар эмиш...

Йиғламаган одам йўқ,  
Фарёд чекмаган бир жон.  
Булутдан хира осмон,  
Гўё ёруғ олам йўқ.

Ишонгим келмас асло,  
Ўлмагани ахир рост.  
Тобути гўё олмос,  
Тавба, дейман, ё худо.

Кузимдан ёш қуйилар,  
Қуриб борур дармоним.  
Қийналиб ёлғиз жоним,  
Руҳ сўнгандай туюлар.

Овозим чиқмас эмиш,  
Ичимни куйдирар ўт,  
Умрбод бўлмас унут —  
Бу ғамгин ғаройиб туш.

Оломон шахдам юрар,  
Тобут кетар елкада.  
Поёни йўқ улкада,  
Зўр аза ҳукм сулар.

Тобут кўтариб ўтдик,  
Шаҳарларни оралаб.  
Ва ўлимни қоралаб,  
Баланд тоғларга етдик.

Қолиб кетди саҳролар,  
Кенг чўллар ва доvonлар.  
Тобут тутган инсонлар,  
Босди қанча маъволар.

Йўл юрсак ҳам мўл юриб,  
Орқада боғлар қолди.  
Куйиб, ловуллаб олди,  
Қуёни ҳам тўхтаб туриб.

Аммо чиқмайди овоз,  
Дардимни айтай десам.  
Ҳўнгираб кетай десам,  
Тилим айланмайди боз.

Сиқиламан, йўқдир сас,  
Отам, деб йиғлай десам,  
Онам, деб йиғлай десам,  
Ғамнинг товуши бўлмас.

Халойиқ келган эди  
Ям-яшил мозор томон.  
Бир мўйсафид шу замон,  
Ўғлим, кўзинг оч, деди.

Чўчиб тушдим, ҳансираб,  
Чорпояда ётибман.  
Терга пишиб-ботибман,  
Бош кўтардим гангираб.

Юракнинг ошиб шашти,  
Тилларим ҳам қурибди.  
Хогирамда турибди,  
Пиримнинг ўлмас байти:

«Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,  
Қушлар овозига қулоқ солайин.  
Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,  
Хаёл оғушида ором олайин».

### III

Қанча тоғлар қулади, қанча дарёлар оқди,  
Шафқат билмаган дунё фақат думбира қоқди.  
Билмади кимлар куйди, кимлар юрагин ёқди,  
Буюк Миртемир кетди, айтинг, кимлар тутоқди.  
Армон қилади энди оғуга тўлган ҳаёт,  
Одамлар юрагида йиғлаётир улуг зот.

Юрак куйчиси қани, нафаси ўзбекона,  
Қўлига қалам берган Биби Зайнабдек она.  
Тилига чўғ ташлаган ҳам қилган опшиқона —  
Қадим Иқон қишлоғи, Туркистонун Фарғона.  
Армон қилади энди оғуга тўлган ҳаёт,  
Одамлар юрагида йиғлаётир улуг зот.

Ул дер: қай кун кўнгилга шеър севгиси илашди,  
Танамдан олов чиқиб жисму борим туташди.  
Дардман кишига нечун енгил умрнинг гашти,  
Менинг бу «Бошимга ҳам синовлик кунлар тушди».  
Армон қилади энди оғуга тўлган ҳаёт,  
Одамларнинг қалбида йиғлаётир улуг зот.

Эсдан чиқарми ўшал бадбахт кунларнинг захри,  
Қуруқ туҳмат тошидан синсайди фалак чархи,  
Миллатчи деган бўҳтон эди истеъдод нархи,  
Чўлпон каби унга ҳам жаллоднинг келган қаҳри.  
Армон қилади энди оғуга тўлган ҳаёт,  
Одамларнинг қалбида йиғлаётир улуг зот.

Сирдарё тўлғонади, Аму ҳам тўлғонади,  
Орол дод-фарёдидан руҳлари уйғонади.  
Она ернинг меҳрига шоир қачон қонади,  
Шоирки икки дунё гулхан бўлиб ёнади.  
Армон қилади энди оғуга тўлган ҳаёт,  
Одамларнинг қалбида йиғлаётир улуг зот.

Шоир ўлмас дердилар, нега келди бу ўлим,  
Шеър излаб Чигатойга тушади менинг йўлим.  
Ундан нажот сўрайман, кўксимда икки қўлим,  
Дуо қилган овозга тўлади ўнгу сўлим.  
Армон қилади энди оғуга тўлган ҳаёт,  
Одамларнинг қалбида йиғлаётир улуг зот.

#### IV

Тонгдан сўрайлик қани,  
Соғинчи қийнар мени,  
Мангуликдир маскани...  
Излашайлик, Мажнунтол,  
Йиғлашайлик, кела қол.

Қундуз ошени — қуёш,  
Ёғдуси оқизган ёш.  
Борми сенда бир бардош,  
Сўзлашайлик, Мажнунтол,  
Йиғлашайлик, кела қол.

Оқшом чўкур, кўк тоза,  
Юлдуздан ол андоза.  
Суҳбат қилайлик роса,  
Юзлашайлик, Мажнунтол,  
Йиғлашайлик, кела қол.

Ҳасад кўзи тешилсин,  
Новдаларинг эшилсин.  
Олам бизга қўшилсин,  
Бўзлашайлик, Мажнунтол,  
Йиғлашайлик, кела қол.

#### V

Ям-яшилдир Қоратоғнинг этаги,  
Адо бўлмас, Зайнаб она эртаги.

Кун ботарда жуда қадим Туркистон,  
Ўтрор, Бойбалх — ой каби ботган макон.

Шундан ўтур Чингиз йўли — қора йўл,  
Тарих айтур уни мотамсаро йўл.

Кўзни яроқлатур Куктош<sup>1</sup>нинг бори,  
Кўринадир Ясвийнинг мозори.

Йўлбардек ариллаб Арис<sup>2</sup> оқадур,  
Қирғоқлар бўйнига ялпиз тақадур.

---

1 — Куктош — тепалик.

2 — арис — тоғ дарёси.

Ху... Етимкўл, ундан нари Теранкўл,  
Кўккўл ана, жимиллайди у нуқул.

Хил-хил мева, анорзор, шафтолизор,  
Устоз юртин кўрмоққа мен интизор.

Бир ён ширин-шакар қовун пайкали,  
Бўза бисёр тариқ пишган маҳали.

Шунчалар саз бунда ер ҳамда осмон,  
Миртемирни шоир қилган шу Иқон!<sup>1</sup>

## VI

Қодирий қамалди, наҳот у маҳкум,  
Бечора Кумушой йиғлайди юм-юм.  
Усмон Носирга ҳам ўқилмиш ҳукм,  
Фитратнинг тақдири шунчалар ҳам шум,  
«Дунёдан хабар ол, оловли кўнгил».

Тун дедик тарқалди, тонглар ҳам отди,  
Қайғу наштарлари юракка ботди,  
Отажон Ҳошим йўқ, уни ҳам сотди,  
Кимлар заҳар ичди, ким асал тотди,  
«Дунёдан хабар ол, оловли кўнгил».

Ўзбекистон, айтгил, боғларинг қани,  
Боғингга бўйлаган тоғларинг қани,  
Кўллар нодон бўлса, соғларинг қани,  
Озод қушлар каби чоғларинг қани,  
«Дунёдан хабар ол, оловли кўнгил».

Пахта эжиб охир туфроқ олган ким?  
Билагон донолар тош ютгандай жим.  
Чумоли сингари деҳқон бетиним,  
Бободеҳқоним, деб ошади гамим,  
«Дунёдан хабар ол, оловли кўнгил».

Навоий, Бобурдек буюк миллатим,  
Темур руҳи айтсин, недир зиллатим.  
Ҳақ ўзи сўзласин айбу иллатим,

---

<sup>1</sup> — Иқон — қишлоқ номи.



Шул сабаб ганимга бордир миннатим,  
«Дунёдан хабар ол, оловли кўнгил».

Бошимда яралди кўп сунъий уммон,  
Алҳазар, қачондир бўлмасин туфон,  
Халқим деб фарзандлар доим қийнар жон,  
Ватанни авайлаш эмасдир осон,  
«Дунёдан хабар ол, оловли кўнгил».

Минг ризо бўлсин дебон аҳли туроб,<sup>1</sup>  
Қайси иймон доимо қилгай тавоф,  
Қайси қалбким чашмадек эрур шаффоф,  
Ер покдоман ҳамда ҳаво тоза, соф,  
«Дунёдан хабар ол, оловли кўнгил».

Йиглай-йиглай кўзларда ёш қолдими?  
Ёш тўкмаган бир бағритош қолдими?  
Менга бир дўст бўлиб қуёш қолдими?  
Мажнунтолдан бўлак сирдош қолдими?»  
«Дунёдан хабар ол, оловли кўнгил».

## VII

Устод, дастурхонга карам қилингиз,  
Марҳамат айлангиз, деб дўст юзма-юз,  
Оҳиста тутдилар бир коса қимиз,  
Мунчалар фусункор қозоқ ўтови.

Ястаниб ётибди яшил яйловлар,  
Оламни тутгандай молу уловлар,  
Пастда баҳор кулар, тоғда қировлар,  
Мунчалар фусункор қозоқ ўтови.

Кишнайти айғирлар, бия, қулунлар,  
Бўрилар увлаган кечалар, тунлар,  
Қаҳратон қиш етди тарқаб туманлар,  
Мунчалар фусункор қозоқ ўтови.

Ҳар бир издиҳомда ёдланур ҳақли,  
Жамбул термалари, Абайнинг нақли,

---

<sup>1</sup> Аҳли туроб — марҳумлар.

Эҳ-ҳе, чегарасиз бу халқнинг ақли,  
Мунчалар фусункор қозоқ ўтови.

Бирдан жимиб қолди ёниқ Миртемир,  
Барча диққат қилур, улар-да сезгир,  
Сукутда ҳурпайиб ўтов ҳам дилгир,  
Мунчалар фусункор қозоқ ўтови.

«Йиғла, қозоқ юрти, кўз ёшингни тўк,  
Тобути ёнида нор сингари чўк.  
Айрилинги Мухтордан...» Йиғла, еру кўк,  
Мунчалар фусункор қозоқ ўтови.

Қимизни қайтарди шоир қилиб ноз,  
Мезбон дер: тотмаслар не учун устоз?  
Ёки сув қўшилган шекилли бир оз?  
Мунчалар фусункор қозоқ ўтови.

«Ичсак, қимиз демак, ичсак сув демак»,  
Кўздан ёш оқизиб кулдиран андак,  
Кулги билан йиғи ўртоқ, эгизак,  
Мунчалар фусункор қозоқ ўтови.

## VIII

Яхшига эш бўлинг, ҳамроҳ бўлинг,  
Аҳмоқни кўрганда гумроҳ бўлинг.  
Э бўтам, доимо огоҳ бўлинг,  
«Ёмон юрган йўлдан илон юрмас».

Йигитга ўлим йўқ, чакки босманг,  
Алжираб сўзламанг, кулдек тўзманг,  
Шухратга интирманг, атай ўзманг,  
«Ёмон юрган йўлдан илон юрмас».

Сизда бўлсин ихлос, тоза иймон,  
Чин меҳнат қилсангиз, чин мусулмон.  
Сизники мамлакат, давру даврон,  
«Ёмон юрган йўлдан илон юрмас».

Душман шарбат берса, ичманг, ўртар,  
Дарёлар суви бор, сизга етар.  
Тўйган ҳам тўймаган барча ўтар,  
«Ёмон юрган йўлдан илон юрмас».

Бировни камситманг, этманг парвоз,  
Дерлар: «Чиранма, ғоз, ҳунаринг оз»,  
Фақирлик — балоғат, қанчалар соз,  
«Ёмон юрган йўлдан илон юрмас».

Эл ғамидир ғами — шеър дегани,  
Ҳар ўқисик ҳамдами — шеър дегани,  
Тоza руҳларнинг жаъми — шеър дегани,  
«Ёмон юрган йўлдан илон юрмас».

Улмаганман, ҳамон фироқдаман,  
Фақат Сиздан бугун йироқдаман,  
Миртемир — тупроқ денг, тупроқдаман,  
«Ёмон юрган йўлдан илон юрмас».

## IX

На қилай, роҳатим йўқ, ишимда бир унум йўқ,  
Соғинаман васлингни, йиғламаган куним йўқ,  
Шеър айтмаган кундуз йўқ, шеър битмаган туним йўқ,  
«Кўзим кўзингга тушди, мен ёнаман шекилли,  
Девонаман шекилли, тўлғонаман шекилли».

Шул боис юзим сориг, боғларда келди хазон,  
Дил куяр, иймон куяр, ўтлара тушди забон,  
Навоий ўқур эдим, Мажнунга бўлиб ҳайрон,  
«Кўзим кўзингга тушди, мен ёнаман шекилли,  
Девонаман шекилли, тўлғонаман шекилли».

Гул кўтариб ўтармен бу севги кўчасидан,  
Садоқатда муқиммен ошиқлар нечасидан,  
Ётмасам, учиб чиқур юрак ўз гўнаҳасидан,  
«Кўзим кўзингга тушди, мен ёнаман шекилли,  
Девонаман шекилли, тўлғонаман шекилли».

Чироғингга урилган парвонаман шекилли,  
Ишқингга тупроқ ўлдим, уйғонаман шекилли,  
Шоирлигим не бўлди, мен тонаман шекилли,  
«Кўзим кўзингга тушди, мен ёнаман шекилли,  
Девонаман шекилли, тўлғонаман шекилли».

## X

Қайга учди эркин қуш,  
Ташлаб кетди аҳди бўш.  
Хаёл бўлди фаромуш,  
Дилда бир номи қолди.

«Кўзим кўзига тушди,  
Кўнгилга ўт туташди.  
Эл бевафо аташди,  
Берган саломи қолди.

Оқ сийна — оппоқ ойдин,  
Юлдуз жилибди жойдин,  
Бу қайғу келди қайдин,  
Отмаган номи қолди.

Алдамчи дили бирлан,  
Кашмири тили бирлан,  
Байтларин хили бирлан,  
Кўтарган жоми қолди.

Кетди ўшал муғомбир,  
Мажнунтолдай йиғлаб бир,  
Оллоҳ меҳрига асир —  
Тулан Низомий қолди.

## XI

Юрагида кетди шоир армони,  
«Оналик меҳрига қонмаган» жони,  
Уни шоир этган ўша иймони.

Шу боис сўзларин ўзга жилваси,  
Бетакрор туйғулар хўп силсиласи,  
Ошиқликдир Она юртга шеваси.

— Миртемир — болам, дер бу Ўзбекистон,  
— Болам, дер тирик руҳ — онаси ҳар он,  
Шоир-чи, уларга дейди шул замон:

«Рози бўл, одам саналай менам...  
Дунёга қайтиб келурман,  
Лекин бошқа ўғил бўлиб».

Тун оғмоқда, тонг яқин,  
 Ўчмас шоир чироғи.  
 Кўнглида битта чақин:  
 Яна қайси қароғи  
 Ёдидан чиқиб қолди?  
 Чуқур ўйларга толди.

Сирдарёга хат ёзди,  
 Ушбу хабар — Ургутга.  
 Сим қоқди Отаёрга,  
 Бир мактубни жўнатди  
 Андижонлик йигитга.<sup>1</sup>

У ўзича пичирлаб,  
 Секин-секин очар лаб:  
 Эркиннинг машқлари  
 Камолга етди бу кун.  
 Нақ юракка тегади  
 Абдулланинг ғам тўла  
 Дарди кўп кўшиқлари.

Муҳаммад эса битмиш,  
 Машраб ҳақида достон.  
 Ҳалима, Гулчехралар,  
 Ойдин, Жамол ва Омон —  
 Эртанги Ўзбекистон.

Устоднинг бағри тўлиб,  
 Илҳоми шунқор бўлиб,  
 Қаламга журъат берди,  
 Юракка қудрат берди.

Қиш ҳам кетди, қувон энди, баҳор кутган кўзларим,  
 Умидларим қуёш бўлди, такрор кутган кўзларим,  
 Армонларим келди гулдай, хумор кутган кўзларим,  
 Кўзларига тушсин бутун зор-зор кутган кўзларим,  
 «Ўзбекистон тонглари бодор кутган кўзларим,  
 Тенгсиз тонглар фалсафасин ташна ютган кўзларим».

<sup>1</sup> Тўра Сулаймон, Барот Бойқобилов ва Олимжон Холдорлар назарда тутилган.

Мен раҳматлик Миртемирнинг сўзларини сўзладим,  
Аму ва Сир буйларидан изларини изладим,  
Унинг номи билан ўзни яхшиликка юзладим,  
Шул туфайли ўлмас сатрин такрорлашга тезладим:  
«Ўзбекистон тонгларини бедор кутган кўзларим,  
Тенгсиз тонглар фалсафасин ташна ютган кўзларим».

Мажнунтол, устодни яна эсладинг,  
Мен ҳам соғинганман, сўзига қара:  
«Киприklarим қўнғирмикан ё қора,  
Киприklarим юзтамикан ёки минг?»<sup>1</sup>

Шогирдларга мунчалик меҳр,  
Ташналик ҳам мунча сеҳр  
Буюрмиш она табиат,  
Миртемирга хос фақат...  
Ўйлаб ҳайрон қоламан,  
Бир қишлоқи боламан,  
Қўлга қалам тутқазган,  
Жарликлардан ўтказган —  
Мана шу шоир одам,  
Шеърят водийсида  
Устодлик қилган отам.  
Умри чексиз эртагим,  
Бир байтин айтгум ҳар дам:  
«Оҳ, менинг ўзбакий юрагим,  
Майлига, бўлинсанг юзга ҳам».

\* \* \*

Кел, Мажнунтол, Мажнунтол,  
Йиғлама мажнун мисол.  
Қоматинг бўлмасин дол,  
Кўзим ёши шашқатор.

Кел, йиғлама, Мажнунтол,  
Йиғлаб эсади шамол.  
Новдаларинг бир аҳвол,  
Энди келади баҳор.

Кел, Мажнунтол, Мажнунтол,  
Сен сўрагил мендан ҳол.

---

<sup>1</sup> Қўштирноқдаги сатрлар Миртемирники.

**Сузлаб бергумдир ҳалол,  
Суҳбати қилур хумор.**

**Кел, Мажнунтол, чекма оҳ,  
Рухларига бор паноҳ —  
Ла илаҳа иллоллоҳ,  
Ўлмас, мангулиги бор.**

## ГИРЯ

### «Қ и р қ к у н» д о с т о н и

Умр йўлдошим Ҳикматхон  
хотирасига бағишлайман

#### МУҚАДДИМА

Эй фалак, эй юксак сирли коинот,  
Турфа тақдирларга ошиён олам,  
Турфа ғамга тўла экансан бот-бот...  
Мингдан ҳам бирини ёзолмас қалам.

Энг оғир кулфатни бошимга солдинг,  
Қай тоғни қулатдинг менинг устимга?  
Бахтим, қувончимни кимларга олдинг?  
Қайғу лашкарлари тушди қасдимга.

Фурқат девонини токчага қўйдим,  
Азага ғарқ бўлди илҳомрез уйим.  
Кўзимдан навбаҳор жаласин қўйдим,  
Устодим иккимиз йиғладик юм-юм.

Дод айлай, дўстлар, бу кун жону тандин айрилиб қолдим,  
Мардона эдим мен, ул шону шаъндан айрилиб қолдим,  
Бу оламда мени суйган, куйгандин айрилиб қолдим,  
Аламлик қумримен, бир гулбадандин айрилиб қолдим,  
Назокатда қади сарви чамандин айрилиб қолдим.

Манга тор ўлди бу кишвар, хунбийрон йиғласам арзир,  
Кўнгил кўкида ойим йўқ, куйиб имон йиғласам арзир,  
Сугилди ер чокидин, синди осмон, йиғласам арзир,  
Қафас байтул-ҳазон, Яъқубдек қон йиғласам арзир,  
Ўшандоғ Юсуфи гул пираҳандин айрилиб қолдим.

Соғинардим дам-бадам мен қалбга сизмай тоза ҳис,  
Тамоми ҳусн аҳли ичра ул эди одоби азиз,



Ҳам қомати расо эди, эл аро ҳар сӯзи лазиз,  
Хати райҳон, сочи сунбул, лаби гунча, кӯзи нарғис,  
Қабо гул, кӯйлаги барги сумандин айрилиб қолдим.

Бу кун ишқим қилиб ошкор элга айтсам айб эмас,  
Тонг саҳарлар иола айлаб шеърға битсам айб эмас,  
Васлини қумсаб ҳамиша юз дод этсам айб эмас,  
Агар ҳижрон қоронғусида йиғлаб ётсам айб эмас,  
Ҳамоли нури шамъи анжумандин айрилиб-қолдим.

Ун чиқармай жисму борим ёнар шамъдир, куяр шамъдир,  
Азон чоғи қизил гулниг барги янглиғ кўзларим намдир,  
Бу ҳолимдин бўлиб оғоҳ ёнимда дўстларим жаъмдир,  
Қаро тошлар уруб кўсимга фарёд айласам камдир,  
Тиши дурру лаби лаъли ямандин айрилиб қолдим.

Кўзда жоланг тўхтатиб ол, бас қил, дея талаб қилманг,  
Азал рӯзи битилган деб пешонамни сабаб қилманг,  
Тақдиримдин фол очиб сиз халойиқ ичра гап қилманг,  
Мисоли зар агар сорғорса рухсорим ажаб қилманг,  
Ки ул дониш айёри сиймтандин айрилиб қолдим.

Низомий йиғлаюр зор-зор бугун ўтли нафас бўлди,  
Унинг жони темирмас-ку, ғам-алам қасдма-қасд бўлди,  
Тавба қилди, бебақо дунё иши унга бас бўлди,  
Пару болим тўкилди, масканим охир қафас бўлди,  
Муҳаббат йўлида, Фурқат, ватандин айрилиб қолдим.

\* \* \*

Во дариғо, иқболим забунми чунон?  
Дунёдин юз буриб кулбамга чўқдим.  
Қоним сиёҳ бўлди, қалбим сиёҳдон,  
Қирқ кун мушкулотин қоғозга тўқдим.

#### БИРИНЧИ КҲН

Минг тўққиз юз тўқсон иккинчи. Июнь.  
Ўн етти. Чоршанба. Келди қаро шом.  
Дарбадар чопдилар еллар тинмайин,  
Қушдек учиб кетди эс-хушим тамом.

Ертубан йиқилди гул сарвинозим,  
Содир бўлди наҳот бевақт шум ажал.  
Ичимдан отилди ўкраб овозим,  
Бу қандай бало кун? — деганим маҳал.

Товуслар қийқириб ҳар томон учди,  
Баланд деворларга урди бошини.  
Товуқлар потирлаб қўноқдан тушди,  
Итлар ҳам увлади ичмай ошини.

Какликлар бошлади аччиқ бир нола,  
Какликлар тошларга урди ўзини.  
Дарахтлар силкинди тушиб бир ҳола,  
Ҳеч ким эшитмади боғнинг арзини.

Самода юлдузлар тўкилди бир-бир,  
Ой туннинг бағрини йиртиб юборди.  
Даҳшат қучоғида қўрқинчли бир Сир  
Уйлардан уйларга югуриб борди.

Хилқатни чўчитиб чақнади чақин,  
Ер каби айланди ғамзада бошим.  
Чанқадим, чанқадим, тил қурир тагин,  
Ловуллаб куяди қалбда қуёшим.

Паришон бўлди-ку бу шоир хаёл,  
Сўзимдан сирғанур ўтли қалтироқ.  
Қирқ беш ёшда кетди энг гўзал аёл,  
Замин заранг бўлди, кўк қочди йироқ.

Қулоғим чинқирди, кўрмасдан кўзим,  
Бағримга санчилди айрилиқ тиғи.  
Қулундай бўзлади ўғлим ҳам қизим,  
Борлиқни титратди қудратли йиғи.

#### ҚИЗИМ ЙИҒИСИ

Оқшомлари суҳбат қурган,  
Менинг бахтим тилаб юрган,  
Сочларимни майда ўрган,  
Вой онам-а, жоним онам,  
Жоним онам, вой онам-а.

Қуёш кулиб тушди пастга,  
Йиқилдингиз басма-басга,  
Ўлганингиз ўхшар ростга,  
Вой онам-а, жоним онам,  
Жоним онам, вой онам-а.

Сўзларингиз хумор қилур,  
Қўзларингиз зор-зор қилур,  
Охир девонавор қилур,  
Вой онам-а, жоним онам,  
Жоним онам, вой онам-а.

Қўлларимда қора рўмол,  
Қараб қолдим йўлга беҳол,  
Онажоним бўлди увол,  
Вой онам-а, жоним онам,  
Жоним онам, вой онам-а.

Сариқ рўмолинг қўлимда,  
Сарғайиб қолдим йўлингда,  
Дод айлайин бу ўлимдан,  
Вой онам-а, жоним онам,  
Жоним онам, вой онам-а.

Учар қушга қил боғлайин,  
Кунгилларимни доғлайин,  
Фарёд чекиб мен йиғлайин,  
Вой онам-а, жоним онам,  
Жоним онам, вой онам-а.

Баланд учган ҳой турналар,  
Қанотларингиз — игналар,  
Учолмайман, дил тирналар,  
Вой онам-а, жоним онам,  
Жоним онам, вой онам-а.

Қора-қора қалдирғочим,  
Қаён кетди қора сочим,  
Оташларга тўлди ичим,  
Вой онам-а, жоним онам,  
Жоним онам, вой онам-а.

Дарёга дардим солайин,  
Гирдобларида қолайин,

Тоқатни қайдин олайн,  
Вой онам-а, жоним онам,  
Жоним онам, вой онам-а.

Лаҳад ичра қаро тупроқ,  
Еритолмас уни чироқ,  
Ўтга солди аччиқ фиरोқ,  
Вой онам-а, жоним онам,  
Жоним онам, вой онам-а.

Бошим олиб кетайинми,  
Етимнинг жойи тайинми,  
Онасилик кўп қийинми,  
Вой онам-а, жоним онам,  
Жоним онам, вой онам-а.

Буйларимдан қувондингиз,  
Жон қизим деб ишондингиз,  
Бугун нега сиз тондингиз,  
Вой онам-а, жоним онам,  
Жоним онам, вой онам-а.

Онасилик ёмондир-о,  
Фарзанд ранги сомондир-о,  
Ақли қочиб ҳайрондур-о,  
Вой онам-а, жоним онам,  
Жоним онам, вой онам-а.

Белимга қаро боғладим,  
Жисми боримни доғладим,  
Онам, деб айтиб йиғладим,  
Вой онам-а, жоним онам,  
Жоним онам, вой онам-а.

#### СИНГИЛ ЙИҒИСИ

Қоши қаро опам-а,  
Сўзи сара опам-а,  
Энди нима қиламан,  
Сирингизни биламан,  
Вой опам-а, вой опам.

Оқин сувлар қайнайди,  
Юраккинам ўйнайди,  
Устимда аза кўйлак,  
Ғанимга бўлдим эрмак,  
Вой опам-а, вой опам.

Онамдан сўнг онам-а,  
Отамдан сўнг отам-а,  
Дилим билган сирдошим,  
Мунчалар бағри тошим,  
Вой опам-а, вой опам.

Кўзим ёши сел бўлсин,  
Дарё бўлсин, кўл бўлсин,  
Йироқларга йўл бўлсин,  
Мозорингиз гул бўлсин,  
Вой опам-а, вой опам.

\* \* \*

Кейин қуриб танда мажолим,  
Ичим ёнди, бир ҳолда ранг-рўй,  
Сўнг ўлтирдим етмасдан ҳолим,  
Ихтиёрим олди чуқур ўй:

Шундаймиди аҳду паймонлар,  
Қайда қолди у ширин онлар,  
Айрилурми чирмашган жонлар,  
Нега ташлаб кетдинг, гул юзим?

Сенга менинг боғим тормиди,  
Сендан бошқа ёрим бормиди,  
Ваъда шундоқ бўш қарормиди,  
Нега ташлаб кетдинг, гул юзим?

\* \* \*

Ипак билан безанди тобут,  
Уни ёпди бахмал ва зарбофт,  
Юрагимдан чиқар эди дуд  
Ва нолалар чекдим телбатоб:

Қора қошим, қора кўзим-а,  
Қора сочим, ширин сўзим-а,  
Гулим-о, Гулим-о.

Лайли — Сен, Зуҳро — Сен, Ҳикмат -о,  
Дунёда танҳо — Сен, Ҳикмат-о,  
Гулим-о, Гулим-о.

Бахтимга сиғмаган санам-а,  
Қизидай ўстирган онам-а,  
Гулим-о, Гулим-о.

Фигоним-а, армоним-а,  
Ичга сиғмас ҳижроним-а,  
Гулим-о, Гулим-о.

\* \* \*

Оҳ, тобутни олди оломон,  
Мозор томон юрдилар шахдам,  
Куя-куя қуригач дармон,  
Одамларга эргашдим мен ҳам.

Элтишадур алвон тобутни,  
Замин гўё ларзага келди.  
Қандоқ узай ундан умидни,  
Абадийлик лаҳзага келди.

Ҳой, тўхтанглар, қайга элтасиз,  
Муҳаббатим, севгим, ишқимни.  
Мунча жадал юриб кетасиз,  
Қонга бўяб кўзда ашқимни.

Дод, тўхтанглар, қаён борасиз,  
Гуддай ёрим керак ўзимга.  
Юрак-бағрим нега ёрасиз,  
Она керак ўғлим, қизимга.

Парвардигор, борми шафқатинг,  
Нега кўрдинг рўзгоримга ўт.  
Бир қулингга йўқми ҳимматинг,  
Менинг билан йиғлаётир юрт.

Кўз олдимда бирдан жонланди,  
Никоҳ куни, оқшом, ёруғ кун.  
Уша ушган лабим қонланди,  
Топди севгим эртаги якун.

Уша куни келгандим олиб,  
Аравада қувончлар билан.  
Бугун наҳот тобутга солиб,  
Кузатяпман аянчлар билан.

Худо, ўзинг қилгандинг насиб,  
Нега ўзинг этяпсан жудо.  
Менга эди чин дўст, чин ҳабиб,  
Шеърим каби юракка ошно.

Қуёш каби ясоғлик тобут,  
Қабристонга қўйилди аста.  
Менинг севгим бўлди-я нобуд,  
Лаҳад кутар чуқурда, пастда.

Ердан садо чиқмади асло,  
Ва қўйнига олди мулойим.  
Ҳамма ўйчан қилдилар дуо:  
У дунёсин берсин худойим.

Совуқ шамол эгандай бўлди,  
Бир сесканди вужудим — борим.  
Яна кўзим ёшларга тўлди,  
Оҳ, тупроқда қолди гул ёрим.

#### ИККИНЧИ КҲН

Кенг осмонда туриб қолди баркаш ой,  
Ўттиз йил ортига кетди мажруҳ уй.  
Ушанда бизларда эди гул чирой,  
Кенг айвон саҳнида бўлган эди туй.

Қишлоқ. Олтин кузнинг сўлим оқшоми,  
Сахий ойдан фалак қўйни чарогон.  
Баралла айтилиб Қуръон каломи,  
Никоҳ ҳам ўқилди жимиб оломон.

Болалик меҳри-ла талпиниб қизи,  
Ота оёғига йиғлаб бош қўйди.

Отанинг кўксига тегди гул юзи,  
Ота оёғига йиғлаб ёш қўйди.

Қизнинг йиғисидан қалтиради чол,  
Ёндирди оқ қўйлак, зарҳал паранжи.  
Ота кўзларида ёлбориш малол:  
«Қиз бола чиндан ҳам бировнинг ганжи.

Бахтинг-тахтинг берсин, қизим, худойим»,  
Бу садо қоплади коинот томин.  
«Қўшганинг-ла қари, умр кеч доим,  
Кам бўлма дунёда, илоҳо омин».

Ҳамма фотиҳага тортдилар қўлни,  
Жадал жўнаб кетди қўқон арава.  
«Ёр-ёр» жаранглари бошлади йўлни,  
Сўнгра тиниб қолди карнай, ногора.

Қиз кетди. Ўсган боғи йиғи қўзғотди,  
Карвонлари кўчган бир сарой каби.  
Бояги ҳаяжон тилларда қотди,  
Ҳа, уй ободлиги бир қиз сабаби.

Тунда ота ҳамон қилади сукут,  
Осмонда бесаноқ юлдузлар толди.  
Тўлин ой юзини тўсди ёнғоқ, тут,  
Отанинг ўйлари ойдаёқ уволди.

Оқ кийиниб кўзин очди тонг,  
Қуёш тутди қизил пардасин.  
Юлдузлар ҳам ўчдилар аранг,  
Ойга суниб айрилиқ дарсин:

Кулманг ошиқ сўзига,  
Унинг ҳолига йиғланг.  
Қаранг селоб кўзига,  
Тақдир фолига йиғланг.

Оқарибди, сўлибди —  
Ранги олига йиғланг.  
Севган ёри ўлибди,  
Қаро толега йиғланг.



Ёрдан қолмасин ҳеч ким,  
Қадди долига йиғланг.  
Йиғланг, йиғланг, бўлманг жим,  
Севги заволига йиғланг.

\* \* \*

Отамнинг руҳига қилиб илтижо,  
Онам арвоҳига айладим зикр.  
Ҳазрат Навоийга ёлбориб танҳо,  
Яна ўз жонимга етказдим жабр:

Шод эмасмен, чўккан руҳим Сизки баланд этсангиз,  
Ҳаддан ошур расволигим, энди писанд этсангиз,  
Қўлу оёғимни боғланг, розиман банд этсангиз,  
Рози эрмасмен қўнгил чокини пайванд этсангиз,  
Қолгонин ҳам кошки парканд-парканд этсангиз.

Не азоблар чекмадим, оҳ, ўшал парирўйдин,  
Жафо ҳар дам адаштирди буюк бир уйдин,  
Сигар жойим билолмасмен кетиб дардди уйдин,  
Итлари оллида солибким мени ул кўйдин,  
Қовмоқ истарлар дами машғулу хурсанд этсангиз.

Кўзимга кўз солиб ўксир Фарҳод ҳам беун,  
Мен томонга қучоқ очиб келур Тоҳир бағри хун,  
Ғамим ошди, ҳолим хароб, борму ёруғ бирор кун,  
Сўрмоғимга келса Мажнун нетги, эй аҳли жунун,  
Ваъзу панд айтиб мени бир дам хирадманд этсангиз.

Билдим, охир ҳар киши қалбин вафо ҳушёр этар,  
Мардни лашкарлар эмас, жабру жафо тор-мор этар,  
Бўлса маъшуқ бекарам ошиқларини хор этар,  
Телба итни демангиз мендек нединким ор этар,  
Ақлу ҳуш аҳлини бир Мажнунга монанд этсангиз.

Йўлдан урманг, қайтмагаймен, энди кирдим ўтқа мен,  
Нури покмен, қўшилурмен то қуёшга еткамен,  
Ҳам гуноҳу ҳам алам, дардим била мен кетгамен,  
Эйки, дебсиз пандингиздан бодани тарк эткамен,  
Тарк этай аввал мени шоистаи панд этсангиз.

Низомий борса жадал пир олдиға, эй дўстлар,  
Уч сатрин қўшиб устоди сарбандиға, эй дўстлар,

Ҳақ йўлини курсатур деб дилбандига, эй дўстлар,  
Гар аччиғ йиғлар Навоий пандига, эй дўстлар,  
Нетти оллинда туриб бир дам шакарханд этсангиз.

#### ЎҒЛИМГА НАСИҲАТ

Ўн бешга тўласан бу йил,  
Сен ўн бешта баҳорни кўрдинг.  
Ғамни билмай, қувноқ дил,  
Қулундай уйноқлаб юрдинг.

Менинг-чи, руҳимда тўлғоқ,  
Йиғламоқни қўймадим мен.  
Бугун тунда ўлтириб уйғоқ,  
Сен ҳақингда ўйладим мен.

Онанг гўри силқидими,  
Бир дақиқа минг йилча бор.  
Кузингда ёш қалқидими,  
Кўз ёшингла кетсин гўбор.

Истабмидим, мурғак қалбинг,  
Денгиз янглиғ бўлсин нотинч.  
Кулгуни тарк этсин лабинг,  
Юзларингдан ўпсин ўкинч.

Жон болам, яхшиям сен бор,  
Сени кўп севаман жондан.  
Сенга термуламен умидвор,  
Сени деб кечаман жаҳондан.

Фақат сен ножўя юрма,  
Кетмагил ўйнаб боғларга.  
Эрта уйғон, бекор турма,  
Меҳрим олиб чиқур тоғларга.

Юр, мозорга бирга борайлик,  
Юр, онанга ўқиймиз дуо.  
Рухин ёд этмоққа ярайлик,  
Ўғлим, сендан шу илтижо.

Яна күйш ботди секин, бепарво,  
Борлиқни буйди сунгра қаро ранг.  
Елғиз ултирибман, куйган дил бежо,  
Хаёлим паришон ва аҳволим танг.

Наҳотки қолдим-а, энди мен Ёлғиз,  
Танҳолик нимадир? Энг аччиқ тақдир.  
Ана, само куйни тии-тиниқ денгиз,  
Тулин ойға шунда айтдим битга сир:

Ой милади: Мен гузалман, ҳойнаҳой,  
Зур малоҳат ҳам нафосат менда бор.  
Дедим ойга: Сенга бўлмама маҳлиё,  
Олам фақат ёримга берган чирой.

Ана, сенинг жамолингда ёғдули  
Доғлар кўрдим, завқим бир оз ўчди-ку.  
Ой сузилди: Ёринг юзи қайғули,  
Унинг доғи юрагинга кўчди-ку.

Дедим: Ойхон, дилимни сен эзмагил,  
Эслатмагил, ҳижрон ғамин қувайин.  
Қўзғотмагил, юрак чоҳин қазмагил,  
Қандоқ қилиб ул доғларни ювайин?..

### Учинчи кун

Танқаридан отилди бир сас,  
Ҳали күйш уйғонмай туриб.  
Қўшни кампир кирди ўтнафас,  
Айтиб йиғлар эгилиб туриб.

Қирда тулпор боласи,  
Боғда қўшлар ноласи,  
Вой қўшним-а, Ҳикматой.

Шовуллаган сой бўлди,  
Йиглаб турган ой бўлди,  
Жон қўшним-а, Ҳикматой.

Ёмғир ёғса, қор ёғур,

Қаро булут кўп өгир,  
Ён қўшним-а, Ҳикматой.

Яхши кунлар кўрганмиз,  
Бирга-бирга юрганмиз,  
Вой Ҳикматхон болам-а.

Изларингни топайин,  
Райҳон билан ёпайин,  
Вой Ҳикматхон болам-а.

Тоғу тошга йўл солай,  
Кийикларга дўст бўлай,  
Вой Ҳикматхон болам-а.

Қўлдан учган сўналар,  
Бориб қайга қўналар,  
Вой Ҳикматхон қизим-а.

Тунни ёриб тонг отди,  
Дилга бир ханжар ботди,  
Вой Ҳикматхон қизим-а.

#### ИТ ҲАҚИДА ГАП

Қўшним дер: «Арслон» йўқ,  
Маҳаллани кезади.  
Уни қувар халойиқ,  
Ҳар уй ундан безади.

«Қоплон» бир қўзичоқни  
Ёриб ташлабди оқшом.  
Кампир ўлган улоқни  
Итқитибди деб ҳаром.

Итлар кўп: «Оқ», «Қора»,  
Номи ўзига яраша.  
Ит деб, бўлмаи овора,  
Безътибор қарашар.

Бизнинг «Вулқон», «Топчайнар»  
Неча кун — уйқу билмас.  
Қўзларида ёш қайнаб,  
Уйдан бир қадам жилмас.

Эртадан-кеч ўлтирар,  
Қулоқ шалпанг, дум қисиқ.  
Менга қараб мўлтирар,  
Овозлари ҳам синиқ.

Овқат берсам қарамас,  
Сув ичади гоҳида.  
Дарди сира аримас,  
Увлар саҳар чоғида.

Мен йиғлайман, у ҳам зор,  
Мен билан йиғлар бирга.  
Ит бўлса чин вафодор,  
Алиштирмангиз шерга.

\* \* \*

Итдайн қийналдим,  
Оғзимга келди жон.  
Хаёл қочди узоқ,  
Тиззамда йўқ дармон.

Ичимда олов бор,  
Куйдирар ўт — қуёш.  
Йигитми шунча хор,  
Дил эмас шунча тош.

Наҳот, йўқсан, Ҳикмат,  
Бевафосан, рости.  
Қайдан мунча кулфат,  
Бир оғир юк босди.

Боғингни на қилай?  
Кимларга ишонай?  
Қўй, бағримни тилай,  
Садоқатга қонай.

Келдилар халойиқ,  
Фотиҳа ўқилди.  
Менинг ғамга лойиқ —  
Қанча гап тўқилди.

Кимдир насиҳат дер:  
Ўзингни қўлга ол.

Болаларга меҳр бер,  
Уларни йўлга сол.

Кун оғди. Тушди шом,  
Ўксиди бу олам.  
Бир менда йўқ ором,  
Уйқу ўрнида гам.

\* \* \*

Ярим кеча порлар чироғим,  
Нурларида ёнур қайгулар.  
Ўзалигимни қовурар ёғим,  
Қаламимдан томар туйгулар:

Мени девона қилди шаҳло кўзинг,  
Мени гирёна қилди подшо кўзинг.

Сўзларингдин шеър олурдим ҳар кеча,  
Мени парвона қилди зиё кўзинг.

Бош олиб кетмоқ эдим қайларга мен,  
Мени Фарғона қилди маъво кўзинг.

Анодин кўз очиб кўрдим кўзингни,  
Мени мастона қилди фидо кўзинг.

Кўзларимда кўзларинг бебаҳодир,  
Мени дурдона қилди баҳо кўзинг.

Сендан ўзга бойлигим йўқ, эл билур,  
Мени ҳайрона қилди дунё кўзинг.

Низомийга ошно эдинг, оқибат —  
Мени ҳайрона қилди вафо кўзинг.

#### ТўРТИНЧИ КУН

Ёш тўкиб кўзим хира,  
Остонага бош урдим.  
Таскин топмадим сира,  
Йиғлоқ шеъримни кўрдим.

Ишқи билан банд бўлган,  
Хуснига пайванд бўлган,  
Шод бўлган, хурсанд бўлган,  
Шеъримга бергил тўзим.

Ҳамиша уйғоқ эди,  
Кечалар қайноқ эди,  
Сен билан ўртоқ эди,  
Шеъримга бергил тўзим.

Ичига қайғу сола,  
Мажнундай қилур нола,  
Мисоли егим бола,  
Шеъримга бергил тўзим.

Фарзандларим оҳ урди,  
Сатрларим куйдирди,  
Улар бир сафда турди,  
Шеъримга бергил тўзим.

Қай сатрим васфин деди,  
Қай бандим аслин деди,  
Қай мисрам таскин деди,  
Шеъримга бергил тўзим.

Ёз! — дер эди ҳар маҳал,  
Ҳар шеър эди мукаммал,  
Илҳом эди энг гўзал,  
Шеъримга бергил тўзим.

\* \* \*

Пешин чоғи мизғидим пича,  
Киприкларим новдаси синди.  
Ёшларимни симириб ича —  
Тўймас кўзим булоқдай тинди.

Кўз олдимда бўлдинг намоён,  
«Чой дамладим, турунг, дадаси.  
Тандир тўла пишар ёғли нон»,  
Қайдан топай кўнгил далдасин?!

Фигон айлаб юзларим сўлгин,  
Сўзларимда ловуллаар ёнгин,

Киприкларим қуяди ёмгир,  
Ўқтин-ўқтин юрагим оғрир.

Фарёд қилур ўғлим ҳам қизим,  
Жисмим аро йўқолур сезим.

Кундан-кунга ҳолатим ёмон,  
Сузаларимга ҳар инсон ҳайрон.  
Наҳот йигит қаддим букилди,  
Дўст эгилди, душманим кулди.

\* \* \*

Кимдир деди: Не керак сенга,  
Яқинроқ кел, қулоқ сол менга.  
Ёшингни арт, йиғлама зор-зор,  
Қаддинг кўтар, дўст бор, душман бор.

\* \* \*

Кимга руҳи равоним керак?  
Кимга ширин забоним керак?  
Кимга аччиқ армоним керак?  
Кимга гули райҳоним керак?  
Кимга тубсиз уммоним керак?  
Кимга ростгўй фармоним керак?  
Кимга илму урфоним керак?  
Кимга шеърим, достоним керак?  
Кимга тоза имоним керак?  
Кимга жоним ҳам қоним керак?  
Менга керак тенгсиз жаҳоним,  
Покиза руҳ — ерим, осмоним.  
Ўчмас шеърим — Ўзбекистоним,  
Туркистоним, Она Туроним!

#### БЕШИНЧИ КУН

Хурмо дарахти билан тиллашув

Айвоним ёнида ўсган ҳой хурмо,  
Марҳумам — гулимдан қолган ёдгорлик.



Ғуборларинг бўлсин кўзимга сурма,  
Ёр кетди. Чорбоғим қилдим и торлик?

— Менинг илдизимга берар эди сув,  
Баргларимга қўндирмасди асло чанг.  
Энди еллар кезар шохимда ғув-ғув,  
Мажруҳ новдаларим тортилмиш таранг.

— Ҳали тирик экан, сен эдинг ғўра;  
Меваларинг пишибди, қондек қип-қизил.  
Қизил қон нимадир, бағримдан сўра,  
Япроғингдек титрар интиқ бу кўнгил.

— О, менинг ям-яшил хурмо дарахтим,  
Сен каби баҳорим наҳотки ўтди.  
Қачон қайтар экан энди ул бахтим,  
Шоҳ Бобур ғазали хаёлим элтди:

Бевафо ёр қучоқида айтурга зор — хуморим бор,  
Ҳижрон баҳри ўйноқида ғам, аламдин озорим бор,  
Оёғингни тупроқида энди жондин безорим бор,  
Қаро зулфинг фироқида паришон рўзгорим бор,  
Юзунгнинг иштиёқида на сабру на қарорим бор.

Ҳажринг аччиқ забон қилди, каклик каби нолон қилди,  
Ҳам боғимни ҳазон қилди, куйдирди хонумон қилди,  
Тақдир мени арзон қилди, оқибат якка жон қилди,  
Лабинг бағримни қон қилди, кўзимдин қон равон қилди,  
Нега ҳолим ёмон қилди, ман андин бир сўрорим бор.

Пешонам бекарам бўлса, ғанимлар бари жаъм бўлса,  
Бир жаллоди одам бўлса, қийноғи дам-бадам бўлса,  
Азоби анча кам бўлса, ризоман минг ситам бўлса,  
Жаҳондин менга ғам бўлса, улусдин гар алам бўлса,  
Не ғам юз мунча ҳам бўлса, сенингдек ғамгузорим бор.

Агар девонамен, гар зобит, гар бургутмен, агар ит,  
Агар телбадурмен, гар умид, гар пок дидмен, гар йигит,  
Агар ўткинчимен, гар собит, гар ўғитмен, гар таҳдид,  
Агар муслиҳмен, ар мусфид, ва гар ошиқмен, ар обид,  
Не ишинг бор сенинг, зоҳид, менингким ихтиёрим бор.

Сени аераб минг жоҳилдин, қасос олгум минг қотилдин,  
Дил узмам қаро кокулдин, қаро гажжақли сунбулдин,

Пизомий, кетмагай элдин, то қутулмас бу мушкулдин,  
Фигоним ошди булбулдин, гами йўқ зарра бу қулдин,  
Басе, Бобур, ўшал гулдин кўнгилда хор-хорим бор.

#### ОЛТИНЧИ КУН

Сахар қулоғимда янгради бир сас,  
«Жон дадаси, Тошкент сари борайлик,  
Қаранг, шундай туғилди ҳавас,  
Яқин дўстларингиз бориб кўрайлик?»

Ер янглиғ оғирдир берган саволи,  
Муҳаммад Алини яна ўйладим.  
Абдулла Орифга учди хаёлим,  
Наим Каримийга дардим сўйладим:  
Қаёққа бошлайди тақдир шамоли?

Нотаниш зўр ҳижрон отини айтди,  
Боғимни тебратди, кўнглим тебратди.  
Қайғусиз кўзларим тунда уйғотди,  
Рухимга таскин деб тошларин отди,  
Қаёққа бошлайди тақдир шамоли?

Йўлларим чангиди, бошим гангиди,  
Умрки аёвсиз қонли жангмиди,  
Йигитнинг аҳволи шунча тангмиди,  
Кимнинг ҳам юраги тош-санг эди,  
Қаёққа бошлайди тақдир шамоли?

Тоғларга бормаймен, чиққанман аввал,  
Ул асрий тошлардан олмаймен сайқал,  
Қоялар устида арчалар ҳайқал,  
Арчалар бошида кун ёнур ял-ял,  
Қаёққа бошлайди тақдир шамоли?

Дарёлар сузмаймен, ўтганман кечиб,  
Дарёга сизиндим, дарёдан кечиб,  
Қуш бўлиб кетарман кенгликка учиб,  
Бир кўрай, бир кўрай кафанни ечиб,  
Қаёққа бошлайди тақдир шамоли?

Элма-эл кезмаймен мен девонавор,  
Ўз юртим ерида бир сирү асрор,

Отамнинг хоки бор, онам хоки бор,  
Ёримнинг қабри бор, муқаддас мозор;  
Қаёққа бошлайди тақдир шамоли?

#### РУБОИЙ

Қалбимда ишқ унди, ғам, озор едим,  
Эл аро Мажнунни хокисор дедим.  
Эй бемор Низомий, сен умидвор бўл,  
Дардингга зўр малҳам фақат ёр дедим.

#### ЕТТИНЧИ КУН

Қулоғимда қолган битта илтижо:  
«Жон дадаси, келинг, хўп денг менга сиз,  
Пайдо бўлди кўп ажойиб муддао —  
Яна бир борайлик ул Қора денгиз?»

О, сеҳрли Қора денгиз бўйлари,  
Қолганмидир сизда ёрим излари.  
Шўх тўлқинлар бўлса агар сўйлари,  
Тинглар эдим севгилимнинг сўзларин.

\* \* \*

Ўзимча сўйланиб хонамга кирдим,  
Алқисса, шеър ўқиб олардим ўчим.  
Ошпоқ қоғоз узра қаламим сурдим,  
Муқимий назмига етарми кучим:

Йиғларимнинг боиси назми китобим ким десун?  
Ғам кўкида тутилган нури офтобим ким десун?  
Ҳам сарсари ел мисол умри шитобим ким десун?  
Ул тағофулпешаға ҳоли харобим ким десун?  
Ҳажрида мундоқ мени кўрган азобим ким десун?

Менки ўлдим ҳам тирилдим, мунча бардош кимда бор?  
Йўлчивиндек йўлда оздим, фироқида хокисор,  
Тонг ҳам отур, кун ҳам ботур, мулки ўзбек менга тор,  
Кундузи бир ерда бир дам олмай орому қарор,  
Лаҳзае йўқ кечалар кўзларда хобим ким десун?

Ким ёнурки у билан бордурур кимнинг иши,  
Ичга сиғмай отилади ҳар юракнинг ташвиши,  
Жонга етди айрилиқнинг Азройилдек қилмиши,  
Ўз кўмочиға, масалким, тортадур кул ҳар киши,  
Бас, куйиб ишқида чеккан изтиробим ким десун?

Бевафони ўхшатурлар ишқ аро бир тўтиға,  
Қайси номард айланур номард кишининг мутъега,  
Мен кўнмадим ҳйиласига, неча ёлғон шартига,  
Куймаган бўлса биров меҳру муҳаббат ўтиға,  
Шаъмдек то субҳ ўртаб таббу тобим ким десун?

Бошим узра ёғдурур тош, меним ёмоним сўйлар,  
Таъна қилгай, ҳасад бирла ўлчаб бўйимга бўйлар,  
Садоқатим имонимдир, айтинг, буни ким ўйлар,  
Ҳамнишиндурлар улуғларга хушомадгўйлар,  
Йўлида жаноними хайру савобим ким десун?

Гуноҳкор кўз билан кўрдим бу дунё баланд-пастин,  
У жонимга бало бўлди, жонимдин олар қасдин,  
Ўйнатаиб тақдирим отин, не тилар мен саркашдин,  
Гар қилич бошимга ҳам келса дегаймен ростин,  
Сўзки ҳақ бўлса, саволимга жавобим ким десун?

Низомийни то оқибат дунё иши қилди ҳеч,  
Низомийни охи кўкда ўрламоқда печу печ.  
Низомийни парвардигор, мушкулотин ўзинг еч,  
Дўстлар, сўрсанг физосидин Муқимий эрта-кеч,  
Қон шароб ичсам жигарлардур кабогим ким десун?

#### САККИЗИНЧИ КҮН

Нонушта пайтида тушди ёдимга,  
Бир куни қалтисроқ қилганди ҳазил.  
Айтсам-да, ким етар энди додимга,  
Гапларин оғири — тоғлар каби зил.

«Дадаси, яқинроқ келинг, бир ҳидлай,  
Кўзимга сиз қарангиз тўйиб».  
Кетдим. Армон бўлди. Қаёқдан билай?  
Термулардим ишимни қўйиб...

\* \* \*

Энди ҳол сўргали битта забон йўқ.  
Аҳволини кўргали бир меҳрибон йўқ!

Булбулмен, сайрамоқ менинг ишимдир,  
Боғим йўқ, ошён йўқ, ер йўқ, осмон йўқ.

Навбаҳор қанидир, ёз фасли қани? -  
Синиқ руҳим ичра доруломон йўқ.

Ишқимдан яралган битта кишвар бор,  
Унга бир ҳукмрон йўқ, битта хоқон йўқ.

Мени англаб киши қайларда бордир,  
Бир шафқат қилгувчи чин мусулмон йўқ.

Ғамимни бўлгани, дардим айтурға,  
Ёлғиз ўғлим, деган ул Отажон йўқ.

Йиғласам дастрўмол туггувчи менга,  
Оҳ, мени яратган жон Онажон йўқ.

\* \* \*

Намозгар вақтида ўйларим толди,  
Оҳиста ўлтирдим кечки овқатга.  
Қай кунги гапини ёдимга солди,  
Жон қуши кўнмайди энди тоқатга.

«Ҳой дадаси, тунда нима ёздингиз?  
Келинг, ўқиб беринг битта янги шеър».  
Шошиб чиқиб кетдим, ишим бор, деб тез,  
Ҳой телба замона, энди жавоб бер.

#### РУБОИЙ

Садоқат бобида бир улуг калом —  
Бутун ҳаётингни айларкан эҳром.  
Сен унга ўзингни баҳшида қилғил,  
Маъниси шу эрур — ёрга эҳтиром.

## ТЎҚҚИЗИНЧИ КУН

Ана, тонг юзларин ювди,  
Ой юлдузга ниманидир дер.  
Расмин кўрдим, ғафлатни қувдим,  
Қоғозга тўкилди икки шеър.

## ЎЙНАР

Сузлаганда лабингда ҳаё ўйнар,  
Сен кулганда кўзингда зиё ўйнар,  
Минг товланиб юзингда ибo ўйнар,  
Қадинг кўриб ер бирла само ўйнар.

Нигоҳингда менга бир ризо ўйнар,  
Ғар тикилсам, руҳимда ҳаво ўйнар,  
Бир куч олиб, жисмимда даво ўйнар,  
Табассум қил, тилимда наво ўйнар.

Қаён кетдинг? Жонимда жазо ўйнар,  
Алам қилиб шеъримда садо ўйнар,  
Дуо қилгум, тоату тақво ўйнар,  
Низомийда садоқат танҳо ўйнар.

## ҚОШИҒ

Бағримда ўт бино қилган камон қошинг,  
Жисму боримни ёндирди ёмон қошинг.

Бу чаманда гўзаллик не, қаролмайман,  
Тополмайман ғар изласам жаҳон қошинг.

Энди асло роҳатим йўқ, қайдасан ёр,  
Ё бахтимни қаро қилди чунон қошинг.

Мажнунлигим элга маълум, тавба қилмам,  
Ширин жонга бир жон эди, жонон, қошинг.

Ўсма экдим, япроғидан ўзим сиқиб,  
Қошларингга ўзим қўйй, ларзон қошинг.

Қошларингни силар эдим тун кечалар,  
Энди билдим, менга экан меҳмон қошинг.

\* \* \*

— Ҳой, ким бор, қарангиз, — чақирди биров,  
Дарвоза томонга шошилдим илдам.  
Тилим сўзга келмас, ё бўлдим соқов,  
Ҳар ёндан келибди ёронларим — жаъм.

Ўғитлар ёғилди баҳор селидай,  
Руҳимга бердилар таскин ва далда.  
Юпанч ўткинчидир тоғлар елидай,  
Лекин ҳажр чексиздир, ғам туни — ялдо.

Бурчин адо этиб кетдилар улар,  
Кўзларида кўрдим аянч ёшени.  
Ахир, бўрон бўлиб келган қайгулар,  
Бошимга урди-ку ҳижрон тошини.

Яна йиғлай кетдим бағрим яралаб,  
Юпанч, далдаларни шу дам унутдим.  
Улуғлар бисотин аста саралаб,  
Фузулий ғазалин кўзимга суртдим.

Ҳижрон ўтин ёнмоғини ғами бисёр ўландан сўр,  
Лаҳза-лаҳза фарёд қилур, иши озор ўландан сўр,  
Жон риштасин узилмоғин ҳоли афғор ўландан сўр,  
Шифойи васл қадрин ҳажр ила бемор ўландан сўр,  
Зулоли завқ-шавқин ташнаи дийдор ўландан сўр.

Қаро зулфин ҳалқасини мен кўрармен, сен сўрма,  
Киприкларин ўқларига нишонадурмен, сен сўрма,  
Бир оловким, яллигланур, парвона бўла юрма,  
Лабинг сиррин гелуб гуфтора бандан ўзгадан сўрма,  
Бу пинҳон нуқтани бир воқифи асрор ўландан сўр.

Умрим елдай кечур, кўзим нури ўчур йилдан-йил,  
Ҳажр тоши тегди, бўлди кўнгил ойнаси чил-чил,  
Суйгилим шу тупроқ гули, Турон элинда дохил,  
Ўзи ёшларинг ҳолин на билсин мардуми гофил,  
Кавокиб сайрини шаб то саҳар бедор бўлдан сўр.

Ой юзингни беркит, юзларинг севдим деганлардан,  
Қошинг яшир, қаро қошинг севдим деганлардан,  
Оёғинг узра гул сочса келтириб гар чаманлардан,  
Хабарсиз ўлма фаттон гўзларин жаврин чеканлардан,  
Хабарсиз мастлар бедодини ҳушёр ўлдан сўр.

Муруват не — билурмикан доғули ҳаёт — золим,  
Унинг турфа ҳийласидан саркаш бўлди хаёлим,  
Жафо ўти ичрадурмен, борми маним мисолим,  
Ғамингдан шаъмтак ёндим, сабодан сўрма аҳволим,  
Бу аҳволи шаби ҳижрон баним-ла ёр ўлдан сўр.

Кезиб юрсам ерни саросар, элга келур малюлим,  
Қотиб қолмиш лабимда ғам, тилимда заҳар болим,  
Жафо энди ўлдурур, кимни тутар меним уволим,  
Хароби жоми ишқам, нарғиси мастинг билур ҳолим,  
Харобат аҳлининг аҳволини хуммор ўлдан сўр.

Кел, эй банда, Низомийга тавоф айла, сифингил,  
Гар ошиқсан, ошиқлигинг охират саховат бил,  
Аллоҳ ёзмиш пешонангга, ўзингни чин Инсон қил,  
Муҳаббат лаззатидан беҳабардир зоҳиди гофил,  
Фузулий, ишқ завқин завқи ишқи вор ўлдан сўр.

#### ЎНИНЧИ КҮН

Ажойиб туш кўрдим саҳар,  
Чилдирманинг садоси таранг.  
Карнай-сурнай элга солур жар,  
Паранжида Ҳикматой, қаранг.

Эгнида товланур оппоқ шол,  
Оёғида Анжон маҳсиси.  
Кавишининг косиби ҳалол,  
Тановарнинг сози, яхшиси.



Аравада шўх қизлар ичра  
Сал эгилиб келин турибди.  
«Ёр-ёр»дан гумбурлаб тун-кеча,  
Бир хумо қуш кезиб юрибди.

Куёвнавкар ёнимда хушёр,  
«Қарғалар»га уйнар аллаким.  
«Дучава»га хўп тушур Хумор,  
Бунда ҳеч ким туролмайди жим.

Аравадан кўтариб олдим,  
Бўлди қий-чув, роса тўполон.  
Сўнг... тобутни мен кўриб қолдим,  
Дастасидан ушладим шу он.

Ва сесканиб уйғондим, бироқ,  
Қулогимда «ёр-ёр»лар қолди.  
Хаёлларим бўлиб тумтароқ.  
«Илк кеча»ни ёдимга солди.

«Бошқасини севар экансиз?»  
«Бекор гап, сўзламанг қайта».  
Ҳа, гул бўлмас асло тикансиз —  
Дейилган-ку қайси бир байтда.

Алангага отиб ёшлигим,  
Бир қизчани севганман, рости.  
Ишқ танимамай, ул бебошлигим,  
Бу дунёнинг баланду пастин.

«Бўлди, дейман, севаман Сизни»,  
Тун ёришди. Эслаш қийин-да.  
Худо, дедим, асрагил бизни,  
Тонг уйғониб зардан кийинди.

Шундоқ бўлди, дўстлар, йилма-йил,  
Меҳру вафо қўллардан тутди.  
Ва бошлади бахтга мутгасил,  
О, ўпичлар муродга элтди.

Энди ундан чин вафо қолди,  
Эртак қолди, дostonлар қолди.  
Садоқатдан илтижо қолди,  
Гул қизлару ўғлонлар қолди.

Ул кетдию, бир садо қолди,  
Яхшиликдан битта шон қолди.  
Кусим узра бир яро қолди,  
Аччиқ, лекин рост забон қолди.

Мен утурман зур армон билан,  
Далда бўлиб бир бардош қолди.  
Ҳар кеч йиғлаб еяр нон билан,  
Ҳар кеч йиғлаб ичар ош қолди.

Дуркун давраларда йўқ энди,  
Ерга тўкилган шароб қолди.  
Ҳаёт жоми дарз кетди, синди,  
Шеърим бағри кўп хуноб қолди.

Қалбни абад зур ҳижрон эзур,  
Мозорида қора тош қолди.  
Эл ичинда кўп сўзлар кезур:  
Тулан Низом яккабош қолди.

#### РУБОИЙ

Она ҳам отангни берма тиллога,  
Ватанни алмашма икки дунёга.  
Ёринг — имонингдир, дўстинг — виждонинг,  
Танҳолик ярашгай фақат Худога.

\* \* \*

Дардим кўп, ёролмайман,  
Тўйларга боролмайман,  
Мен бошқа ёр ололмайман,  
Йиғламоқдан толмайман.

О, қанчалар мардона  
Ўтга тушар парвона,  
Сўнг меҳри қона-қона,  
Жисми қолур ардона.

Булбулга қилмам ҳавас,  
Унга бир гул бўлса бас.  
Нағма қилур ўт нафас,  
Ва лекин шоир эмас.

Яна үн кун үтди, афеус, умримдан,  
Ерга қанча тўкилди кўз нуримдан.

Кун санайман, бор экан-да саботим,  
Лочин эдим, қайрилди-я қанотим.

Давраларда маҳзун бўлдим, дўстларим,  
Бир чеки йўқ ғамга тўлдим, дўстларим.

Жон қизларим кўзларига боққанда,  
Ўғилларим сўзларига боққанда —

Аччиқ-аччиқ нола кўрдим, ўкиндим,  
Шўрлик онам руҳларига бекиндим.

Мозор томон борар бўлдим ҳар куни,  
Севгим қабрин бўлиб қолдим мафтуни.

Дафта-дафта гул қўяман бошига,  
Манглайимни секин босиб тошига.

Мажнун мендай бўлганмикан чин ошиқ,  
Тилларимдан тўкилади бу қўшиқ:

Мени ташлаб кетдинг, ёр,  
Хор-интизор этдинг, ёр.

Суйганим — суйганлигим,  
Куйганим — куйганлигим.

Гуллар узиб берайми,  
Тўйлар тузиб берайми.

Онтим ёзиб берайми,  
Жондан безиб борайми?

Суратинг менда қолди,  
Қарай-қарай кўз толди.

Қайнашларим йўқолди,  
Ғам қийин йўлга солди.

Хуфтон бўлди, кўнглимни  
Илҳом билан доғладим.  
Машраби девона Пир  
Сўзига сўз боғладим:

Шод эдим, хурсанд эдим бир ғамгузорим бор, деб,  
Аҳдига кўнгил бердим, буни қатъий қарор деб,  
Ўқситди охир фалак сен ошиқи хор деб,  
Ғам биёбонида қолдим, йиғладим кўп ёр деб,  
Оҳ уриб, фарёд этиб, булбулдайн гулзор деб.

Зил-бало тақдир юкин бошима қўйди худо,  
Ва ҳажр тошини урди кўнглима еру само,  
Дарду ғам бўронида танҳо қолдим, безиё,  
Кечаю кундуз куярман ишқ ўтига доимо,  
Дарбадар излаб юрурман соҳиби асрор деб.

Шўр пешонам номукаммал дунёни тор айлади,  
Шеърим ила йиғладим, мени зор-зор айлади,  
Дўсту ағёр олдида, элда ночор айлади,  
Лашкари ғам синиқ кўнглимни афгор айлади,  
То давосиз дардга қолдим ожизу бемор деб.

Менга дерлар, қақшама, ҳасратингни ичга ют,  
Кўз очиқ бўлса агар сен руҳин қилма унут,  
Қабрига ёш тўкмагил, тупроқдан кўнглинг совут,  
Ғарчи осийман, эмасман раҳматингдан ноумид,  
Ҳар не қилса эрки бор ул, бандаси ночор деб.

Жойинг беҳишт ародур, Низомий сендан ризо,  
Суратингга термулармен, тонглари қилгум дуо,  
Сўзлашурмен сен билан, ёдимдасан доимо,  
Маърифатлик бир эгам деб бўлма, ғофил, Машрабо,  
Ғарчи ғофурдирки, йўқдир меҳрибон, жаббор деб.

#### ЙИГИРМАНЧИ КҮН

Ҳовлига тун чўкди, тушди қоронғу,  
Ҳар битга хонамга кирди зўр қайғу.  
Хотинлар ҳу-ҳулаб тушдилар зикр,  
Кўз ёшдан киприклар этади пир-пир.

Ёнур нигоҳларда ҳижрон қийноғи,  
Тилларни қиймалар айрилиқ доғи.  
Қишлоққа таралди ўксиган товуш,  
Хаёл оғушида тўлин ой хомуш.

#### ГҲЯНДА ХОТИН ЙИГИСИ

Биродарлар, ўлим ҳақдир деманглар,  
Ёлгончи бу дунёдан панд еманглар,  
У уммондир, гарқ бўлади кеманглар,  
Вой мусулмон бандаси,  
Қилманг намоз кандасин.  
Вой жигарим, жигарим,  
Қонга тўлди юрагим.

Дил боғламанг ҳою ҳавас ишига,  
У оқибат жафо қилур кишига,  
Лаҳад ичра киши келиб ҳушига,  
Сўнг пушаймон бўлмасин,  
Қайта-қайта ўлмасин,  
Вой жигарим, жигарим,  
Қонга тўлди юрагим.

Онасидан туғилганда Ҳикматой,  
Тенгси эди, унда эди бор чирой,  
Кўзда қуёш, юзларида эди ой,  
Капалакдай учди-я,  
Бир шаъм каби учди-я,  
Вой жигарим, жигарим,  
Қонга тўлди юрагим.

Баланд тоғлар қулаб тушсин, паст бўлсин,  
Муҳаббатсиз мону дунё хас бўлсин,  
Бу дунёда Ҳикматойдай кас бўлсин,  
Қайларга учди қушим,  
Оғади ақлу ҳушим,  
Вой жигарим, жигарим,  
Қонга тўлди юрагим.

Ёмон яшар, яхшиларга кун йўқмиш,  
Олам ичра бир бағри бутун йўқмиш,  
Қаро қулга кундуз бору тун йўқмиш,  
Меҳнаткашим Ҳикматой,

Заҳматкашим Ҳикматой,  
Вой жигарим, жигарим,  
Қонга тўлди юрагим.

Гузалларнинг сараси-ей, гул Ойим,  
Ўлим чангалига тушган гул Ойим,  
Сафар қилдинг, мунча узоқ йўл, Ойим,  
Йўлинг борса келмасдир,  
Уни ҳеч ким билмасдир,  
Вой жигарим, жигарим,  
Қонга тўлди юрагим.

Ҳамма йиғлар, гоҳо ҳувласа бот-бот,  
Қаро тун кўксига санчилур фарёд.

Хотинлар қурдилар ғамли анжуман,  
Дарвоза ёнида Мажнунтол ўйчан —

Шохларини эгди ўксик ва ғариб,  
Мунг билан ўқилди Мавлуди шариф.

Алқисса, бошланди Ясавийхонлик,  
Дунё ишларидан кўп пушаймонлик.

Хувайдо, Ҳазиний бунда сўзлади,  
Аёллар тўлиқиб роса бўзлади.

Тиниқ овоз билан ўқиди отин —  
Сўфи Оллоёрнинг бир муножотин:

«Илоҳо, бандани соҳиб надам қил,  
Сироти шаръ уза собит қадам қил.

Ҳидоят пирига тошпир қўлимни,  
Иноят йўлига кенг қил йўлимни».

Хотинлар тарқади, кўз юмди кеча,  
Юлдуздан тўкилди сурларни ича.

Ҳов зангор осмонда ловуллар Чулпон,  
Сен танҳо эмассан, шоирим, дебон.

Мен эсам марҳумам ёди билан банд,  
Фалак сирларини қилмайман писанд.

Дунё ҳавасига бермайин деб тан,  
Оёқ-қўлларимга соламан кишан.

#### КЕЙИНГИ КУНЛАР

Кунлар ўтур пайдар-пай,  
Изларинг қайдан топай.

Излаб қайларга чопай,  
Шамол тинса, мен тинмай?

Дунё керакмас энди,  
Сабрим косаси синди.

Қалбим тўфони тинди,  
Дийдам дарёни шимди.

Боғларда чирой йўқдир,  
Тоғ устида ой йўқдир.  
Оламда ҳумой йўқдир,  
Сигарга бир жой йўқдир.

Булбулга наво қани,  
Парвозга ҳаво қани,  
Ул ақли расо қани,  
Ўйнарга жоно қани.

Созанданинг сози йўқ,  
Ғунчаларнинг рози йўқ.  
Баҳорнинг боз-бози йўқ,  
Дил йиғлар — овози йўқ.

#### ОЎҚИН СУВГА РОЗ АЙТГАНИМ

Ҳой оқин сув, анҳордаги ўйчан сув,  
Куз еллари юзларингни силамиш.  
Қани сенда баҳор берган чўғ кулгу,  
Хазон барглар сенда оқиб йиғламиш.

Мавжинг қани, авжинг қани, шўҳ эдинг,  
Бешик-бешик тўлқинларинг тиндими.

Бир уасийсан, ё бурондан панд единг,  
Орзуларинг арча эди, синдими?

Мен ҳам сендек кўп ҳоридим шу кунлар,  
Қайнашларим, завқу шавқим йўқолди.  
Бағрим куяр, лек кўринмас тутунлар,  
Мени ўтга ким ташлади, ким солди?

Кел, иккимиз бирга-бирга оқайлик,  
Бизни кутар ҳў нарида кенг боғлар.  
Далаларга, водийларга боқайлик,  
Олқишласин яқинлару йироқлар.

Ахир, умр бир гўдакки, у хуноб,  
Гоҳ кулади, гоҳ йиғлайди, не ажаб.  
Тақдир хатин биз ўқиймиз телбатоб —  
Гоҳо равон, гоҳ қийналиб, ҳижжалаб.

#### АЛЛА

Қўларимни элтди теш уйқу,  
Киприкларим бердилар бағир.  
Хаёлларим учагон оҳу,  
Тушга кирди: ҳў йиллар сағир —

Етимлигим бир нола чалар,  
Ёлғизликнинг тилида йиғи.  
Армонларим аридай талар,  
Жондан ўтар отамнинг йўғи.

Қайси куни онам бечора,  
Ёлғиз бошим ўксиб силади.  
Алла айтиб, йиғлаб зор-зора,  
Менга яна иқбол тилади.

«Тиниқ кўлга тушди ғоз,  
Ўзига берур пардоз,  
Чиқармагил сен овоз,  
Боқмагил унга қиё,  
Алла болам, алла-ё,  
Болагинам, алла.

Тоғда каклик сайрайди,  
Мурғак дилинг лйрайди,



Ширин уйқу ўрайди,  
Ором ол, ақли расо,  
Алла, болам, алла-ё,  
Қулунгинам, алла.

Оқшом бўлди, кеч бўлди,  
Лабларинг майин бўлди,  
Бағримга орау тўлди,  
Сени асрасин Оллоҳ,  
Алла, болам, алла-ё,  
Ёлғизгинам, алла.

Осмон тўла юлдузлар,  
Соч тараб ўйнар қизлар,  
Учарда қолур излар,  
Сайра, булбулиғуе,  
Алла, болам, алла-ё,  
Шоир бўлгин алла.

Қай кунларга қолдим-а,  
Ўзни ўтга солдим-а,  
Йиғлай-йиғлай толдим-а,  
Умрим тушмиди — рўё,  
Алла, болам, алла-ё,  
Сен — умидим, алла.

Қорадарё тўлғонди,  
«Ёмон» бола ўйғонди,  
Она сутига қонди,  
Алла, болам, алла-ё,  
Шоввоз болам, алла.

Қуш қўшилур галага,  
Ел учади жалага,  
Мен кетаман далага,  
Ухлаб қоласан танҳо,  
Алла, болам, алла-ё,  
Ботир болам, алла.

Отанг ўтди дунёдан,  
Бу каромат худодан,  
Тилим куяр нидодан,  
Меҳринг юрагимга жо,  
Алла, болам, алла-ё,  
Етимгинам, алла-ё.

Алла айтиб тўлиқди онам,  
Ўксиб-ўксиб йиғи бошлади.  
Онам билан йиғладим мен ҳам,  
Дардларини сочиб ташлади.

Ва қўзғолиб, уйғондим аста,  
Ёрим алла айтур ярим тун.  
(О, у эди аллага уста...)  
Кеча кўксин тутмиш мунгли ун:

«Алла, қўзим, ёруғ Юлдузим,  
Манглайингни силайман ўзим.  
Бунёд ўғлим, Гулбаҳор қизим,  
Алла-ё,  
Алла...

Бек боласи, бешик боласи,  
Кўзларида кумуш жоласи,  
Ухлаётгир тоғлар лоласи,  
Алла-ё,  
Алла...

Гулдай кулди ойимим Гулшод,  
Озодинам ноладан озод.  
Раъно билан боғимиз обод,  
Алла-ё,  
Алла.

Вой, уйғониб кетди дадаси,  
Юрагимнинг ёлғиз далдаси,  
У худонинг шоир бандаси,  
Алла-ё,  
Алла...

Кулгим келди: Кўп раҳмат, — дедим,  
У хўрсиниб ёплади кўзин.  
«Нега», — дедим. «Мен бола эдим,  
Бугун эса...» Тўхтатди сўзин.

Жимлик чўқди. Кенг олам буйлаб  
Қаро туннинг хаёли кезар.  
Она, дейман, пичирлаб сўйлаб,  
Тўлғонганим ёрим ҳам сезар.

Йиллар кечди ширин туш мисол,  
Алла тинглаб ётдим неча қур.  
Алла айтиб кечалар беҳол.  
Йиғлатарди ёрим тушмагур.

#### РУБОИЙ

Ҳой бировнинг ширин қизи, қайдасан,  
Юлдуздасан, куёвдасан, ойдасан.  
Уммонларда, дарёларда, кўлларда,  
Хурлар ичра Хурлар турган жойдасан.

#### ГУРУНГ

У м р и м э р т а к л а р и д а н

\* \* \*

Паноҳ эди зангор чимилдиқ,  
Етти қават кўрна — ўриндиқ.

Бора-бора қизиди суҳбат,  
Сўзлашурмиз навбатма-навбат.

Келинчагим ҳар сўзин тердим,  
Мен ҳам унга гапириб бердим:

Сизни кўрмоқ қасдида саҳар,  
Дўстим билан айладик сафар.

Ишқингизда Қувага бордик,  
Қўчалардан сизни ахтардик.

«Каркидон»га<sup>1</sup> чиқдик тушдан сўнг,  
Лек ишимиз келмади ҳеч ўнг.

Фарғонага аста йўл олдик,  
Боғда ўйнаб чарчадик, толдик.

---

<sup>1</sup> Каркидон — Қувадаги сув омбори.

Сизга ўхшаш қизни кўрмадик,  
Қўқонда ҳам бир кун турмадик.

Беговога сўнг қилдик жазм,  
Қурдик дўстнинг уйида базм.

Эртаси кун Тошкент жўнадик,  
Икки кундир, унда тунадик.

Ортга қайтдик тоғ йўли билан,  
Тожикистон Ашт чўли билан.

Наманганда боғда яйрадик,  
Шеър ўқишдик, тилни қайрадик.

Балиқчидан Андижон ўтдик,  
Ҳар сония биз сизни кутдик.

Севги келди бизни етаклаб,  
Асакага, сўлим Чўнтакка.<sup>1</sup>

Кун оққанда бўлиб диллар қон,  
Кириб келдик қадим Шаҳрихон.

Оразийга таъзим айладик,  
Ҳайратийни устоз сайладик.

Бўзга келдик чарчаб ва ҳориб,  
Ишқ ўтида юзлар сарғориб.

Шундоқ, Сизни топа билмадик,  
Учрашмадик, сафо қилмадик.

Пешонамга сиққан экансиз,  
Мени излаб чиққан экансиз.

Шукр, дейман, бир экан тақдир,  
Бахт шамоли эсмоқда ғир-ғир.

---

<sup>1</sup> Чўнтак — Асака боғидаги машҳур оромгоҳ.

Үшә оқшом суҳбат чүзилди,  
Кула-кула ичак узилди.

Эркаланди хунарим хушлаб,  
Оқ ёстиққа салча ёнбошлаб —

Сүзлар кетдим келинга ийиб,  
У тингларди тилини тийиб.

...Отам менинг чин деҳқон эди,  
Қулда доим бир кетмон эди.

Камгапу камтарин, кўп ювош,  
Ўрта буй, қора соч, қора қош.

Аmmo қўли кўп қадоқ эди,  
Қуёш каби у уйғоқ эди.

Ой мисоли тунда ишларди,  
Бу қишлоқда ҳалол яшарди.

Кейин қаттиқ дардга чалинди,  
Жон қушлари менга илинди.

— Кампир, — деди онамга тунда,  
(Қулоқ солиб тургандим шунда).

Бу ўғилни тилаган эдим,  
Уни дея кўп заҳмат едим.

Худо берди якка ўғилни,  
Энди ундан узолмам дилни.

Неча кундир қовруламан-а,  
Тутун бўлиб совруламан-а.

Бир илинжим — ёлғиз ўғлоним,  
Қўнгил узиб кетолмас жоним.

Мен тугадим. Сен яша, кампир,  
Бу боланинг кўзлари шамшир.

Шоир бўлур балки, кўрарсан,  
Шафқати-ла даврон сурарсан.

У инграниб, сўнг жимиб қолди,  
Икки опам дод-фарёд солди.

Қўрқиб кетдим ўсмир ёш бола,  
Қўлда китоб, ёғиб узала.

Ўқир эдим тарихнинг қатин,  
Бородино жанг тафсилотин.

Иннайкейин етимлик тортдим,  
Отам ишни елкамга ортдим.

Кетмон ушлаб далага чопдим,  
Меҳнат қилиб кўп тапвиш топдим.

Баҳор чоғи чигит экардик,  
Ола чиқса, уруғ тикардик.

Чопиқ нима, ягана нима,  
Ўз нимаю, бегона нима.

Аста-секин англай бошладим,  
Ғам кўрмаган кўзни ёшладим.

Қайси кундир, билмасдан бехос,  
Тўрт ғузани ўлдирганим рост.

Бригадир бошимга урди,  
Партком келиб қошимда турди.

Ҳайдадилар мени колхоздан,  
Кетдим, қутулдим, деб гап-сўздан.

Бир ҳафтами юрдим тентираб,  
Онажоним раисдан сўраб —

Бригадага ошпаз қилдилар,  
Қўли ширин бола, дедилар.

Тонг-саҳарда ишга кетаман,  
Эргалабга чой қайнатаман.

Кейин... мактаб, яна далага,  
Югураман, қолмай балога —

Деб, қиламан тушлик учун чой,  
Кечқурунга овқат ҳойнаҳой.

Унда ҳамма далада ётиб,  
Чопиқ қилар эди тонг отиб.

Гушт сира йўқ, пахта ёғи кам,  
Дошқозонни қайнатиб ҳар дам.

Макарондан қилардим овқат,  
Пашшазорда бўлиб бетоқат.

Бир кун бўлди қизиқ ҳодиса,  
(Хўп куласиз, ростини десам).

Қоронғуда қозон қайнарди,  
Сув ичида шолғом уйнарди.

«Чолоп» этди қозоним бир чоғ,  
Кавлаб ҳеч не топмадим дилгоҳ.

Одамларга куйиб бердим сўнг,  
Кўки қирғиз қиларди дўнг-дўнг:

— Ҳой одамлар, мана бу нима,  
Семиз бақа? Берайин кима?

Шовқин-сурон, кимлардир ўқчир,  
Туланбойни ушлаб бир тушир.

Мен қочардим ёқалаб тутзор,  
Ёш бу кўнгил топиб бир озор.

Мен ҳайдалдим яна ишимдан  
Она хафа бу қилмишимдан.

(Келин шунда кулди қаҳ-қаҳлаб,  
Мен ҳам кулдим сиримни сақлаб).

— Давом этинг, уйқу ҳам кетди!  
— Ўқийвердим, етгинчи битди.

Шеър хаваси, ишқи-ла тўлдим,  
Техникумга кирмоқчи бўлдим.

Рози онам, маҳалла аҳли,  
Лек жеззамнинг чиқди кўп жаҳли:

— Кетса, онасин кўмиб кетсин,  
Ишлаб кампир додига етсин.

Шундоқ яна чиқдим колхозга,  
Қулоқ бериб кўп ўгит, сўзга.

Қилар ишим эрталаб ҳам туш  
Катта бакда чойни қайнатиш.

Бир кун чўлдан тезакни тўплаб,  
Ўтин йиғиб битталаб, чўплаб.

Сўнг тўлдириб бакдаги ўчоғ,  
Ҳам устидан қуйиб қора ёғ,

Гугурт чақиб, ўтни ёққандим,  
Мўрисидан бакка боққандим —

Бошимдаги дуррам лов этди,  
Дўппим билан у қуйиб кетди.

Куйди сочим, пешонам ҳам сал,  
Сувга тикдим бошни шу маҳал.

Тезак тўла қонга қўл солдим,  
Шу заҳоти дод-войлаб қолдим.

Бир панжамни чаққанди чаён,  
Чаён иши ҳаммага аён.

Яна йиғлаб уйимга кетдим,  
Воқсани онамга айтдим.

Шу кеч тушим бўлди гаройиб,  
Эшитинг-а, жуда ажойиб.

Кенг самода учиб кетяпман,  
Еру кўкни қучиб кетяпман.



Кимдир мени суяб борадир,  
Йўлларимиз юлдуз ародир.

Аста кўрдим, кўзалари ойдек,  
Қанот бериб учарди Ойбек.

— Ғалати туш, сиз бегуноҳсиз,  
Бургут мисол утли нигоҳсиз, —

Деди ёрим тўлиб упкаси,  
Жуда сирли экан ҳаммаси.

Бир саволга беринг-чи жавоб,  
Қишлоғингиз номи кўп хароб.

Нечун дерлар отини «Бешкал»?<sup>1</sup>  
Ё ҳар ишни каллар қилур ҳал?

Қушни қишлоқ номи «Бештентак»<sup>2</sup>  
Ё атайлаб қилишар эрмак?

— Ундоқ деманг, «Бешкал» — «Бешгул»дир,  
Олам аро танилган шулдир.

— Йўқса, кимдир Бешгулнинг гули?  
— Биринчиси — Муҳаммад Али.

Иккинчиси Райимберди зўр!  
Учинчиси — Абдусалом ошхўр.

Тўртинчиси уста Шерқўзим,  
Бешинчиси — мана мен узим!

Қолган гаплар бари ривоят,  
Бизни калсан, демоқлик уят.

Бештентакда эмиш беш танги,  
Қаттиқ экан уларнинг онти.

Улар кимдир: таниқли Асрор,  
Назирхони Бўз ичра номдор.

---

<sup>1</sup> Бешкал — Бўз туманидаги қишлоқ.

<sup>2</sup> Бештентак — Шаҳрихон туманидаги қишлоқ.

Яна бири заҳматкан деҳқон,  
Қайси бири манхур паҳлавон.

Охиргиси донишманд олим,  
Тоғдай улуг бошида билим.

Қани бунда битта тентак йуқ,  
Ё бу ҳақда бирор эртак йуқ.

— Яна борми бирор саргузашт?  
Кулишайлик, кулгида бор гашт.

— Бир иш бошлаб поччам бечора,  
Қай асбобни излаб овора.

Кейин менга дер бўлиб пеша:  
— Чорпояда қолибди теша.

Олиб келинг бориб сиз тезроқ...  
Теша излаб кетдим мен узоқ.

Шолпояси далада эди,  
Қайтиб келдим, у менга деди:

— Қани теша?  
— Шолпояда теша йуқ, —  
Дедим. Қилиб у кўзларни лўқ,

— Турибди-ку, сўрида, кўрдим...  
Англай олмай бир зум ўй сурдим.

— Ҳа, тушундим, анав исқоти —  
Чорпоякан сўрининг оти.

Ҳеч ёдимдан чиқмас чорпоя,  
Адаштирган ўша шолпоя.

Роса кулдик, тонг ҳам оқарди,  
Бог ортидан қуёш боқарди.

## БИР ОЙ УТДИ

\* \* \*

Бир ой ўтди... билмасдан қўним,  
Кимларни-да айлаб гуноҳкор.  
Нола билан кечади қўним,  
Тунда эса яна шу такрор.

Ойга боқсам жамоли хира,  
Карашма йўқ юлдузларда ҳам.  
Чексизликдан кўз узмам сира,  
Зангор осмон мунчалар мубҳам.

Ойбекни-да ўқийман такрор,  
Қодирийга сирим айтаман.  
Фитрат каби бўлиб хокисор,  
Чўпонимга яна қайтаман.

Дўстларимдан топай деб таскин,  
Қайларгадир боргим келади.  
Борми мендай дунёда мискин,  
Юрагимни ёргим келади.

Фарҳод келсин, Тоҳир ҳам келсин,  
Ишқ дардини ўргатур эдим.  
Ханжар олиб сийнамни тилсин,  
Гул ёримни тунроққа бердим.

Қора гўрда қолурми, ҳайҳот,  
Оқ тонларда ўтли сийнадош.  
Усиз замин бўлмасми барбод,  
Усиз чиқмай қўярми қуёш.

\* \* \*

Тилла узук олиб берайми,  
Марваридлар тақайинми ё,  
Қора сочинг ўзим тарайми,  
Ўпиб-ўпиб ёқайинми ё.

Тилла сирға олиб берайми,  
Билақузук солайинми ё.

Ширин-ширин кулгу сўрайми,  
То уйқусиз қолайинми ё.

Истагинг не, жаҳонда борми,  
Қайда бўлса, топиб келайми.  
Кел, буюргил, амрингга зорман,  
Ёш боладай чопиб келайми.

\* \* \*

Дарёдай кетдинг оқиб,  
Учиб ўтдинг ел мисол.  
Кўксимга ғамлар тоқиб,  
Ёғиб қочдинг сел мисол.

Тонгдаги шабнам каби,  
Умр кўрдингми, санам.  
Қува анорин лаби  
Қонларга тўлди бирам.

Шаҳрихон сойи янглиғ,  
Шўхликларинг эсимда.  
Водийлар ойи янглиғ,  
Кўхликларинг эсимда.

Кетдинг бир эртақ бўлиб,  
Қўшиқ бўлиб ўтдинг ёр.  
Номинг дostonга тўлиб,  
Чин дунёга кетдинг, ёр.

Зарҳал рўмол қолди-я,  
Хил-хил атлас кўйлак ҳам.  
Ҳижрон қилич солди-я,  
Тақдир азал бекарам.

Молу мулк ҳам бевафо,  
Қолди бахмал кўрпалар.  
Ким қарар унга қиё,  
Эгасиз бу туҳфалар.

Нима қолди мен учун,  
Аччиқ ҳижрондан бўлак.  
Қайғу ўтида тутун,  
Чиқмаган жондан бўлак.

\* \* \*

Ҳаммасига ўзим гуноҳкор,  
Киприкларинг силаб толмадим.  
Кечир мени, ташлаб кетган ёр,  
Умринг узоқ қила олмадим.

\* \* \*

Бир ой нима, ошиб ҳам кетди, -  
Ўртамизда ўлим шамшири.  
Ҳижрон юки телбалар этди,  
Қор қилурми гапнинг таъсири.

Шоҳимардон отага бордим,  
Нақшбандни айладим тавоф.  
Кўз ёшимни тупроққа қордим,  
Ал — Бухорий бермади жавоб.

Самарқанда тушимда икков  
Рақс этамиз қай бир базмда.  
Одам гавжум. Ўт ёнар лов-лов,  
Кимлар турар бизга таъзимда.

Кимлар бизга айтар офарин,  
Қарсак чалур ўзга оломон.  
Сўнг йиғлатиб уларнинг барин,  
Шеър ўқийман, тилларимда қон.

Қўзим очсам соғинч куйдирар,  
Борлиғимни ўртар чўғли тер.  
Ёлғон тақдир аччиқ кулдирар,  
Давраларда ўқимайман шеър.

## ЎТТИЗ ЕТТИНЧИ КҮН

### Д у с т у й и д а

Исмоилжон,<sup>1</sup> шоир дўстим, шеърим улфати,  
Ўйим ичра неки кечди — буида очаман.  
Ерга сиғмас, кўкка сиғмас бугун кулфатим,  
Бедаво дард ҳамласидан қайга қочаман.

<sup>1</sup> Исмоил Тулак Андижоний.

Қаранг, битта олма олиб зарҳал табоқдан,  
Ҳидлагандим, ажиб, иси қилди маст-аласт.  
Назокатда ўзни тийдим уни тотмоқдан,  
Чуқур ҳисга ботиб кетдим шу асно бир наст.

Бу оламда атиргулнинг рангпарлиги бор,  
Садарайҳон баргларида ухлаган шўх ел.  
Бу гўзаллик бошқаларда бўлмайди такрор,  
Бу хилдаги латофатни кўрмас энди эл.

Бу оламда Андижоннинг боғлари яшар,  
Қорадарё мавжланади, уради тўлқин.  
Шоир дилин пора қилган туйғулар тошар,  
Ошиқларнинг қайғулари бунда олмас тин.

Бу оламада Ўзбекистон қуёши порлоқ,  
Хур Фарғона боғбонларин сўзлари жаранг.  
Унда ёнур Қувадаги энг азиз тунроқ,  
Унда ёнур менинг қалбим, чўғлари қон ранг.

Бу оламада балоғат бор ҳам камолот бор,  
Етилибди — оқи оқу қизили қизил.  
У — айни ёз. У олтин куз. Қуёшдай дийдор —  
Товланади, ёғдусида яширинган дил.

Унда газал, унда севги, унда муҳаббат,  
Унда бордир юракка тил бахш этган илҳом.  
Унда вафо, садоқатга айланган журъат,  
Унда яшар айтилмаган энг олий калом.

Бу олмадан севгилимнинг бўйи таралди,  
Жисму борим элтиб олди ажойиб атир.  
У — оқ гулдан, қизил гулдан, Нурдан яралди,  
Ҳар тарами тилларимдан тўкилган сатр.

Бу оламада мен ёримнинг пардозин сездим,  
Тенгсиз гўзал юзларини қилдим тамоша.  
Сўнг йиғладим, о, тўлиқиб бағримни эздим,  
Юпанмайман энди ойлар ва йиллар оша.

Бу оламага қарай-қарай кўзларим тинди,  
Ва ёшларим ювди уни, қилди бокира.  
Бу олмани мен қўйнимда сақлайман энди,  
Бу олмани қўлларимдан қўймайман сира.

О дўстгинам, яхши қолинг, шеърим ошнаси,  
Рухим ичра неки кечди, мен Сизга айтдим.  
Босилурми ҳижрон дарди, юрак ташнаси,  
Ҳасратларим яширай деб уйимга кетдим.

#### ҚИРҚИНЧИ КҮН

Қирқинчи кун билмадим ором,  
Тонгга яқин туш кўрдим яна.  
Дарвозаси очиқ бир эҳром,  
Саҳна узра ажиб тантана.

Ичкарида, хона тўрида  
Ҳикматхон ўлтирар ҳотам.  
Ташқарида боғда, сўрида —  
Ота-онам, қайнам, қайнотам.

Чеккароқда турибман ёлғиз,  
Борлигимни ўртамиш бир рашк.  
Ҳикмат келиб чўкмоқчийди тиз,  
Кипригимдан сачраб кетди ашк.

— Тўхта, — дедим, — тўхта, азизим, —  
Кўзларимни авайлаб артди.  
Юзин ювди ёшлари тизим,  
Ғамларини елкамга ортди:

- Мунча сўлиб қолибсиз?
- Андак чарчадим мен.
- Овқат еябсизми, жойингиз қалай?
- Тузук.
- Рўмолчангиз борми, жойингиз қалай?
- Бор...
- Раъно қараяптими, жуда чаққон у.
- Ёмонлик кўрмасин дунёда.
  
- Дам олгани бордингизми Денгизга?
- Йўқ.
- Озод шўхлик қилмаяптими, қараб турибсизми?
- Ҳа.
- Бунёдни кийим-бошлари кир бўлмасин.
- Ҳўп.

- Опамга румол олиб беринг.
- Майли.
- Узингизга энди эҳтиёт булинг.
- Раҳмат.
- Нима ёзясиз?
- Достон.
- Ким ҳақида?
- Сен ҳақингда. Улим ҳақида.
- Вафо ва жафо ҳақида.

Жимлик чўкди. Иссиқ тер босди,  
Энтикаман, куйдирар нафас.  
Қуёш кулмиш — илҳомим дўсти,  
Туриб қолдим уйланиб бирпас.

Қулоғимда йўқолди садо,  
Кўз олдимда сўнди оппоқ нур.  
Бу қандай туш, қандайин рўё,  
Жони дилим қилди-я ҳузур.

Тикиламан, уйга толаман  
Ул томонга қотди нигоҳим.  
Юрагимни қўлга оламан,  
Кетди. Унга етарми оҳим.

Ҳа, англадим ёрнинг сўзидан,  
Ташлаб кетган аччиқ фироққа.  
Айрилиқнинг сўнгсиз изидан  
Ғам карвони жўнар йироққа.

#### ЯНА ҲАЖР

Қизорғон кўзларим аста уқалаб,  
Саҳар турдим тақдиримдан ўпкалаб.  
Ел мисоли етиб бордим қишлоққа,  
Хастаҳол опамни ўпдим чўккалаб.

— Қалайсан, укажон, ўзингни туттил,  
Бўлар иш бўлди-я, ғамни унуттил.  
Мен ҳечам ўлимдан қўрқмайман, лекин,  
Лек... Сени яккалаб кетолмас кўнгил.

Уҳ, мушфиқ опатман, онангман, жоним,  
Сен ёлғиз укамсан, бир паҳлавоним.



Бахтинга ўлмайин қолсам, ниниргум  
Қозонда онларим, тандирда ноним.

На қилай мен, навбат ўтди, йиғлайман,  
Тузалсам, болларинг бошин силайман.  
Бора қол, укажон, кўзларингни юв,  
Худодан ўзингга бардош тилайман.

Орадан икки кун ўтдими ё йўқ,  
Жием аро тўкилди ёндиргувчи чўғ.  
Опам ҳам узилди, дунё бузилди,  
Юракка отилди, о, иккинчи ўқ!

Тақдирнинг қамчиси кўзимга тегди,  
Дардкаш илҳом, яна баттар дард чекди.  
Куйитлар беадад руҳимга жазо,  
Эгилган бўйнимни яна ҳам эгди.

Оҳ, яна бир бора йиғлатди дунё,  
Мен кетай, қайғулар тар бўлса адо.  
Ўзиям оламда кетдим қийналиб...  
Ичимда йиғлайман беун, беадо:

Вой опажон, онажоним, опам-а,  
Сени излаб қаёнларга чопаман.  
Ваъданг қани, нималар деган эдинг,  
Қисмат шунча, яратгандан хафаман.<sup>1</sup>

## ХОТИМА

### РУБОНЇ

Юрак парчаланди, сипқордим оғу,  
Қаламдан қуйилди Оғриқ ва қайғу.  
Сиз уни ўқиманг, тинглангиз узоқ,  
Бу оддий достонмас, дардан бир Чолғу.

\* \* \*

Умрим кўпи оққанда,  
Кўксига дур таққанда,

---

1 Э о ҳ: қирқ кун ичида шоирнинг Омина исмли опаси ҳам вафот қилади.

Фитратим шаъм ёққанда —  
Кузимдан уйқу қочди.

Гуё осмон пасайди,  
Ер қариди, кексайди,  
Тақдир нима тусайди —  
Кипригимдан сув қочди.

Шумшайиб қолди боғлар,  
Чарчади, толди тоғлар.  
Яқин келди йироқлар,  
Хуркиди, сурув қочди.

Саҳроларда бўрон йўқ,  
Дарёда тўполон йўқ.  
Майсаларда ларзон йўқ,  
Кўнгилдан гулув қочди.

Гулларда минг ранг қани,  
Қушларда оҳанг қани,  
Ҳаётда жаранг қани,  
Ойдан-да ёғду қочди.

Қуёшмиди нурга бой,  
Нимада қолди чирой?  
Тенгсиз эди-я... вой-вой...  
Дунёдан сулув қочди.

Илҳомимни қайнатдим,  
Оҳ, Сизни-да йиғлатдим.  
Энди қандоқ юпатдим,  
Бардошим мангу қочди.

### РУБОНЇ

Қачон бўлгайки то қиёмат-қойим,  
Кўзим кўрса эди ул ботган ойим.  
Ўзинг жуфт қилгансан еру осмонни,  
Нечун айирасан бизни, худойим.

### ОМИН.

*Сентябрь — декабрь, 1992 йил.*

## УЧ СЎЗ

### (Д о с т о н)

Тамоми умрида Бобурга уч сўз айтибдур:  
Бирн сўкинчу бири қаттиқу бири ёлгон.

*Бобур.*

### МУҚАДДИМА

- Эй тарихчи, билгич Ватандош,  
Сўйлаб бергил Бобурдан бир оз!  
— Тингламоққа бормидир бардош?  
Сенки шоир, ишинг — эҳтирос...
- Бобур тенгсиз лашкарбошими,  
Жаҳон ичра жасур саркарда?  
Йўлбарс десам, йўқдир тошими,  
Ҳарбий сирда зўр назаркарда.
- Сайёҳ десам, подшолиги бор,  
Олим десам, нолакор шоир.  
— Қуёш янглиғ номи барқарор,  
Мангуликка шеърлари қодир.
- Сўйлаб бергил Бобурни менга,  
Бу дунёда бормидир тимсол?  
— Майли, айтиб берайин сенга,  
Лек ёш тўкма, юрагингга ол!

Бир минг тўрт юзу саксон учинчи йил<sup>1</sup>,  
Иккинчи жума эди, ойи муҳаррам.  
Тун бўйи қор тушди, ёмғир ёғди зил,  
Тонг билан кўз ёрди Нигорой<sup>2</sup> санам.

Бир ўғил туғилди расо, мукаммал,  
Тарихнинг тошига кўчди бу сана.  
Гудак киприк қоқди қуёшдан аввал,  
Қуёш нур ёғдирди қилиб кўрмана.

Шодликка кўмилди Қўштегирмон<sup>3</sup> хўп,  
Уйма-уй югурди момо — кампирлар.  
Чолдевол йўлида болалар тўп-тўп,  
Томларда каптарлар ўйнар, шотирлар.

Ўзгача тус олди Андижон эрки,  
Ахсикат томонга кетди бир чопар.  
Эсон Давлат<sup>4</sup> бегим қай қавми борки,  
Барига етсин дер қўтлуғ хушхабар.

Шомда етиб келди Умаршайх Мирзо,  
Болани қўлига олди шодумон.  
Гўзал Нигорига дер ширин сазо:  
«Қутулиб олдингми, онаси, омон?»

Ва унга тутқазди ял-ял дур-маржон,  
Қайнона эгнига битга барқут тўн.  
Энага аёлни сийлади чунон,  
Унга туҳфа бўлди кийим бус-бутун.

Чақалоқ бошида ота ташлади  
Ўнг ёнга шамширу сўл ёнга қалам.  
Қўтлуғ Нигор хоним кўзин ёшлади,  
Қандайдир ҳис элтиб қалбини шу дам.

Қувноқ гурунг билан тун калта бўлди,

1 Милодий 1483 йил, 14 февраль.

2 Қўтлуғ Нигорхоним — Бобурнинг онаси.

3 Қўштегирмон — Бобур туғилган даҳанинг номи.

4 Эсон Давлат бегим — Бобурнинг бувиси.

Тонг отди, шаҳарда ўзгача сурур.  
Қўштегирмон ҳам Арк меҳмонга тўлди,  
Ҳайқириб оқарди Иламиш<sup>1</sup> мағрур.

Карнай садолари, жарчилар саси  
Осмонни бузгудай ўткир, ларзакор.  
Юнусхон<sup>2</sup> келяпти тўлиб ўпкаси,  
Унга пешвоз чиқди Нор, Али, Аҳрор.

Болалар устидан сочди Хон бобо,  
Бир ҳовуч тиллони қўйнидан олиб.  
Деди: «Умри узоқ бўлсин илоё,  
Дунёда яшасин ҳамиша ғолиб».

Шул куни гўдакка қўйдилар исм:  
Заҳириддин, дея фотиҳа тортиб.  
Фол очиб, шеър битди яна аллаким,  
Тарих елкасига зил юкин ортиб.

Бола дуркун ўсди бир ниҳол янглиғ,  
Қўзлари чақнайди ёруғ юлдуздай.  
Сочлари қўнғироқ, киприклари тиг,  
Қошлари қоп-қора, мисли қундуздай.

Қони тоза: Темур — ота авлоди,  
Она насли эса шавкатли мўғул.  
Шундай камол топди турки зурёди,  
Андижон ерида закий бир ўғул.

Исмини жисмига келтириб монанд,  
Эл ўзи атади уни Бобур<sup>3</sup> деб.  
Унинг истиқболи нақадар баланд,  
Мушкулни енгмоққа бўлур қодир деб.

Қиш ўтди, ёз ўтди, фасллар ўтди,  
Йиллар қанотида улғайди Бобур.  
Она чорбоғида уч ёшга етди,  
Йўлбарс боласидай қўрқмас ва жасур.

Айни пишиқчилик, айни тўкин ёз,  
Хатна тўй бошланди шаҳри азимда.

---

<sup>1</sup> Иламиш — Қорадарёнинг қадимий номи.

<sup>2</sup> Юнусхон — Умаршайх Мирзонинг қайноғаси, Тиёншон ҳокими.

<sup>3</sup> Бабр — Бобур — шер жинсидан, қонлон.

Тўй беш кун чўзилди, асли қирқ кун оз,  
Ким ҳам яйрамайди бундай базмда.

Келди хил-хил машшоқ, не-не хонанда,  
Тошкент тарафлардан, Кеш<sup>1</sup> томонлардан.  
Бундай зўр маърака, тўйни, чамамда,  
Андижон кўрмаган кўп замонлардан.

Шойи-шалпарлардан кийдилар ҳамма,  
Шароб дарё булиб оқди беминнат.  
Кимлардир ҳасадда қулмади, аммо  
Ғаразни пинҳона тутарди иллат.

Аҳмад Танбал шунда, Али Дўст шунда,  
Узун ҳасан ҳамда Қосим Қавчин бор.  
Дунё ишларидан беҳабар бунда —  
Ёш Бобур ёнида уйнарди Сардор<sup>2</sup>.

Эй Сардор, Бобурга эй содиқ тенгдош —  
Сен вафо дарахтин яшил япроғи.  
Бирга улғайурсан, ўртада нон-ош,  
Шаҳзода дўстисан, суйган ўртоғи.

Улар китоб ўқир, ҳар лаҳза пайдо —  
Покиза руҳ ичра ёрқин юлдузлар.  
Кундан-кун сир очур ер билан само,  
Ёш диллар орзиқиб бир юпанч излар.

Имом ал-Бухорий сунади шиддат,  
Фаробий ўргатур ўткир зўр ақл.  
Маҳмуд Қошғарийдан тилгадур ибрат,  
Паҳлавон Маҳмудни этадир нақл.

Наршахий Жаъфарни қиладилар ёд,  
Темур Соҳибқирон жанглари бир дарё.  
Навоий назми-ла қалблари обид,  
Саъдийни ўқимоқ, дейди, бизга фарз.

Шоҳдан сўраб олиб ўқирлар такрор  
Хожа Убайдулло Аҳрор<sup>3</sup> хатларин.

<sup>1</sup> Кеш — Шаҳрисабзнинг қадимий номи.

<sup>2</sup> Ривоят: Сардор Бобурнинг энг яқин болалик дўсти бўлган экан. Бобурнинг биринчи шеъри ана шу дўстининг улимига бағишланган эмиш.

<sup>3</sup> Хожа Убайдулло Аҳрор — (1404—1490) Умаршайх Мирзонинг самарқандлик пири.

Дилга жо қилурлар шомдан то наҳор —  
Улуғ Баҳовуддин тариқатларин.

Бобурни етишсин дебон мукаммал,  
Устозлар боғлади Умаршайх Мирзо.  
Воқиф булур эрди ундан ҳар маҳал,  
Ҳам кўнгли тўларди ундан-да ризо.

Бир устод ўргатди кечаю кундуз  
Қилич тутмоқликнинг сирру асрорин.  
Бир мерган кўрсатди келиб юзма-юз —  
Отмоқ санъатининг ўзида борин.

Намойиш этарди Бобур чавандоз  
Жанглар майдонида елдай учмоқни.  
Тулпор елкасида қуш каби парвоз  
Ва от ўйнатмоқни, кўкни кучмоқни.

— Сардор, дўстим, юр, кетдик боққа:  
Сўнгра айланурмиз дарё қирғоғин.  
Нечун ҳаялдинг кеча сабоққа? —  
Бобур койиб қўйди азиз ўртоғин.

Тасодиф юз берди бемаврид ўлим  
Сардор ёш жонига ташлади чангал.  
Бобур зор-зор йиғлар, кўз ёши лим-лим,  
Биринчи шеърини ёзди тонг маҳал:

Учар қушдай қаён кетдинг, суйган ўртоғим,  
Бирга ўсган содиқ тенгим, қалби қайноғим.

Оллоҳ амри билан кетдинг, рози бул мендан,  
Борса келмас сафар қилган йўли йироғим.

Соғинармен каломларинг, исминг тилимда,  
Сени излаб билолмаймен қайга бормоғим.

Минг бир кеча эртақларин тингладик икков,  
Не қилай мен, ёқиларму ўчган чироғим?

Сен китобим, сен қаламим, қилич, ёйимсан:  
Қувонч эдинг, энди эса ошди фироғим.

Қуёш билан, ойхон билан ўйнар эдик биз,  
Тангу тордир энди менга сенсиз чорбоғим.

Илк қофиям, илк байтимсан, сен илҳомимсан,  
Сен эдинг-да ғазалларим, қайнар булоғим.

Раҳму шафқат қилолмадинг дўстинг Бобурга,  
Мени эрга ташлаб кетдинг болалик чоғим.

### III

Саратон сариғи. Ахсикат мудрар,  
Қуёш чўғ сочади дарё устига.  
Жиловсиз тўлқинлар соқов, гўлдирар,  
Гирдоб чирмаб торгар сувнинг остига.

Каптар ўйнатарди Умаршайх Мирзо,  
Каптар ўйинини хушларди чунон.  
Жарга қулаб тушди ва топди қазо;  
Шўх сув ямлаб ютиб, мавж урди пинҳон...

Фарғона мулкига тарқалди шум гап:  
Умаршайх Мирзодан айрилди кишвар.  
Эшитди Тиёншон, Самарқанд тараф,  
Буюк Турон бўйлаб кетди бу хабар.

Сайхун қирғоғида зўр аза, мотам,  
Барча тилга олур марҳум отини.  
Ахсига сизмасди ўкинч ва алам,  
Тасодиф емирмиш шоҳ ҳаётини.

Қутлуғ Нигорхоним айлади фарёд,  
Шоҳбегим, Фотима тўкди кўздан ёш.  
Ва лекин Улусой кутармади дод,  
Бетавфиқ бу аёл бағри эди тош.

Қора чакмон кийиб Бобур азадор,  
Ғам ичра ўкинар Жаҳонгир Мирзо.  
Носир Мирзо дейди, бу қандай асрор.  
Отамдай подшога шулмидир жазо.

Шоҳ қизлари — Ёдгор ҳам Меҳрбону,  
Шаҳрибону турар, қомати эгик.  
Жигарин куйдириб аччиқ ғам-қайғу,  
Отамлаб йиғлади Хонзода бегим:



«Бу дунё корига тўймаган,  
Тақдирни ҳолига қўймаган,  
Қизини йиғлатган, «суймаган»,  
Шоҳ отам, хон отам, вой отам.

Шўх дарё сувига боқайин,  
Замзама қилсину оқайин,  
Оқмасам ўзимни ёқайин,  
Шоҳ отам, хон отам, вой отам.

Шоҳ иши каптарми, қушмиди,  
Подшолик қисматлик ишмиди,  
Отамнинг борлиги тушмиди,  
Шоҳ отам, хон отам, вой отам.

Кимларга қолди-я ёш Бобур,  
Улуғга бўлурми бош Бобур.  
Йиғидан толди-я ёш Бобур,  
Шоҳ отам, хон отам, вой отам.

Рухини шодмон қил худоё,  
Гуноҳин осон қил, худоё,  
Ҳам жаннатмакон қил, худоё,  
Шоҳ отам, хон отам, вой отам».

Дарё жимирлайди, қуёш ёнади,  
Тошдай қотиб қолмиш қароргоҳ Аҳси.  
Ўз навҳа чекади, ўзга тонади,  
Сўнг шоҳлик талаши, жанжали, баҳси.

Хўқон қўзғалади, Марғунон ғамда,  
Бобурни кутади пойтахт Андижон.  
Темур руҳияти титрап мотамда,  
Сукутда қаро ер ва мовий осмон.

Сайхун ёқасида танҳо ёш Бобур  
Сувга тикилади, жарга қарайди.  
Вужуди изтироб зарбидан зир-зир,  
Дарё эпкинлари сочин тарайди.

Лабларидан учган қуш каби сухан,  
Оч, асов тўлқинга ўқ каби тегди.  
Бобур отаси-ла сўйлашур руҳан,  
Тилига сўз келиб, бошини эгди:

Отажон, бу қандай машъум кўргилик?  
О, ўғлим, бир қаро тақдири қисмат.  
Сиз билан бўйимни ростлар эдим тик!  
Сенки шоҳ ўғлисан, унутма фақат.  
Ҳатто мен жисмингиз кўролмама энди?  
Лек сенга қолдирдим бир мерос — Ватан.  
Наҳотки, суянган чинорим синди?  
Амрингга мунтазир мен қилган чаман.  
Ақлим бовар қилмас сўзларингизга?  
Бир қўлингга қилич, бирида қалам.  
Кўзимни тўқаман изларингизга.  
Жаҳонгир Мирзони сен дегил укам.  
Чин вафо ишига ўгайдир жафо.  
Бош қизим — Хонзода опангни ёд қил.  
Бизгами Ахсикат қароргоҳ — маъво?  
Андижон ўз юртинг, сен уни дегил.  
Мен билмас қадимий ганимларни денг?  
Аҳмад Танбал, Узун Қосим, Қавчин ва ...  
Ҳасад бу итликдир, ҳа, итликка тенг,  
Итликка ярашмас, ит — вафо — тавба...

Тўлқин гўлдиради, гувиллади ел,  
Бола хаёллари тўхтади бир зум.  
Ҳар жойда Бобурни кутиб ётар эл,  
Андижон аркида халойиқ гавжум.

Йўл узоқ, йўл тошлоқ, жадал отланди,  
У билан жўнади жуда кўп одам.  
Саман йўрғалади, ўй қанотланди,  
Бобур от устида шеър тўқир ўктам:

Элга шоҳлик нимадир,  
Уммондаги кемадир.  
Ғарқ бўлурми эртага,  
Ё бутун халқ ўртага  
Олиб янчар тош мисол,  
Отам эдими ҳалол?  
Отам кимдир, қандай жон?  
Унда бутунми иймон?  
Тани темирдан эмас,  
Қуёш билан басма-бас —  
Сира билмади тиним,  
Оёғида йўқ қўним...  
Тавба, унинг юрти қай?

Гоҳ шаҳар, гоҳо тўқай.  
Фароғати йўқ унинг,  
Ҳаловати йўқ унинг.  
Элга шоҳлик нимадир?  
Уммондаги кемадир.  
Тўлқинга бардош керак,  
Чидайдими ҳар юрак?  
Суроли буронларин,  
Ул қутурган онларин —  
Умринг билан боғламоқ,  
Маккорликни доғламоқ.  
Агар оқизса тўфон,  
Қулаб тушса ҳам осмон.  
Ўзинг қолиб елкада,  
Даст кўтарсанг елкада —  
Она Ватан шонини,  
Ейсан шоҳлик нонини.  
Мендаги олий ният —  
Отам қилган васият.  
Унинг руҳи — қудратим,  
Яхшиликка журъатим.  
Навоийни кўрсам бир,  
Қалам очар эди сир.  
Сўнг шеър яратар эдим,  
Элни яйратар эдим.  
Қиличим айтса ғазал,  
Шоҳлик бўлур мукамал.  
Ғазалим қилич бўлса,  
Ғанимлар ундан бўлса,  
Синса ёмонлик тиғи,  
Ватан қилмаса йиғи.  
Аммо ҳали боламан,  
Ўйлаб-ўйлаб толаман:  
Элга шоҳлик нимадир?  
Уммондаги кемадир.

### Ш

Айни пешин чоғи. Андижон гавжум,  
Қуёш тандирида аланга сўнар.  
Жомеъ қуббасида қушчалар гужум,  
Арkning пештоқига кабутар қўнар.

Кўчада оломон, ғала-ғовур кўп,  
Кимдир ҳайқиради, кимдир кулади.  
Масжидга одамлар шошади тўп-тўп,  
Бобурга Хутбани ҳамма билади.

Масжид деворлари вазмин уҳ тўкар,  
Кунгура устунлар ўйчандир бирам.  
Бунда кибру ҳаво қаддини букар,  
Ични ёригади порлаётган шам.

Оёқлар остида қолди гиламлар,  
Улуғ ҳиммат янглиғ кенгдир жойнамоз.  
Бутун вужуд билан тинглар одамлар,  
Меҳробда уламо ваъзни айтар соз.

— Мўмин-муслмонлар, маълумингизким,  
Умаршайх Мирзодан айрилди кишвар.  
Рост дунё сориға рихлати азим  
Айлади тасодиф ели афеунгар...

Ҳамма сукут сақлар, лаҳзалар оғир,  
Шаҳиднинг руҳига бўлди тиловат.  
Бир титроқ овоз-ла куйманиб дилгир,  
Сўзда давом этур уламо фақат:

Бугун тарих: саккиз юз тўқсон тўққиз,  
Рамазон ойининг беши. Сешанба.  
Дуога қўл очинг, эй аҳли азиз,  
Шаҳзода Бобурнинг номига Хутба!

Тангри таолонинг инояти бу,  
Сарвари Коинот — улуғ ҳазратин —  
Умаршайх ўғлига шафоати бу,  
Заҳириддин кўрмиш тақдир ҳимматин.

Бобур Мирзо кийсин шоҳлик тожини,  
Фарғона элига айласин вафо.  
Бошида кўтарсин юрт ривожини,  
Бу ёруғ дунёда кўрмасин жафо.

Қуръон оятлари ўқилди равон,  
Хўжа Аҳроп номи ёдланди такрор.  
Баҳоуддин Нақшбанд қўлласин, дебон —  
Хитоб бўлди: «Дил ба ёру даст ба кор!»

Андижон кўкида оқ булут, қора булут,  
Ёшгина шоҳ бола, гўё палапон бургут.

Ерга сизмас шашти, парвози бор, парвози,  
Турон замин қалби эрур донги, овози.

Ҳн икки ёш нима, капалак уйнар бола,  
Йиғлаб туради у уйқуси қолса чола.

Сенки Бобур Мирзо, болаликни тарк этдинг,  
Оллоҳ қудрати-ла камолотга тез етдинг.

Қолди кўча ўйин, ойдин кеча бекинмачоқ,  
Ҳйма-уй рамазон, эртаклару топишмоқ.

Қолиб кетди қалмоқ дарёнинг қирғоғида,  
Ҳйнаб, ҳориб-чарчаб келмоқ кун адоғида.

Қани боғлар ичра тилла қўнғиз ўйнамоқ,  
Гулзорлар ораламоқ, тенглар ила қувнамоқ.

Сардор йўлдош эрди, ёнингда бўлса қани,  
Энди ҳар юмушда дўстинг Тоҳирни тани.

Ёш бошингга тушмиш миллатнинг мушкулоти,  
Қалбинг ичра кирмиш қонли тупроқ ҳайти.

Сенга энди ўйин, шўхликлар ҳеч ярашмас,  
Ўзлик билмаган халқ бола дебон қарапмас.

Ота мерос ўлканг кўзинга сиғар бўлди,  
Туркнинг қайғу, ғами сўзингга сиғар бўлди.

Ёш елкангга қўйди Ватан йиғлаб бошини,  
Оёғингга ёйиб боғин, тоғу тошини.

От миндирди, қилич берди, қалам ҳам берди,  
Сендай бир мард эр ўғлонга кўп интиқ эрди.

Эҳ, бунда боғлар кўп, чўлларида зоғлар кўп,  
Ноқобил ўғилларни юрағида доғлар кўп.

Ҳасад қийнар, эзар, гараз ўти қуйдирар,  
Эҳтиёт бўл, ўсмир, гийбат бўғиб ўлдирар.

Бобур, подшо бола, парвардигор ёр бўлсин,  
Ғаним шармсёр бўлсин, бобурлик ошкор бўлсин.

#### IV

Фарғона мулкида кечур зўр мотам,  
Қутлуғ Нигорхоним тортур улуг ғам,  
Хонзода кўзида ёш тарам-тарам,  
Дунёнинг ижоди — доим бири кам...  
Сўзлагил, Андижон нотинч Аҳси ҳам,  
Нечун кўп қабоҳат, сирлар бор мубҳам?..  
Етим Бобурингни сақлагил, Эгам.

Кундан-кун кўшаюр фитнаю иғво,  
Изғирин мисоли кезадур ғавго.  
Уғайлик қиладур ул Носир Мирзо,  
Аҳмад Танбал номли қаро бир бало.  
Узун Ҳасан кимдир, кўнгли кир, қаро,  
Қосим Қавчин эса ундан эмас кам,  
Ёлғиз Бобурингни асрагил, Эгам.

Эзилур, куйманур Бобур азадор,  
Кундузи қийналур, кечалар бедор.  
На қилсин, бу ишда борму мададкор,  
Навкар етарлими жангларга тайёр,  
Ахир нотавондир эл-улус афгор,  
Бу шоҳлик дарёсин тўлқини зам-зам,  
Шоир Бобуринг сақлагил, Эгам.

Саҳар кириб келди демоқ-чун розин —  
Хожа Мавлоний — Устоди қози:  
— Шоҳим, сўзлайин, бўлсангиз рози?  
Мулкингиз талонда, ғаним боз-бози  
Авжга чиқди. Ишнинг энг сози —  
Кучли лашкар лозим, лашкари — маҳкам.  
Ҳасур Бобурингни пойдор қил, Эгам.

- Ғаним кимдир, айтинг, эй жондош устод?
- Отангиз тозиси — ул Танбал бедод.
- Қосим Қавчинни ҳам англамам бот-бот?
- Унинг иши эмас иллатдан озод.

— Носир Мирзони денг, иним-а, уёт?  
— Кенгаш берингиз, сиз қози муҳтарам.  
Подшо Бобурингни доно қил, Эгам.

\* \* \*

Шоҳсиз йигин бўлди ўқилгач намози аср,  
Жами уламолар, донишманд Бобои Бакр.

Бунда ўлтирибди сокин дўст ҳам, душман ҳам,  
Барча амалдорлар вазир ва амирлар жам.

Олим Умарбию Дадаш, Солиной ҳозир,  
Тишда қаландарлар, дарвиш гадолар изғир.

Келди Азиз полвон, жасур чавандоз Обид,  
Шукур қори, Халил Эшон ва гўрков Зоҳид.

Барчанинг юзида гаму тапвишлардан из,  
Чуқур ўйга ботмиш шаккок Эрали Ҳофиз.

Босиб ўлтирибди ҳатто Гофуржон раққос,  
Фақат фолбин Мутал кафтлар ўқтин-ўқтин нос.

Қосим Қавчин пинҳон ҳаммага назар солди,  
Ва билдирмай ерга қараб тез тиниб қолди.

#### БОБОИ БАКР

Мавлоний, сўзланг, не сиру асрор экан?  
Исломиё бу юртда қай мунофиқ бор экан?

#### ХОЖА МАВЛОНОИЙ ҚОЗИ

Азизлар, муҳтарам, эй аҳли мусулмонлар,  
Элимиз ичинда пайдо турли гумонлар.  
Еш Бобур бошига солмоқда кимлар соя?..  
Аланга олдирмоқ учун учқун кифоя?

#### ҚОСИМ ҚАВЧИН

Ротин денг, алжираб айтаяпсиз мавҳум сирлар?

ХОЖА МАВЛОНОИЙ ҚОЗИ

Виждон эгасими бунда бари амирлар?

ҚОСИМ ҚАВЧИН

Тухмат тоғни кимга тегур, англамадим ҳеч?

ШУКУР ҚОРИ

Дардга даво керак, фурсат бўлмасин-да кеч.

ҲАЛИЛ ЭШОН

Халқ ичинда айниш, бузилишлар кўп содир.

АЗИЗ ПОЛВОН

Уйлар ёниб кетди, зарур юзларча чодир.

ҒОФУРЖОН РАҚҚОС

Не-не гўзалларни мавҳ этдилар галма-гал.

ОБИД БОҒБОН

Улус оч-яланғоч, кўпдур юқумли касал.

ТЕШАВОЙ МИРОБ

Кечаги тошқинда бузулди кўп маҳалла.

ЭРАЛИ ҲОФИЗ

Чойхона, бозорлар, гузарлар тала-гала.

МУТАЛ ФОЛБИН

Энди ой тугилур, кўкда қуёш қуядир.

ЗОҲИД ГҲРКОВ

Каллакесарларга Ҳокан томон уядир.

БОТИР ЧАВАНДОЗ

Қуваю Марғунон, Ахсикат аҳволи танг,  
Туғишқон ҳам душман бўлди, э аттанг... аттанг...



## ХОЖА МАВЛОНОИЙ ҚОЗИ

Аввало улусга нон беринг, Сиз ош беринг,  
Раҳму шафқат беринг, раҳбар беринг, бонн беринг.

Амирлар мард бўлса, юртни қилеун ҳимоя,  
Лашкар пишиқ бўлсин, тўғри бўлеин ҳар гоя.

Ишрат, кайфу сафо тош қотсин, бу забунлиғ,  
Аёлга эъвоз керак, зайфона зоти мунглиғ.

У ёну бу ёндин қилмоқчи ёғий хуруж,  
Юртнинг тожу тахтин асраш, бу инсоний бурч.

Бобурга бу ҳолни тез англаймоқ жоиздир,  
Вақт ўтгач, ўнганмас, кейин шоҳ ҳам ожиздир.

## V

Неча кунки нотинч Андижон...  
Тўполондан тебранур майдон.  
Қиличлар қон, ханжарлар қонхўр,  
Ғанимларнинг қўллари қон... қон.

Ҳар бир уйда изтироб кезур,  
Юракларни ваҳима эзур.  
Мавлоний Хожани бугун  
Дорга осур, гўрини қазур...

Дор саланглаб тўкадур қаҳр.  
Ҳар кўнгилда тўлғонур баҳр.  
Мавлоноий Бобурга устод,  
Жинояти — устодлик, ахир.

Ул Хожани тутиб келдилар,  
Қасос майин ютиб келдилар.  
Жар солдилар, ҳамма қўзғалди,  
Кўчалардан ўтиб келдилар.

«Одамлар, ҳо одамлар,  
Боғда битган бодомлар.  
Эшитмадим деманглар,  
Бобур ғамин еманглар».

Дор тагида Мавлоной Пир,  
Халққа қараб ҳайқирар бир-бир:

«Бобурни деб келдим мен дорга,  
Ҳамма билеун сирру асрорга.

Ҳақ иш учун, офият учун,  
Бошга тушди ушбу қаро кун.

Бобур — миллат, Бобур — ҳур Ватан,  
Бобур шеъри мангулик чаман.

У журъатли буюк бир давлат,  
Темурийлар кашф этган қудрат.

Уни бундан ҳайдаманг асло,  
Бу илтижо — сўнги тавалло.

Мени эшит, аҳли Андижон,  
Бобур учун сенга бердим жон».

Шовқин-сурон. Тортилди чилвир,  
Қўрқинч ели эсарди ғир-ғир.  
Мавлоной боши дордадур,  
Уни осди қаро куч, қилвир.

Дорда қолди устоднинг боши,  
Шунча қаттиқ қўнғилнинг тоши.  
Нечун замин ёрилиб кетмас,  
Куйиб битмас олам қуёши.

## РУБОИЙ

Дорга осилғуси донолар боши,  
Тошға босилғуси донолар боши.  
Ибтидо шундайдир, интиҳо шундай,  
Лекин ер ёғдуси — донолар боши.

## VI

Самарқанддан келди дарак,  
Самарқандга ҳужум керак.  
Унинг бўшдир салтанати,

Келмиш олмоқнинг фурсати.  
Неча ой Бобур ҳаёли —  
Самарқандни қилди толей...  
Ул шаҳарни дер муқаддас,  
Темур тахтин этган ҳавас.  
Ёғийларни ундан қувса,  
Шаҳар ғуборини ювса.  
Обидалар кутарса қад,  
Уни этса метин пойтахт  
Турон юрти битта бўлса,  
Душман келса, шундай ўлса.  
Ватан улуг, миллат улуг,  
Қўйни бўлса, бахтга тўлуг.  
Қатъий фармон берди Бобур,  
Лашкар тортиди унга қур-қур.  
Хилватларда чодир қурди,  
Қадим шаҳар гирдо-гирди  
Унга ошён — омонатдир.  
Эрта-индин қиёматдир.  
Илк бора у келганида,  
Бўрон каби елганида,  
Омад ундан қочган эди,  
Жуда кўп қон сочган эди.  
Яхши кенгаш қилмоқ керак,  
Енгиш йўлин билмоқ керак.  
У чорлади амирларин,  
Ғалабанинг томирларин.  
Келди жами лашкарбоши,  
Навкарларнинг ичу тоши.  
Разм солди Бобур аста,  
Ва ўтирди келиб настга.

БОБУР

Самарқандни олурмизму?

ҲАММА

Олурмиз, олурмиз шоҳим.

БОБУР

Неча кунда? Ким айтади?

БИРИНЧИ НАВКАР

Уч ой даркор олмоқ учун.

ҲАММА

Эҳ-ҳе, бекор, бўлмаган гап.

ИККИНЧИ НАВҚАР

Икки ойда бўлса керак...

ҲАММА

Ўйлаб гапир, эй ноинсоф!

БИРИНЧИ ЛАШҚАРБОШИ

Бир ой зарур, оламиз, шоҳ.

БОБУР

Не дейсан, Нўён Кўкалдош?

НЎЁН КЎКАЛДОШ

Ўн тўрт кунда оламиз, шоҳ!

\* \* \*

Сукунат... Нега ун тўрт кун?  
Э тавба, бу қандай қонун?  
Бобур секин бир қўзғолди,  
Кўрган тушин ёдга олди.  
Хўжа Аҳрор айтган муддат!  
Оллоҳ, ўзинг йўлни кўрсат!  
Тунда бўлди энг сўнгги жанг,  
Шаҳар шоҳин боши гаранг.  
Бобур чиқди эзгу тахтга,  
Эришганди энди бахтга —  
Оғир дардга чалинди у,  
Худовандга ялинди у.  
Қилмаган ҳеч эм қолмади,  
Иситмаси йўқолмади.  
Кундан-кунга ҳоли ёмон,  
Ёнбошида тўрт парихон.  
Ирим-сирим тўхтамас ҳеч,  
Лекин ёниб боради ич...  
Дору-дармон қилмади қор,  
Заҳириддин қолди ночор.

Алаҳсирар, туш ё уйқу,  
Қузда ёши оқар бир сув.

Ота! Отажоним қани?  
Олиб кетинг энди мани.  
Сардор, яқин кел, кел, ўртоқ,  
Уҳ, орамиз мунча узоқ.  
Қўзи сўник, олазарак,  
Тамшанади лаби андак.  
Зўрға келур сўзга навбат,  
Али-шер-бек бит-ган ха-т...  
Келтиришиб шу он секин,  
Навоийнинг ул мактубин  
Қўйди Бобур кўксига,  
Хўп тўлиқиб ўксиган —  
Тоҳир кўз қири билан  
Бир қитъани кўрди чандон:  
«Уч кишидан уч иш ёмон кўринур,  
Сенга арз айлай аҳли дунёдин.  
Шоҳдин тундлуғ, ганийдан бухл,  
Молға майлу ҳирс донодин».

Тоҳир қани? Лаҳад тайёр...  
Андижонга мени юбор:  
Тоҳир йиғлаб уради оҳ,  
Оғзига сув томизар гоҳ.  
— Мен улайин, болажоним,  
Деди Қутлуғ Нигорхоним.  
Оҳки, фалак, дарддир ишим,  
Олиб қўйдинг ақлу ҳушим.  
Ором недур, роҳат недур —  
Билмади - я болам Бобур.

Менинг жоним тошдан экан,  
Ҳеч чиқмади кирган тикан.  
Мудом оғриқ билан ўтдим,  
Бу дунёни мен унутдим.  
Парвардигор, бергил шифо,  
Бобуримга борми даво?!  
Юз кун ўтди, дарди ариди,  
Бобур бирдан тез қариди.  
Юзларига тушди ажин,  
Йигирма ёш экани чин.  
Зўрға туриб ўлтиради,

Одамларни кулдиради.  
Китоб кўрар, ўқир, ўқир,  
Баъзан дарднок газал тўқир.

«Эшиттим илтифот айлаб демишсенким, дурур Бобур,  
Фақире, номуроде, бесорупое, дуогуе».

Қўққис кирди бир хотини,  
Баён қилди ўз додини:  
— Бегим, энди у чақалоқ ...  
Тузалмади, бўлди адоқ...  
Ўзингизни қийнамангиз,  
Оҳ, бизларга сиз кераксиз!  
— Нима дединг? У ўлдими?  
Очилмасдан у сўлдими?  
Ҳайҳот! Бу не синоатдур,  
Дунё кори — хиёнатдур!

Оёқ-қўли қалтиради,  
Кўзида нам ялтиради.  
Шу он ходим кириб деди:  
— Битта чопар келиб эди.  
Андижондан бормиш хабар,  
Дарҳол кириб деди чопар:  
— Шоҳим, шоҳим, ул Андижон  
Сизни кутиб бўлди вайрон.  
Ёғий олди. Қонлар тўқди.  
Одамларнинг бўйин букди.

Ҳу Ўзгандан Аҳмад Танбал  
Қиргин солиб кирди бу гал.  
Ўзун Ҳасан шимол ёқдан,  
Навкар тортиб кўп узоқдан,  
Андижонга келди босиб,  
Кўринганин чопиб, осиб.  
— Бўлди! Бас қил! — дея шошиб,  
Бобур кетди йўлга тушиб.  
Юзлаб навкар билан кетди,  
Марғунонга бориб етди.  
Шу орада Шайбонийхон  
Самарқанддан қилди макон.  
Бобурга ҳеч йўқдир илож,  
Бошдан тушди кийилган тож.  
Унда қилсин қанча оҳ-вой,

Андижонни берибди бой.  
Шундоқ бу иш тугалланди,  
Самарқанд ҳам эгалланди.  
Бобур қолди Андижонсиз,  
Самарқандсиз — гўё жонсиз.

Қадим Хўжанд йўлларида,  
Фарғонанинг чўлларида  
Сарсон бўлиб қолди Бобур,  
Бошига ғам солди Бобур.  
Самарқандда Шайбонийхон,  
Андижонда Танбал ҳукмрон.  
Марғунон ҳам кетди Ахси,  
Юз кўрсатди омад акси.  
Шўрпешона бўлди Бобур,  
Бир девона бўлди Бобур.

## VII

Битиб бардошу сабр,  
Тонг билан туриб Бобур —  
Наманганга йўл солди,  
Тўқайда из йўқолди.  
Норин қирғоқларида,  
Тошлоқ, қумлоқларида —  
«Банди солар» сўқмоқда,  
Узангиси аёқда.  
Отлари терлаб-пишиб,  
Жонин ҳалпига тушиб,  
Беш жасур йигит бўлиб,  
Улуғ ихлосга тўлиб,  
Жадал юриб ёнма-ён,  
Қайда деб шаҳри Косон,  
Тоғли Чуст яқинида,  
Намозгар салқинида  
Етиб келди Пирига,  
Бу ташрифнинг сирига  
Косоний ҳайрат қилди,  
Аҳволни сизди, билди.

КОСОНИЙ

Хуш келдингиз, Бобуршоҳ,  
Сўзингиз бош устига.

БОБУР

Азиз устод, соғиндик,  
Тушдик кўрмак қасдига.

КОСОНИЙ

Отангизнинг руҳи шод!

БОБУР

Мудом юрагимда ёд.

КОСОНИЙ

Биз дўст эдик жудаям.

БОБУР

Хийла эслайман мен ҳам.

КОСОНИЙ

Мактублар йўллар эдим.

БОБУР

Мен анча билар эдим.

КОСОНИЙ

Ҳа, энди келиб қолдим  
Мен ҳам бу йил Тошкандан.

БОБУР

Эшитиб, бир талпиндим,  
Соғинчларим ошгандан.

КОСОНИЙ

Улуғвор мартабангиз  
Ўзингизга муборак!



БОБУР

Шундоқ. Юз берди устод,  
Куллуғ ва лекин андак...

КОСОНИЙ

Сузлангиз-да ҳаммасин?  
Недир? Вужудим қулоқ?

БОБУР

Авф этинг, ўглингизни,  
Дилда сизга иштиёқ...

КОСОНИЙ

Фарғона мулкида не  
Андижон асойишми?

БОБУР

Отамнинг душманлари  
Тинчимас ёзми, қишми?

КОСОНИЙ

Нечук улус аҳволи?

БОБУР

Ҳар ердаги мисоли.

КОСОНИЙ

Ёнингизда кимлар бор?

БОБУР

Олим, шоир, зиёкор.

КОСОНИЙ

Самарқандга не боис?..

БОБУР

Унда бобомиздан из  
Икки марта олишдим.

Ушал Шайбоний ила.  
Самарқанд тахтини-да  
Олдим, эгалладим, рост.  
Сиз-да биласиз, албат,  
Она юртим — Андижон.  
Ундан келмиш битта хат,  
Уқиб қолмади тоқат.

Эртаси келди чопар,  
Шум гап айтди сарбасар.  
Кетдим. Дилим ғаш, хуфтон.  
Аниқ англадим йўлда,  
Андижон кетмиш қўлдан.

КОСОНИЙ

Ҳозир қайдин келурсиз?

БОБУР

Марғунонни билурсиз?

КОСОНИЙ

Кимга қолди Самарқанд?

БОБУР

Ёғий. Қилмадим писанд.

КОСОНИЙ

Ёшликни олибсиз тан.

БОБУР

Шундоқ. Қолдим беватан.

КОСОНИЙ

Ўғлим, булбул чамансиз,  
Инсон Ватансиз бўлмас.  
Лек Ватанни хор этган  
Қаснинг омади келмас.  
Дейлик, икки мусулмон  
Қонин тўкса бир-бирин,  
Улар кофир. Вассалом.

Ўзи туғилган ерин  
Тупроғи унга ҳаром.  
Улуғ Турон қайдадир?  
Қонли жанглар тугатди.  
Энди Ватан майдадир,  
Темур руҳин қийнатди.  
Темурийзодаларнинг  
Энг сўнги авлоди — Сиз.  
Дадангиз кўп нуқсонли  
Эди раҳматлик, эссиз...  
Бўтам, қонингиз тоза,  
Камдир бундай тоза қон.  
Сизга шоҳлик меросдур,  
Улуғлик ҳам ярашгон.  
Адолат Сизга хосдур,  
Жуда тиниқ шеър дарди  
Қалбингизга чирмашган.  
Сиз курашга отланинг,  
Озод қилинг бу юртни.  
Бургутдай қанотланинг,  
Эл кўрсин Сиздай мардни.  
Осойиш йўлни тутинг,  
Нурдан дастурхон ёзинг,  
Меҳр бўлсин ноз-неъмат,  
Гиналарни унутинг.  
Бу эса шариатнинг  
Тўртта мазҳабига хос.  
Ақлингиз чироқ бўлур,  
Тилингиз қаймоқ бўлур,  
Кўзингиз бўлсин олимос,  
Душман ўзидан ўлур.  
Мана сизга аталган  
«Рисолаи Бобурия».  
Идроким ила битдим.  
Йўлдош бўлсин ҳамиша,  
Дуо билан тугатдим.

#### БОБУР

Бош устига Пирим,  
Имон каби асрайман.  
Бошимга иш тушганда  
Шу битикка қарайман.

Дадам бир китоб берган  
«Рисолаи Волидия»  
Мен дунёга келганда  
Хожа Аҳрор ёзмишдур.  
Менга саодат тилаб  
Зур ҳикмат дарёсини  
Игна билан қазмишдур.  
Икки битикда отим,  
Демак, икки — қанотим.  
Пирим, эдинг ижозат,  
Чертилди дил рубоби.  
Сизки айбга йўймангиз  
Мана, битта рубоий:  
Кўнгил тилаган муродига етса киши,  
Ё барча муродларин тарк этса киши  
Бу икки иш муяссар ўлмаса оламда,  
Бошни олиб бир сориға кетса киши.

#### КОСОНИЙ

Баракалло! Дард бу!  
Дарди, яшайдур мангу!  
Туйғунгиз бир беғубор,  
Биллур каби ҳўп тоза.  
Симоб янглиғ тан аро  
Югурар тантанавор.  
Илҳом имонингиздур,  
Сўзки ўз жонингиздур.  
Энг олий ниятингиз  
Ато қилсун худойим.  
Ҳар қандай мушкулотда  
Ватанни тарк этмангиз?  
Юртни ташлаб кетмангиз?  
Биз билан бўлинг доим.  
Оллоҳим ёрлақасун,  
Паноҳида сақласун.  
Ушбу сатрлар битган  
Яхшилик кўрсин мудом.  
Тотсин меҳнатин таъмин  
Эгам қўласин. Омин.

Неча-неча кун ўтди, ойлар ўтди, йил ўтди,  
 Оқин сувлар ҳам оқиб охир манзилга етди.  
 Қалдирғоч учиб келди, қалдирғоч учиб кетди,  
 Деҳқон пойдевор қурган уйи-да кеча битди,  
 Бобур иши битмади, кўнгли сира тўлмади.

Андижонга боролмас, Аҳмад Танбал ҳукмрон,  
 Марғилонда қололмас, ул Али Дўст очкўз хон.  
 Носир Мирзо Ахсида, борса бўлмас ҳеч қачон,  
 Фитна унинг номини айлаган жуда ёмон,  
 Ёмонлар бўлди яхши, Бобур яхши бўлмади.

Чин содиқман, деганлар Бобур шоҳ бўлган чоғда,  
 Иброҳим Сору қани, Вайс Лоғарий қаёқда?  
 Хушомад экан бари, ҳалолликдан узоқда,  
 Башорат қилур улар Бобур энди тузоқда,  
 Бобур нечун аларни ул фурсатда тилмади.

Бўйин сиқиб борсунму, тоғойларга сиғинди,  
 Бу оғир кун келганда дўсту душман билинди,  
 Ғанимларнинг дастидан шоир қалби шилинди,  
 Бош олиб кетай деса, она ерга илинди,  
 Бобур бунда гул эди, лекин гулдай сўлмади.

У эрк юрак, довюрак ва лекин ёшлиги бор,  
 Ёнаётган шоирнинг қатъият, тошлиги бор,  
 Севгиси ерга сиғмас ҳам қаро қошлиги бор,  
 Дўстлик бор, садоқат бор, нони бор, онлиги бор.  
 Бобур ҳаром емади, эл ризқини юлмади.

Шеърин ёзиб бир четда, қилсайди бағри қонлиғ,  
 Ё далада деҳқонлиғ ё соҳиби боғбонлиғ,  
 Эҳтимол кўрармиди халқидан меҳрибонлиғ,  
 Бошига тушмасмиди бу гадолиғ, саросонлиғ,  
 Бобур тақдир коридин йиғламади, кулмади.

Ул Темурийзодалар шаънин ерга урсинму,  
 Боболарин руҳларин ҳолин хароб кўрсинму,  
 Волидасин арвоҳи уни қарғаб турсинму,  
 Ҳеч ярамас ёғийга бўйин эгиб юрсинму,  
 Бобур ҳеч пасаймади, чўкмади, эврулмади.

Ёлбормади ганимга, тиз чукиб қоврулмади,  
Ёнди, куйди, тутади: кул бўлиб соврулмади,  
Энди, мен кетдим, деди, аҳдидан айрилмади,  
Темур қулласин дебон ортига қайрилмади,  
Бобур сирин билмаган каккулар ху-хувлади.

## IX

Баҳорий тонг отар. Гира-шира пайт,  
Бобур, Тоҳир ҳамда Нуён Кўкалдош —  
Оҳиста келдилар у мазори Сайд  
Ваққосга. Бобур кўзларида ёш:

Ассалом, утганлар, Сизки огоҳсиз,  
Қонли ер устида не-не маломат.  
Бандамен, эмасмен мен ҳам гуноҳсиз...  
Сиздан-да қарздормен токи қиёмат.

Тириклар шунчалар гуноҳга ботдик...  
Сиз чеккан озорни дилга битяпман.  
Мангу уйқунгиздан сизни уйғотдик,  
Нетай, Андижонни ташлаб кетяпман.

Алвидо, аждоқлар, эй улуг мазор,  
Шунда қолса девдим танам, тупроғим.  
Ёруғ олам экан алдоқчи бозор,  
Манглайда битилган қайга бормоғим.

Фотиҳа торгармен Оллоҳдан тилаб,  
Жойингиз жаннатда топсин, деб қарор.  
Ҳокингиз ўпармен ёлбориб, йиғлаб,  
Бунда из қолдирган Пир Хўжа Аҳрор.

Бир кафт тупроқ олиб Бобур авайлаб —  
Иккала кўзига суртиб хўрсинди.  
Забонсиз қабристон буни сир айлаб —  
Оғир сукут ила бир ўкинч сўнди.

Бир шарпа тобора келарди яқин,  
Дуонинг охирги сўзи бўлинди.  
Валҳамду лиллоҳи раббил оламин...  
Шу замон беш отлиғ кўзга илинди.

Бобурга рўбару турарди Танбал,  
Бобур ўзи берган қиличин ушлаб.  
Бобур бир ташланди унга шу маҳал,  
Танбал гурс йиқилди, қолди ер тишлаб.

Бобурнинг чап қўли бехос лат еди,  
Битта бармоғидан оқди иссиқ қон.  
Ўзи ҳаё қилган ул қилич эди...  
Уни тутган эди одаммас, шайтон.

Қий-чув кўтарилди. Куз очди шаҳар.  
Бобур отга қўнди гўё учар сор.  
Ортидан от солди қанча ёв-навкар,  
Оломон қувлади бир душманшиор.

Сулаймон<sup>1</sup> тоғида Бобур пинҳона  
Она Андижонга тўймай тикилди.  
Деди: Сен шамсан, мен бир парвона...  
Юракдан ўтганин бир Оллоҳ билди.

\* \* \*

Баланд Ҳисор,  
Эй пурвиқор!  
Пойинг баҳор,  
Бошингда қор.  
Қолди диёр...  
Қолди диёр...

Ул ёғингда  
Ўзга юрт бор,  
Ўзга юрт бор.  
Бобур сенга  
Бораётир,  
Қучоғингга,  
Ул ёғингда,  
Эй Ҳиндикуш,<sup>2</sup>  
Номинг нохуш.  
Сенинг номинг  
Улуғ Ҳингда  
Ўлим эмиш.

<sup>1</sup> Ушдаги Сулаймон тоғида Бобур хужра қурдирган экан.

<sup>2</sup> Бу сўзнинг маъноси «Ҳинд улими» демакдир.

Дашти Морғо<sup>1</sup>  
Шамоллари  
Тухтамас ҳеч —  
Кенглик аро  
Қолдириб из,  
Учар йўрға,  
Учар йўрға.  
Кўҳи Хурд<sup>2</sup> бор,  
Кўп чузилган.  
Гармсир<sup>3</sup> қум  
Чули бисёр.  
Мурғоб бунда —  
Азим дарё.  
Ҳам Херируд<sup>4</sup>  
Суви осо.

Буюк води —  
Бадахшону.  
Шаҳри Қобул,  
Борур, Бобур,  
Бир мард ўғил.  
Уни билгил  
Тоғлар ошиб,  
Чўққилару  
Довонларда,  
Жарликларда  
Кўп адошиб.  
Минг бир азоб  
Ҳам андиша  
Тортиб-тортиб,  
Ўз бошига  
Қайғу ортиб  
Бораётир  
Баҳодир шоҳ,  
Бобур Мирзо.  
Баланд Ҳисор,  
Эй пурвиқор,  
Пойинг баҳор,  
Бошингда қор.<sup>5</sup>

---

<sup>1</sup> Даштнинг номи.

<sup>2</sup> Тоғ тизмалари.

<sup>3</sup> Чулнинг номи.

<sup>4</sup> Дарёнинг номи.

<sup>5</sup> Бобур Ҳисор тоғларидан ўтар экан, айни баҳор, май ойлари эди (1504).



Кел, бир йул бер,  
Қучоғингда  
Бир йулчи шер.

Ҳориб-тоғлиб,  
Юрагига  
Бир гам солиб,  
Она торядан  
Бошин олиб  
Борур Бобур,  
Борур Бобур.  
Унга йул бер,  
Қилма жабр,  
Бобур Бобур,  
Борур Бобур.

## X

Юздан ортиқ навкар. От-улов, анжом,  
Қинғир сўқмоқларда Бобур неча кун  
Баланд тоғ устига ёпирилди шом,  
О, чексиз кўк аро юлдузлар гулгун.

Бирдан қулаб тушди чўққидаги қор,  
Даҳшатли гумбурлаш. Бўрон кўзғолди.  
Ёнбағир ўраси бекилди такрор,  
Бобур ташқарига чиқолмай қолди.

Сўнги чодирлар ҳам кетди шамолда,  
Навкарлар изғийди юпун, қорин оч.  
Бобур қутқарилди ёмон аҳволда,  
Онани сақлади шох-шабба, оғоч.

Бир навкар от билан қулади жарга,  
Қалин қор остида йўқолди беун.  
Айримлар шайланди ортга қайтарга,  
Баъзилар чекинди умидсиз, дилхун.

Яна йул. Изғирин. Бир беғуборлик,  
Ана, осмон яқин. Юлдузлар ўчган.  
Гоҳ жарлик, гоҳ чўққи, кенглик ва торлик,  
Бу тоғлар ҳаёти — Бобурга кўчган.

Олдда пайдо бўлди қўрқинчли музлик,  
Унинг қирғоғидан ўтмоқлик керак.  
Шамси кал бошлади, эди бир сўзлик,  
Фалокат юз берди, чўкди бедарак.

Қаттиқ саросима босди карвонни,  
Ўзга йўл топилди — қоянинг орти.  
Ваҳима қоплади тоғни, довонни,  
Тобора уқубат ҳаддидан ошди.

Одамлар ва отлар толди — чарчади,  
Қийноқ қафасида қолди ҳар бир жон.  
Бир навқар Бобурга қаттиқ сачради:  
Не бу кўргуликлар... Шохлик истабон?

— Бас қил, — деди Тоҳир шу дам мардона, —  
Орият иши бу, Ватан дарди бу.  
Кун келур қайтурмиз мулки Фарғона,  
Бобур — Темурийлар асил марди бу.

Жаҳонгашта Темур нияти — Бобур,  
Унинг порлоқ ёди, унинг давоми.  
Тоза қон одамнинг уёти — Бобур,  
Унга жоиз эрур дил аҳтироми.

Барча дер: Ҳақ гашир, йўл берур худо,  
Олдинга, илгари элтинг, Бобуршоҳ!  
Сиздекни кўрмабди бу қари дунё,  
Сиз бормиз — биз бормиз, эй оламшаноҳ!

Тоғ йўли тугади. Ёнбағир кўм-кўк,  
Ййловлар устида ям-яшил гилам.  
Эй карвон, ёз келмиш. Кел, меҳрингни тўк,  
Нурга чулғанибди Бадахшон бирам.

Бу кўёш нарчаси, шунда қол бир оз,  
Совуқда уюшган танинг яйрасин.  
Сен бунда топурсан дўстона ҳамроз,  
Бу эл қалбига кир, сен бўл ошнаси!

Бобур уйга толди: Андижон, Аҳси.  
Оғриган бу виждон. Топталган қадр.  
Ниятим, тилагим эди-ку яхши...  
Сира ҳам ўчим йўқ. Энди-чи, сабр... сабр...

Дунёнинг ишлари экан бир эрмак,  
Шоирлик — шоҳликдир, йўқ унга ҳудуд.  
Тилига шеър келди. Тулиқди юрак,  
Симобдай титради, ёнди бу вужуд.

«Бедард ҳабиб билмади дардимни,  
Тупроқча кўрмади руҳи зардимни.  
Мендан неча кўнгилда ғубори бўлмай,  
Кетдим муна, эмди топмагай гардимни».

#### БАҒИШЛОВ

О, ўқувчим, шеърсевар, дostonсевар,  
Жаҳонгир Бобурдан сўйладим пича.  
Қирқ етти йил умри — қирқ етти асар,  
Бир дoston бўлади ҳар кундуз, кеча.

Бетимсол болалик, ўт ёшлик они —  
Дарёи бежилов, баҳри туполон.  
Ўткир нозик қалам, ғазал — иймони,  
Кураш ила олур мулки Ҳиндистон.

Ўчмас воқеа кўп, жангу жадал кўп,  
Юракни эзгувчи фожиалар бор.  
Уни қўй! Сен шоир Бобур қўлин ўп,  
Шоҳлик салтанатин тушуймоқ душвор.

Менки шоҳ Болани зўрга юпатдим,  
Киндик қони томган она тупроқда.  
Ҳисор тоғларида уни кузатдим,  
Афгон ерларида қолди фироқда.

Деди у: — Онча вақт тургумдир шунда,  
Сунг тақдир «хатида» нелар бор экан...  
Самарқанд, бобо юрт! Илинжим унда,  
Уни дедим, кирди бағримга тикан.

Қонли олишувлар юз берур ҳали,  
Мағлубият. Зафар. Кўп нарса содир.  
Сенга айтур барин бериб тасалли,  
Тарихни билгучи устоди Қодир.

Мен эса Бобурни соғиниб дарднок,  
Кўзимдан қон томур, қонли қўйлагим —

Юрак тепишидан йиртилур чок-чок,  
Ва энди бошқача созда куйлагум.

Беш юз йил ўтдики, Шоҳ Бобур дерлар,  
Унга адаш бўлиб яшар гўдаклар.  
Оналар яратмиш қўшиқлар, шеърлар,  
Қанча ривоятлар, қанча эртақлар.

Халқим куйларидан танладим оҳанг,  
«Гўрўғли», «Алпомиш» улчовига мос.  
Достон давом қилур энди бошқа ранг,  
Кела қол ва секин тингла, илтимос.

Малоли келмасин, азиз ўқувчим,  
Бул бобни ўртача иншо айласам.  
Ажаб бир афсона йўқотмиш тинчим,  
Сирли ҳақиқатни сенга сўйласам...

Мен Бобур ёнига борай, пайдар-пай  
Йўлимда кўзлари интизор бўлди.  
Ундан мадад сўрай, унга ёлборай,  
Илҳомими уни деб беқарор бўлди.

## ИККИНЧИ БОБ

Баҳорнинг охириги куйлари ҳам ўтиб, ёз бошланганда Афғон осмонида қўёш лов-лов ёниб, бесаноқ найза-найза ўткир ёғдулари ерга санчилар минг карашмада. Деҳқон далага чиққан, чўпон қирларда молию қўйини боққан, сувлар ариқлар лабига ялпизлар таққан. Кобул кўчаларида одамлар кўп, юпун болалар ўйнайди тўп-тўп. Шаҳар ҳокими Жалол саксондан ошган, у энди қарилик таъсир қилиб, сўзларидан адашган. Кўзининг оқу қораси, ёлғиз фарзанди — Бубна кундан-кун етилур. Унинг ўн олти ёши тилларда мадҳ этилур.

Бубна хароба шаҳар кўчасидан ўтиб борар экан, бир қаландарнинг жавраб айтаётган каломига қулоқ тутди ва ўзлигини бутунлай унутди. Қаландар эса сўзаларди бемалол, унинг оҳанглари элитарди хаёл:

Ҳисор ошиб, ўтиб довон, чўлу саҳро,  
Яхшиликни дилга тутиб, бўлиб ошно,  
От ўйнатиб, ғазал айтиб тили бурро,  
Қадди зебо, ақли доно, кўзи порсо.  
Шаҳри Кобул келар эмиш Бобур Мирзо,  
Фарғонадан кетган эмиш, во дариғо...

Амир Темур, Чингизхоннинг қонидан у,  
Андижон дерди кўз очгани онидан у.  
Самарқандни севар эди жонидан у,  
Кечган эмиш подишолик шонидан у,  
Шаҳри Кобул келар эрмиш Бобур Мирзо,  
Фарғонадан қувилганмиш, во дарифо.

Унга қучоқ очар эмиш Кобул хони,  
Тинчлик иши бўлган учун имтиҳони,  
Уни кутмоқ истар эмиш Турк, Афғони,  
Уни севмиш Бадахшоннинг ер-осмони,  
Шаҳри Кобул келар эрмиш Бобур Мирзо,  
Самарқанддан қувилганмиш, во дарифо.

Оллоҳ берган алангали шоир эрур,  
Навоийдек сўз демакка қодир эрур,  
Ҳар каломи ёғду эрур, нодир эрур,  
Бир ёнда ёр, бир ёнида Тоҳир эрур,  
Шаҳри Кобул келаетир Бобур Мирзо,  
У Ахсидан қувилганмиш, во дарифо.

Тулишибдур Жалолхоннинг ёлғиз қизи,  
Чарақлаган, ярақлаган тонг юлдузи,  
Отасига малҳам эрур ҳар бир сўзи,  
У — мушгипар онасининг кўрар кўзи,  
Шаҳри Кобул келаетир Бобур Мирзо,  
Фарғонадан қувилганмиш, во дарифо.

Бубна қизнинг дили ичра унмиш ризо,  
Уни билса, пайқасайди ота зеро,  
Она сезур: қиз юраги ишқдан яро,  
Турли миш-миш хаёлига солур ғавго,  
Шаҳри Кобул келар эрмиш Бобур Мирзо,  
Ўз юртидан кетган эмиш, во дарифо.

Бубна кўрмиш ўз тушида шоҳ Бобурни,  
Юлдуз, ою қуёшдан ҳам ёруғ нурни,  
Ул ўғлонни, ўшал Юсуф каби ҳурни,  
Онасига сўйлаганмиш бундай сирни,  
Шаҳри Кобул келаетир Бобур Мирзо,  
Марғунондан кетган эмиш, во дарифо.

Шунча барно бўладими йигит қомат,  
Лаблари ол, юзи ял-ял, кўз қиёмат,

От устида қийғир мисол, аҳ аломат,  
Шундай жонга бўлибди-я кўп маломат,  
Шаҳри Кобул келаетир Бобур Мирзо,  
Андижондан кетган эмиш, во дарифо.

Шеър битганда тўхтаб қолур қайнар булоқ.  
Шеър айтганда боғда булбул солур қулоқ,  
Ҳар каломи жонга ором, зўр иштиёқ,  
Завқинг бўлса томоша қил, кел, унга боқ,  
Шаҳри Кобул келар эрмиш Бобур Мирзо,  
Фарғонадан кетган эмиш, во дарифо.

Эр юракли, шер юаркли марди майдон,  
Унга қучоқ очиб чиқсин халқи Афғон,  
Ҳирот, Газна, Хуросону ҳам Шибирғон,  
Дусту душман ёқа ушлаб қолур ҳайрон  
Шаҳри Кобул келар эрмиш Бобур Мирзо,  
Ўз еридан кетган эмиш, во дарифо!

Қаландарнинг бу хиргойисини Бубна охиригача тинламади.  
Қаландар эса бу қизнинг Бубна эканлигини англамади ҳам. Қиз  
чопганича боғ ўртасидаги сўрида ёнбошлаб, оху боласига термулиб  
ётган, чуқур ҳаёлларга ботган онасига қараб югурди. Она ҳаяжон  
шамолида қолган қизини бағрига олди, нелигини билгач, ул қалан-  
дарни ҳузурига чорлади. Бубнанинг шаҳло кўзлари юлдуздай порла-  
ди.

Қаландар онага бўлган бор гапни айтиб берди. «Мен Бобурни хос  
йигитлари ва анча-мунча анжомлари билан йўлда кўрдим. Ул киши-  
нинг шундоқ ёнида уч аёл ҳам бор. У ҳар қишлоқ, маҳалладан  
ўтганда эл уни олқишлаб кутиб олмоқда», — деди. Бубна онасига,  
мен ҳам Бобур Мирзо қаршисига чиқаман, деб туриб олди.

Алқисса, она қизига қараб бу сўзни айтиб турибди:

Қайбир куни айтган эдинг тушингни,  
Қизим, энди йиғиб олгин ҳушингни,  
Худо етказибди ўнглаб ишингни,  
Айтма сирни, ёрма сира тишингни,  
Ишқ боғингда очилибди гунчалар.

Отангга кир, рухсат берсин, қарши ол,  
Зар қуёшни кутган каби тонг мисол,  
Манглайингда бор экан-а бундай ҳол,  
Қирқ кокилинг устига қўнмиш ҳилол,  
Қиз болага бахт бўлар-да шунчалар.

Мен розиман, майли, қизим, чиқ пешвоз,  
Ота рози — худо рози дебдир, рост.  
Лек дин, шариат бор боз устига боз,  
Болам, севги бошқа, бошқа эҳтирос,  
Қиз иффати эрур минг тугунчалар.

Елғизим, кундузим, Ойсан, Зухросан,  
Кўзга тўтиёсан, бирсан, танҳосан,  
Қошу кўзинг қаро, қадди зебосан,  
Тушда кўриб сен шунчалар шайдосан,  
Отанга кир, сура, шоша бунчалар.

Онанинг бу сўзларини эшитиб қаландар уз ихтиёрига эрк берди-  
да, Бобурнинг машҳур газалидан бир байт ўқиб юборди:

Жамолинг васфини, эй ой, неча элдин эшитгаймен,  
Не кун бўлгай висолингга мени дилхаста етгаймен.

Бубна кўзларига ёш олиб, туйғулар селида қолиб, идрокни йўлга  
солиб, отасининг ҳузурига оҳиста кирди. Бир оғиз сўз айтолмай,  
тиниқ, сокин кўлдай жимиб турди. Жалолхон гуё қиз қалбига қулоқ  
кўчирди, кўзларида чақнаган ҳайрат утини учирди:

Болам, сўйла, не сир бор,  
Сени ўртаг не асрор,  
Мени қилгил хабардор,  
Она қизим, ҳур қизим?

Ғам босибди кўзингни,  
Тутолмайсан ўзингни,  
Айтгил айтар сўзингни,  
Она қизим, нур қизим.

Шунда Бубна қиз ерга қараб, кўп андишаю ибo билан илтижо  
айлади:

Отажоним, руҳсат қилинг,  
Илтижомни толе билинг,  
Майлига, бағримни тилинг,  
Бобур келур, йўлга чиқай.

Мен уни бир бориб кўрсам,  
Кўз олдида кулиб турсам,  
Сухбат кўрсам, гурунг кўрсам,  
Бобур келур, йўлга чиқай.

Йўлларига гуллар тўшай,  
От жilовин бир дам ушлай,  
Шодон қилиб кўнгул хушлай,  
Бобур келур, йўлга чиқай.

Ўтиб кетмай армон билан,  
Сиз амр этинг фармон билан,  
Дил ўсадир осмон билан,  
Бобур келур, йўлга чиқай.

Қизининг бу сўзларини эшитиб Жалолхон газаб отига минди.  
Бубна зор-зор йиғлай-йиғлай тинди. Ота бир хўрсиниб шу маҳал,  
кескин оҳангда деди ул дангал:

У эмас-ку сенга тоға ё оға,  
Билмадим-а, шундоқ дерму ақли соғ-а?  
Ошени йўқ, макони йўқ у бир зог-а,  
Не кулфатга кўюрсан, қиз, шундай чоғ-а?  
Йўқол дейман, йўқол, қўйма мени доға!

Бубна отасининг оёғига ўзини ташлади,  
Ёз ёмғиридай кўзини хўп ёшлади:

Отажоним, ундоқ деманг,  
Қиз бола, деб ҳеч ғам еманг,  
Онам деди: у ким, ниманг,  
Бобур келур, йўлга чиқай?

Менки сизнинг виждонингиз,  
Доғ тушмаган иймонингиз,  
Пок ерингиз, осмонингиз,  
Бобур келур, йўлга чиқай?

Сизнинг якка қизингизман,  
Сақлаб қўйган тузингизман,  
Эл олдида юзингизман, ✦  
Бобур келур, йўлга чиқай?

Ўғлимсан, денг, ўғлингизман,  
Кучга тўлган тўқлингизман,  
Юраги ўт, чўғлингизман,  
Бобур келур, йўлга чиқай?

Гулдай тоза номус, орим,  
Ватан ишқи — аҳд-қарорим,



Юрт тинчлиги — зўр шиорим,  
Бобур келур, йўлга чиқай?

Душманни дўст қилмак ишим,  
Ундан узга йўқ тапвишим,  
Унг келибди кўрган тушим,  
Бобур келур, йўлга чиқай?

Чиқар бўлсам, қон тукилмас,  
Элим қадди ҳеч букилмас,  
Чок-чокидан дил сўкилмас,  
Бобур келур, йўлга чиқай?

Менга беринг йигит жома,  
Тузарман сулҳ — бир аҳднома,  
Сиз деманг: бу бўш ҳангома,  
Бобур келур, йўлга чиқай?

Ўғлонга хос уст-бош беринг,  
Қилич беринг, ўн ёш беринг,  
Беш оқсоқол, бир бош беринг,  
Бобур келур, йўлга чиқай?

Гар мен чиқсам бўлмайти жанг,  
Юрт аҳволи қолмайти танг,  
Қоним ўтинг, сўзим жаранг,  
Бобур келур, йўлга чиқай?

Жалолхон қиз мақсадини англаб етди, хос кишиларини чақириб,  
уларга амр этди:

Бобур келур, қаршисига борилади,  
(Сукут сақлаб Жалол секин ёрилади.)  
Қизим Бубна, мен чиқай, деб зориллади,  
(Хона ичра фонус яна пориллади.)

— Қиз бола-я, ё алҳазар, бу қандай гаг?  
Сандиқларда сақланадур дуру садаф.  
Кўздан нари, чўлда бўлур сассиқ алаф.  
Ким ҳам элтур, олиб борур уни матаб,<sup>1</sup>  
Ё хонимиз қиз ўстирган унга атаб?

— Бас! — дер Жалол, — энг аввало бизга уни

<sup>1</sup> Матаб — эргаштириб.

Бегона деб янглишдингиз, билинг шуни.  
Амир Темур ҳам Бойқаро бир туғуни —  
Бизмиз ахир, бизким улар бир бўғини,  
Мен Туркистон гардиданмен, гап мазмуни.

— Ё Оллоҳ, — деди бир шайх, — сиз ўзбекмисиз?  
Ал — Беруний, Навоийга ўздекмисиз?  
Ҳа, денг шундан, Сиз ҳам доносиз, закисиз,  
Баҳовуддин Нақшбанднинг бу ердаги ҳақимисиз?  
Заҳириддин Муҳаммаднинг палагидан, нақимисиз?

Хон ота ижозати ила Бубна ўнта ён синоҳ ва бешта оқсоқол ила  
йигитча, навкар либосида Бобур йўлига чиқиб кетди. Намозгар эди,  
улар келаётган карвонни кўрдилар.

Карвон ниҳоят чарчоқ эди. Кимдир отда, кимдир пивёда келарди.  
Тоҳир Қўтлуғ Нигорхоним минган ошпоқ отнинг тизгинига боғланган  
ипак арқонни тутиб етаклаб олган эди. Бобур Мирзо бир саман  
тулпорнинг жиловидан ушлаб аста-секин одимлаб келарди.

Жалолхоннинг энг яқин хос кишиларидан бўлмиш шаҳри Қобул  
кадхудоси Бузург Шайх эндигина лабларини сўзга жуфтлаган эдики,  
ундан олдин Бобур кулибсираб: «Ассалому алайкум!» — деди.

— Хуш келибсиз! — деди Бузург Шайх.

— Хушвақт бўлингиз, — деди Бобур.

— Шаҳримиз хони Сизни хайрихоҳлик ила кутмоқда. Қаршин-  
гизда турган мана бу йигитча Жалолхоннинг ёлғиз фарзанди.

Бубна ўнг қўлини кўксига қўйиб, Бобурга юзланди, Бобур унга  
мамнунлик аломати ила назар солди. Бубна юраги тошиб доно-доно  
қилиб сўзлади:

Хуш келдингиз, азиз меҳмон,  
Сизни кутиб кўз нигорон,  
Қучоқ очур аҳли афғон,  
Қадамингиз бош устина.

Тоғ еллари — сабо айтди,  
Кўп маломат сизга етди.  
Жафо чекмай ким ҳам етди  
Гул унарми тош устина?

Қиличингиз ярақлайдур,  
Кўзларингиз чарақлайдур,  
Сизни худо кўп сақлайдур,  
Дасторингиз қош устина.

Отам элда топган ҳурмат,  
Мен ёлғизман, шудир қисмат,

Биздан бўлур Сизга ҳиммат,  
Отам деди: ош устина.

Сизни қўллар улуг Оллоҳ,  
Сиз дунёга бўлурсиз шоҳ,  
Турон ерга бўлинг паноҳ,  
Самарқанду Шош устина.

Шаҳримизга бир жон бўлинг,  
Отам кекса, Сиз хон бўлинг,  
Бизга орзу, армон бўлинг,  
Кўз устина, ёш устина.

Қўллар ўтди, ойлар ўтди. Жалолхон қариб, бандаликни бажо этди. Бобур Мирзо Қобулдаги ҳукмронликни қўлга олди, унга атрофдаги ва яқин-узоқдаги бошқа шаҳру қишлоқлар ҳам бўйсунга бошлади. Бобур Мирзонинг шоҳлик салтанати Афғон тупроғида гоҳ тинч, гоҳо жанглар билан мустаҳкамлана борди. Ерли аҳоли Бобурга хайрихолик билдириб, уни темирійоздаларнинг асвл ҳукмдори деб тап олди.

Тоҳир ва бошқа навқирон ёшлар қаторида Бубна йигит қиёфасида Бобурга навкар бўлиб, садоқат кўрсатиб хизмат қилаверди.

Бобур уни яхши билар, эъозлар, турли кўнгилочар сайрларга, шикорга ҳам бирга олиб кетар эди.

Қўлларнинг бирида қора ҳодиса юз берди. Ҳиндиқул тоғлари этакларида Бобур йигитлари билан ов қилиб юриб эди. Улар орасида йигит қиёфасидаги Бубна ҳам бор эди. Улар арчазорларни ортда қолдириб, жарликлардан ўтиб, бир ботқоқлик — овлоқ жойга чиқиб қолдилар. Овчиларга ёввойи тўнғизлар тўдаси тўсатдан ҳужум қилди. Жарлик лабига бориб қолган Бубна тўнғиз ҳамласидан гор ичига ағнаб кетди. Унинг оёқ-қўли қаттиқ жароҳатланди, чап оёғи сонигача ёрилиб, ундан қип-қизил қон тинимсиз оқиб ётарди.

Қуздан-қун Бубнанинг оёғидаги жароҳат газаклаб кетди. Табиблар чап оёғни кесиб ташлашни маслаҳат бердилар. Бобур ўзининг содиқ навқари, Афғон еридаги подишоҳлик салтанати асосини яратган бемор Бубнанинг бошида ўлтирар, унга гамхўрлик кўрсатарди. Айниқса, сўнги қўллари шоҳ бу ердан сира ҳам жилмади.

Жарроҳлардан бири Тоҳир ёнида гаройиб бир сирни айтиб қўйди: «Шоҳим, бир қошиқ қонимдан ўтинг, Сизга битта ғалати бир сирни сўзлайин. Бу ҳалиги бемор навқарингиз ўғил бола эмас, қиз бола экан». Бобур ҳайрат гирдобида қолди ва Бубна ёнига кириб, ушбу сўзларни айтиб турибди.

Бардош айланг, худо чидам берсин,  
Дарднинг келмоғи осон, кетмоғи қийин.

Бубна: Қуллуқ, шоҳим!

Бобур: Оламдаги жами табибу жарроҳларнинг энг аълолари дардингизга малҳам ахтарур.

Бубна: Малҳам... Сиз... Сиз-ку энг аъло табиб! Сиз ўзингиз...

Бобур: Узр. Бефарқ қолибмен.

Бубна. Хизматингизни тўла адо эта олмадим.

Бобур. Миннатдормен...

Бубна. Сиз... Сиз... қалбимга ғойибона кирган шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурсиз.

Бобур. Мард ўғлондек дўстликда вафо қилган аёл зоти олдида бир умр қарздормен.

Бубна. Сизни кўп ўқиганмен, ғазалларингизни ёд биланмен.

Бобур. Вафо ва жафо ҳақидами?

Бубна. Она юрт, Ватаи ҳақида ҳам.

Бобур. Нечун ундоқ қилдингиз?

Бубна. Агар ўғлон қиёфасида қаршингизга чиқмаганимда эди, билмадим, Сизни кўролмас, озгина хизматингизни қилиш ҳам менга насиб этмас эди.

Бобур. Ё Оллоҳ!

Бубна. Қўнгил дарди учун бир байт айтсангиз.

Бобур. Сен, эй гул, қўймадинг саркашлигингни сарвдек ҳаргиз, оёғингга тушиб барги хазондек мунча ёлбордим.

Бубна мадорсиз қўлларини аста ҳаракатга келтириб, ёстиги остидан бир қоғозни олди-да, Бобурга аста узатди.

Бобур қоғоздаги сатрларга маъносиз кўзларини қадади, бирдан овози тутулиб, ичида ўтли тугён билан ўқиди:

Тушида кўрдим Сизни бир қур, гадо ўлдим,  
Онам билди, отам билди, эл билмади.

Ишқ шароби ёш жонимга оғу бўлди,  
Умрим билди, руҳим билди, ел билмади.

Умидларим, армонларим, кўз ёшларим  
Онлар билди, лаҳза билди йил билмади.

Ҳижрон ғами тоғларча зил, вой-вой дедим,  
Булбул билди, нола билди, гул билмади.

Тунлар босди, қиш қаҳратон, баҳор қадрин —  
Ҳозлар билди, ўрдак билди, кўл билмади.

Бош айланди, кўзим тинди, соғинч ёмон,  
Қўнгил билди, юрак билди, кўл билмади.

Яхшиликдан, эзгуликдан уруғ сепдим,  
Тупроқ билди, экин билди, дўл билмади.

Оқар дарё оқиб кетди, сув қайда бор,  
Дарахт билди, илди билди, чул билмади.

Юрмоқ мушкул, турмоқ қийин, вақт азобин,  
Қарвон билди, оёқ билди, йул билмади.

Жангу жадал, ерга сингган қон касрини  
Подшоҳ билди, султон билди, қул билмади.

Чин садоқат, чин муҳаббат соҳиби ким?  
Ҳамма билди, олам билди, ул билмади.

Севгим менинг соқов бўлди, ё худоё,  
Қалбим билди, юрак билди, тил билмади.

Бубна кўз қири билан Бобурнинг узун, қопқора кичриклари  
учидан бир дона марварид кўзёши думалаб чиройли мўйлови устига  
тушганини кўриб қолди. Бобур оҳиста бир қитъа айтди:

Муяссар ўлса агар ёр васли ғурбатга,  
Ватанни не қилай, ўз диёр нега керак,  
Йиборди ёр менга ёдигор деб хатини,  
Манга ҳабиб керак, ёдигор нега керак.

Жарроҳлар қизнинг чап оёғини кесиб ташлашди. Дард авяга  
минди. У қонсираб ярим кечада жон берди. Шоҳ Бобур эса мамла-  
катда қирқ кун мотам эълон қилди.

#### РУБОНҲ

Қанча рост, билмадим, ушбу афсона,  
Лекин Бобур ўтди аёл деб ёна.  
Уни шундоқ қилиб, шундоқ туққандур  
Қутлуғ Нигорхоним — муқаддас Она.

Қирқинчи кун эди. Шоҳнинг волидаси Қутлуғ Нигорхоним буй-  
рак қон босими охиб, оғзи-бурнидан қон кетиб тўсатдан вафот  
қилди. Мотам устига мотам. Бобур она тобути устида зор-зор  
йиғлади. У ҳар кунни қабристонга борар, онаси ҳаққига дуо қилар  
эди. Бугун тунда уйқуси қочиб, она сиймосини кўзига жойлаб, фарёд  
чекиб шёър ёзди ва уни тонгда етиб келган Тоҳирга ўқиб берди:

Сўнди шамим, ўчди чироғим,  
Йигит чоғим нуради тоғим,  
Хазон урди мевазор боғим,

Она номли буюк ардоғим,  
Қўлдан кетди. Фарғонам кетди,  
Андижондек парвонам кетди.

Боболарим қонидек тоза,  
Онам эди элга андоза,  
Қайдин келди бемаҳал қазо...  
Она номли буюк ҳаввоза  
Қўлдан кетди. Фарғонам кетди,  
Андижондек парвонам кетди.

Онам кўкси бир жаннат эди,  
Бошим каби кўп қиммат эди,  
Азиз меҳри бесарҳад эди,  
Манглайимда нузли хат эди,  
Қўлдан кетди, Фарғонам кетди,  
Андижондек парвонам кетди.

Қани энди ул онаизор,  
Анқов дунё, сенда сир-асрор,  
Онасиш шоҳ шоҳликми, Гаффор?  
Қўлдан кетди, Фарғонам кетди,  
Андижондек парвонам кетди.

Садоқати шеъримда қолди,  
Жисми ўзга еримда қолди,  
Тақдир иши Афғонни олди,  
Она ҳажрин бошимга солди,  
Қўлдан кетди, Фарғонам кетди,  
Андижондек парвонам кетди.

Пешонамда не бор, билмадим,  
Мен онамга хизмат қилмадим,  
Ўз-ўзимни нега тилмадим,  
Лек ғнидан сира жилмадим,  
Қўлдан кетди Фарғонам кетди,  
Андижондек парвонам кетди.

Оллоҳ, ўзинг ҳидоят айла,  
Чин дунёсин ишоят айла,  
Етим қолдим, шижоат айла,  
Мен ғарибни ҳимоят айла,  
Қўлдан кетди, Фарғонам кетди,  
Андижондек парвонам кетди.

## РУБОИЙ

Бобурни йиғлатган замона доғи,  
Дард бериб сайратган жонона доғи.  
Ҳар икки ҳажридан батаррак бўлди,  
Жисмини яратган ул Она доғи.

## БАҒИШЛОВ

Ўқувчим! Бобурни севгучи эй жон!  
Она ўлиmidан шоир дили қон...  
Бобурни йиғлатиб йиғлади Афғон,  
У энди отланур, қонда қўзғолон,  
Кел, бирга жўнайлик мулки Ҳиндистон!

Бунда яратди у метин салтанат,  
Меросхўр сен бўлсанг, қилмагил миннат,  
Турон фарзандининг касбидир қиммат,  
Қобулнинг тупроғи Бобурга қиммат,  
Онасин қабри бор... Кетолмас фақат...

Сўнги кун келади, Бобур қайтарми,  
Тақдир қисматлари буни айтарми?  
Она мазорини ташлаб кетарми,  
Ҳижрон жароҳати, ҳайҳот, битарми?  
Кечган уқубатлар энди етарми?

Юр, кетдик, ватандош, бошлар Бобур шоҳ,  
Оҳ, қонли жангларга бўлурмиз гувоҳ,  
Қиличин тутмоқлик қанчалар гуноҳ...  
Оқибат кун келур, Бобур дер ногоҳ...  
Мушкулот экан-ку бу умр, э воҳ!

Унга вафо қилур фақат шеърият,  
Энг буюк дард ва энг покиза ният,  
Ёлғиз қалам чекур чексиз азият,  
Сенда бор, менда бор ундан ҳамият,  
Ҳамиятсиз бўлиш қанчалар уят...

Сўнги кун келади, энг аччиқ жафо,  
Бобур ўзи қолур оламда танҳо,  
Бўлса-да жигархун ҳам мотамсаро,  
Кўзёшин артурмиз қилиб илтижо,  
Юр, кетдик у билан эй дўсти якто!

Сенга чашиб берай дард тўла оҳанг,  
Сен эриб тулгангил, юрак эмас санг,  
Бобур тақдиридан асабим таранг,  
Ўқувчим, сўнгги бор жанглардек жаранг,  
Ўқи, янгиланиб қолса ҳам яранг.

## УЧИНЧИ БОБ

### I

Бобур жисми аро бир куч кўзғолди,  
Эагулик бўрони ақлини олди,  
Мовароуннаҳрни ёдига солди...  
Туғилган элидан уёлиб қолди...  
Йирик давлат тузмоқ ва бирлаштирмоқ!

Бирдан чўчиб тушди: бу не кўргулик,  
Ўзга диёрларда мунча тургулик?  
Энди Ҳиндистонга қўшин сургулик!  
Боғлару ариқлар, кўприк қургулик!  
Йирик давлат тузмоқ ва бирлаштирмоқ!

Ҳиндистон тупроғин обод айласам,  
Сўнг талон Туронни озод айласам,  
Амир Темур руҳин мен шод айласам,  
Улуғ мамлакатни бунёд айласам,  
Йирик давлат тузмоқ ва бирлаштирмоқ!

Элу элатларнинг қисматли сирин,  
Зулму зулумотнинг узиб занжирин,  
Ота-боболарнинг муқаддас ерин —  
Қора пешонасин бузиб тақдирин:  
Йирик давлат тузмоқ ва бирлаштирмоқ!

Қўлга қалам олди, кўзи ўт, чақмоқ,  
Уфққа тикилиб деди: Нурга боқ!  
Зулму истибдодни ёндир, ёндир, ёқ!  
Вужуди титради, тоқатлари тоқ:  
Йирик давлат тузмоқ ва бирлаштирмоқ!



Тунда шаҳри Лоҳур уйқу билмади,  
Баҳорхон<sup>1</sup> қўшини мўр-малах... сонсиз.  
Улар Бобурни ҳеч кўзга илмади,  
Бобур тамом! — деди. — Қолур имконсиз.

Қиёмат олишув. Бобур қўшини  
Ғанимга рўбару бўлди, ташланди.  
Ёғий қонли ерга босди тўшини,  
Баҳорхон юраги қаттиқ ғашланди.

— Ё тавба, бу қандай балойи довул?  
Ҳиндикуш ағнади гўё устимга...  
Лочин йигитларим тўкилди буткул,  
Ким ҳам тушар эди менинг қасдимга?

Баҳорхон асирга дарҳол,  
Қўшини Бобурга бошини эгди.  
Ҳеч қонга тўймаган бошкесар баттол  
Чўқди, энди ерга кўкраги тегди.

## III

Намозгар. Изғирин. Шаҳри Дибалпур —  
Ғолиб Бобур шоҳга бўлди хайрихоҳ.  
Пешвоз чиқди улус, халойиқ қур-қур,  
Хоннинг тазйиқидан қутулиб ногоҳ.

Бир ой Дибалпурда турди Бобуршоҳ,  
Элда пайдо бўлди интизом, тузум.  
Бугун саҳар вақти қилиб уч огоҳ,  
Панжоб султониға бошлади ҳужум.

Заҳру қаҳри келиб деди Давлатхон<sup>2</sup>:  
Келгинди ғанимга қарши кўзголинг!  
Бобур черигини қилингиз гумдон,  
Чўқмор ушланг, қўлга тушгани олинг!

Кўчаларда оқди қанча-қанча қон,  
Панжоб кўксин қон-ла ювдилар бутуп.

<sup>1</sup> Баҳорхон — Лоҳур хони.

<sup>2</sup> Давлатхон — Панжоб хони.

Давлатхон жон берди, у бўлди қурбон...  
Уни иззат билан кўмдилар шу кун.

#### IV

Айни баҳор чоғи. Боғни гул безар,  
Ҳинду заминининг либоси яшил.  
Қушлар қўшиғини япроққа ёзар,  
Кенгликка чиқай дер бунда ҳар бир дил.

Бобуршоҳ отланди Деҳли тарафга,  
Сўғд дарёсин ўнг қирғоғи билан.  
Лўйдий<sup>1</sup> қўшинлари тизилди сафга,  
Бобур ёриб борар байроғи билан.

Лўйдий чериги кўп, сиғмас оламга,  
Жангчи филлар сони қирқ мингга яқин.  
Бобур лашкари оз, лек у — аланга,  
Ҳар битта аскарнинг ўзи бир чақин.

Ўнг қанотда борур жасур Ҳумоюн,  
Чап қанотда Муҳаммад Султон.  
Урҳо-урдан чўчиб тушди қаро тун,  
Юсуф Али, Тоҳир ва Хожа Калон —

Шиддат камарини белга боғлади,  
Горат солур эди сонсиз замбарак.  
Бобурнинг ҳарб илми ёвни доғлади,  
Ҳеч ўчмас зафардан берди у дарак.

Тулғама<sup>2</sup> усулин қўллади Бобур,  
Душманнинг ортига ўтди пистирма.  
Энг асил шерларин йўллади Бобур,  
Ҳарбийча ҳийлани қилди қистирма.

Булутдек тарқади Лўйдий чериги,  
Алқисса, тўхтади, гангида беҳол.  
Ҳар учта аскарнинг ўлди шериги,  
Қолганлар қочарди мисли қорамол.

<sup>1</sup> Иброҳим Лўйдий — мамлакат шоҳи.

<sup>2</sup> Тулғама — ёв қўшини ортига яширинча ўтиб олиш («ҳалқа» ҳам дейилади).

Устма-уст берилди қақшатқич зарба,  
Лўйдий ҳалок бўлди, қўшини тор-мор.  
Бобурга тан берди ва қилди тавба  
Ёвуз шоҳ аталган энг малъун, хунхор.

Охир тошдек қотди Панипат ранги,  
Зангори Ганганинг замзами тинди.  
Бошқача ёришди Деҳлининг тонги,  
Ҳиндистон тарихи қуёшга инди.

#### РУБОИЙ

Бобур эл ўғлони, мардлиги — қанот,  
Дўстга — дўст, душманга душмандир, исбот.  
Сенга тақдир бўлиб, эй она Ватан,  
Яна қачон келур ўшал каби зот?

#### V

Бобур кўзларидан раҳми ёғилди,  
Дўсту ғаним билдим, эл-улус кўрди.  
Ёнига жуда кўп ҳинду йиғилди,  
Юпун, бечоранинг аҳволин сўрди.

— Лўйдий онасини келтиринг бунда,  
Унга айтар сўзим, менинг узрим бор.  
Кўзидан ўт сочиб келди шум Байда<sup>1</sup> —  
Ширин сўзлар деди, экан кўп айёр...

Бобур: Сиз ҳам она. Шу бўлди тақдир...  
Байда: Энди керак мурувватингиз.  
Бобур: шунда қолинг. Сизга бир умр...  
Байда: Бош устига бу... ҳимматингиз...

Байда кўзларини қадади ерга,  
Оппоқ сочларидан алам тўкилди.  
Кимнинг ақли етди бу қора «сир»га,  
Бобур ҳам Байдага бир зум тикилди.

— Билмаймен, билмаймен. Ким қилди ишни?..

---

<sup>1</sup> Байда — шоҳ Иброҳим Лўйдийнинг онаси.

Ойболта кўтарди Байдага жаллод.  
Бобур секин деди: — Бундай қилмишнинг  
Боисини билинг, сўнг этинг озод!

Байда қотиб қолди ҳайрат ичида,  
У кутиб турарди бешафқат ўлим.  
Сўнг деди пичирлаб ному кучида:  
Синсин заҳар солган мана шу қўлим.

Ҳўнграб йиғлади: — Ўғлим Иброҳим,  
Сени деб онт ичдим, ўзимдан кечдим!  
Бобурнинг жонига етказдим, заҳм,  
Мен шундай орият либосин ечдим.

Қуёшга қўл чўзди, ерга юз босди,  
Нимадир, нимадир айтди ҳижжалаб.  
Кейин қўли билан юзини тўсди,  
Нимадир, нимадир деди ҳиндчалаб.

\* \* \*

Байда, қаро ишни қилган онажон,  
Қулоқ бер сен менинг сўзимга бир он.  
Шоҳ Бобур жонига сен айладинг қасд,  
Тубан кетдинг, тубан, сен экасан паст.  
Сенинг ўғлинг — Лўйдий — болангдир, боланг.  
Кўксингда етилган нолангдир, ноланг.  
Бобурнинг онасин ўйламадинг-а,  
Худога арзингни сўйламадинг-а.  
Кимнинг ўғли аъло Ҳиндистон учун,  
Аёл учун, сендай онажон учун?  
Биламен, Бобурга сен оғу қўйдинг,  
Қасосинг ва ўчинг заҳрига тўйдинг.  
Ақлу заковатинг ҳасад измида,  
Бобурга қасд қилдинг, Ҳинду рамзида.  
Сенга қийин, қийин, Байда, онажон,  
Оҳ, сени ўйласам оғриб кетар жон.  
Ҳа, она бор, шоир Бобурни туққан,  
Оналар бор номус, орни унутган,  
Она бор, ўлига мардлик ўргатган,  
Оналар бор, эҳ, қабоқатни кашф этган.  
Ҳа она бор, она Ваганни берган,  
Дунёда эзгулик гулларин терган.

Менинг онам ажиб муштипар эди,  
Пешонамни силаб у доим дерди:  
Элга эл бул, ўғлим, дўстинга чин дўст,  
Халқингни сева бил, ҳақ йўлида ўз!

Онам ишқ ўргатди, меҳр берди, ошиқ айлади,  
Қалбимга шеърият ўтин жойлади.  
Байда, эй қаҳри зўр, мери зўр она,  
Сенинг қилмишингдан бўлдим ҳайрона.

Бош эгиб турибмен қаршингда — мулзам,  
Ўйлаб Нигорхоним, ўйлаб сени ҳам.

## VI

Бобур жисмида ўт, оғунинг асорати,  
Кечалар уйқу йўқ, кундуз эса ҳеч ором.  
Ўз ишини кўрсатур қасоснинг жароҳати,  
Ғаним дер: Бобуршоҳ тугади энди, тамом...

Бугун чошгоҳ: Бобур чорлаб хос кишиларни,  
Ҳумоюнга буюк мамлакатни топширди.  
Сен қилурсан, деди, мен қилмаган ишларни,  
Ҳиндистон шоҳлигин елкасидан оширди.

Бироқ, ёш Ҳумоюн чалинди оғир дардга,  
Кун сайин ҳол хароб, кетади қувват, дармон.  
Бобур амал қилиб илоҳий, руҳий шартга,  
Ҳумоюн бошида деди дод солиб гирён:

— Оллоҳ, парвардигорим, болам дардин олайн,  
Менга бер! Менга бер, унинг бевақт ажалин.  
Унинг қисматига мен ўзимни солайин,  
Худойим, менга бер, бергил ўлим маҳалин.

Жоним ол, жонимни бердим азиз боламга,  
Мен учун яшасин кун кўрсин, мен ўлайин.  
О эгам, ёлбордим, ижобат бергил ноламга,  
Фарзандим Ҳумоюн учун қурбон бўлайин.

Бобур, болам, деб худога қилди илтижо,  
Ҳумоюн кўзини очди секин маънодор.  
Ёлғиз арзим сенга, кел, амал қилгил, худо,  
Бир дуо ўқиди гир айланиб етти бор:

«Аллоҳума, Анта-л Боису ва ана-л мабъусу,  
Ядъу-л мабъуса илла-л Боису, ё Рабби»<sup>1</sup>.

## VII

Йиллар жадал кетди карвонлар каби,  
Юзга ажин тушди. Бобур қариди.  
Қўзлар хира тортур, қуруқшар лаби,  
Шоҳлик ҳавасидан кўнгил ариди.

Кундан-кун эзилур, умр ардоғи  
Чўзилиб кетганга ўхшайди гўё.  
Эсига тушар кўп яратган боғи,  
Ташқари отилди, от минди, танҳо —

Жамна бўйларида айлади сайр,  
Мана бу — Оромбоғ, Ўзи эккан гул.  
Ўзи эккан дарахт. Мажнунтолда сир —  
У Турондан келган, Ҳиндга ночор қул.

Мана бу оқ терак, осмон ўпади,  
Андижон ерида ўсар беқиёс.  
Дедию юраги бежо тепади,  
Вужудин куйдирар соғинч, эҳтирос.

Бобур секин чўкди бир мрамртошга,  
Ўзук таққан қўлин манглайга қўйди.  
Зур аргувон соя соларди бошга,  
Боғлар хосиятин юракка туйди.

Яна қўзгалди у, минди саманга,  
Боғи Ҳишт Беҳиштга борди оҳиста.  
Кўзи тўйсин дея гўё чаманга,  
Товуслар товланур эди минг тусда.

Сўнгра етиб борди Боғи Назаргоҳ,  
Зарафшон боғига. Боғи Хилватга.  
Бобур келмоғидан эканми огоҳ,  
Шоирни чорлашур қушлар суҳбатга.

---

<sup>1</sup> Агар ушбу дуони етти марта ўқиб дам урилса, бемор худодан шифо топади. Агар топмаса, ул киши, дейди шайх Занжоний раҳматуллоҳу алайҳ, қиёмат куни менга даъвогар бўлсин.

Қуёшга қаради, булибди пешин,  
Боғи фатҳ сахнида ўқиди намоз.  
Саъвалар тўхтатди бир дам сайрашин,  
Бобурнинг тилида қироати соз.

Сўнгида Нилуфар боғига кирди,  
Жилдироқ ариқча олди хаёлин.  
Сувнинг шўх рақсига термулиб турди,  
Қошки у аритса кўнгил малолин,

У сўнгсиз ўйларга ботди шу алфоз,  
Мендан розимикан бегона тупроқ?  
Хизмат қилолдимми ўз ўғлига хос,  
Мен кўчат эккандим келган кунимоқ.

Қанча боғ яратдим Ҳинд авлоди деб,  
Хил-хил мевалари Анжонда ҳам йўқ.  
Лек қовун, узумни келинг ундан еб,  
Қилган бу ишимдан кўнгил тўла, тўқ.

Ариқлар чиқардим, қурдим йўлларни,  
Ўжар дарёларга кўприклар солдим.  
Кўп обод айладим қақроқ чўлларни,  
Ва лекин охири мунғайиб қолдим.

Мени чунон қийнар аччиқ бир армон,  
Ахси, Андижонда эколмадим гул.  
Айтсин тўнтарилган мана шу осмон,  
Она Фарғонани унутмоқ мушкул.

Қуёш гувоҳ бўлсин куйганлигимга,  
Севгимга шаҳодат берсин куну тун.  
Ой, юлдуз тан берсин суйганлигимга,  
Андижон қизига мен эдим мафтун.

На қилай, тақдирим шунчалар ҳам шўр,  
Бир лаҳза ёруғлик — бахтни кўрмадим.  
Шоҳлигим — қаламим, дилда ўчмас қўр,  
Тенгсиз Ҳиндистонда тахтни кўрмадим.

## VIII

Ҳинду бўлди Бобурга Ватан,  
Дилинию тилини олди.

Тарихини ўрганди чиндан,  
Рухиятин қалбига солди.  
Шеър айтадур, мусиқа чалар  
Кекса Ганга қирғоқларида.  
Ҳинд халқини топди қанчалар  
«Рамаяна» сабоқларида.  
Қалам тутди, битди «Мухтасар»,  
Назм аҳлига чин йўриқ дебон.  
Бир алифбо тузганди яксар,  
Фикрат уйи бўлди нурафшон.

От устида ёзилган газал —  
Қалб уйдан учган каптари.  
Ўлмаи туриб ўзига ҳайкал —  
«Бобурнома» — умрин дафтари.

\* \* \*

Бобур хуш кўради барча чолғуни,  
Ғижжак енгар, дейди, ғамни, қайғуни.

Тинглайди танбур, уд, найнинг ноласин,  
Дутор ёмғир қилур кўзлар жоласин.

Ғижжак ясаб келди санъат устоси,  
Бобур балли деди, йўқтур хатоси.

Машшоққа тутдилар бир сайрат дебон,  
«Ғижжаги Бобур»дир — номи ҳам осон.

Ғижжак қили билан роз айтди машшоқ,  
Ғижжак тили билан сўйлади ушшоқ:

«Бобур, сени туққан она ер қани,  
Андижон қанидир, у шеър чамани.

Ахси қайда қолди, Сирдарё қани,  
Отанг ҳоки қайда, у рўё қани.

Сен ҳам бола эдинг, болалик қайда,  
Бу дунё ишлари шунчалик майда.

Бошингга қулади олам ғавғоси,  
Манглайга босилган тоҳлик тамғоси.



Бир он, бир лаҳзаки тинчинг йўқ сенинг,  
Бисотда шеърингдек ганжинг йўқ сенинг.

Йиғладинг, кўз ёшинг дарё бўлди-я,  
Ҳасратинг заминга тўлди, тўлди-я».

Бобур кўл силтади машшоққа бир пайт:  
Мени гапиряпсан, бу ишингдан қайт!..

Машшоқ тўхтаб қолди, шоҳга ёлборди.  
Унинг аҳволидан йиғлаб юборди.

Бобур, чал, дер яна бир ўкинч билан,  
Машшоқ саз бошлади бир тўкинч билан:

Бобур, ўзга юрт ҳам юрт бўладими,  
Юртини ташлаган мард бўладими.

Ҳа, сенки ҳақсан, душманлик бўлди,  
Лекин авлодларга пушмонлик бўлди.

Бош олиб кетдинг-а, бу яхши эмас,  
Миллатинг, элатинг фарзанди демас.

Сенинг бу хатоинг — болалик бўлди,  
Андижон йиғлади, волалик бўлди.

Фисқу фасодларга бермадинг бардош,  
Бағринг қаттиқ экан, бағринг экан тош...

Самарқанд сайқали кўзингда қолди,  
Темур — бобонг сўзи сўзингда қолди.

Афғонда ясталди онанг мозори,  
О, шундоқ экан-да қисмат бозори.

Бубна садоқати гаройиб бўлди,  
Муҳаббат кўкида у гойиб бўлди.

Ўзи яратдию бевафо даҳр,  
Тақдир хатин битди айлабон қаҳр.

Тўхмат тоши била бошингга урди,  
Яна минг товланиб қошингда турди».

Бас қил! — деди Бобур, силтади қўли,  
Худойим бошлайди эндиги йўли.

Машшоқ ҳайрон бўлиб гижжакни қўйди,  
Шоир кўз ёшларини яхшига йўйди.

## IX

Бобур ётиб қолди. Йўқ сира мажол,  
Барча табибларга аёндир аҳвол.  
Бу — заҳар таъсири, оғунинг кори,  
Эмланди, ичилди қанчалар дори.

Бугун тунда яна дард авжга чиқди,  
Бурундан қон кетди. Юраги сиқди.  
Ҳориб — толиб ухлаб қолди у,  
Жуда ҳам ғаройиб бўлди бу уйқу.

Тушида намоён Хўжа Аҳроп дер:  
Шоирсан, дилингда энг отақин шеър.  
Туркийда ёзғил сен менинг рисолам,  
Соғайиб кетурсан, будир ҳаволам.

Бобур бир хўрсиниб ўрнидан турди,  
Ошноқ қоғоз узра у қалам сурди.  
Уни маст айлади форсий забони,  
«Волидия» битди. Ул — таржимони.

Неча кун термулиб шайх сатрига,  
Дер эди, етсайдим Пирим қадрига.  
У секин оёққа турди, дилда ҳис,  
Кечаю кундузи такрорлаб Ҳадис.

Қуръонни ёд олур, қилур қироат,  
Охирда ўқийдур дуо, тиловат.  
Ғазал ёзур титраб, қуйилади сўз,  
Ҳар мисра битганда ёш тўкади кўз.

Айрилиқ, ўт — ҳижрон, ғам-алам қийнар,  
Ҳар ғазал соғинчдан либос кийинар:

«Ёз фасли, ёр васли, дўстларнинг суҳбати,  
Шеър баҳси, ишқ дарди, боданинг кайфияти.

Гар бу уч ишни мувофиқ топсанг ул уч вақт ила,  
Мундин ортиқ бўлмагай, Бобур, жаҳоннинг ишрати».

Тонг ҳам отур. Саҳар. Уйғонди юрак,  
Ўтли илҳом билан тўлғонди юрак:  
«Фалак жавру жафосидин, ул ой дарду балосидин,  
Чекармен нолаю афғон, қилурмен гирияю шеван.

Балои ишқу ёлғузлуқ дағи ҳижрону гурбатда  
Отим Мажнун, кишим меҳнат ишим зору ерим гулхан».

Кўёш заррин сочди, қўзғолди Бобур,  
Боғ сари бошлади товуслар бир-бир.  
Кеч куз. Салқин ел. Боғда сукунат...  
Шоир қадамлайди, руҳида қудрат.  
Оёғи остига тушди бир япроқ,  
Ол, сариқ, заъфарон, рангез — қовжироқ.

Бобур ўйга чўмди. Ел каби гўжғон —  
Япроқни учириб кетди шу замон.  
Шоир қараб қолди унинг ортидан  
Япроқ қочиб борур ўз дарахтидан.

Бир тўнғак устига ўлтирди Бобур,  
Кўнглини бир армон ёндирди гур-гур:

«Хазондек қон ёшим, сориг юзумдин эл танафурда,  
Баҳр ранги, биҳамдиллаҳ, улусдин ўзни қутқордим.

Улуснинг таъну таърифи менга, Бобур, баробардур,  
Бу оламда ўзумни чун ямон — яхшидин ўткардим».

Товус пардозланиб қилди карашма,  
Шоир қалби бўлди илҳомга чашма.  
Кетгиси келмади боғдан айрилиб,  
Яна ғазал битди гулга қайрилиб:

«Ўтга эл бўлмоқдин ул ёш, мен қариғум ишқида,  
Ўлганим яхши бу навъ ар ўтга элликдин ёшим.

Дўстлар, кўнглимдагин қабрим тошига ёзғасиз,  
Токи бирдек бўлғай ул ой ишқида ичим, тошим».

Фақат ҳафта ўтди, жума кун, пешин,  
Бобур жонига дард қилди хуружин.

Энтикиб ётибди, кўз олазarak,  
Унинг назарида ёнар теварак.

Ҳумоюн ва Тоҳир, казо ва казо,  
Аёллар, набира, хешу ақрабо.  
Термулиб кўзлардан қуядилар ёш,  
Ҳумоюн қалбида тугади бардош.  
Бобур қийналадур, жон бермоқ душвор,

Ўлимга бўйсунди, бўлди у иқрор.  
Юрак учай дейди ўз қафасидан,  
Дилларга ўт кетур ўт нафасидан.  
Бирдан жимиб қолди, суқунат оғир,  
Ердан тониб олиб бир байтни Тоҳир —  
Ҳумоюн Мирзога узатди титраб,  
У ичда ўқиди юраги питраб:

«Мардона бўл, эмди яхшидур иш келиши,  
Тангрига сени, элни сенга топшурдим».

Уф» — деди ҳориган умр,  
Шу он жон чиқиб кетди.  
Сўнди кўзлардаги нур,  
Қуёшни-да тарк этди.

Энди унга фарқи йўқ —  
Бу ерни-да осмонни.  
Йўқлик сари отган ўқ,  
Тоғиб бўлмае камонни.

Шоҳона тўн турибди,  
Биллур узук ардона.  
Салла бир ўй сурибди  
Ҳайрон ётур остона.

Ханжар қолди қинида,  
Қилич бежон ётибди.  
Юрак қушдек инида  
Бир тош бўлиб қотибди.

Шунча йўл босган оёқ  
Кесак бўлиб қолибди.  
Ғазал битган иштиёқ,  
Қоғозга из солибди.

Киприклар найза янглиғ,  
Дийдага санчилибди.

Ҳар биттаси эди тиг,  
Энди-чи янчилибди.

Қани ушал бурро тил,  
Мардона овоз қани.  
Қизил гунча эди дил,  
Чаман энди кафани.

Энди унга бари бир —  
Рост дунё, ёлгон дунё.  
Савоблари эмас сир,  
Гуноҳин билур худо.

Бобур ётур хотиржам,  
Қайғу, ғамни унутиб.  
У чарчади, олсин дам,  
Маҳшар кунини кутиб.

Юзига парда ташланг,  
Унга назар тушмасин.  
Майли, йигланг, кўз ёшланг,  
Маййити туташмасин.

Ёшсиз юрак юракмас,  
Йиғига бир тўяйлик.  
Унга озор керакмас,  
Руҳини тинч қўяйлик...

\* \* \*

Гуррас-гуррас халойиқ,  
Бўлди жаҳоний мотам.  
Бобур-да шунга лойиқ,  
Бутун Ҳинду шумда жам.

Минг-минг елкада кетар,  
Зарҳал шалпорли тобут.  
Ноладан қулоқ битар:  
Бобуршоҳ бўлди нобуд.

Олдинда борур Тоҳир,  
Дўстимлаб, жигаримлаб.  
Қуйдириб ботин-зоҳир,  
Ҳумоюн дил яримлаб.

Жамна қирғоғи сўлим,  
Оромбоғ қайғу туяр.  
Бу қандай улуг ўлим,  
Ой куяр, кўёш куяр.

Жамна қирғоғи яшил,  
Оромбоғ ёнур ғамдан.  
Сўниқ гуллар хилма-хил —  
Чайқаладур аламдан.

\* \* \*

«Хазон япроғи янглиғ» учди-кетди,  
Йиллар бўронида шоир Бобуршоҳ.  
Дунё иши шундоқ, ўткинчи, э воҳ,  
Ором уйқусига у энди етди.

Сайхун тўлқин уриб емирар қирғоқ,  
Туронзамин осмонида ул юлдуз йўқ-да?  
Туркистон соғиниб кўкайи чок-чок,  
Темур Соҳибқирон руҳи безовта.

Хануз Жамна оқар тўлқинлаб, йиғлаб,  
Ганга замзамаси қилур гирдибод.  
Узоқда дод қилиб, кўтарар фарёд —  
Андижон қола берди бағрини доғлаб.

#### ХОТИМА

— Эй тарихчи, узоқ сўзладинг,  
Дарё-дарё ҳисларим оқди...  
— Унда нечун йиғлаб-бўзладинг?  
Дилинг ёнди, жиеминг тутоқди?  
— Шундоқ Бобур ўтди оламдан,  
Қисмат қўли тупроққа кўмди.  
— Нидо қилди ўлмас қаламдан,  
Шеър баҳрига фарқ бўлди, чўмди.  
— Хуллас, унинг чин душмани ким?  
Ким айлаган уни беватан?  
— Уни айтдим, яна тингла жим,  
Қўмсагани Андижон бўлган.

— Дангал сўзла, донишманд Инсон,  
Ким ўлдирди уни оқибат?  
— О, Бобурни ўлдирди Ҳижрон.  
Айрилиқ, Ғам, Қайғу, Хиёнат...  
— Сўнгги калом недур, айт, устод?  
Дардли дoston топди ниҳоя.  
— Сени қийнаб қўйди мушкулот,  
Унинг ўзи бўлсин ҳамсоя:

«Мурод васлинг эрур, айла ёд Бобурни,  
Унутмагил яна бу номурод Бобурни».

*Февраль, 1993 йил,*

*Май, 1994 йил,*

*Январь, 1995 йил.*

*Авдижон — Тошкент — Бўз.*

## РУҲИ РАВОНИМ

### Д о с т о н

Сочлари патила, кўзлари махмур,  
Давлати — қалб шеъри ва эски танбур.

*Ойбек.*

Машраб бораётир савдойинамо,  
Гўе қузин тикиб турар мавжудот.

*Муҳаммад Али.*

### МУҚАДДИМА

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим,  
Уммон янглиғ руҳимда туғён.  
Машраб! — дедим, ўт олди оҳим,  
Достон бўлиб туғилди армон.

Кўз олдимда авлиё шоир,  
Тимсоли йўқ қади — қоматин.  
Ботин чуқур, энг гўзал зоҳир,  
Унда кўринг нур аломатин.

Бола эдим ёлғиз ва етим,  
Азиз номин дилга жойладим.  
Ўтди умрим ва энди етдим,  
Мен ўзимни унга бойладим.

### II

Неча йиллар бўлиб интизор,  
Умидларим улғайиб бисёр,  
Афғонистон сари отландим,  
Учар қушдай мен қанотландим.  
Кеча-кундуз олис йўл босиб,  
Қайнашларим Амудай тошиб,  
Етиб, туриб ўру қиёда,



Соғинчларим жўзиб зиёда,  
Балхга етиб келдим намозгар,  
Бир шаббода эсади сарсар.  
Қип-қизориб кун ҳам ботарди,  
Елғиз даҳма... шоир ётарди...  
Даҳма усти қора лой сувоқ,  
Эски жанда каби жулдурвоқ.  
Сал нарида чўзилган мазор,  
Не одамлар ётур беозор...  
Ул қабрлар кўни мрамартош,  
Ярақлайдур нур сочса қуёш.  
Хў кимларга қўйилган яна,  
Кўз олғувчи рангин сағана.  
Ҳайратимга беролмасдан дов,  
Хароб шаҳар тиллари соқов.  
Бир шайхга дедим шу алфоз,  
— Машраб қабри шулмидир, устоз?  
Шайх ўйланиб бир сукут қилди,  
Ва сўз билан қалбимни тилди:  
— Қабре шоире қаландарме,  
Отанг ичра ул самандарме?  
Шайх тиловат қилмади бунда,  
Бир қисматни англадим шунда.  
Қабр узра эгилди бошим,  
Симоб янглиғ қўйилди ёшим.  
Сўнг руҳланиб ўқидим дуо,  
— Раҳматингни ёғдиргил, худо!  
Бир кафт тупроқ олдим тўкиниб,  
Ва ўйладим тўлиб, ўкиниб:  
— Энди кетдик Ватанга, Пирим,  
Сизни излаб тугади сабрим.  
Нечун бунга келиб етдингиз,  
Ўзга юртда қолиб кетдингиз?  
Кимларни ҳам доғлайман, дея,  
Кўнгилиарни боғлайман, дея,  
Қаландарлар либосин кийиб,  
Парвонадек Сиз куйиб-куйиб,  
Охир бунда маскан топибсиз,  
Устингизга тупроқ ёнибсиз.  
Сизни кутар она Туркистон,  
Сизни кутар ҳар бир туғишқон.  
Унда пайдо бўлган боғингиз,  
Пориллайдур шаъм — чироғингиз.  
Ўзбекистон эркин қуш бўлди,

Утган кунлар ёлгон туш бўлди.  
Қани кетдик, бугун жўнаймиз,  
Намангонга бориб тунаймиз.  
Сўнгра боқдим бир кафт тупроққа,  
У хаёлни элтди узоққа:

Дардларимни шеърга битсам, билмайдурғон ўшал ёрму,  
Аршу аълога сўнг етсам, Турон юртим бағри торму,  
Фаргонани гар унутсам, Андижон ҳам менга зорму,  
Наманган шаҳридин кетсам, мени йўқлар кишим борму,  
Ғариблик шаҳрида ўлсам, мени йўқлар кишим борму?

Фироқингда қалам қошим, куя-куя ўтди ёшим,  
Изтиробда ичу тошим, заҳар-заққум еган ошим,  
Эй раҳми йўқ бағритошим, заҳар-заққум ичган ошим,  
Қани қавму қариндошим, бу йўлда бўлса йўлдошим,  
Кўзимдин оқизиб ёшим мени йўқлар кишим борму?

Номус либосини ечдим, рақиблардин нари қочдим,  
Ёки ишқдин кафан бичдим, қиёматга бирам шошдим,  
Қуш янглиғ баланд учдим, саҳрою тоғма-тоғ ошдим,  
Муҳаббат шарбатин ичдим, қозондек қайнабон тошдим,  
Бу фоний дунядин кечдим, мени йўқлар кишим борму.

Билгаймудир аввал худо — борми мендай қалби яро,  
Бул заминдин чиқди нидо, йўқ, учмагай бу хил тамго,  
Муҳаббатдин келган бало — табиатдан менга савго,  
Тушубдур бошима савдо, рамузу ишқдин гавго,  
Ўзига айлади шайдо, мени йўқлар кишим борму?

Сира фароғатим йўқдур, энди ижозатим йўқдур,  
Тавба — ибодатим йўқдур, чеккан риёзатим йўқдур,  
Фикру кароматим йўқдур, ўларга офатим йўқдур,  
Турарга тоқатим йўқдур, юрарга ҳолатим йўқдур,  
Юракда ишқ ўти чўғдур, мени йўқлар кишим борму?

Роҳатим йўқ сурай десам, жамолингни кўрай десам,  
Кулиб хандон урай десам, гуллар билан ўрай десам,  
Базми жамшид қурай десам, Шош шаҳрига борай десам,  
Қарорим йўқ турай десам, Намангонда юрай десам,  
Жаҳонни сайр этиб кезсам, мени йўқлар кишим борму?

Оёқ остида бир хасмен, бировлар мени кўрмайдур,  
Азал тақдирда ким ошиқ, вафо гаштини сурмайдур,

Ким, дегайлар Туланбойни она Бузида турмайдур,  
Бу мискин зор Машрабни киши ҳолини сўрмайдур,  
Бу ердан бош олиб кетсам, мени йўқлар кишим борму?

#### УСТОД

— Бобораҳим, мана бу — «алиф», — деди устод,  
— «Алиф!», — деди шўхчан бола кўз милдираатиб.  
— Мана буни «бе» дейдилар, сиз айлангиз ёд,  
— Аввал «алиф» маъносини берингиз айтиб!

Устод аччиғланди: — Денг, билай мен ҳам,  
— Ҳа, менми... «Алиф» белгиси — бир деган маъно.  
— Қайдан ўргандингиз сиз буни, болам?  
— Бисмиллодан билдим, қўлласин ёлғиз худо!

Шундоқ. Кун кечур, ой кечур, улғаяр бола,  
Кўнгил нағмалари қувар кўзлардан уйқу.  
Мутоала қилур, ҳеч қолмайди чала,  
Мулла бозор дил тубига тунди бир гулув.

Рабғузий, Румийни пирим, дея ушлади,  
Хўжа Ҳофиз лафзи кирди жонига оро.  
Наҳлавон Маҳмуд бола қалбин хушлади,  
Навийни ёдлади, юраги қилди садо.

Бедов ҳасллари кўндай тиниқ, мусаффо,  
Мурғак фикри ичра қудрат бир чақмоқ чақди.  
Улуғлар тушига кирур, келур ажабо,  
Аллоҳ муҳаббати ақлида чироқ ёқди.

\* \* \*

Бобораҳим, — деди тенгдоши бир кун дафъатан, —  
Юз ёнлик бобомга қойилман ва бераман тан.  
Намоз ўқиб бошини кўп ерга уради,  
Йиғлаб ўтиради, яна йиғлаб туради.

Сўйланг, ердан бир нени у эшитмоқчими?  
Машраб дер: бу бош хом-да, пишитмоқчидир...  
Шунда тенгдош ҳайрат ила жилмайиб қўйди,  
Машрабга термулди, бир чуқур маъно туйди.

Бобораҳим сифмай қолди Наманган ичра,  
Саркаш бўлди деган миш-миш тарқалиб кетди,  
Ороми йўқ, эрта туриб, ёгади кечроқ,  
Бугун тунда илк бора у йиғлаб шеър битди:

\* \* \*

Дили тиғи ситамдин пора бўлган халқни кўрдим,  
Тани дарду аламдин ёра бўлган халқни кўрдим,  
Кўзи вақти саҳар сайёра бўлган халқни кўрдим,  
Муҳаббат даштида овора бўлган халқни кўрдим,  
Жунун тугён этибдур ҳар бириси беҳабар танҳо.

#### КЕНГЛИК АРО

Тонг ёришмай чиқиб кетди уйдан у ёлғиз,  
Кенглик сари интилади, кезади гиз-гиз.  
Кимсасиз чўл тун кўйнида ваҳима солур,  
Бевош еллар янтоқларга тегиб йўқолур.  
Чангалзорлар бошланади, тугайди яна,  
Қари юлғун одамсифат кўринар, ана.  
Қовжирайди оёқости бўлган хас-хашак,  
Қуриб ётган қамишларнинг боши пир-пирак.  
Хўп ёпасқи уюм-уюм оқвош, шўралар,  
Кизил қиеқ оёқларга, белга ўралар.  
Чигирткалар чириллайди навбат-бенавбат,  
Чўзиб-чўзиб чулдирайди тўрғайлар фақат.  
Тун тарқади. Осмон тоза. Бепоён саҳро,  
Тиним билмай Бобораҳим кезади танҳо.  
Элас-элас кўринади кўзига тоғлар,  
Ёнбағирда ёнбошлаган қай бир қишлоқлар.  
Заркент, Нанай, Жийдакана, Уйчи ва Норин,  
Пунгон томон тошлоғида эсар изгирин.  
Тоғ эчкиси каби қочар кўзлардан нари,  
Дараларда, жарликларда кезар сарсари.  
Сочи ўсиқ, усти-боши йиртиқ, бир аҳвол,  
Кўзларида пориллайди сўнги йўқ хаёл.  
Оғзи тўла ўтли газал, тилида нола,  
Юрагида буюк бир дард, бечора бола —  
Неча ҳафта шундоқ юрар, оёқларига  
Тикан тўлди, садо кирмас қулоқларига.  
Жуда севар сокин чўлни, тилсиз саҳрони,  
У излайди қайғу билмас бедард дунёни.

Мана, бир ой ўтди. Биби Салима  
 Тинмай йиғлар, йиғлар тилда калима:  
 «Яратган ўзингсан, Ёлғиз худойим,  
 Бу ўжар боламни асрагил доим!»  
 Ахтариб юради кўчама — кўча,  
 Ва унга ўхшаган болани кўча.  
 Кўзидан оқизур кеч кузги селин,  
 Дилини қон қилиб туғишган элин.  
 Ҳамма сўроқлайди, ҳамма ҳам излар,  
 Излайди ўғиллар, излайди қизлар.  
 Интиқлик ортади баттар, кундан-кун,  
 Ўт олиб онанинг аҳволи забун.  
 Саҳар чиқиб кетди олиб бошини,  
 Бошимга урай деб, тоғлар тошини.  
 Неча кун довдираб саҳро йўлида,  
 Ўғлон кўрди. Узун тасбеҳ қўлида,  
 Ёлғиз ўлтирибди пичирлаб лаби,  
 Ўзлигин йўқотган ул Мажнун каби.  
 — Болам, Бобораҳим, қайдасан, ўғлим,  
 Сени деб қоврилди, куйди бу кўнглим.  
 — Онажон, онажон, қандоқ келдингиз?  
 Бундай кенг уйимни қандоқ билдингиз?  
 У сўзлаб дардини яна оширди,  
 Она ўз кўксига ўглин яширди.  
 Она кўз ёшларин артди боласи,  
 Саҳрога сизмасди улар ноласи.  
 — О, болам, вужудим парчаси ўзинг,  
 Қонимдек қип-қизил, тўлишган юзинг.  
 Бўйимда сақлагач сени тўққиз ой,  
 Тўққиз кун, тўққиз соат, сўнгра худой  
 Улуғ қарам қилди, ёруғлик кўрдинг.  
 Отанг исминг қўйди Раҳимбобо деб,  
 Қўлласин ўзингни ёлғиз худо, деб.  
 Бир куни боргандим бозорга иш деб,  
 Битмаган рўзғорим, юпун турмуш деб.  
 Йўлакда бир баққол узум сотарди,  
 Ва икки донаси ерда ётарди.  
 Увол, деб мен уни оғзимга солдим,  
 Лек виждон олдида сендан уёлдим.  
 Юз берди ҳодисот: бўйимда эдинг,  
 Ичимдан бир нидо қилиб сен дединг:  
 Бирдан пайдо бўлди жонимда чақин,

Худодан қўрқмайин махлуқлар ҳақин,  
Онажон, узумни едингиз нечун,  
Оқчасин берингиз, йўқса мен бугун  
Жисмингиз тубида ғойиб кетарман,  
Ёруғлик кўрмайин улиб битарман.  
Мен уйда отанга буни сўзладим,  
Кўп қўрқиб кетгандим, йиғлаб бўзладим.  
Отанг шунда деди: «Ғар туқсанг ўғил,  
У доно бўлади ё авлиё дил...  
Ҳамиша ўзингни хўп покиза тут,  
Руҳинг баланд бўлсин, ташвишни унут».  
Рўмолим учига пулимни туғиб,  
Боққолга узатдим бошимни эғиб:  
«Бу пулни олингиз, сизнинг ҳақингиз,  
Не учун демангиз, сўзга боқингиз —  
Ерга тушган экан иккита узум,  
Увол, деб олдимү кўрганда кўзим,  
Тановул қилгандим, сиз бўлинг рози».  
Шунда титраб кетди боққол овози:  
«Олмайман, розиман, бўлгил саломат,  
Сен қандай аёлсан, сахий, аломат».  
Отанг-ку бандалик қилган, болажон,  
Ғарибмиз Муборак синглинг икковлон,  
Юр кетдик, энди ҳеч қўймайман сени,  
Зор қилиб қақшатиб йиғлатма мени».

#### ОНА УКИНЧИ

Сен очилдинг қизил гулдек, жисмимда бор бўлган болам,  
Армонларим осмони кенг, янги ойдай тўлган болам.

Оқ сочимни ювар бўлдим кўзларимнинг жоласиға,  
Бу дунёнинг сиру корин, жафосини билган болам.

Сени покиза туғдим мен зарра гардни қўндирмайин,  
Она сути оғзидаю юрагин қон қилган болам.

Хўрлик сенда, келбат сенда, Юсуфдай ой жамолинг бор,  
Тили сўзон, дили вайрон, ўз бағрини тилган болам.

Ақлу идрок ато қилган худойимга минг бор қўлуғ,  
Ғалат дунё ишларига кўзни солиб қулган болам.

Тилим толмас сени алқаб «Ла илаҳа иллюллоҳ» деб,  
Сен «Аллоҳу Акбар» дебон ер юзига келган болам.

#### МАШРАБ ИЛТИЖОСИ

Кўз ёшингиз артинг, онам, мунисим, жоним онам,  
Бу оламда бахт кўрди ким, эй онажоним онам.

Совуқ бешик қучоқлаган алла айтиб тун кечалар,  
Эрта-кеч парвона бўлган чин меҳрибоним онам.

Фироқимда куйибсиз, оҳ, физонгиз<sup>1</sup>. — қайғу, алам,  
Умрингиз дард, кунингиз дард, қадди камоним онам.

Эртак айтиб, дoston айтиб сиз бурро тил бердингиз,  
Дилга шеър сеҳрини солган ширин забоним онам.

Ёлғиз паноҳим оллоҳдир, ундан ўзга юпанч йўқ,  
Боғу бўстоним, жаннатим, жону жаҳоним онам.

Сизни деб ўздан кечурман, сиз икки жаҳон менга,  
Сиз — Туроним, Туркистоним, Сиз — Намангоним онам.

Улар уйга келди тушганида шом,  
Одамлар тўпланди йиғлашиб мудом.

Шаҳарга жон кирди, ёришди ҳар дил,  
Самода ярим ой ёғдуси чил-чил...

Она босолмайин ўз эҳтиросин,  
Машрабга кийгизди янги либосин.

Насиҳат, ўғитлар сели ёғилди,  
Гўё бунда бошқа Машраб туғилди.

— Бунда қол, қўй, кетма, бунда ризқинг е,  
Кўз очган маконинг — шу тупроқни де.

Устод Мулла Бозор деди олмай тин:  
«Алҳамдулиллаҳу раббил оламин» —

Онангни сира ҳам энди ташлама,  
Хизматин адо эт, кўзин ёшлама.

<sup>1</sup> Физо — овқат, емиш.

Анога меҳнат бу — фарзу вожибдур,  
Ғанимат бил уни, бир кун ғойибдур.

Машраб хўнграб деди: Э азиз устод,  
Аллоҳ карамлари руҳим ичра ёд:

«Ё илоҳи, энди қилгайсан бу банданга назар,  
Жандами бир нўш этиб кирдим бу йўлга дарбадар,  
Дашту саҳрову биебонларни излаб сарбасар,  
Топмади ҳаргиз бу Машраб ўз вужудидин хабар,  
Бир назар қилсангки роҳат тонқуси жону таним».

Ярим кеча сирли туш кўрди Машраб:  
Қошғарга йўл олмиш шамолга ўхшаб.

Нур мисол имлармиш ул Офоқ Хўжа,  
Одам билан тўла ҳар ён, ҳар гўша.

Саҳар турди руҳи тоза, кўнгли бой,  
Сезиб қолди синглиси Муборакой.

Машраб секин қабристонга йўл олди,  
Сингил эса, қайга, қайга, деб толди.

Улар икков етиб келди мазорга,  
Ул мазорга — ҳижрон деган озорга.

Кейин Машраб юзин қўйди тупроққа,  
Йиғлаб деди: мен кетаман узоққа.

Ўзин билмай йиғлар эди Муборак,  
Онасига қандай берсин у дарак.

#### МУБОРАК ЙИҒИШИ

Бу тақдирнинг корини мен суймадим,  
Ёруғ олам нима экан — туймадим.

Отам ўтди, онам билан йиғладим,  
Ғам қайчисин олиб ўзни тигладим.

Акажоним, қаён кетиб борасиз,  
Мени ташлаб юрагимни ёрасиз.



Кетманг, ака, биз бўлмайлик энди хор,  
Шаҳри азим Намангонми сизга тор.

Сиз кетсангиз, онам қандай яшайди,  
Сизсиз ўзин очиқ гўрга ташлайди.

#### МАШРАБ ВИДОСИ

Жоним синглим, дийдамдаги сен нурсан,  
Жаннатдаги булбуллардек сен хурсан.

Садоқатинг, аломатинг худодан,  
Тилар эдим бир нурли ҳаёт курсанг.

Суянчиғи бўлиб қолгил онамнинг,  
Мен учун ҳам кўз олдида сен турсанг.

Бунда сигмам, йўлим олис, йиғлама,  
Бағрим тешур кўп соғиниб оҳ урсанг.

Офоқ Хўжам меҳри тортур, етишгум,  
Дуо айлаб сен мени эслаб турсанг.

Хайр энди, азиз синглим, яхши қол,  
Қандоқ кетай қаршимда йиғлаб турсанг.

#### САЙҲУН БҮЙЛАБ

Дарё жимирлайди, қуёш ловуллар,  
Ўксик оҳанг тинглар қадим Ахсикат.  
Баланд оппоқ терак елда шовуллар,  
Унга тикилади Шоҳ Машраб фақат.

Умаршайх Мирзога ўқиб тиловат,  
Тупроғин кўзига сурди хўрсиниб.  
Бобурни ўйлади титраб шу соат,  
Бир сирни сўзлади дарёга суниб.

— Кундуз шовуллайсан, тунда айқириб,  
Ўнг қирғоқ лабларин ямлаб оқасан.

Амир Темур каби ёлғиз ҳайқириб,  
Туркистон кўксига гуллар тақасан.

Дарё оқимиға бериб хаёлни,  
Кун чиқиш томонга юрди жадаллаб.  
Қирғоқда тўлқинлар ёввойи толнинг  
Шохларин тортқилар суйиб, эркалаб.

Хў нарида тўп-тўп мажруҳ қайрағоч,  
Сувнинг зўр шаштига термулар чунон.  
Баланд буй қамишлар гўё яланғоч —  
Эпкинда тебранар дарвишларсимон.

Тиканак боғлабди саҳройи жийда,  
Қиёқлар ичидан интилиб кўкка.  
Йўл йўқ-ку, йўл қани, сўқмоқлар қайда,  
Машраб дадил юриб боради тикка.

Дарё чўзилади шоир уйидай,  
Кунчиқиш тарафдан кунботиш томон.  
Армонлар ғамининг чекеиз қуйидай —  
Уммонлар юртига кетур ул карвон.

Кечувда йўлиқди битта қайиқчи,  
Машраб саволига берди у жавоб:  
Бу қишлоқ қадимий, номи — Балиқчи!  
Лекин одамлари кун кўрар хароб.

Қайиқчи, келинг, дер секин эгилиб,  
Нон олинг, балиқ йўқ, қорин толгандир.  
Машраб ҳазил қилди: Балиқ сйилиб,  
Эҳтимол, бу ерда «чи»си қолгандир.

Қайиқчи кулворди гўё бир тошқин,  
Кейин жимиб қолди икки нотаниш.  
Баҳайбат дарё-чи, оқарди шошқин,  
Бу пинҳон оламда билмайин ташвиш.

Машраб шеър бошлади борлиғи ўртаб,  
Шилинди қайиқчи кўнгил яраси.  
Оҳ, деди у ўзин бир ғариб атаб,  
Мен ҳам бу дунёнинг бир овораси.

«Ки мен оввора ҳижрон илкидин фарёдлар қилсам,  
Бориб ҳақ олдида дасти фалақдин додлар қилсам.

Агарки додима етса, чақибон ишқ чақмоқин,  
Фалақнинг уйига ўтлар кўюб, барбодлар қилсам.

Мени бир дам халос эт, биродар, гуссау ғамдин,  
Анинг ёди била ҳар дам кўнгулни шодлар қилсам.

Менинг ҳолим агар ишқ аҳли кўрса зор йиғлайдур,  
Агар дарду ғамимдин заррае бунёдлар қилсам.

Ушалким гарқи дарёи муҳаббат бирла Машраб мен —  
Дилу жоним билан ҳар дам агар фарёдлар қилсам».

Қайиқчи бағрига босди Машрабни:  
— Бу хилда ашғорни қандоқ ёзасиз?  
Шоир сўзламоққа жуфтлади лабни,  
— Бу асов дарёда қандоқ сузасиз?

Машраб жўнаб кетди дарё бўйидан,  
Қун ҳам исир эди мисоли тандир.  
Қизлар чўмилинар чиқиб уйдаи,  
Сув сочиб ўйнарди бир жону тандир.

Қизлар чорладилар ёш бу шоирни,  
Ўртага олдилар қилишиб ҳазил.  
Дарёдан тутгандай гўё Тоҳирни,  
Унга термулдилар шодон ҳам хижил.

— Қайқдан келяписиз, чиройли бола?  
— Қошларига қара, кўзлари ўткир.  
— Мўйлаби яхшикан, соч тола-тола,  
— Лабларида яшар битта ажиб сир.

— Намангандан эмиш барно йигитча...  
— Буй-басги ярашган Фарҳодга ўхшаб.  
Машраб деди: Ҳой қизлар, беллари хипча.  
Битта байт айтайми сизларга атаб.

Ҳамма бирдан: Эҳ-ҳе, дер тантанавор,  
Ундоқ бўлса, бағишланг бизга ғазал.

— Сизларга яраша айтмөқлик душвор,  
Ахир, ҳар бирингиз ғазалдан гўзал!

#### МАШРАБ

«Қоқулинг анбар дурур, жон ичида жонон қиз,  
Кўзларинг ахтар дурур, юзи моҳи тобон қиз.

Лабларинг эрур лаълдек, юзларинг қизил гулдек  
Барча сенгаким қулдек, хизматингга қурбон, қиз.

Ғар оразинг гул, сочинг сунбулки, тишларинг дур,  
Сарви қадлиг, қош кўрунг, офтоби даврон қиз.

Ой юзингни кўрганда, лабларингни сўрганда,  
Машрабинг бўлур банда, қилсанг ани меҳмон қиз».

#### АНДИЖОН

Неча ойким, Бобораҳим Андижонда яшади,  
Туғёнлари Иламишдай<sup>1</sup> қирғоғидан ошади.  
Заҳириддин Муҳаммаднинг изларини ўпади,  
У туғилган ўшал қутлуг ҳовлини ҳам топади.

У кирмаган гузарлару бирор боғча қолмади,  
Кеча-кундуз кўчаларни кезиб юрди, толмади.  
У бўлган жой анжуманга ё мажлисга айланди,  
Бунда ҳар бир андижонлик Машрабга чин бойланди.

\* \* \*

Машрабдан сўради бир кекса оми:  
— Бу дунё яхшими ё у дунёми?  
— Ўзингиз айтинг-чи, қайсиниси соз?  
— Бу дунё ёлғондир, у дунёси рост.

Машраб кулиб деди: Нечун сиз унда  
Имиллаб юрибсиз, кетмасдан шунда?  
Қария жилмайди Машрабга қараб  
Ва йўлга жўнади соқолин тараб.

<sup>1</sup> Иламиш — Қорадарёнинг қадимий номи.

Машраб кийган эски жанда бўлди кўзга тўтиё,  
Ҳар сатридан кўз ёш тўқди бунда қанча анбиё.  
Улу с аҳволини кўрди, яна юрак доғлади,  
Улуғ Бобур ғазалига бир мухаммас боғлади:

Қуёш чўқур, ҳижрон тоғи қолди қонли манглай била,  
Янроқ тўқур умрим боғи, кун ҳам ўтди ҳай-ҳай била,  
Афеус чекур кўк чироғи, бош тебратур бай-бай била,  
Соқий, эрур ишрат чоғи, афеурда бўлма дай била,  
Ўттек чоғир келтир доғи суҳбат туноттур май била.

Тийиб олгум кўзда хобни, чорла жаъми дўст-аҳбобни,  
Дастурхонга қўй серобни — беминнат ул офтобни,  
Бу кун дегил бир жавобни, сенга бердим зўр савобни,  
Келтур шароби нобни, омада қил асбобни,  
Хуш тут шаби моҳтобни, чун бордурур ул ой била.

Навоийдан ғазал ёд қил, менга янги жон бунёд қил,  
Ағёрларни ўзинг мот қил, қайғулардин бир озод қил,  
Ғолиблик не, бот-бот қил, тоза руҳим кушод қил,  
Даврон ғамин барбод қил, ишрат уйин обод қил,  
Жону кўнгилни шод қил овози чангу най била.

Хўп ўйнасин сўзи шакар, куйдириб кўзни жилвагар,  
Ҳам куйласин тонгга қадар созин чалиб ул нағмагар,  
Унга бергил азми шаҳар, ол минг тиллю турса гар,  
Мажлисида бордур сарбасар май нағъасидин шўру шар,  
Борини масту беҳабар қил жоми шайдар-най била.

Тўлан Низомий қониким, ул гирифторе қониким,  
Умри озоре қониким ҳам беқароре қониким,  
Ишқ ичра хоре қониким, Машрабшиоре қониким,  
Ҳамдард ёре қониким, бир ғамгусоре қониким,  
Абри баҳоре қониким Бобур киби йиғлай била.

Саҳар йўлга бўлди равона,  
Қулоҳ кийиб Машраб девона.  
Тунаб қолди Хужабодда,  
Эрта кетди, чарчоқ ҳолатда

Ўшга етди. Тахти Сулаймон<sup>1</sup>  
Тилга кирди, келди деб меҳмон.  
Унга пешвоз чиқди Ўш аҳли,  
Ҳаммага мос ғазали, нақли.  
Бунда шайхлар ёқа ушлади,  
Қаттиқ диллар бирам юмшади.  
Сўнг жўнади Қошғар сариға,  
Нелар битиб ўз дафтарига.  
Қанча баланд тоғлардан ошиб,  
Довонларда йулдан адошиб.  
Очин-туқин узун йўлларда  
Сув топилмас қақроқ чўлларда  
Қолиб кетди бечора Машраб,  
Ғазалларин айтарди қақшаб.

\* \* \*

Машрабга деди чол: Ҳей, эшак қани?  
У қози бўлганмиш, сўрармиш сани!  
Шоир кулгуси зўр, ошди тобора:  
— Ёлғон! Эшагим ҳеч олмайди пора.  
Пиқирлаб куларди тушмагур у чол,  
Машраб жўнаб кетди дея: яхши қол!

\* \* \*

Офоқ Хужа бир сирдан огоҳ:  
Битга йигит — бошида кулоҳ,  
Изн сўрар қилиб илтижо,  
Кирсин, деди, қани мархабо!

#### МАШРАБ

Бо ҳидоят дастгирам, бош гумроҳ омадам,  
Бар тавофи дарғаҳат имрўз бегаҳ омадам<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Тахти Сулаймон — Ўшдаги тоғ.

<sup>2</sup> Маъноси — Ҳидоят йўлига бошлаш билан қўлимни тут, ҳузурингга гумроҳ сифатида келдим, даргоҳингни тавоф қилгани бевақт келдим.

ОФОҚ ХҲЖА

Сен шоирми, берироқ кел-чи,  
Қаерликсан? Исмингни де-чи»

МАШРАБ

Келдим Мулла Бозор томондин,  
Сизни дебон ул Намангондин.

ОФОҚ ХҲЖА

Бали, уғлум, булбулигүё,  
Келганлигинг айни муддао.

МАШРАБ

«Юз меҳнату гам кўнглима еткурди фироқ,  
Жонимга балову дард ўқини урди фироқ,  
Жисмимни фано ўтига куйдирди фироқ,  
Чун куйди, кулини кўкка совурди фироқ<sup>1</sup>.

ОФОҚ ХҲЖА

Манглай шўрин тотади одам,  
Тикон кирмас, ахир, бекарам.  
Тақдирга тан бердинг, омон бўл,  
Яқинроқ кел, мана, тутгил қўл!

МАШРАБ

«Ҳеч хат берун нест аз ғалат,  
Хати тақдираст аз ғалат»<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> — Навоий рубойси.

<sup>2</sup> Маъноси — ҳеч бир хат хатодан ҳоли эмас,  
фақат тақдир хати хатоли эмас.

## ОФОҚ ХҲЖА

Балли, ўғлум, яна ўқи байт,  
Хужа ҳофиз Шерозийдан айт.

## МАШРАБ

Онқо, ки хокро бе назар кимё кунанд,  
Оё, бувад, гўшаи чашм ба мо кунанд.  
Дардам нуҳуфта беҳ зи табибони муддаи,  
Шояд, ки аз хазонаи ғайбаш даво кунанд<sup>1</sup>.

## ОФОҚ ХҲЖА

Ҳай бас қилгил, ман куйдим, ёндим,  
Ўзлигимдан бирпасда тондим.  
Ўқи ёзгон ўз ашъорингни,  
Кўрсат шеърда йўқу борингни!

## МАШРАБ

«Баъзи шаъмингдин замона ичра бир гирён ўзум,  
Доимо парвонадек шамъ утиға сўзон ўзум.

Қаҳрабо эрмиш жаҳон, даврида афгон айлаган,  
Чун фалоҳун доимо саргаштаи даврон ўзум.

Шоҳлик бирла гадолик, бил, баробардур менга,  
Гоҳи ҳажрингда гадо, васлингда гоҳ султон ўзум.

Чин аро кўргач хаданги новаки қош ёсини,  
Сийначок ўлган шаҳиди тийри бепайкон ўзум.

Дарғаҳи васлинг тилаб, айб этма, афгон айласам,  
Машраби саргаштаи ғамдийдаи ҳижрон ўзум».

---

<sup>1</sup> Маъноси — Назаринг тупроқни ҳам кимё қилади-ку,  
у кўзим қорачиғига маскан қурсин.  
Зора бедаво дардим даво топса.



Етти йилки Машраб бечора  
 Офоқхўжам дебон овора.  
 Роса уч йил ташиди ўтин,  
 Яна тўрт йил сув ташиб, бутун —  
 Умри ўтди бефойда, бекор,  
 Унинг мудҳиш сабаблари бор.  
 Аммо улус иззат қилади,  
 Ҳар ғазалин қудрат билади.  
 Қадрлайди уни халойиқ,  
 Шеър айтган-чун уларга лойиқ.  
 Гоҳо дерди Пир Офоқхўжам:  
 — Машраб кирсин менинг хос хужрам.  
 Оқшом узоқ буларди гурунг,  
 Чақ-чақ кулгу, ғазалхонлик сўнг.  
 Тилдан тушмас муқаддас қуръон,  
 Кейин мавзу — мавжудот... Инсон...  
 Шу ҳужрага сиғарди гўё  
 Жаъми ўтган шоири дунё.  
 Миллат, элат аччиқ тақдири,  
 Кўп шоҳларнинг қонхўр шамшири,  
 Алпомишдай эрлар аҳволи,  
 Пок севгининг сўнги заволи.  
 Диёнат не, хурофот нима,  
 Пок руҳ нима, касофат нима?  
 Ватан номли эътиқод борми,  
 Халқ деганга саодат ёрми?  
 Бу хил гаплар, не-не муаммо —  
 Сухбатларда бўлмасди адо.  
 Офоқхўжам Машрабга ҳайрон:  
 — Бу қандай зот, бу қандайин жон?  
 Доно десам, у — девонавор,  
 Шоир десам, у — Мажнуншиор.  
 Тавба, тавба дейман, яратганга лол,  
 Оллоҳ, Машраб сен каби ҳалол!

#### РУБОИЙ

Билингиз, чин шоир девона бўлур,  
 Яхшилик шамъига парвона бўлур.  
 У — доно, авлиё, худога яқин,  
 Уни бадном қилган замонга бўлур.

Гузарда Машрабни таниб дер биров:  
— Эшагим йўқолди, кўрмадингни, ҳов?  
Машраб унга деди: Яхшиям, ошнам,  
Сен эшак устида бўлмабсан ул дам...  
Шоир лутф айлади бошлаб, баҳолаб,  
Ул одам куларди яйраб, ҳо-ҳолаб.

Машраб жуда тегажоқ ўғлон,  
Унга ҳавас қилар қиз-жувон.  
Хизматкорлар ичида ёлғиз —  
Фақат уни севади бир қиз.  
Ул канизак хўп гўзал эди,  
Тинглагани шеър, газал эди.  
Офоқ Хўжам даргоҳида ул —  
Ҳид сочарди мисоли бир гул.  
У Машрабга бўлди маҳлиё,  
Кўзларига бегона дунё.  
Ҳар сония уни ўйларди,  
Лек асрорин ойга сўйларди.  
Машраб буни биларди, фақат —  
Уни банди қилган шариат...  
Кўнглида йўқ ул қизнинг сеҳри,  
Юрагида аллоҳнинг меҳри:  
Аммо унга бор эди душман,  
Ушал қизга ошиқман, деган —  
Шаҳоб эди, нияти бузуқ,  
Сариқ майлов, тили сал дудуқ.  
Кенг пешона, лек бурни пастроқ,  
Феъли баъзи итдан яхшироқ.  
Шоирни у кўра олмайди,  
Ё ёнида тура олмайди.  
Ҳазаби — ўқ. Отмоққа тайёр,  
Тилёглама, беномус, беор.  
Машраб шеъри етилди роса,  
Агёр ҳасад қилди. Хулоса —  
Бошқаларнинг рашки кўзғолди,  
Ғараз чўғи аланга олди.  
Меҳнат қилиб бўлди у «ёмон»,  
Бу даргоҳга келганмиш зиён.

Тухмат бўлди унга бир кишан,  
Ҳамма дейди: Бу гапга ишон:  
Ул канизак билан турганмиш,  
Оқшом боғда бирга юрганмиш.  
Офоқ Хўжам билармиш бунини,  
Яқин эмиш энг қаро куни!..  
Фисқу фасод ҳаддидан ошди,  
Шоир сабри тўлдию тошди.  
Атадилар уни зинокор,  
Офоқ Хўжам эмиш қасоскор.

\* \* \*

Буйруқ шул: Қаландар шоир Машрабга  
Юз дарра урилсин ул беадабга..  
Машраб дер: — Ур ғанимга минг шапалоқ,  
Дарра келгунича пишисин, хомроқ,  
Соқи билан Боқи қилди масхара:  
— Сен нима деясан, жинни, тасқара?  
Назарга илмайсан, озми бу жазо?  
Дарранинг ўзиям танангга даво!

\* \* \*

Кимдир деди: — Яна бир фармон,  
Бажарилсин тезда бегумон:  
Машраб ахта қилиб таплансин!  
Эркак кўзи доим ёнлансин!  
Икки порғул босди Машрабни,  
Бир касофат билмай адабни —  
Муҳр босди ўтда қизитиб,  
Бағди гардон томирин ситиб,  
Шаҳват жойин айлади маҳкум,  
Зўр қабоҳат юз берди шул зум.

#### РУБОИЙ

Ҳасад бу — қаро иш, қабоҳат қўли,  
Рашку алам чиндан жаҳолат қўли,  
Сенга ҳам навбат бор, тавба қил, золим,  
Сени ҳам бўғадур адолат қўли.

\* \* \*

Офоқ Хўжам англаб бу сирни,  
— Ким бажарди қаро тadbирни, —  
Дебон бўлди жуда дарғазаб,  
Вужудини куйдириб асаб,  
Машраб ёвин келтиринг, деди.  
Зур шоирга ганим ким эди?  
Мен иймонга боқолмайман тик.  
Хоин кимдир, қолмас ҳеч тирик!  
Дин кўкига кимлар сочди кул,  
Шеър парисин хаста қилган ул —  
Башарият наслиданму, ё  
Инсон шаклидаги аждаҳо?!  
— Пирим, — деди Соқи ва Боқи, —  
Ёлгон эрса, кўзимиз оқи  
Оқиб тушсин оёғингизга,  
Бир дам қулоқ берингиз бизга:  
Машраб ўзин айлади абгор,  
Ахта қилди, чин сабаби бор.  
Ўзни этиб қусурдан қушод,  
Тарки дунё қилди у. Ҳайҳот!  
Офоқ Хўжам ёқа ушлади,  
Тиззасига битга муштлади:  
Парвардигор, Машрабни рост эт,  
Гуноҳлардан уни халос эт.  
Қабул айла, шоир қолди тоқ,  
Сендай танҳо ва сен каби пок.

\* \* \*

Машраб кетди бошини олиб,  
Эрлиги-чун элдан уёлиб.  
У Ёркентга, Хўжанга ўтди,  
Оллоҳ деди, ўзни унутди.

\* \* \*

Ёркентнинг ҳокими жон берди қўққис,  
Тобут ясатилди ипакдан тукис.  
Шул замон Машрабдан сўради имом:  
— Марҳум неча ёнда, айтинг бир калом?  
— Биламен, ёшимиз фарқи оз эди,



Олатовнинг кенглиги аро  
 Машраб кезди кўп мотамсаро  
 Ўзган томон, Кўкшар яйлови —  
 Унга бўлди тақдир сийлови.  
 Йилқи боқиб чиқди хумори.  
 Ҳар кун унинг овқат наҳори —  
 Шифо берур илдиэлар бўлди,  
 Овунчоғи юлдуэлар бўлди.  
 Суянгани битта муҳаббат,  
 Парвардигор бергучи шафқат,  
 Унинг ишқи билан бахтиёр,  
 Унинг ҳусни энг нурли дийдор.  
 У мажнунлар ичра чин мажнун,  
 Фарҳод кўрса бўлади маҳзун.  
 Вомиқ келсин, Тоҳир ҳам келсин,  
 Ишқ нимадир, Машрабдан билсин.  
 Мансур Халлож тавба айласин,  
 Чин ошиқ деб уни сайласин.  
 Мир Алишер Навоий ҳайрон,  
 Низомийнинг тиллари бийрон.  
 Фузулий ҳам ушлади ёқа,  
 Саъдий кулиб Машрабга боқа —  
 Бу Оллоҳдан каромат, деди,  
 Ишқ ўтидин аломат, деди.  
 Машраб қалби урган сари барқ,  
 Аза тутиб дод қиларди Шарқ.  
 Эшитгандим битта ривоят,  
 Суэлаб берай жуда аломат.  
 Эмиш: Кўкшар яйлови аро,  
 Пайдо бўлиб диллари қаро,  
 Шум оёқлар тўпланиб бир кун,  
 Ўт ёққанмиш, самода тутун.  
 Зўр аланга кенгликни олмиш,  
 Алангага Машрабни солмиш.  
 Аста — секин пасаймиш ўт ҳам,  
 Ҳайрон қолмиш тумонат одам.  
 Машраб ўтда куймабди асло,  
 Оломонга боқармиш қиё.  
 Ўтдан чиқ, деб, шоири аъзам,  
 Ёлборибди кексаю ёш ҳам.  
 Лекин шоир ўт ичра туриб,  
 Чорлар эмиш қаҳқаҳа уриб:

## РУБОИЙ

Ана, ўтга тушди, ёнмади шоир,  
Ҳақиқат дардига қонмади шоир.  
Кўргил Машраб ҳазратларин, ўлмагай,  
Чунки ўзлигидан тонмади шоир.

## ТУШ

Кўкшар. Яйлов осмон янглиғ кенг,  
Тоғлар боши булутларга тенг.  
Ярим кеча. Кўкда ой сузар,  
Сонсиз юлдуз зўр базм тузар.  
Яшил олам, ям-яшил дала,  
Хил-хил отлар гала ва гала.  
Машраб ёлғиз тикилиб кўкка,  
Ёлғизликдан қилади ўпка.  
Ёнбошлади. Аста кўз юмди,  
Кўз ёшлари юзини ювди.  
Уйқу босди жуда ҳам юмшоқ,  
Туш кўрди. Дер отаси шу чоқ:  
«Раҳимбобо, кўзни оч, ўғлим,  
Нима қилиб юрибсан, тўхлим?  
Онанг бўлди жуда хокисор...  
Уйғон энди, бор онангга, бор.  
Бир кўриб қол, сенга айтаман,  
Мен онангни олиб кетаман».  
От кишнади, сесканди Машраб,  
Жадал кетди яйловни ташлаб.  
Қулоғида отасин сўзи,  
Ё ёнида борами ўзи...  
Илк бор кўрди ота жамолин,  
Пичирлаб дер ота саволин:  
«Онанг бўлди жуда хокисор,  
Уйғон энди, бор онангга, бор».

## КУЛБА

Аста-секин тушган эди қаро шом,  
Олур эди шаҳри Наманган ором.  
Ухлар эди баланд тоғлар хўрсиниб,

Фақат Норин оқар эди уксиниб,  
Боғлар бағри қаро бўлди кечада,  
Оёқ тинди. Бир товуш йўқ кўчада.  
Хароб кулба ўкинч чекур мунғайиб,  
Она йиғлар рангги-рўйи сарғайиб.  
Шарпа келди, кимдир турар эшикда,  
Энтиккани сезилади тешикдан.  
Кампир кўзи кўрмас бўлиб неча йил,  
Борлиғини ҳижрон эзди муттасил.  
Муборағи вафот этган ўтган қиш,  
Бир бедаво, ёмон дардга чалинмиш.  
Зор-интизор она юрағи билди,  
Наҳот, Бобораҳим боласи келди.

#### ОНА

Турай десам, куч-қувват йўқ, қолди сўнгги оним, болам,  
Қаёнларга кетиб қолдинг, жисмимдаги қоним, болам.

Неча йиллар йиғлади хор, изларингга айладинг зор,  
Ғаминг бўлди аччиқ ошим, ҳажринг бўлди ноним, болам.

Чироғим йўқ, сочим оқи бу кулбамни ёритарми,  
Умрим ўтди, ажал етди, чиқар бўлди жоним, болам.

Ҳижрон ўти куйдирса гар тузалмайдур жароҳати,  
Оллоҳ омонатин олсин, сенсан армоним, болам.

Билолмайман қайда қолган, отанг қабри сўниб битган,  
Муборақнинг ёнига қўй, унда гўристоним, болам.

Боламмисан ё бегона садо қилгил, Бобораҳим,  
Тўн пешингни менга тутгил, келиб ўлатир ёним, болам.

#### МАШРАБ

Жаҳон кезиб паё-пай девона бўлиб келдим,  
Ҳақни топмай эл ичинда афсона бўлиб келдим.

Қаён бордим — жафо кўрдим, жонима минг бало бўлди,  
Тўпроқ ўлиб ёлборурман, остона бўлиб келдим.



Яратган — Сен, сайратган — Сен, руҳимга бериб қудрат,  
Шамчироғим, мен болангман, парвона бўлиб келдим.

Худо бирла сўзлашай деб, тилмочим ул Мустафо деб,  
Офоқ Хужам даргоҳидин ҳайрона бўлиб келдим.

Тақдир мени хўн доғлади, оёқ-қўлимни боғлади,  
Ақлу ҳушим олди охир, бегона бўлиб келдим.

Кўп соғиндим, ҳам сиғиндим, оч қучоғингни, онам,  
Ҳасратларинг бош устига, гирёна бўлиб келдим.

Кейин Машраб тутди жандасин пешин,  
Дунё бовар қилмас она йиғлашин.

Сўнг оҳиста она кўзларин артди,  
Ожиз кўз очилиб нурлар таратди.

Боласин бағрига сингиди она,  
Иккиси йиғлади хўп қона — қона.

Машраб пешонасин она силади,  
Ва унга Оллоҳдан нажот тилади.

Эрталаб тонг билан она узилди,  
Машраб кўзларида ёнлар тизилди.

Оламни титратиб бир ғазал қотди,  
Ғафлатни йиғлатди, элни уйғотди.

«Не ғурбатларни чекдим, чархи бибунёд, дастингдан,  
Тамоми хонумоним ўлди чун барбод дастингдан,  
Мудом мотамда бўлдим, бўлмадим дилшод дастингдан,  
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдан,  
Ки мен ҳар қайга борсам дод этармен, дод дастингдан.

Гурас-гурас келди тумонат одам,  
Машрабни кўргали қари ҳам, ёш ҳам.  
Шоирни уртага олди муллолар,  
Бошда оқ булутдай оппоқ саллолар.  
Қанча уламолар, қанча эшонлар,  
Сўзга зеб бергувчи хўп устамонлар.

Мулла Бозор келди, ўнқиллаган чол,  
Унинг орқасидан қанча оқсоқол,

— Энди кеткизмаймиз, ушлаб қоламиз,  
— Гар кетса, бошига муштлар соламиз.  
— Шаҳримиз тормикан битта шоирга  
— Бошқа юрт зормикан битта шоирга?!  
Машраб кетолмайди, ғамга ботади.  
Ота-оналари шунда ётади,  
Сўнги сўз Машрабни айлади хароб,  
Гуё дарёдаги ютоғич гирдоб.  
У элга қаради, ғамларин тўкди,  
Сўзамол кишилар бошини букди.

#### МАШРАБ

«Йиғламай найлайки, рўзимни сиёҳ қилди фалак,  
Ошноларни менга ноошно қилди фалак,  
Кавкаби бахтимни мундоқ бешиё қилди фалак,  
Охири умримда бахтимни қаро қилди фалак,  
Подшоҳ эрдим, букун соҳиб азо қилди фалак.

Йўл адошиб ғамда қолдим ҳамсафардин айрилиб,  
Мисели булбулман букун ҳам болу пардин айрилиб,  
Модару ёру биродар ҳам падардин айрилиб,  
Қолмасун ҳеч ким менингдек роҳбардин айрилиб,  
Кўҳна дунёни менга мотамсаро қилди фалак».

\* \* \*

Машраб ухламади, дард берди ҳалал,  
Бомдод намозини ўқиб мукаммал,  
Жандасин елкага яна ташлади,  
Армони энг йироқ йўлга бошлади.  
Туғилган шаҳрини айланди танҳо,  
Ерга манглай босиб деди: Алвидо!

#### МАШРАБ

Шамол бўлдим, бўрон бўлдим, бир тошқин дарё,  
Энди қайтмас йўлга чиқдим, гул маконим, алвидо.

Отам хоки бунда қолди, Муборагим ҳам шунда,  
Мен сени тупроққа қўйдим, онажоним, алвидо.

Кузимга нур, дилга шуур, қўлимга қалам берган,  
Бу ер гарди жисму борим, киндик қоним, алвидо.

Йиллар ўтур, қолармикан бунда босган изларим,  
Аждодларим, авлодларим, дўст-ёроним, алвидо.

Мен замонлар қатларидан сизга қилгайман садо,  
Парвоз қил деб қанот берган ошиёним, алвидо.

Оллоҳ мени жунун қилди, унинг даргоҳига кетгум,  
Сиздирсангиз руҳим келур, Намангоним, алвидо.

### ЗИЁРАТ

Қадим Туркистонга келмиш айни куз,  
Муқаддас шаҳарнинг ранги заъфарон.  
Олмалар гарқ пишган, ҳў тоғларда муз,  
Кечки гунчаларнинг лабида армон.  
Машраб ўтиб борар Иқондан<sup>1</sup> нари,  
Бир қушча сингари талпинади дил.  
Чопғиси келади елдан илгари,  
Юк ташлар жандаси ҳам чориғи сабил.

Узоқ йўлдан ҳориб келаётган кас,  
Машрабни учратиб мақтанди бирпас:  
— Битта тақа топдим. Машраб дер: Ҳайҳот,  
Яна учта топсанг, бўлур битта от.  
Йўловчи жўнади қаҳқаҳлаб мамнун,  
Тиккага келганда чўгдек ёнар кун.

\* \* \*

Кун оғди, соя ҳам нақ белга тушиди,  
Тобора тугайди шоирнинг сабри.  
Гумбаз чақмоғига кўзлари учди,  
Хув Қул Хожа Аҳмад Яссавий қабри.

Машраб сағанага бош қўйди бир зум,  
Тиловат бошлади равон, мукаммал.

---

<sup>1</sup> Туркистондаги қадимий қишлоқ. У ерда ўстаз Миртемир туғилган.

Қабрни қучоқлаб сўради тўзим,  
Минг тавба айлади йиғлаб талма-гал.

Даҳманинг гиштига юзини босиб,  
Хунгир-хунгир йиғлар, юпанмас сира.  
Уч-тўртта оқсоқол шоирни тўсиб,  
Деди: Ҳой одам, сен худодан сўра —

Не гуноҳинг борки, кечирар ўзи,  
Шак келтирма бунда, эй ожиз банда!  
Манглайда ёзилган ул азал рўзи,  
Иймон келтирмакни қилмагил канда.

Мақбара саҳнида одамлар гавжум,  
Машрабни кўргали келмиш ҳар ёқдан.  
Собир — ул Сигноқдан,<sup>1</sup> Сайрамдан<sup>2</sup> Қано.  
Тошлон ва Саъдулла қадим Қарноқдан.<sup>3</sup>

Зўр ҳайрат Машрабни айлади нотинч,  
Беаёв бузилди бу чексиз хаёл.  
Улуғ Яссавийдан сўраб бир ўтинч,  
Оқшом ғойиб бўлди мисоли шамол.

#### РУБОИЙ

Умринг бор, дунёни саёҳат айла,  
Тўлиқсанг мазор бор, ибодат айла.  
Кўнглинг очилмаса, Туркистонга бор,  
Аҳмад Яссавийни зиёрат айла.

#### ҲАЖ САРИ

Машраб истар эди энг олий савоб,  
Маккаи мукаррам қилмоқлик тавоф.  
Бугун Хужанд келди юриб дарбадар,  
Сайхун қирғоғида ястанган шаҳар —  
Шоирни зиёрат айлади чунон,  
Унинг орқасидан юрди оломон.

---

1. 2. 3 Туркистондаги қишлоқлар номи.

Бир киши сўзига Машраб унади,  
Битта чойхонага бориб тунади.  
Кечқурун одамга тўлди чойхона,  
Қанча қаландарлар, қанча девона.  
Кўп зукко шоирлар, созандалар ҳам,  
Машраб атрофида ўлтиришди жаъм.  
Улар сўйладилар улус аҳволин,  
Гап-сўзлар кўпайди: оралаб шаҳар  
Бир азиз мусофир юрмиш дарбадар,  
Бунга келган эмиш авлиё Машраб,  
Мозору бозорни кезмиш қадамлаб.  
Халойиқ бир-кетин кела бошлади,  
Кўрганлар сифиниб кўзин ёшлади.  
Дарёнинг лабида чертиб ул сетор,  
Ғазал айтур эди, ёши шашқатор:

«Эйки, сен ошиқ бўлибсан, мосуводин кеч сано,  
Ғар сўзим кор айласа, ўзни ўтқа ур сано».

Хабар топди ҳоким Оқбўтабий ҳам,  
Меҳмонни чорлади юбориб одам.  
Машраб унга деди: Бўлиб овора,  
Сен менга келдингми, айтгил, бечора?  
Оқбўтанг ким эрур? Қайтиб сўзлама,  
Унга мени элтай деб сен кўзлама.  
Шул замон сеторни ерга урди боз,  
Кимдир дер: Авф этинг, авф этинг, устоз!  
Оқбўтабий демиш: Бу не турмоқлик,  
Ахир, мендан лозим бориб кўрмоқлик.  
Бир семиз кўй олди, яна сарупо,  
Машрабга эгилиб қилди илтижо:  
— Пирим, бу сизгадир, ҳа... баҳонага...  
Шоир берди уни кўкнорхонага.  
Оқбўта Машрабни қилди кўп эъвоз,  
Лек ундан эшитди аччиқ бир овоз:  
Сен халқингни нечун яланғоч этдинг,  
Ўзинг тўқу шўх, элни оч этдинг?  
Сен-ла сўзланмайман, қиламан ҳазар,  
Сендан қутулсайди дунё, алҳазар...  
Оқбўта илондек бўлди даргазаб,  
Вужуди титради, ўт олди асаб.  
— Жонинг керак эрса, ҳозир бундан кет,  
Йўқол, дайди шоир, Шаҳарни тарк эт.

Машраб чиқиб кетди Хужанддан ночор,  
 Олдинда, эҳ, ҳали энг олис йўл бор.  
 Имом ал-Бухорий мазорин кўрди,  
 Нақшбанд жойида зўр суҳбат кўрди.  
 Ҳар жойда чорасиз халқни олқади,  
 Каму камбағални севиб ёқлади.  
 Эл дилин овлади кўп ҳазил билан,  
 Лек ўзин қийнади қайғу — зил билан.  
 Бир ойки, йўл босди чўлма-чўл доим,  
 Ҳар жойда у бўлиб қўлма-қўл доим.  
 Хазар уммониға етиб келди у,  
 Қалбини куйдирар эди бир туйғу.  
 Бошимни урай дер Каъбатуллоҳға,  
 Етай дер яратган ёлғиз Оллоҳға.  
 Кемаға чиқдилар кўп аёл, эркак,  
 Биров кипандаю бирови серкак.  
 Яна бир кишининг қўлида тугун,  
 Сотмоқ учун мато, олгин бус-бутун.  
 Кеманинг кифтида ўтирган бир кас,  
 Тўлқинга термулиб оларди нафас.  
 — Кимсан сен? Техронда кўрмадим сендай  
 Қазандарни, — деди ўйланиб жиндай.  
 — Отим Машраб, сен-чи қайдан, сўйлаб бер?  
 Меники Эрондан, савдогарман, дер.  
 Кимдир сўраб қолди шоирдан бехос,  
 Сизга бир саволим бордир, илтимос:  
 — Нега бу денгизнинг суви ўта шўр?  
 — Бунда балиқ кўп-да, ўзинг ўйлаб кўр.  
 Айниб қолмасин деб тузлаб қўйилган,  
 Туз сувда бутунлай эриб суюлган.  
 Яна қандоқ бўлсин сенга бу денгиз,  
 Ол, сувдан бир ҳўпла, лабингни теккиз.  
 Кулгу кўтарилди кема ичида,  
 Денгиз тебранарди тўлқин кучида.  
 Бир шаҳарда Машраб кемадан тушди,  
 Денгизга тикилиб, денгиздай жўшди:  
 «Бу тани хокинию руҳи равонни на қилай?  
 Бўлмаса қошимда жонон, бу жаҳонни на қилай?  
 Ёрсиз ҳам бодасиз Маккага бормоқ на керак,  
 Иброҳимдан қолгон ул эски дўконни на қилай?»

Ҳинд сори отланди сарсон-саргардон,  
 Сунг Эрон, Покистон ҳам Афғонистон.  
 Йиллар чоғиб ўтди бурунлар мисол,  
 Ой янглиғ тўлишди ул шоир ҳаёл.  
 Оппоқ қиров каби сочларида оқ,  
 Умр гузарони бунчалар узоқ...  
 Белдан дармон кетди, кўзларидан нур,  
 Ҷони тош эканми, кўрмади ҳузур.  
 Қарилик эзади, тириклик душвор,  
 Лек тилда ғазалу қўлида сетор:

«Ҷаҳонни бевафо дерлар, қани ганжи сури Дороб.  
 Қани Ҷамшиду Искандар, қани Рустам, қани Сухроб,  
 Қани жумла паямбарлар, қани ул соҳиби меҳроб,  
 Қани Сиддиқ, қани Бу Бақр, Умар, Усмон дури ноёб,  
 Қани Ҳайдар, дер эрдиларки соҳибқирондурман».

Тоғдай ғамни янчур шоир девона,  
 Оёгин остида қолди замона,  
 Унга қанот эрур руҳлар суянчи,  
 Унга бардош эди Ватан соғинчи.  
 Машраб етиб келди ул қадим Ҳирот,  
 Интиқ вужудидан отилиб фарёд.

Навоий қабрида тунади бир кун,  
 Беором қалбига тушиб бир тўлқин.  
 Суйиб сайр айлади «Боғи Бобур»ни,  
 Дийдамга сурма деб хоки шоирнинг...  
 «Мозори Шариф»га йўл олди кейин,  
 Кейин Балхга... буни ёзмоқлик қийин.  
 Машраб келганидан бўлди кўп шодон,  
 Мулки Балх ҳокими Маҳмуд Қатағон.  
 Уйлади, битарми шаънимга доир,  
 Фарғона замини яратган шоир.  
 Балх — нотинч, нотавон, йиғлоқи шаҳар,  
 Халқи меҳнат қилиб, егани заҳар.  
 Кундузи қулликда инграйди ҳаёт,  
 Қаро тун қучоғи тўла дод-фарёд.  
 Бир ёнда Шибирғон, қолмишдир ғариб,  
 Бир ёнда муқаддас Мозори Шариф.  
 Ҳу нарида Аму тўлиб-тўлғонур,  
 Унинг нидосига қуёш уйғонур.

Кишилар феълида замонлар зайли,  
Бу тупроқ чарчаган зулм туфайли.  
Мажруҳ куббаларнинг синиқ оҳанги,  
Бир тарих ўқийди гумбазлар ранги.  
Юпун болаларнинг кўзида аянч,  
Бойлар иморатин бари мрамор, ганж.  
Бунда гадолар кўп, қаландарлар кўп,  
Дайдиган кимсалар, дарбадарлар кўп.  
Нон дебон изгиган мусофирлар бор,  
Мол олиб сотарлар — муҳожирлар бор.  
Гузарлар тўполон, бозорлар тиқин,  
Ҳар ким ўз молини мақтар олмай тин.  
Қайрағоч остида бошланур қимор,  
Бир-бирин алдайди, улар-да беор.  
Кўчқор уриштириш, хўрозлар жанги,  
Итлар келтирилди янгидан-янги.  
Олишув бошланди. Ўртада пул бор,  
Инсон ҳам сотилур, бунда кўп қул бор.  
Машраб боққа кирди, боғ бирам гавжум,  
Дарахтлар шоҳида қўшчалар гужум.  
Ям-яшил саданинг остида супа,  
Кичик саҳна каби ердан сал тепа.  
Шоир унга чиқиб ўлтириб олди,  
Ва ғазал бошлади... Сеторни чалди.  
Уни тинглар гўё бутун мавжудот,  
Нола чекар эди бунда одамзот.  
Кўкда булутлар ҳам бир-бир йўқолди,  
Сўнг қуёш тиккада термулиб қолди.  
Мажнунтол силкинмас, еллар бекинди,  
Терак япроқлари ўйиндан тинди.  
Ертубан йиқилди хилма-хил гуллар,  
Бунга учиб келди жаъми булбуллар.  
Шу замон бир булбул учиб пөтирлаб,  
Сетор дастасига қўнди авайлаб.  
Қай мардум чопқиллаб келди-да шу зум,  
Булбулни қилай деб ўзига маҳкум.  
Унга қўл юборди, ушлай олмади,  
Булбулни қафасга ташлай олмади.  
Бир бой кимса тутди табоқда тилла,  
Шоир халққа сочди уни шу палла.  
У деди: улусга бермадинг нега?  
Бу тилла уники, у бўлсин эга.  
Шоир боғдан чиқди, ҳолати забун,  
Дер: хайрият, булбул бўлмади тутқун.



Машраб қулоҳини қўлига олди,  
Жисмида беаёв бир куч қўзғолди.  
Қўзлари тош қотди битта нуқтада,  
Сўнг одим ташлади оғир бир руҳда.  
Бир маҳалла одам қилурлар жанжал,  
Ўртада гуноҳкор новча, ўжар кал.  
Машраб секин бориб қаторда турди,  
Бу не сирлигини бировдан сўрди.  
— Мана бу кофир кал, билар маҳалла,  
Намоз ўқимайди, бошида салла.  
Бундан кўчиб кетсин, имонсиз, беор,  
Буни деб бўлмайлик дардга гирифтор.  
— Ҳей, қандай кетаман мен ўзим бўлсам?  
Мозор ҳам бўлмагай бир куни ўлсам.  
Машраб деди: Тўғри сўзламоқда кал,  
Буни ҳам анланг-да, ўйланглар-да сал.  
Бу қолсин, сиз кетинг маҳалла бўлиб,  
Ҳамма қаҳ-қаҳ урди. Кал турар кулиб.  
Шу он кал келтирди битта оқ эшак,  
Машраб миниб олди қилай деб эрмак.  
— Ҳой, тўхта, исминг не, айтгил, қаландар?  
— Сенларга не керак, мен бир пайғамбар...  
Зоҳидлар ғазабга тўлди шу замон,  
Уни худосиз деб қувди оломон.  
Шоир қочиб кириб хон ўрдасига,  
Туриб олди одамлар ўртасига.  
Унга яқин келиб, таажжуб-ла қараб  
Маҳмудхон англади, бу ўша Машраб.  
Бир эшон сўзлади: Эй улуғ ҳоким,  
Сизни эъозлайди дунёда ҳар ким.  
Мен бир пайғамбар деб бу дарвиш қочди,  
Улуғ дарвозангиз берухсат очди.  
Машраб деди: тўғри пайғамбар дедим,  
«Қул»ини айтганча адабим едим.  
Улар калтаклашди сўзим эшитмай,  
Бунга қочиб кирмай мен ахир нетай?  
Мушук бўлиб қочдим, ортимдан улар  
Ит бўлиб қувдилар, ит экан булар.  
Маҳмудхон ёзилиб урди қаҳқаҳа,  
— Хафа бўлманг, шоир, булар шунақа...  
Ҳей шоир, тентаклик либосин ташла,  
Яқин кел, менга бир ашғор бағишла!  
— Эй шоҳ, сен беҳисоб бойлик уйибсан,  
Ўткинчи дунёни мунча суйибсан.

Сен бугун шохию кимхоб кийибсан,  
 Киярсан енги йўқ тўнни оқибат.  
 Домингга илинмиш не-не суманбар,  
 Ҳийланг кўп, қуюнга, шўх елга ўхшар,  
 Очофат назаринг тошни ҳам тешар,  
 Сен минибсан асов отлар, сарбасар,  
 Ёғоч отга миниб кетгунг оқибат.  
 Амрингга шайланур эшитар қулоқ,  
 Оёғинг остида кўп шаҳру қишлоқ.  
 Софга ҳам ҳукм шу: бой сари оқмоқ!  
 Уйингни ёритар сонсиз шам-чироқ,  
 Киарсан қоронғу гўрга оқибат.  
 — Бас қил, ҳой бетавфиқ, овозинг ўчсин,  
 Сен айтган қаро гўр ўзингни қучсин.  
 — Хўп майли, тахтингни бергил бир зумга,  
 Мен ҳам оро берай бирпас ўзимга.  
 — Мана, чиққил, шоир, сенгадир бу тахт,  
 Бир лаҳза бўлса ҳам сен учун бу бахт.  
 Чиққил, майли унга, ҳа, азиз меҳмон,  
 Биладан, сенда ҳам омонатдур жон.  
 Машраб тахтга чиқиб дадил туфлади,  
 Ва бавул қилмоқни зўрға эплади.  
 Ҳамма қараб турди, қўйди «ўтириб»,  
 Махмудхон бақирди итдай қутуриб.  
 — Ол тахтингни, аблаҳ, тож-тахтинг қурсин,  
 Сени Оллоҳ ўзи бундан супурсин.  
 Мен сендан ҳеч қачон рози эмасмен,  
 Сен халққа зolimсан, одам демасмен.  
 Хон унга кесатди: Шоири аълам,  
 Менга керак энди шу бошинг шу дам.  
 Мана бу ош сенга, қилгил тановул,  
 — Ит ҳам емас асло, заҳри ҳаром пул!  
 — Бас қил, ҳей шоир, тилга эрк берма!  
 Тилни кесмоқ менадан, кўкракни керма!  
 Кимдир хонга деди: бошига туйсин,  
 Ҳам ўтга ташлансин, бутунлай куйсин.  
 Фарғонадан келган битта қаландар  
 Хонимиз юзига туфласа мағар...  
 Шоирга бердилар хилма-хил қийноқ,  
 У асло ўлмади, тоқатлари тоқ.  
 Гурзи билан урдилар бошга,  
 Билимадилар тегдими тошга.  
 Қилич билан чопдилар танни,  
 Тиглаб бўлмас экан Ватанни.

Кўкси томон ханжар ҳам отди,  
Лекин ханжар майишиб кетди.  
Мўлжал олди юракни камон,  
Найза учди кўк аро сарсон.  
Сира зиён етмади. Шу чоқ  
Машраб кулди. Деди хушчақнақ.  
— Мунча юмшоқ экан бу гурзи?  
Қиличингдан билмадим сезги.  
Камон ўқи кепакданмиди,  
Ханжар тиғи ипақданмиди?  
Овоз келди: Осмоқ! Ҳа, осмоқ керак!  
Маҳмудхон бир нафас тортибон сергак:  
— Яқин кел, ҳей Машраб, беадаб жонзот,  
Ажалинг қўлимда, бўлмайсан озод.  
— Биладан, кушандам ўзингсан, ҳей хон,  
Мендан сўнг уч кунда сен берасан жон.  
— Дорға ос бадбахтни! Кўрмайин юзин,  
Даргоҳимдан қириб ташлангиз изин.  
Ўзи дор тагига келди-да Машраб,  
Сиртмоқни бўйнига солди пичирлаб.  
Осмон гумбурлади, қулади тоғлар,  
Қий-чудан, оҳ-воҳдан битди қулоқлар.  
Сахро туфроқ сочди, қуёш уёлди,  
Узоқда Туркистон ҳайҳотлаб қолди.  
Машраб вужудида қудратли туғён,  
Кўзига кўринди онаси аён.  
Отаси синглиси бўдилар пайдо,  
Уларга ёлборди, қилди илтижо:  
Онажон, розилик берингиз, она,  
Отажон, бу дунё менга бегона.  
Сен, ғариб сингилчам, энди биргамиз,  
Нур бўлиб сингамиз Турон ерга биз.  
Онаси дод деди, олам қар бўлди,  
Ота фотиҳаси оқ сафар бўлди.  
Шу лаҳза қил чилвир тортилди таранг,  
Шоҳ Машраб қийналиб жон берди аранг.  
Аччиқ шамол келди, бузилди ҳаво,  
Замин тошдай қотди, хўп қочди само.  
Бу ердан бош олиб кетди қушлар ҳам,  
Юлдузлар кўзида ёш тарам-тарам.  
Кеч бўлди, тарқалди бутун халойиқ,  
Дорда қолиб кетди Машраб осиглиқ.  
Хон ярим тунгача қуйманиб беҳад,  
Туш кўрди. Мазмуни кўп-да беадад:

Маккадан келганмиш меҳмонлари хос,  
 Уларга Маҳмудхон аста сунди роз:  
 — Оҳ, кеча номатъул юмушни қилдик,  
 Бир Машраб деганни биз дорга илдик.  
 Ғалат оҳанг билан деди бир меҳмон.  
 — Йўлда кўрдик, Машраб кезиб биёбон,  
 Оппоқ кафан кийиб ҳажга кетадур.  
 У яқин орада бориб етадур.  
 Маҳмуд чўчиб тушди. Худодан кўрқиб,  
 Чумчуқдай сесканур ҳар недан ҳурқиб.  
 Учинчи кун эди, айна бир чошгоҳ  
 Ер қаттиқ силкинди, шунда баногоҳ  
 Кунпаякун бўлиб шоҳона айвон,  
 Харининг остида ўлди Маҳмудхон.  
 Эл аро қолгандир бир ривоят гап:  
 Подшоҳни кўммайин, тонгда — эрталаб,  
 Шоир жасадини олиб кетганмиш —  
 Азиз фуқаролар шаҳри — Ишконмиш.  
 Ўтса ҳам замонлар, ўтса ҳам йиллар,  
 Ул қаро қисматни унутмас эллар.  
 Дор эса турибди буй чўзиб ҳамон,  
 Яна қай Машрабни қилсам деб қурбон.

#### ХОТИМА

Қаршимда оққина кичик бир тугун,  
 Кафтимда қуёшга тутаман бутун.  
 Оппоқ рўмолчамда бир сиқим тупроқ,  
 Унга тикиламан, ўйлайман узоқ.  
 Шоҳ Машраб пиримнинг хоки бор унда,  
 Покиза руҳларнинг поки бор унда.  
 Унда эътиқод бор, буюк ихлос бор,  
 Зангламас олтин бор, тоза олмос бор.  
 Унда Ватан яшар, бир миллат яшар,  
 Жайхун, Сайхун унда, шеърият унда,  
 Эрк созин тинглаган башарият унда.  
 Унда Темур тирик, Бобур барҳаёт,  
 Навоий то абад, Беруний озод.  
 Қул Хожа Аҳмаднинг ўзи бор унда,  
 Азиз Нақшбандийнинг сўзи бор унда.  
 Имом Ал-Бухорий ҳикматлари жаъм,  
 Аларнинг ҳар бири ёруғ бир олам...

Қаршимда кичик бир оққина тугун,  
Кафримда куёшга тутаман бугун.  
Уқувчим, сен уни кўрганинг замон,  
Сенга садо қилур бу ўксик достон.  
Сен уни танийсан, бир дуо қилғил,  
Тўлан Низомийнинг гами деб билғил.

О М И Н.

*1993 йил, март-октябр.*

*Буз*

## ЮРАКДАГИ ГАП\*

(Д о с т о н)

Юрак, сенсан менинг созим.

*Усмон Носир.*

### ЮРАК ЖАРОҲАТИ

Оппоқ тонг ёришди. Юлдузлар сўнди.  
Мижжа қоқмай чиқди бугун ҳам бемор.  
Операцияга ахийри кўнди...  
Деди: Ўзинг борсан, эй, парвардигор?..

Юрак дардин билган, қай юрак экан,  
Алхазар, шунчалар билимнинг кучи!  
Қайси бармоқ экан, қай билак экан,  
Билгучи, сезгучи юракнинг ичин..?

Олимни хаёллар босди бир лаҳза,  
Ўзимнинг юраги вазмин туюлди.  
Бемор вужудига тушиб бир ларза,  
Кўзлари кичрайди, қовоқ уюлди.

Кўзлар кўзга тушди, майин илтижо,  
Лирик шоир бўлди олим дафъатан.  
Сўзлари мукамал: қофия, ҳижо —  
Бир оҳанг яратди, симирар бадан.

Қўрқув тарқаб кетди, жонланди бемор,  
Унинг лабларида енгил бир кулгу.  
Сайфиддин худога ёлбориб сўнг бор —  
Юрак нидосини англаб олди-ю —

---

\* Ушбу достон профессор Сайфиддин Юнусович Турсуновга бағишланади.

Бир-бир синаб кўриб қон томирларин,  
Пайқади юракнинг минглаб толасин.  
Диққат билан тутди қайси бирларин,  
Қайта кашф қилгандай одам боласин.

Илму билим кўзи чақнади шу он,  
Ақлин тиғи билан ишни бошлади.  
Аллоҳнинг қудрати бўлди намоён,  
Юрак қайчисини қинга ташлади.

Алқисса уйғонди, тирилди бемор,  
Унинг кўзларига олам нурафшон.  
Бу қандай синоат, қандай сир-асрор?  
Янгидан туғилди онадан бир жон.

#### ЮРАКНИНГ ЮКИ

Замин енгил, тоғлар енгил, денгизлар енгил,  
Тоғ каби зил, жуда оғир дарди юракнинг.  
Юрак баъзан жуда ҳам тор, унга сиғмас қил,  
Юрак баъзан қамраб олур ер — тўгаракни!

Юрак — хилқатът, юрак — тарих, юрак келажак,  
Унда мардлик, унда зўрлик, енгиб бўлмас куч!  
У ботирлик, қаҳрамонлик, сарҳади сергак,  
Унинг метин елкасида энг муқаддас бурч!  
Мажнун бўлиб севган ўғлон, Лайли каби пок,  
Фарход келбат тош кесувчи, Ширин каби соз;  
У — муҳаббат, ишқ мисоли бўлмайди халок,  
Лекин, унинг нафрати зўр боз устига боз.

Шул сабабдин, юрак бўлди чин ишқибозим,  
Уни ёлғиз Ватан дедим, Туркистон дедим.  
Ўтли шеърга айланди у, куйди овозим;  
Шундай дардга етмак учун мен интиқ эдим!

Шул сабабдин тақдиримдан эмасман хафа,  
Шул сабабдин қисматимга қиламан таъзим!  
Фақат сенга сиғинаман ҳар он, ҳар дафъа,  
Эй худойим, яратувчим, қудрати азим!

## ЮРАК ИЛА ВИЖДОН

Виждон деди: Ишинг оғир-ку?  
Юрак деди: Буюрганинг шу!

Виждон деди: Мард экансан, мард!  
Юрак деди: Яшамам бедард!

Виждон деди: Юраклар ҳам бор?  
Юрак деди: Қилмиши душвор!

Виждон деди: Иймони хира?  
Юрак деди: Демагил сира!

Виждон деди: Юртни сотарлар?  
Юрак деди: Еб ҳам ётарлар!

Виждон деди: Тўймайдими ҳеч?  
Юрак деди: Олар эрга-кеч!

Виждон деди: Меҳнатни билмас?  
Юрак деди: Шафқат ҳам қилмас!

Виждон деди: Кўзда ёши йўқ?  
Юрак деди: Қалб қуёши йўқ!

Виждон деди: Кесақдир, кесақ?  
Юрак деди: Яқонсиздир, демак!

Виждон деди: Тирик, лек ўлган?  
Юрак деди: Қисмат шу бўлган!!

## ЮРАК ТИЛИ

Севгим менга жафо қилди,  
Зулм айлаб адо қилди.  
Фақат юрак вафо қилди,  
Ёлғиз бошим само қилди.

Қимлар мени алдаб кетди,  
Ёлғончилик жонга етди.  
Шунда юрак хушнуд этди,  
Бу жароҳат тезда битди.



Қадрдонлар қайда қолди;  
Ховур каби тез йуқолди.  
Кўнгил дардин юрак олди,  
Хасратимни шеърга солди.

Улфатларим, сиз қайдасиз,  
Нон-ош бўлса, ул жойдасиз.  
Юрак дейди биз ойдамиз,  
Рангимиз гул, чиройдамиз.

Юрак, дейман, халқ мададкор,  
Нажот берсин парвардигор?  
Маюс қилма мени зинҳор,  
Номардга зор; мардга ҳам хор!

#### ИШҚ ЮРАГИ

Уялтириб осмонни  
Ерга кўмиб виждонни,  
Ёв мисоли елдилар,  
Ушлаб олиб келдилар —  
Икки севишган жонни...  
Бўсалашган маконни  
Топиб, олиб бордилар,  
Юрагини ёрдилар...  
Вафо бўлди жувонмарг,  
Ишқ юраги гўё барг —  
Қонга бўялди ана?!  
Жаҳолат деди яна:  
Севги жафоси будур...  
Ишқнинг жазоси будир...

Илк бусани ўлдирган,  
Муҳаббатни сўлдирган,  
Қайси инсон қилмиши?  
Қайси юракнинг иши?!

Профессор, айтинг, Сиз,  
Ҳеч андиша қилмангиз,  
Дунё иши — озорму?  
Бунинг давоси борми?

## ЮРАК ДАРДИ

Ўн бешинчи феврал эди ўшанда,  
Тунғич қизим, Гулшод, сен туғилган кун!  
Епирай, ўтғиз йил, мана, ўтганда —  
Ўкиниб турибман, забоним тугун:

Ўн саккизда эди онанг ўшанда...  
Сени оқ ҳарир-ла йўргаклаган пайт.  
Бир чексиз эзгулик бор эди манда,  
Шундан-да битилган қанча-қанча байт.

Орқа тўла сочи ўрилган майда,  
Гажак ярашарди ярим ой каби.  
Юзин кўрсатарди ул тўлин ойда,  
Атир гул эди-да қирмизи лаби.

Кўзлари шахлою қошлар ёйсимон,  
Киприклар боғларнинг баҳор майсаси.  
Қомати фаришта, энг гўзал бир жон,  
Жонни тебратарди най янглиғ саси.

Ул кунлар, лаҳзалар экан шаббода,  
Йиллар қочиб кетди дилга чўғ ташлаб.  
Сенга тикиламан, қизим Гулшода,  
Шеър айтгим келади, кипригим ёшлаб...

Куйдим-а, ёндим-а хижронда — ўтда,  
Сени деб ўлмадим кетмадим йироқ.  
Униб — ўс, волиданг туғилган юртда,  
Сенга насиб этсин, узоқ яшамоқ...!

Жон қизим, умрбод сенга паноҳман,  
Киприкка қўнамасин ҳаётнинг гарди.  
Отангман, ишонган, суянган тоғман,  
Қанча қийнамасин бу юрак дарди!

## ОНА ЮРАГИ

Яна операция. Тош қотган жимлик.  
Лаҳзалар соатга айланур яна.  
Юракнинг бағри қон ҳам тилик-тилик,  
Беҳуш бўлиб ётур озгин бир тана.

Сукунат, сукунат... сокин уйқуда —  
Бутун борлиқ, само, тубсиз коинот.  
Эшик орқасида кимлар қайғуда,  
Айрилиб қолдик, деб бошларми фарёд?

Қун ҳам оғиб кетди, ишлайди олим,  
Юрак ярасини секин тиглайди.  
Тилда қолиб кетди сўнги саволим,  
Шул зумда чинқириб гўдак йиглайди.

Аёл чақалоғин эшитар шу он,  
Жони учиб чиқар яна ташқари.  
Бешта фарзанд меҳри қилур қўзғолон,  
Юракни чарчатар, хоритар бари...

Қушдай учиб юрар бемор хаёли,  
Олимнинг юзига тегиб ўтади.  
Ўлимдан қутилди дунё аёли...  
Сайфиддин шодликни ичга ютади.

#### ИСТИҚЛОЛ ЮРАГИ

Асрий тилак етди,  
Армон уйғонди.  
Яна яшнаб кетди Шарқнинг қуёши!  
Ўзбекистон кулди,  
Бахтига қонди!  
Тошкент қаҳ-қаҳ отди — Ҳаётнинг боши!

Тўлғонди дарёлар,  
Сесканди Орол,  
Боғлар гуркиради,  
Юксалди тоғлар!  
Темур отга минди тирилган мисол!  
Миллат бош кўтарди,  
Дилда йўқ доғлар!

Юрт боши кучланди,  
Сезди бир қудрат!  
Оламни айланди бўлиб Нур — офтоб!  
Унинг ораулари тинчлик ва шафқат!  
Ўзбек манглайига битилган китоб!

Бугун қулоқ берди  
Сайфиддин бобо —  
Яна тонг чоғида Набирасига:  
— Опоқи, Истиқлол не, юракми ё?  
Бобо дер: Диққат қил, гап сирасига.

Истиқлол ой янглиғ тўлур ҳар маҳал,  
Муस्ताқил мамлакат кўкеида соғлом!  
Миллат ўз тақдирини қилар экан ҳал,  
Сенинг авлодинга қолур бу инъом!

Истиқлол юраги — халқлар юраги,  
Юрт боши юраги абдий уйғоқ!  
Меҳнаткаш мамлакат — унинг тираги,  
Бошида нурланур мусаффо Байроқ!

#### ЭЛ ЮРАГИ

Ўртоқ профессор, қай юрак тасвири?  
Олимликдан аввал одам бўлган зот?  
Сизга маълум эрса унинг ҳар сири,  
Юрак оғригидан бўлурдим озод!

Сиз энди мутлақо ёлғиз эмассиз,  
Сиз бугун деҳқонсиз, сиз пахтакорсиз.  
Шундоқ десам сизни бир не демассиз,  
Кимда юрак бўлса, унга даркорсиз.

Ҳеч тиним билмаган сиз чорвадорсиз,  
Тоғларнинг эгаси, юзлаб чўпонсиз.  
Сиз ошиқ бир жонсиз, хаққа иқрорсиз,  
Жасорат бобида Бобур, Чўпонсиз.

Сиз чиндан устодсиз, чиндан шогирдсиз,  
Сиз қомус, Сиз барча жабҳада борсиз,  
Чин сўзни демоққа мардона, мардсиз,  
Харбийда аскарсиз, орият, орсиз.

Сиз тўкин бир боғсиз, Сиз гулхонасиз,  
Нуроний кексасиз, гўдаксиз гўё.  
Яхшилик шамига сиз парвонасиз,  
Сизники рост дунё, бу ёлгон дунё!

Куйламоқ истайсиз сиз гўё ҳофиз,  
Сиз ахир, эмасми оташин шоир?  
Сафларда сиз-раҳбар, сиз-тенгсиз воиз,<sup>1</sup>  
Наҳотки, бўлсангиз барчага доир!

Сиз ҳалол яшайсиз, кўнгил юртига,  
Ҳиммат бўстонига ботир қуриқчи.  
Ҳа, ўтган кунлар-ку қайтмас ортига,  
Эртани битарга сиз бир йўриқчи.

Наздимда сиз бугун ҳаммасиз, ҳамма,  
Ҳамманинг юраги бўлиб қолдингиз.  
Бошқалар бор, улар кўп зарур, аммо,  
Сиз элнинг кераги бўлиб қолдингиз.

Сиз ўйга ботасиз, дейсиз: барини —  
Чазов<sup>2</sup> билиб олган Ибн Синодан.  
Коценович<sup>3</sup> айтсин нозик ерини?..  
Рашидов кўз юмган нечун дунёдан?

Сиз дангал айтасиз: эмасдир хато —  
Карим Йўлдошевич<sup>4</sup> фалсафаси ҳам!  
Бандаси не қилсин, тақдири ато,  
Бир сирли мўъжиза қудратли олам.

Муҳтарам профессор, бор гап шу, лекин,  
Менинг ҳам юрагим санчганда қур-қур —  
Сизга шеър бағишлаб топаман таскин,  
Аллоҳга келтириб минг бора шукур.

Муҳтарам профессор, юрт дорудомон,  
Мамлакат соғлиги бикирдир, зотан —  
Авлодлар улғайсин бедард, беситам,  
Юрак қўшиқларин тингласин Ватан!

*1966—1997 йй.*

---

<sup>1</sup> Воиз — нотиқ, ваъз айтувчи.

<sup>2</sup> Чазов — машҳур рус кардиолог академиги.

<sup>3</sup> Коценович — Ш. Р. Рашидовнинг шахсий доктори бўлган шахс.

<sup>4</sup> Карим Йўлдошевич Йўлдошев — атоқли ўзбек кардиологи.

## ОҚ ГҮЛ

(Л и р и к қ и с с а)

САИДА ЗУННУНОВА

хогирасига

### I

Дунёда гуллар кўп. Ҳаммаси ҳам соз:  
Қизил гулда яшар кўнгул илинжи.  
Сариқ гулда эса яна номсиз роз,  
Қора қатмақат<sup>1</sup>да кўз ёши инжу.

Лек, опшоқ атиргул хаёлим олди,  
Умрим эртақларин солди эсимга.  
Унга қарай-қарай кўзларим толди,  
Сўнг оқшом марҳумам кирди тушимга:

Бир дона оқ гулни чаккамга тақдим,  
Яна бир дастасин босдим бағримга.  
Билмадим мен сизга ёқмадим, ёқдим?..  
Ҳар қалай гул эдим мен ҳам шаҳримга?..

Уйғондим. Тошиқдим. Боғим оралаб —  
Опшоқ атир гулни топа олмадим.  
Оҳ, дедим, соғинчдан қалбим яралаб,  
Неча кун йиғидан сира қолмадим.

Ахтардим. Ахтардим покдомон гулни,  
Тиниқ жамолида қуёш бор дедим.  
Энди, қайдин излай ул оқ кўнгулни,  
Меҳрига зор эдим, мен ошиқ эдим.

Ер юзин айландим, оламни кездим,  
Улуғ дарёларга айтдим сиримни.

---

<sup>1</sup> Қора қатма-қат гул.

Алқисса, буюк дард нелигин сездим,  
Ва топдим оппоқ гул ўсган еримни...

## II

Тонг ёриб бормоқда. Учмайди чироқ.  
Адиб кўзларига илинмас уйқу.  
Адиб кўзларида жонланганда боғ,  
Шарқдан қуёш чиқди таратиб ёғду.

Эл суйган бу адиб акамдай азиз,  
Унга эргашаман боғда, йўлакда.  
Ям-яшил майсалар беркитади тиз,  
Бир туп оқ гул кўрдим берги бўлакда.

Солланиб турибди уйчан, нафармон,  
Ҳали лаб очмаган бесаноқ гунча.  
Улар дер: Бир куни бахтим топарман,  
Бағримда ошиқлик — пинҳон тугунча.

Устоз ҳузурида ўйларга ботдим,  
Тақдир дафтарларин ўқидим бир-бир.  
Ийманиб, мен секин битта сўз қотдим;  
Анави оқ гулга мен бўлдим асир...

Тагидан ниш уриб чиққан ниҳолни  
Армуғон этсангиз, бўлардим хурсанд.  
Устоз англаб олди менда бир ҳолни:  
Кўчириб бераман, сал бўлсин баланд —

Дедию, гапини бурди, пайқадим,  
Лекин, узолмадим гулдан кўзимни.  
Гулга монанд қилиб бошим чайқадим,  
Хаёл уммонида кўрдим ўзимни:

Ҳовлини супуриб юрибди опа,  
Оғзи тўла кулгу, қалб тўла туйғу.  
— Саидахон, деди, адиб бир дафъа: —  
Мана бу оппоқ гул, Сизга ўхшар у...

Адибга тикилдим. Оғир сукунат...  
Юрак дук-дук урар, нидосин сездим,  
Боғ ичра ҳукмрон сукунат фақат...  
Секин пичирладим, ўзимни эздим.

Танҳо яшай олмас оламда жонзот,  
Булбул-ку гунчанинг дарди билан банд.  
Елғизлик худога ярашган, устоз!  
Мен-да тақдир ишин қилмасдан писанд —

Энг асил ишқимни тополмадим-а,  
Бошимни куксига қўя олмадим.  
Тобутга меҳримни ёполмадим-а,  
Ёримга тўймадим, тўя олмадим.

### III

Майин қанотларин  
Ёйди қаро шом.  
Айвонда милтиллаб  
Ёнур бир чироқ.  
Адиб ултирибди  
Бесўз, бекалом.  
Ўйлари чўзилган  
Узоқ ва узоқ...

Елғизлик — чексиз ўй,  
Сунги йўқ ҳаёл.  
Қаро кукда қолган  
Танҳо ой мисол.

Ташқарида шўх ел,  
Ўйнар ҳар япроқ.  
Ичкарида ўй.  
Тухмат ва қийноқ.  
Оғир видолашув...  
Сунг айрилиқ, фироқ...  
Елгон жуда ёмон  
Ҳақиқат — соқов.  
Сиқар ер билан осмон.  
Фалак кар, анқов.  
«Уфқ»<sup>1</sup> жуда олис,  
Чуқур «Ҳимжитлик»<sup>2</sup>...  
Икром<sup>3</sup>лар қайда, о  
Ҳам Азиз Полвон?<sup>4</sup>  
Тор экан бу олам,  
Сигмагай армон.

1.2.3.4. С. Аҳмад асарлари ва қаҳрамонлари.



Ярим кеча эди.  
Хотирот чунон —  
Чуқур ҳаёл ичра  
Булар намоён:

- Шоирам энди  
Хайр бир куни...
- Йўқ, йўқ ундай эмас,  
Тушунинг шуни.
- Сиз билинг, айланг ёд!  
Дўст ким, душман ким?
- Нималар бўляпти, оҳ!  
Фалак, дастингдан дод!
- Вақт келур биргамиз,  
Бўлинг эҳтиёт!
- Қайси бир касофат?  
Умр шуми, шу ҳаёт?
- Бас, йиғламанг, ҳеч  
Ёнманг аламдан.
- Сизсиз ўтолмайман  
Ёруғ оламдан.
- Виждонга топширдим,  
Сизни келгунча.
- Менинг бошим кетсин,  
Риё қилгунча...

Яна қуёш ботди,  
Қоронғу тушди.  
Оқсоқол фикрида  
Ўйлар қаланди.

Болалик онлари  
Ёдида жўшди.  
Ўчмас хотиралар  
Қуш каби учди...

Ушанда дадаси  
Хусанхўжабой  
Элбек<sup>1</sup>ни етаклаб  
Келгани бир кун.

Меҳрибон онаси  
Зулфия кампир  
Дастурхон ёзибоқ  
Келтирди чой-пой.

Шу-шу бўлди, бизда  
Яшади Элбек.  
Элбек, деб тез-тезда  
Гўё бир дилдек.

Келарди Қодирий,  
Зиё Саид, Уйғун.  
Ғафур Ғуломлар,  
Ва айниқса Ойбек.

Сўзларин тинглардим  
Келтирардим чой.  
Нимани англардим,  
Қалбдан топиб жой —  
Беркитардим бахт, деб,  
Сўнг отам қамалди,  
Ўлди турмада.  
Акам ёв саналди,  
Ҳеч тинч юрмади.  
Бир кун кимлардир  
Уйимиз титди.  
Бечора онамни  
Бир қаттиқ туртди —  
Йиқилди юз тубан —  
Иккиқат эрди.  
Кўз ёриб гўдагин —  
Тупроққа берди.  
Раҳматли онам-а,  
Муштипар онам.  
Худо эъзоз қилсин  
Рухинг унутмам.

---

<sup>1</sup> Элбек — (Мирмашиқ Юнусов) истеъдодли шоир, қатагон йилларнинг қурбони бўлган.

Унутмам сира  
Уша нолаңғни.  
Ўғил бўлиб юрибман мен ҳам,  
Кечир онажон,  
Кечир, болаңғни.  
Уйландим вақт етиб,  
Рўзгоримиз ёш...  
Олти ой деганда  
Бошга тегди тош.

Ўйламай дейману,  
Ёзмай дейману,  
Узоқ кечаларда  
Қочади уйқу...

Сўнг адиб қўзғолиб  
Ташқари боқди.  
Бир қушча хониши  
Дилига ёқди:

Салом баҳор!  
Салом ёшлик,  
Салом севги,  
Салом гул ёр —  
Қалам қошлик!

Салом сенга  
Қалби янги,  
Янги қувонч,  
Янги шодлик.  
Ишқда ишонч!  
Эй умри тинч,  
Вафо отлиғ!

Бугун, яна,  
Баҳор келди.  
Дил қувонди,  
Кўнги ёнди.  
Қалб уйғонди,  
Юрак билди:

Қайдасан сен,  
Армонли шеър.  
Нозли илҳом,

Оқ гулим-о.  
Очила қол,  
Очила қол.  
Қулсин осмон!  
Яйрасин ер!

#### IV

Боғ ичра товланиб турибди оқ гул,  
Минг афеусе хаёлин сурибди оқ гул.  
Бошқа гуллар қани, нега у ёлғиз...  
Танҳолик дардини кўрибди оқ гул.

Япроқлар тип-тиниқ, новдалар яшанг.  
Майсалар силкинув, либоси башанг.  
Тонгдан қуёш суяр, шомдан ой суяр,  
Оқ гулим не учун сенинг ҳолинг танг...

Айттил, қандай алам, қай ҳасратинг бор,  
Мунча тўлғонасан сен-ки беқарор.  
Ёнингда арчалар, чинор, аргувон,  
Тегрангда ёввойи гуллардан девор.

Ариқда эрка сув сенга интилар,  
Булутлар баргингга нуқралар илар.  
Субҳидам маҳали, салқин сахарлар,  
Қушчалар чулдираб шохингга йиғлар.

Адиб одимлади секин боғ томон,  
Гуё қараб турар жумлаи жаҳон.  
Оқ гулга тикилди ўксик руҳ билан,  
Хотирда мисралар қилди тўполон.

«Гуллар юзида ҳанда, бу, боғдан ёр ўтдими?  
Одатин қилмай канда, яна бедор ўтдими?  
Дилда такрорлаб отин, тилаб умру давлатин,  
Сояси бўлиб тагин Саида зор ўтдими!»

Тилфон жиринглади. Айвон ичида  
Адиб сўзлар эди, кулгу кучида —  
Фарахли хотира сал нари кетди,  
Қуш каптар потради боғнинг бурчида.

Машъум хона. Айёр терговчи,  
 Тулки мижоз, ўткир эговчи.  
 Маҳкам тутиб қайиш камарни,  
 Қўлга олиб пулат жазварни  
 Еш адибнинг бошига урди,  
 Жавоб кутиб бузрайиб турди.

АДИБ

Айбим нима? Бу жазо нечун?

ТЕРГОВЧИ

Ўткир қалам, истеъдод учун.

АДИБ

Виждон борми заррача ахир?

ТЕРГОВЧИ

Замон зайли — бу, ҳам зулми даҳр.

АДИБ

Шуми эрк-а, Ленин гоёси?

ТЕРГОВЧИ

Бу тақдирнинг қора сояси.

АДИБ

Наҳот, шундоқ ижодкор ҳоли?

ТЕРГОВЧИ

Абдулла Қодирий мисоли.

АДИБ

Ер ёрилсин, ағнасин осмон.

ТЕРГОВЧИ

Сиздек фарёд қилган хў, Чулпон.

АДИБ

Бир юввош, деб, миллатга дорсан?

ТЕРГОВЧИ

Нима дединг, сен гуноҳорсан.

АДИБ

Тавба, тавба..? Бу қай кўргилик?

ТЕРГОВЧИ

Фурсат йўқдир бунда тургилик.

АДИБ

Шуми хужжат, шумидир сўроқ?

ТЕРГОВЧИ

Ҳукм чиққан, Ўн йилга қамоқ.

## VI

Хат йўладим, минг бир салом,

Шаҳри Тошкандан.

Соғинчларим, фиғонларим

Ҳаддан ошгандан.

Кун ва туннинг фарқи йўқдир

Ғам, ҳижрон аро.

Сизни суйдим, Сиз деб куйдим

Мен бахти қаро.

Қандоқ қилай, қайга борай,

Зор, интизорман.

Бир сўзингиз тингламоққа

Интиқ хуморман.

Худо сизни асрасин, деб,

Жонда илтижо.

Умрим кечур, аҳду паймон

Юрагимга жо.

Устингиз қай, телпак борми?

Оёқ кийим ва...

Нон берарми, чой берарми?

Ё тавба, тавба?

Ўзни сақланг, «ҳар хил» гапдан  
Сиз юринг қушод...  
Зангор кўкка тўлса юлдуз,  
Ўйлангиз бот-бот.  
Ойга қаранг, ой тўлганда  
Роса кулганда.  
Мен йиғлайман бўзлаб-бўзлаб —  
Рангли сўлганда.  
Лек жоним тош, таним темир,  
Ўлмагайман ҳеч.  
Танам куймас, жисмим аро  
Ўт чиқса печ-печ.  
Сочим ёнмас, киприklarим  
Қайрилган холос.  
Телба кўнгил ўзлигидан  
Айрилган холос.  
Андижондан хабар олдим,  
Соғинишибди.  
Сиз ёқтирган у оқ ўрик  
Роса пишибди.  
Эсон — омон акам тезроқ  
Келсин дейишди.  
Сизга атаб зўр сарупо<sup>1</sup>  
Ғамин ейишди.  
Ўтиб кетар бу кунлар ҳам  
Умидим катта.  
Бизга ахир бош раҳнамо  
Сизсиз, албатта.  
Бардош қилинг, Сиз эркаксиз,  
Чин имтиҳон, бу.  
Хат эгаси шоирангиз  
С а и д а б о н у.

## VII

Хатни олдим. Саидахон,  
Чунон ёдладим.  
Раҳмат Сизга, ичга сиғмай,  
Бир «ҳайхот»ладим.  
Соғлик яхши, емишим бор,  
Бор ётар жойим.  
Аммо кўнгил кўкида йўқ  
Бир тўлин оийм.

Юлдузим йўқ, тонг йўқ, шом йўқ,  
Қуёш йўқ асло.  
Қалбим ўртар Сиз ўргатган  
Ишқ деган имло.  
Кеча ногоҳ туш кўрибман:  
Оқ гул тагида  
Ўлтирибмиз, ўқийсиз шеър  
Боғ эгагида —  
Шарпа сездим, битта соя  
Келур биз томон.  
Чўчиб тушдим. Юрак нотинч.  
Хона тор, зиндон.  
Тишга чиққим келди жуда,  
Аmmo илож йўқ.  
Шу он эшитилди аянч  
Пўписа ва дўқ.  
Қайси куни қари махбус  
Келтирди мушук.  
Болалади қурғур, афсус,  
Бўлди хўп хунук.  
Назоратчи бизга деб жабр,  
Қилиб дағдаға  
Барин қопга жойладию  
Қилмасдан сабр.  
Кўз олдимда ўтга отди,  
Уни бирма-бир.  
Гуё мушук қишлоқ, уйни  
Солармиш эга.  
Шу ёқмабди мушукдан паст,  
Бу баттол, песга.  
Шафқатсизлик ҳар жойда бор,  
Ҳеч кўкармас эл.  
Бош эгармиз биз бандавор,  
Ғам ёғади сел.  
Даҳри даввор битмиш чалкаш  
Пешонам хатин.  
Тақдир экан бир асокаш,  
Билмас нисбатин.  
Майли, дейман золим фалак,  
Айлар тамоша,  
Даврон унга чалур қарсақ,  
Қилмай андиша.  
Андижонга борсангиз гар,  
Салом денг биздан.



Омонлигим тиласинлар  
Кеча-кундуздан.  
Қуришамиз, шодлик айшин  
Бирга сурамиз.  
Насиб этса Андижонга  
Бир уй қурамиз.  
Қорадарё қирғоғида  
Булади ул уй.  
Ахир, сизга жуда ёқар  
Дарё чалган куй.  
Қунлар утар, зурға утар,  
Қуникиб қолдим.  
Сизга увол бўлди, аттанг,  
Худога солдим.  
Ўзни қаранг, авайланг сал,  
Қуп шеърлар битинг.  
Ғанимлар бор, бу йулардан  
Сиз бардам ўтинг.  
Қадни ростланг, букилманг ҳеч,  
Иродангиз бор.  
Моҳлар ойим жасорати  
Сизга бир шиор.  
Қиз кўрсак гар улуг исмин  
Нодира<sup>1</sup> дермиз,  
Уни туққан онасини  
Бокира дермиз.  
Ул кунларга етурмиз биз  
Яна байрам, тўй.  
Қиссамизни кимдир ёзар,  
Бу тарих — Ҳақғўй.

### VIII

Бир чаман бор борлиқ аро,  
Сўлиш билмас, мангу яшил.  
Бино қилган уни худо,  
Роз айтадир турфа хил дил.

У боғ эмас — абадийлик,  
Еру осмон ўртасидир.  
Арконлари кимдир дейлик,  
Мана, улар ўнтасидир.

---

<sup>1</sup> — Саида Зуннуовадан Ёлғиз Нодира исмли бир қиз қолган.

Мир Алишер Навоий ким,  
Кўзим очган муқаддас руҳ.  
То тирикман тавоф этгум,  
Фикратимга ундан шукуҳ.

Саъдий, Ҳофиз Шерозийдир,  
Наами уммон, мен ки гаввос.  
Армонларим парвозидир —  
Бедил берган зўр эҳтирос.

Қалбим олган кимдир яна,  
Улуғ Бобур, шоир ҳам шоҳ.  
Илҳомимга деб тантана —  
Низомийдан топдим паноҳ.

Тагин бордир устодларим —  
Лутфий десам яйрар танам.  
Менинг асил фарёдларим —  
Машраб эрур, эмас мубҳам.

Чулпон дейман, ёнар кўзим,  
Йиғлаб турсам очади сир.  
Халқ олдида айтар сўзим,  
Ўргатганди ул Миртемир.

\* \* \*

Бу боғ ичра нозанинлар,  
Товуслар бор, булбуллар бор.  
Улар борки бор мажнунлар,  
Улар қалби — Ватан, Диёр:

У аёлдир, мард ўғлон берур,  
Парируй қиз, бир жонон берур.

Аёл сўзни энг гузал айтур,  
Ва илоҳий шеър, ғазал айтур.

Улуғ Момо — ул Зебунисо,  
Сўз демакда хўп жаҳон асо.

Нодира — шоҳ зар либос кийди,  
Назм ила ёв тилин қийди.

Ҳа, Увайсий — жаҳон отин ул,  
Шеърга берди бор бисотин ул.

Анбар отин ва Дилшод Барно,  
Ўтди дилхун ҳам бағри қаро?

Қисмат тиғи, келди деб навбат,  
Саидага тегди бешафқат.

Қалби қонаб, кўз ёши титраб,  
Унинг жони қуш каби питраб —

Сигмай қолди олам — жаҳонга,  
Сигмай қолди давру давронга.

Юрагини оташга отди,  
Ғам ханжари кўксига ботди.

Ва умрини ўтказди афғор,  
Уни айтар ҳали достон бор.

Сўйлаб берсам уни бирма-бир,  
Ҳар битга сўз аччиқ ва дилгир —

Йиғлатади эшитган жонни,  
Йиғлатади Ўзбекистонни.

## IX

Юз йил яшаб қадрин топмаган кўндир,  
Бир шеър билан ўлимни билмаганлар бор.  
Яхшилик жомидан лабларга ўндир,  
Сендан-да, авлодлар қолур миннатдор.

Тутинган синглиси шоир Мукаррам,  
Устозин хотирлар суйиб, суйдириб.  
Ойдин тутган нурли, оташин қалам,  
Элга садо қилур куйиб, куйдириб:

«Чала қолган шеърлар сарлавҳасида  
Бири кам дунё деб хўрсинар баҳор!»<sup>1</sup>

<sup>1</sup> — Ойдин Ҳожиёва сатри.

И з о ҳ: Мукаррама Муродова, Ойдин Ҳожиёва, Ётибор Охунова,  
Туреуной Содиқова, Ҳалима Худойбердиева — Саида опанинг сеvimли шо-  
гирдлари эди.

Эътибор чизолган дил давҳасида  
Саида опанинг ўткир кўзи бор.

Турсуной, Ҳалима: Ифтихорим дер,  
Момолар гурури унда мужассам.  
Мустаҳкам қаторим, сафда борим дер,  
Ижод булоғидан бир қониб ичсам.

Барчани шод айлаб, жим кетди ўзи,  
Заминга сиғмаган ташвишни ютиб.  
Баъзи бир кимсага тилайман тўзим,  
Туғишган халқини қўяр унутиб.

Манман яшамоқлик не учун керак,  
Камтарин турмушда ором, фароғат.  
Кам соя беради тик ўсган терак,  
Бошларга соябон мажнунтол фақат.

## X

Бола эдим, шеъримни олиб,  
Орзуларим келганда ғолиб.  
Тошкент бордим, Саида опа —  
Эшик очди мен томон чопа.

— Опа, дедим, мен ҳам шоирман,  
Машқ қилурман, мудом койирман.  
Опа назар ташлади шеърга,  
Лаб жуфтлади бир нима дерга:

— Қаердансиз, исмингиз нима?  
Ёмон эмас, сиздаги тема<sup>1</sup>.  
Чўл ҳақида ёзмоқчисиз-а,  
Яхши, бирга ўқийлик, мана:

— «Неча йиллар йўлдаман узоқ,  
Бош-кўзимдан айланади чўл.  
Сайхун узра этаги судроқ,  
Минг йиллар у қолиб кетиш тул.

Юзларида ўтмишнинг гарди,  
Термулади ёниб қуёшга.

<sup>1</sup> — Мавзу.

Бахтин кутиб наҳот қариди.  
Орзулари тегдими тошга.

Чўл қучоғин очиб турибди,  
Интиқ бўлиб қудрати борга.  
Хазинасин сақлаб юрибди;  
Берайин, деб Она Диёрга».

— Нимаси кам? Дард кам, Ватан кам,  
Дардсиз шеър, бу, бўлмас мустаҳкам.

Оқ йўл сизга, келажак сари,  
Қийин меҳнат кўрсатур бари.

Шу-шу бўлди ташладим одим,  
Шеър қасрига мен битта ходим —

Тасдиқландим, йиллар ўтди сўнг,  
Сатрларим кела берди ўнг.

Эл эшитди нима айтарим,  
Айтаримда недан қайтарим.

Қуллуғ, дейман, Саида опа,  
Чўл томондан ўз йўлим топа.

Интиламан шеър пойтахтига,  
Мадад қилинг шоир аҳдига.

Ўттиз йилдир ўша илк машқим,  
Армон бўлган дийдаи ашқим.

Бисотимда қолди то абад,  
Илҳон берур чексиз, бесарҳад.

## XI

Эй, Сен, оқ гул, пешонаси шўр,  
Даҳри дунда Эй, бетимсол қалб.  
Бу мавжудот сенга бўлди жалб,  
Бошинг кўтар, кел, бир эслаб кўр:

«Гунчаларни уйғотган шамол,  
Нечун барғни юлқилаб кетди.

Бирин суйиб, бирин иргитди,  
Табиатнинг ишидан мен лол».

Ажаб, умр қисматими, бу?  
Наҳот турфа яратган Худо.  
Ҳар дилда бор ўзгача Нидо,  
Ё замона шиддатими бу?

Ахр, не-не давронлар ўтган,  
Донишмандлар, кўп шоирлар бор.  
Улар айтган ҳикматлар бисёр,  
Қани улар, қаёққа кетган?

Ҳаммаси ҳам сендай оқ кўнгул,  
Ҳаммаси ҳам фақат бағри қон.  
Тулан Низом тиним билмас жон,  
Руҳида бор бир опшоқ дулдул.

Оқ гул, майли сенгадир боғим,  
Сенга юртим, Сенга Ватаним.  
Илҳом экан менинг саманим,  
Тайин келажакни қучмоғим.

## XII

Шундоқ бўлди, Замон зиндони —  
Турмада йўқ яшаш имкони.  
Ўйлаганим Саида бўлди,  
Тилим ғамнинг найида бўлди.  
Ҳижрон, соғинч ўртар эрта-кеч,  
Хона тору тим қоронғу ич.  
Кўзим унга мослашибдими,  
Киприқларим қасдлашибдими,  
Ёруғликка чидай олмайди,  
Чироқ бер, деб индай олмайди.  
Лаҳзаларнинг ўтмоғи қийин,  
Қайғу босиб келур бетайин.  
Назоратчи чақирди мени —  
— Ёринг келди суроқлаб сени.  
Ўн дақиқа сузлашмоқ вақти,  
Ўн дақиқа маҳбуснинг бахти. —  
Дея рухсатномани тутди.  
Шунда оғриқ жонимдан ўтди,

Дарвозага отилдим тўпдай.  
Озиб-тузиб кетгандим чўпдай.  
Саидахон кутиб турарди,  
Зурға чуқур хаёл суарди.  
Кейин менга қаттиқ тикилди,  
Томоғимга оташ тикилди.  
Айтолмадим айтар сўзимни,  
Ёш селоби босиб кўзимни.  
Мен йиғини тўхтатолмадим,  
Хўнгирадим, гап айтолмадим.  
Шундоқ ўтиб кетди, ўн минут,  
То умрбод бўлмайди унут.  
Қулоғимдан бир сўзи кетмас,  
Вужудимни сира тарк этмас.  
— Сизга атаб пижама<sup>1</sup> олдим,  
Чўнтагига рўмолча солдим.  
Ўша тунда кўз юмолмадим,  
Қайғу, ғамни ҳеч қуволмадим.  
Салча мизғиб саҳар чоғида,  
Туш кўрибман: Дўрмон боғида —  
Юрибман шўх, ҳамма қарашган,  
Пижамам ҳам жуда ярашган.  
Сўнг «Союз»<sup>2</sup>да юрибман шодон.  
Сўрар эмиш мендан дўст-ёрон:  
— Пижамани ким олиб берди,  
Рўмолчани ким солиб берди.  
— Саидахон, дердим, шул замон,  
Жаннат эди менга ўша он.  
Чўчиб тушдим, турдим тўлғона,  
Хира эди бу пастак хона.  
Ғам найзаси санчилар эди,  
Рухиятим янчилар эди.  
Кўплар мендан сўрайди боз-боз,  
Уйлансангиз буларди, устоз?  
Сал тортиниб, овозим хаста,  
Бор ғапимни айтаман аста:  
— Мен-ку эрман, унинг суратин  
Тоza қалбин, тоza сийратин  
Сира поймол эта олмасман,  
Уни дейман, ўзга демасман.  
Ёлғиз қизим қараб турибди,  
Онасини сўраб турибди.

<sup>1</sup> — енгил иссиқ кийим.

<sup>2</sup> — уюшма, Ёзувчилар уюшмаси.

Эй оқ гулим, диловор жамол,  
 Тупрөфинг пок, ҳалолдан ҳалол.  
 Дунёда йўқ сенга ҳеч мисол,  
 Сен каби дард, қайгули висол.

Бир шоира, бир аёл утган,  
 Армон уни хокисор этган.  
 Фақат сенга шеърини битган  
 Пойингга ташлаган, кетган.  
 Етим шеърни айтиб берайин,  
 Сўзларига сўзлар терайин.  
 Рухларидан изн сўрайин,  
 Юрагимни мен ҳам ёрайин:

Вафо ҳам Умризо<sup>1</sup> гулча бўлурму, ҳай-ҳай,  
 Хижрон юки тоғмикан, зилча бўлурму, ҳай-ҳай,  
 Ошиқ киши оламда қулча бўлурму, ҳай-ҳай,  
 Йўқламаган ҳар кунинг йилча бўлурму ҳай-ҳай,  
 Шунчалик шафқат билмас дилча бўлурму, ҳай-ҳай.

Соғинч куйдирар жонни, кимга дейин холимни,  
 Чумолидек қадрим йўқ, ким торгар уволимни,  
 Ким сўйлаб берар дейман Мажнунга аҳволимни,  
 Хуш суратинг бир нафас тарк этмас хаёлимни,  
 Кўз шахлою қош эса нилча бўлурму, ҳай-ҳай.

Ҳайратдаман, Нигорим, жаҳон оролигингдан,  
 Ҳабар олмайсан нечун дили яролигингдан,  
 Хурлар аълосидан сен яна аълолигингдан,  
 Ҳар сўзда юз андиша қилгум донолигингдан,  
 Кунглингнинг нозиклиги қилча бўлурму, ҳай-ҳай.

Наззора қил бир бора, мен улар бир чоғдаман,  
 Қолмасман изингдан ҳеч, ғамдаман, фироқдаман,  
 Оёқларинг остида, ердаман, тупроқдаман,  
 Гоҳ ханжар, гоҳ асаддек сўзларингдан доғдаман,  
 Жон олиб жон бергучи тилча бўлурму, ҳай-ҳай.

Минг жафо чекиб ҳар дам қон-зардоб ютиб боргум,  
 Тулан Низомий отим, дардимни айтиб боргум,

<sup>1</sup> — Тоғларда ўсадиган «Умризо» гули очиладию, тукилиб кетади.



Келган эдим мен йиглаб, зориллаб қайтиб боргум,  
Васлингнинг умидида дунёдан ўтиб боргум,  
Қаноатда Саида филча булурму ҳай-ҳай.

#### XIV

Саид Аҳмад ўгитин эшитганмисиз,  
Ҳаётга ўзни сиз пишитганмисиз?

Отам ҳам, онам ҳам Гафур Гулом, дер,  
Унинг устозлиги олий мақом дер.

Ёшман, бир ҳикоям «Бадавлат келин» —  
Ёғдирди танқиднинг ёмғиру селин.

Қиларим билмасдан тургандим саркаш,  
Рўбару келди у мен томон яккаш:

— На бўлди, Бурунбой<sup>1</sup>, қовоғинг солиқ,  
Иш чатоқми ё, қайси бир «холиқ» —

Сени хафа қилди, қани айт-чи, бир?  
Вужудим қалтираб, кўз қилиб пир-пир —

Дедим: Илк асарим урибдилар боз,  
Кейин тилда қотди чиққан бу овоз.

— Айда, кетдик, сени бу уришларнинг  
Биринчиси, энди, шу туришларнинг —

Зур-а, айда, кетдик «Илҳом» қувамиз»,  
Урилганинг учун сени «ювамиз»;

Кун бўйи айландик кўчама-кўча,  
Дустлар-ла «отишдик» биз пича-пича.

Улуғ зот қошида унутдим ғамни,  
Лекин унутмадим Хизр Одамни.

---

<sup>1</sup> — Гафур Гулом Саид Аҳмадни баъзан эркалатиб «Бурунбой» деб чақираб экан.

## XV

Маърака тугади. Уқилди қуръон:  
Мархума руҳига дуои таъбир.  
Юлдуз билан тўлди қоп-қаро осмон,  
Ҳа энди бошланди абадий ҳажр.

Одамлар тарқалди, босди қаро тун,  
Учоқда учмаган ҳали чўғлар бор.  
Адиб ўлтирибди жигар бағри хун,  
Хўнғир-хўнғир йиғлар: айрилиқ-душвор.

Қўр титиб ўкинар, ўкинар узоқ,  
Баҳорий изғирин этмасди таъсир.  
Йиллар илдам кетди. Умри ўтур тоқ,  
Ҳаммасин юракдан ўтказур бир-бир:

«Унга озор етса ўлган бўлсам ҳам,  
Қасоскор, даҳшатли бўрон бўламан.  
Дилларга гулгула, сурон бўламан,  
Тинмайман, ҳаётга яна қайтаман.

Тоғдан кўтарилди роса тўлган ой,  
Бепоеън кўк аро бошлади сайр.  
Адиб уйга кирди, ётди хойнаҳой,  
Ҳижрон азобига деёлмай «Хайр».

## XVI

Тонг аста ёришур, Зухролар сўнар,  
Қабристон жимлиги тош каби қотган.  
Бир капалак учиб оқ гулга қўнар,  
Саҳарда адибни бир туш уйғотган:

— Нега, кам келасиз, ҳа, қийин Сизга?  
Оқ гулнинг бир шохи сувейз қурибди?  
Сиз — Ота, Сиз — Она, ёлғизимизга,  
Ҳеч музтар қолмасин, ёлғиз юрибди...

Адиб чўккалади қабр ёнида,  
Қирқ йилдир орқага учди ҳаёли.  
Изтироб жўш урди кекса қонида,  
Қандоқ аёл эди, унинг аёли?..

Меҳру муҳаббатнинг намунаси ул,  
Уни берган эди меҳрибон худо.  
Чин ўзбек юртининг бир онаси ул,  
Нега айирасан кажрафтор дунё?

Хотира тошига қўйди яшноқ гул,  
Битикка қўз ташлаб чуқур ўйланди.  
Бир лаҳза ўзини унутди буткул,  
Топдан нидо чиқди, тош ҳам сўйлайди:

«Одамлар,  
Қадрланг бир-бирингизни,  
Гул ҳам,  
Муҳаббат ҳам  
Тирикка керак».

## XVII

Адиб ижод боғи гўё бир жаннат,  
Айни ёзда келинг, келинг биродар.  
Хил-хил мевалардан тотинг беминнат,  
Удир жонга малҳам билан баробар.

Олмалар оқ-қизил, олуча асал,  
Қирмизи, қонталаш рангда ҳар гилос.  
Беҳию шафтоли доридир азал,  
Анор, анжир кўрки мисоли олмос.

Гурунг қизир доим, суҳбат авжида,  
Узум нурланади баркаш табоқда.  
Латифа айтилур, кулгу мавжида,  
Қаҳ-қаҳ садолари жаранглар боғда.

Одил Ёқуб шунда, Асқад Мухтор ҳам,  
Бунда Ойбек тирик ва Ғафур Ғулом.  
Самарқанд, Бухоро, Қарши, Сурхон жам,  
Абдулла Қаҳҳорга бунда эҳтиром.

Андижон тарафдан мен талпинганман,  
Шаҳри Намангондан Ҳабиб Саъдулла.  
Ёзёвон халқи дер: Мен топинганман,  
Ҳар ишда устодим, мадад бер, қўлла.

Бирдан жимлик чўқар, чуқур хўрсиниш,  
Саида опани эслайди барча.  
Кўм-кўк найзаларин қилиб юз минг ниш,  
Дилларга санчади уч туп алп арча.

Мен эса қарайман, силлиқ деворга,  
Энг маъсум қиёфа — жонли суратга.  
Оламда вафодор аёллар бор-да,  
Одамлар, бош эгинг шеърга, журъатга.

## XVIII

Мудом кулгуларнинг маънис — захар,  
Мудом кулгуларнинг бариси — захар.

Тақдир аввал сени гулдай кулдирар,  
Тақдир кейин сени гулдай сўлдирар.

Тақдир аввал кимни эркалар ортиқ,  
Тақдир кейин унга ғам қилар тортиқ.

Йиғи кулгуларнинг остида демак,  
Кулгу йиғиларнинг устида демак.

Тенг тарозу экан дунёнинг иши,  
Бепосанги экан тақдир қилмиши.

Адиб боғи дўстлар-ла гавжум,  
Хурмо мевасидай шогирдлар гужум.

Бунда тебранади олмалар ларзон,  
Агар қаҳ-қаҳ урса Йўлдош Сулаймон.

Сўнгра Эркин Воҳид ва Ўткир Ҳошим,  
Қизиқ «гап»ни ковлар, билмасдан тошим —

Неъмат Амин чунон тахласа сўзни,  
Носир Фозил ўгли тўхтатмас ўзни.

Кўз ёшлар киприкни ҳўллаб туради,  
Ҳаддан ошиб устоз «гуллаб» туради.

Латифа устига латифа улар,  
Кўрган азобларин устидан кулар.

Изжувар бир итнинг кундалик иши,  
 Бугун гижирлатмиш аламкор тишин:  
 Бошлиқ билан алоқа бўлди-ку чатоқ,  
 Нарядга чиқмадим кеча бесуроқ.  
 Фалончи аканинг бўйига етган —  
 Қанчигин ишқидир мени қийнатган.

Ўзимни тирноқ-ла тирнагим келур,  
 Уни уйлай бериб, йиғлагим келур.  
 Кеча қизиқ бўлди ит отар ўрис —  
 Келиб мени кўрди, деди дабдуруст:  
 — Итбой ошиқ экан, касал бўлади,  
 Бир манжалақи деб, охир ўлади.

\* \* \*

Авж қилиб ёқимсиз қўшиқ айтса ким,  
 Ундан соат сўра, сен турмасдан жим.  
 Мурдани лаҳадга қўйишдан олдин  
 Қари имом деди ҳеч олмасдан тин:  
 — Марҳум қандай одам бўлган эди-а?  
 — Коммунист, коммунист, дейишди ҳамма.  
 — Коммунистлар мозорига элтингиз!  
 — Дадам, деди — ўғил: Утган куни тез  
 Партия билетин топширган эди.  
 Имом — унда чуқур кўмингиз, деди.

\* \* \*

Бир шогирд нақл этган  
 Сафардаги ҳикоя:  
 Қашқадарёга бордик —  
 Устоз кайфияти зўр,  
 Илҳоми зўр, уни кўр.  
 Топиб — тўқиб сўзлайди,  
 Қўшмас асло ёлғонни.  
 Яхшиликни кўзлайди,  
 Ёмонликни тузлайди.  
 Уни севиб ардоқлаб,  
 Кафтимизда кўтардик.

Кўзидан кўз олмадик,  
Ундан сира бе изн,  
Бирор йўлни солмадик.  
Чўмилишга чорлади —  
Кўнгил очиқ мезбонлар.  
Диллар кундай порлади,  
Ана, кўм-кўк довоңлар.  
Турнатентак — тошқин сой,  
Тўлиб оқар суронга.  
Ййловлардан эсар ел —  
Ором бериб ҳар жонга.  
Қуёш куйдирар ерни,  
Нурда яроқлар тошлар.  
Қишлоқи деҳқон ййгит,  
Сойнинг буйига бошлар.  
— Қани, устоз ечининг  
Сувга ташланг, чўмилинг.  
Майли ечманг «ички»ни,  
Тулқинларда кўмилинг.  
— Нима дединг? Қайтар бир?  
Мен беҳуд чўмилмайман!  
Тулқинга кўмилмайман!  
Бирор иш қилибманми,  
«Ювиш»га келибманми —  
Деди устоз бир айниб.  
Ҳалиги деҳқон ййгит  
Деди бўлиб жуда хит:  
— Ёш нечада, оқсоқол?  
— Етмиш. Сен қари дема!  
— Яшанг, бобб! Энди, сиз  
Чўмилсангиз нимаю  
Чўмилмасангиз нима?!  
Кулгуга тўлди ҳар ёқ,  
Кулгуга тўлди қирғоқ.  
Бир зум қайғусин отиб,  
Олам эди хушчақчақ.

\* \* \*

Устоз дер: Бир ошнам овқат мазасин —  
Билмайди, аччиқми, шўрми ё нордон?  
Мурч сепсанг ошалар палов жиззасин,  
Бир куни сўрадим ундан мен ҳайрон:

— Таомнинг мазаси сенга бегона,  
Қандай роҳат бордир, ахир емишдан.  
Шакар ҳам туз фарқин, айтчи, девона,  
У эса тортинмас бундоқ демишдан:

Ёнма-ён қўяман шакар ва тузни,  
Пашша учиб келиб қайсинга қўнар?  
Тикилиб тураман олмасдан кўзни,  
Бу оддий манзара ҳамма тушунар.

Пашша қўнгани, бу, албатта шакар,  
Чойга, деб авайлаб бетин ёпаман.  
Пашша қўнмагани бу туз, ҳар сафар,  
Патинжон еганда унга сепаман.

Алқисса таъм билмас бир мунаққиднинг  
Алҳазар, қўлига тушиб қолса шеър —  
Фарқиға бормасдан бадийий ҳиднинг  
Қўрқмасдан, хайиқмай мана шундоқ дер:

— Шеър эни бир суям, бўйи бир қарич,  
Еттига ўхшатиш, биттаси жонсиз.  
Олтитаси эса жонли кўрсаткич.  
Ўн тўрт сатр бари — кўйлак, иштонсиз.

Тўртта муболаға: унинг қиёсин —  
Иккитаси тоққа, биттаси боққа.  
Яна бири қайси денгиз жилосин,  
Чиқариб қўядир охир чатоққа.

Уч жонзот тасвири: Булбул, товус, фил,  
Булбул ўттиз фиром, товус тўрт кило.  
Филнинг оғирлиги олти тонна бил,  
Жами: Олти минг тўрт кило, ўттиз фиро...

Сўзи кўпмиллатли: Форсийдан битта,  
Арабча иккита, битта татарча.  
Қорақалпоқча йўқ, ўрисча ўнта,  
Сўнг тахаллус битта, йўқдир ортиқча.

Бу тахлил гўёки чайқовчи уйин —  
Тинтув қилинганда тузилган рўйхат.  
Сиз овқат мазасин билмасни қўйинг,  
Унга бундай дардни берган табиат.

Лек, адабий танқид жабҳасида ҳам,  
Маза билмаслик дард устига чипқон.  
Унга ноаниқдир бу гўзал олам,  
Унга ноаниқдир хазрати Инсон.

Шеър — юрак садоси, тоза дил куйи,  
Ғойибдан бир қалбга тушган оппоқ нур.  
Шеър — дард, шеър — армон, мангулик ўйи,  
Кимки эллаб айтар, унга ташаккур!

## XX

Йўлга чиқдим. Енгил машина  
Елдай учар Андижон томон.  
Гул кўчатин мен эндигина,  
Жойлаштирдим, секин ёнма-ён.

Устоз қолди ортимдан қараб,  
Эҳтиёт қил, кўкласин дея.  
Новдаларин устирган тараб,  
Гулга кўмсин ўлкасин дея.

Тошкент қолди. Жадаллаб кетдик,  
Силкинади оқ гул ниҳоли.  
У билан биз бир гурунг этдик.  
Дардқаш экан шоир мисоли:

Шундай қилиб, адиб қамалди,  
Тухмат эди, ҳеч йўқ гуноҳи.  
Янги либос йиртиб ямалди,  
Гум қилинди илтижо, оҳи.

Танҳо қолдим шаҳри азимда,  
Қалам фақат бўлди йўлдошим.  
Ўксинаман туй ва базмда,  
Тўхтамайди дийдамда ёшим.

Мендан ўзин олиб қочдилар,  
Қанча-қанча дўсту — ёронлар.  
Тақдиримдан фол ҳам очдилар,  
Бошим узра турди бўронлар.

Шеърларимнинг нияти чатоқ,  
Достонларим эмиш паст, забун.



«Душман» дебди қайси бир ўртоқ,  
Умрим эса топармиш якун.

Ҳийимни-ку олдилар тортиб,  
Хизмат жойим бўлди бетайин.  
Гарданимга маломат ортиб,  
Кир қилурлар мени атайин.

Ул жонзотлар ўлмаган хали,  
Ёмонларнинг ошиғи олчи.  
Тузалмайди улар касали,  
Элни алдар риёкор, фолчи.

Шунда етиб келдик Масчоҳ<sup>1</sup>га,  
Машина секинлаб бурилди.  
Тоғлар кирди хорғин нигоҳга,  
Изғиринлар юзга урилди.

Ашт<sup>2</sup> бошланди. Тиниқ ойнадан —  
Чул кўринди: чарчаш, толиқиш.  
Бир хўрсиниш чиқди сийнадан,  
Қайда қолди кулгу, ховлиқиш.

Назар солиб «меҳмон» ниҳолга,  
Ўз гапимни айтаман аста.  
Қолмасин, деб чакки аҳволда,  
Гилдираклар шувуллар пастда.

Ҳа, ҳозир ҳам дўст бор, душман бор,  
Икки кўзинг ошномас чиндан.  
Турмуш иши эмас барқарор,  
Қутилмадик фасод ва киндан.

Истиқлол, деб кўнлар жон берди,  
Мустақиллик ғойибдан эмас.  
Улар асил энг мардлар эрди,  
Номардни эл фарзандим демас.

Амир Темур руҳи нажоткор,  
Юртни қўллар, Ватанни қўллар.  
Юртбошимиз жуда шиддаткор.  
Миллат шаънин дунёга йўллар.

<sup>1</sup> — Тожикистондаги туман номи.

<sup>2</sup> — Сирдарё ёқасидаги бепосн чўл.

Аммо, кўндир шуҳратпарастлар,  
Мансаб отин чопурлар ҳамон.  
Халқин талар назари пастлар,  
Бошларида қуласин осмон.

Шоирларга не учун амал?  
Ўтли шеърин бўлмасми битса?  
Илҳомини қилмасдан қамал,  
Ўз сўзини халқига айтса.

Бизнинг адиб ахир не учун  
Қулгу билан аччиқ йиғлайди.  
Унда ўткир ҳаётий мазмун,  
Баъзиларнинг бағрин доғлайди.

Ахир, унинг умр йўлдоши,  
Ёниб ўтди, келмайди қайтиб.  
Сой тошидай суринди боши,  
Мана, унинг яна бир байти.

«Курашсиз, меҳнатсиз шодлик, қулгуни,  
Ўғирлик мол дейман, қиламан ҳазар».

Ўйларим чўзилди, хоридим,  
Машина тўхтади Қўқонда.  
Қай йил эди мен ҳам бор эдим,  
Кўрган эдим ўша Дўрмонда —

Саида опани сўнгги бор,  
Турар эди ғамгин, наришон.  
Шоир қалби ўзи-ку бемор,  
Дили оғриқ, бағри эса қон.

Кўз олдимда оқ гул сервиқор,  
Жон топгандай бўлди шу они.  
Боқар эдим унга мафтункор,  
— Кетдик! — деди Ал Андижоний —

Тулак ўғли Исмоил шоир,  
Енгил тортдим, ўйим бузилди.  
Кучга тўлиб ботин ҳам зоҳир,  
Чарчоқларим бир оз ёзилди.

— Кетдик, деди Қамчибек Кенжа,  
Шиддат солиб қалбга, кўнгилга.

Энди сира қилмай исканжа,  
Етиб борсак керак манзилга.

Қайда Буз, деб йулга отландик,  
Қандай яхши дўстларнинг сози.  
Шом тушмоқда, биз қанотландик,  
Мағриб узра қуёш пардози.

Мен ҳавога қарадим аста,  
Пора қилиб қалбини фиғон. —  
Оқ булутдан оқ бир гулдаста  
Сузар эди Андижон томон.

## XXI

Қулоғимда руҳ нағмаси, жисмим қийналди,  
Изтиробдан яна баттар дил қиймаланди:

Андижонга олиб кетинг мени дўстларим,  
Қалбингизга солиб кетинг мени дўстларим.

Отам хоки, онам хоки унда азиздир,  
Қирларида, ўрларида улардан издир.

Сингилларим: Наъшидахон интиқ-интизор —  
Ҳам Сайёра, Зиёдаю, Самидалар бор.

Юзларимга суртиб олай киндик қонимни,  
Туфроғига алмаштирай ширин жонимни.

Сойларига, боғларига нигоҳ ташлайин,  
Гулларига термулганда ғазал бошлайин.

Қорадарё сувларига ювай сочимни,  
Қуёшига отай дейман мен қулочимни.

Боғи Шамол<sup>1</sup> кўшки аро топай Бобурни,  
Хўп муқаддас хокини бир ўпай Бобурнинг.

Чўлпон найдо бўлган уйни тавоф айлайин,  
Унинг ҳар бир мисрасига ўзни бойлайин.

---

<sup>1</sup> — Бобур миллий боғи.

Восит, Улфат, Боқир эди аруз мафтунӣ,  
Дардлашамиз, йиғлашамиз қиёмат куни.

Ўз юртимнинг қизи эдим, бир оппоқ гули,  
Сиз мисоли унинг қалби, унинг оқ кўнгли.

Андижонга олиб кетинг мени дўстларим,  
Қалбингизга солиб кетинг мени дўстларим.

## XXII

Эй, оқ гул, оппоқ гул, қиссангни битдим,  
Ҳасратинг кўп экан, ўзимдан кетдим.

Сен ки дардсан, ғамсан, чекеиз аламсан,  
Қўшиқсан, ғазалсан, ўткир қаламсан.

Чамансан бетимсол, она Ватансан,  
Балолар ёғилса темир бадансан.

Боғимда очилиб турсанг кошкийди,  
Гуллар-ла анжуман қурсанг, кошкийди.

Шаббода кафтида елпинсанг эди,  
Ёримни кўрганда селпинсанг эди.

Қаққулар рашиқ этса хонишларингга,  
Булбуллар куйманса ёнишларингга.

Оламни махлиё айласанг арзир,  
Умрни бир рўё айласанг арзир.

Сен руҳсан, ёғдусан, орзусан фақат,  
Сен ишқсан, севгисан, улмас муҳаббат.

Сен армон, сен хижрон, сен соғинч, фироқ,  
Кел, Тулан Низомий юрагига боқ:

Оқ гул, Муқаддас гул, тупроққа сайлан,  
Оппоқ гул, кел энди, мангуға айлан.

*1996 йил, феврал — март,  
Тошкент — Бўз.*

И з о ҳ: Қўштирноқ ичига олинган сатрлар Саида Зуннунованики.

## БОТМАЙ ҚОЛГАН ОЙ

(Лирик қисса)

уч кунлик ой

Кеч кирди.  
Кесилди  
Қуёшнинг дами.  
Улоқчи от каби  
Ҳансирайди ер...  
Лоладек қизорди  
Уфқнинг лаби —  
Чавандоз юзига  
Теккан қон янглиғ.  
Боғларда бошланди  
«Пичир-пичир»лар.  
Гуллар ханда қилди  
Кузларида ёш.  
Ариқча жилдираб  
Бир «гап» ташийди,  
Уни қўзғаб қўяр  
Шаббода бевош.  
Қушлар чулдираши  
Секинлаб тинди.  
Қайларгадир инди  
Тиллақўнғиз ҳам,  
Оқшом чўкди кейин  
Оқ туя мисол.  
Самода юлдузлар  
Чароқлаб кетди.  
Тоғлар чўққисиди  
Уч кунлик ҳилол  
Бетакрор,  
Бетимсол  
Бир ғазал битди.

Уни ўқий дея,  
Шеър тўқий дея  
Тишга чиқди Усмон,  
Бағри эди қон...  
Санаб кетди бир-бир  
Юлдузларни у.  
Адашди,  
Санади,  
Санади тағин.  
Саноғи йўқ экан,  
Адашиб кетди.  
Яна чексиз ҳаёл  
Бутун борлиғин  
Айлади ишғол.  
Чуқур ҳисга ботди  
Сўнг уни элтди —  
Қаро кўйлак кийган  
Сирли қоинот.  
Кўзин ололмади  
Олис самодан:  
Тикилди,  
Тикилди...  
Киприкларида  
Мулойим нуқралар  
Тўкилмоққа шай.  
Кўзин қамаштирди  
Алқисса ҳилол.  
Энтикиб-Энтикиб  
Термулиб қолди.  
Ўтган у йилларни  
Ёдига солди:

«Капалакнинг гул эмганин кўрдим,  
Эслаб кетдим сени, малагим».

Кейин,  
Кейин кўрди  
Осмон четида —  
Порлоқ Чулпонни!  
Нигоҳи ловуллаб  
Ўт бўлиб ёнди.  
Вужуди бир нозли  
Илҳомга қонди.  
Гуллар ураб олди

Унгу сулини.  
Тонг юлдузи! — деди.  
Ай, Чулпон! — деди.  
Сунг унга узатди  
Икки қулини!

#### РИВОЯТ

Бор экану  
Йўқ экан,  
Оч экану  
Туқ экан.  
Бури баковул экан,  
Тулки ясовул экан...

Чин давлати беринда,  
Қадим Турон еринда,  
Фарғона боғларида  
Навбахор чоғларида  
Ер нурга йўғрилганмиш,  
Бир булбул туғилганмиш —  
Чиндан сайроқи бўлиб...  
Қуйи уйноқи бўлиб,  
Ҳаммани лол қилиб у,  
Билмас экан ҳеч уйқу.  
Гунчаларга айтиб сир,  
Учиб юраркан пир-пир.  
Ҳайрон бўлиб жами қуш,  
Ундан урганиб хониш.  
Ғийбатни бошлашибди,  
Қўзларин ёшлашибди.  
Булбул парвойи фалак,  
Ёнсин, дебди бу юрак:

«Тилимни найга жўр этдинг,  
Қўзимга ойни беркитдинг.»

Ҳамма уни тинглабди,  
Овозидан англабди:  
Бу ўша-ку, Усмон-ку!  
Ўша, Усмон Носир — бу!  
Ўша армонли бола,  
Тақдир ёзмиши чала,

Увсик, етимча эди,  
Турмуш аччигин еди.  
Отаси йуқ, бир гариб —  
Онаси-ла саргариб,  
Бири кам бўлиб усди,  
Бошига кўп иш тушди.  
Музтарлик торга-торта,  
Елкасига гам орта —  
Шеърятга берилди,  
Шоирман, деб керилди.  
Оламга сизмай қолди,  
Қуёш сари йўл олди.  
Эрта — кеч ўйлагани,  
Қон ютиб сўйлагани  
Осмон бўлди, ер бўлди,  
Бутун умри шеър бўлди.

#### ХОЛАМБИНИ

— Болам, ёлғиз ўғлим Усмонжон,  
Кўзларимга сен икки жаҳон.  
Кел, айланай гиргиттон бўлай,  
Сен яшагил, менгина ўлай...  
Сағирликни хўп тортдинг, болам,  
Бир кесарсан, сенга хаволам:  
Ўжар бўлма, қайсарликни қўй,  
Итоатни юрагингга туй...  
Шеърларингда ўзгача фикр,  
Феълингда бор ўзгача зикр.  
Отанг ўгай, кўтармайди ҳеч,  
Хушламайди, сени эрта — кеч.  
Нима қилай, болагинам, айт,  
Ўткир гаплар айтмоқликдан қайт.  
Ўртача бўл, кетмагил ошиб?  
Дарё мисол кўпирма, тошиб?  
Ахир, менман сенга бир сирдош?  
Ғанимларинг кўтармасин бош?  
Усмон деди: Онажон, она,  
Яшаш керак, фақат мардона.  
Дилда борин айтаман холос,  
Илҳомимга қилиб зўр ихлос.  
Навоийни, Манрабни билдим,



Фузулий деб бағримни тилдим.  
Пушкин деган бир шоирни ҳам  
Дилга жойлаб олдим чинакам.  
Лермонтовга бўлдим маҳлиё,  
Ҳар сатридан топилди зиё.  
Сунг Чўлпонга бердим қўлимни,  
У кўрсатди менинг йўлимни.  
Душманларим кўпайса э воҳ,  
Менинг учун ковласалар чоҳ.  
О, олдимда пайдо бўлса жар,  
Қалбим нури товланар баттар!..

Шунда она ёлборди куйиб,  
Усмонжонни қучоқлаб, суйиб:  
Ҳали ёшсан, сен бўл эҳтиёт,  
Кимга вафо қилган бу ҳаёт?..  
Усмон яна айлади жавоб:  
Сиз бағримни айламанг кавоб.  
Хижил бўлманг, эмасман гўдак,  
Мен умримни қилмайман эрмак:

«Саноқли кўпларнинг  
Саккиз минг саккизи —  
Кафгимда йилларнинг  
Йигирма бири бор...»

#### ҲАСАД АЛАНГАСИ

- Усмон Носир бошқача ёзур,
- Ҳа, ўзига чуқур гўр қазур.
- Ўйлагани пинҳона бир «гап»
- Сўйлагани эмас дур-садаф.
- Шейрин ўқир у телбанамо.
- Эҳтироси дарёми, аммо.
- Ичар, ичар, ичар пайдар-пай...
- Ичаверсин, ичин ейди май.
- Бирор қизга кўнгил қўймаган.
- Болаликка ҳали тўймаган.
- «Меҳрим» деган шеър тўплами бўш?
- Унда иллат, ҳа, билдингми, хўш?
- Тушкунлик бор, оғмачилик бор...
- Миллат руҳи йиғлайди ночор...
- Чўлпон йўли, услубияти...

- Жулқунбойнинг паст кайфияти.
- У Пушкинни атайлаб бузган.
- «Демон»ни-чи бошқача тузган.
- Мен билмадим, бу қандай шоир?
- Лекин, «Нахшон» асил жавоҳир.
- Бошдан оёқ уни ёдладим.
- Ўқиб туриб мен ҳам «дод»ладим.
- Лекин, унга лозимдир жилов?
- Эплаб бўлмас, у бир ўт-ялов.
- Керак дейман уни қўрқитмоқ.
- Қандоқ қилиб, недан ҳўрқитмоқ?
- Бизни сира илмайди кўзга.
- Мана, сатри, бу — иккимизга:

«Ол, нури йўқ ойингни ол,  
Сўнгра йўқол даргоҳимдан!»

#### ШАЪМА

Тўхта, Усмон!  
Тўхта?  
Шошасан қаён.  
Сенинг қаёнлигинг,  
Бу менга аён!  
Борма!  
Борма!  
Энди!  
Ўқимагил шеър.  
Яшир ёзганларинг,  
Қолсин пинҳона.  
Ҳасад ели эси,  
Куйди замона.  
Сен кимга ёв бўлдинг,  
Биласанми, а?  
Хатоинг ягона,  
Истеъдодингдир.  
Сўзингда кўринмас  
Душманлик асло!  
Қалбингдаги Нур —  
Ғанимга бало!  
Борма!  
Борма!  
Зинҳор?

Ўқимагил шеър?  
Кейин ёдлаб олар,  
Сени бу тарих.  
Кейин ўқиб чиқар  
Сени келажак!  
Тухта Усмон,  
Тухта!  
Ўлим бор!  
Ўлим!  
Усмон бир қайрилди,  
Деди дафъатан:  
«Йулчиман,  
Манзилим денгиздан нари,  
Ложувард уфқнинг тубига яқин!»

#### УЧ

Саҳар кириб келдилар,  
Дарвоза шароқлади.  
Қуюн каби елдилар,  
Усмонни сўроқлади:  
— Шоир қани?  
Уйдами?  
— Тонгда ухлаб қолди у.  
Тун билан ишлади-ку.  
Ёзди,  
Чизди,  
Йиғлади.  
Билмадим,  
Ухлаб қолди,  
Менинг бечора болам!  
— Айт, эй жодугар хотин  
Усмон қани, топ дейман,  
Шоирваччангни?  
Уйгот!

Сунг кирдилар бостириб,  
Эшик тегиб, синдириб:  
— Тур, ўрнингдан, Носиров?  
Мана, ҳужжат, васиқа:  
Усмон ёдига тушди —  
«Нахшон»даги бир лавҳа:  
«Денгиздан денгиз

Буюк Арманистон  
Хукуматининг исмидан  
Қамоқ қилдим.  
Титингиз!»

## ТУН

Тоштурма хонаси лаҳаддан ёмон.  
Уйқуни билмайди Усмон Носир ҳеч.  
Бу туҳмат, бу ёлғон. Бу қандай замон? —  
Дейдию чанқайди, ичи ёнар печ.  
Ўтирар, туради, ётолмас сира.  
Хона тор ҳам пастак, тундай зим-зиё.  
Оғринган кўнгил кир, кўзлари хира...  
Қаёқдан ёпишди унга бу бало?  
Аждаҳо терговчи чақирди яна:  
— Утир, шоир Усмон, сен бўйнингга ол!  
Жулқунбой ҳам, Чўлпон отилур, мана!  
Тирик қоламан деб қилмагил хаёл.

Усмон тошдек қотди. Калтакладилар.  
Жазо хонасида ҳўшдан кетди у.  
Тирноғи остига игна санчдилар  
Ўлимга ўхшарди бу жонсиз уйқу.  
Бирдан чўчиб тушди, сесканди қаттиқ.  
Қулоғи остида милтиқ садоси.  
Юраги уюшди, юраги интиқ,  
Ингроқ эшитилди шоир нидоси:  
Хайр, Чўлпон ака, айрилдим энди,  
Мендан рози бўлинг, мендан-да рози?  
Миллатнинг Сиз каби чинори синди!..

Кейин, кейин тинди Усмон овози.

## ЖАЗО

Усмон қайсар экан, бир сўзли экан,  
Ёлғон саволларга рост жавоб берди.  
Тилимга санчилсин ҳақ сўздан тикан,  
Гуноҳим йўқ, дерди, бу туҳмат, дерди.

Беаёв ташланди жисми қийноққа,  
Руҳан пачоқланди, қиймаланди жон.  
Чиркин лой суркалди ёш бир бўйдоққа,  
Куйди бунда виждон, куйди-ку иймон.

Махсус музхонада қотиб қолди у,  
Ўзига келтириб калтакланди хўп.  
Шоир эҳтироси — энг олий туйғу —  
Ёниб кул бўлди-я мисоли бир чўп.

Шунчалар хор бўлди она юртида,  
Ватан деб куйлаган оташин бир қалб.  
Халқи бор эди-ку унинг ортида,  
Нега беролмади «ёв»га битта зарб?

Қай кундир хонада овозин қуйиб,  
Ёддан шеър ўқирди жўшиб баралла.  
Бирдан назоратчи «ёмонга» йўйиб,  
Тил билмай бақриб деди шу палла:

— Носиров, Носиров, нега бу жойда  
Ашула айтасан, жиннимисан ё?  
Авахта қилайми яна бу ойда,  
Инсонлик сафидан чиққунингча то?!

— Ашула эмас бу, ўз оҳангимда —  
Шеърим ўқияпман она тилимда.  
Ўзбекистон яшар менинг онгимда,  
Мен мангу яшарман туққан элимда.

Ўшқириб сўкинди назоратчи ҳам:  
Бас қил шеърингни сен, овозинг ўчсин!  
— Шеър агар сизмаса, ўт олсин олам!  
Бу замин кўкларга соврулсин, кўчсин!

Билмадим, ўқилган қайси шеър бўлди?  
Душманга тегди у гўё замбарак?  
Англадим, англадим, ёдимга келди:  
Бу ўша шеър, ўша, ҳа, ўша «Юрак».

«Итоат эт, агар сендан  
Ватан рози эмас бўлса,  
Ёрил, чақмоққа айлан сен,  
Ёрил! Майли тамом ўлсам!»

## ШЕЪР НАДУР?

- Кунгил юпанчими?
- Йуқ!
- Соғинчми?
- Йуқ!
- Дустлик аломатими?
- Йуқ!
- Ҳижрон ё айрилиқми?
- Йуқ!
- Севгими?
- Йуқ!
- Қуз ёшларими?
- Йуқ!
- Висолми, висол?
- Йуқ!
- Ота меҳрими?
- Йуқ!
- Она шафқатими?
- Йуқ!
- Туйми, тамошами?
- Йуқ!
- Базми жамшид, кайфу сафоми?
- Йуқ!
- Мартабами ё?
- Йуқ!
- Амалми?
- Йуқ!
- Илтижомми?
- Йуқ!
- Фармонми?
- Йуқ!
- Ҳар хил унвонми?
- Йуқ!
- Иззат, ҳурматми?
- Йуқ!
- Нима бўлмасам?
- Ҳалик!
- Ҳалик надур?
- Миллат!
- Миллат надур?
- Ватан!
- Ватан!
- Ватан!

— Ватанми сайратган?

— Ҳа!

— Ҳа!

— Ҳа!

## МАГАДАН

Магадан,  
Магадан!  
Сенда ўчим бор.  
Сени енгмоқликда  
Менинг кучим бор!  
Усмонни яширдинг...  
Яширдинг қадн?  
Жавоб бер?  
Сўрайман,  
Менинг бурчим бор!

Магадан,  
Магадан!  
Эй қиш ватани!  
Тоғиб бер,  
Сен бугун,  
Усмоним қани?  
Пушкин,  
Лермонтовни билмаган она,  
Аҳли жаҳон кўрсин  
Сен мени тани!!

Магадан,  
Магадан!  
Совуқ сўзликлар?  
Энди тилга кирсин  
Асрий музликлар.  
Энди, ҳушёр туринг,  
Эй шоири чин —  
Усмон Носир каби —  
Ўғил — қизликлар!

Магадан!  
Магадан!  
Сенми аждаҳо?  
Оламни ютгудек,

Эй, коми юҳо..?  
Ким эди ушанда «Халқлар отаси?»  
Сени ёвуз этган  
Ул ёвуз даҳо!

Магадан,  
Магадан!  
Сен — Усмон қабри.  
Сен ўзбек шеърининг  
Жафоси, жабри.  
Сени айлантирур  
Лойқа уммонга,  
Кўз ёшим —  
Бошингда самовот абри!!

Магадан,  
Магадан!  
Ёқангда қўлим...  
Сен Усмон Носирдек энг буюк ўлим!  
На қилай,  
Ерингда ётар экан у,  
Сенга тушиб турар,  
Менинг ҳам йўлим!..

#### ЎНГМУ ЕКИ ТУШ?

#### I

Яна калтакланди. Озор еди тан.  
Яна кўзларига олам қоронгу.  
Изғирин барига чўмди Магадан,  
Оғриқ билан келди кўзига уйқу.

Алқисса туш кўрди: Юрганмиш учиб —  
Чексиз самоларда беозор, майин.  
Чўлпон ҳам учармиш, гоҳ уни қучиб —  
Юлдуз кўпаярмиш юксалган сайин.

Иккиси ёнма-ён учармиш енгил,  
Ойни айланармиш қилиб тамоша.  
Усмон шеър бошлабди тўлиқиб кўнгил,  
Бепоён чексизлик, коинот оша.



Бирдан яқинлашди Жайхун ва Сайхун,  
Зангори бир кенглик секин чайқалди.  
Фарғона водийси... боғ-роғлар гулгун.  
Наманган, Қўқон! — деб садо тарқалди.

Юлдуз йўқ, ой ҳам йўқ, қўрқинч, ваҳима,  
Борлиқ гумбуради, қуёш қорайди.  
Ўрнидан туриб дер: бу нима? Нима?  
Сесканди. Тор хона яна торайди. -

## 2

Кундузи мизғиди беҳол ва чарчоқ,  
Тушида Тошкенту қадим Самарқанд.  
Бир гўзал қиз билан гаплашди узоқ,  
Жойни англолмади, боғ эмиш баланд.

— Усмон ака, ўқинг, яна илтимос?  
— Бекорга ўқилмас эндигиси, ҳа!  
— Тушундим.  
— Яқин кел!  
Сўнг ўпди беҳос...  
Оламни гуллатди икки қаҳқаҳа.

— Бу нима, нимадир, қўйингда?...  
«Бутун умрим сенинг бўйингда.  
Саҳарда қон тупурсам майли,  
Мен Мажнунман, шеърим, — сен Лайли!»

Шу он пайдо бўлди дўсти Назирий,  
Салом! деб қўл берди унга дафъатан.  
Қиқирлаб куларди Амин Умарий,  
Қиз эса шарт туриб жўнади, аттанг!

— Қайга, қайга! — дея югурди Усмон,  
Қиз эса кетарди, боқмай қайрилиб.  
Ичини ўртарди шубҳа ва гумон,  
Дер эди: ишқимдан қолдим айрилиб?

Оғриқ пайдо бўлди, зўрайди тагин,  
Уйғонди, кўзида яна аччиқ ёш...  
Ҳасрат тўлиб-тошди, юрагида кин,  
Бошга урай деса топилмайди тош.

— Усмонжон, келдингми, палов дамладим,  
 Биламан, неча вақт ош емагансан.  
 Сенга бор меҳримни шунга жамладим,  
 Онам-ей, раҳмат, де, ҳеч демагансан.

Онасин кўксига бошини қўйди,  
 Кўз ёшлари оқди сел каби дув-дув.  
 Гўё энди унинг меҳрига тўйди,  
 Шу зум сингиллари кўтарди гулув:

— Акажон, акажон, келдингизми, а?  
 Мунча узоқ ташлаб кетдингиз бизни.  
 Тақдирга ўт тушин, ажратиб қўйса-я?  
 Ахтариб, топмадик Сиз бошган изни.

Шунда пайдо бўлди отаси қандай?  
 Уни сезар эмиш, танимас ўйлаб.  
 — Ўғлим, мен дадангман, эмасман ўтай? —  
 Усмон яқин бормас, бегонасираб.

— Носиров! Сўроққа! Чиқа қол тезроқ, —  
 Қўпол назоратчи эшикни урди.  
 Уйғонди, вужудин босиб қалтироқ,  
 Нур тушган тешикка бақрайиб турди.

## 4

Усмонга, сўз деди — Ҳамид Олимжон.  
 Усмон шеър бошлади. Барча эди жим.  
 Шеър ўқир, шеър ўқир. Портлайди осмон,  
 Шоирга суқланиб термулар ҳар ким...

«Боғларга намозгар  
 Салқини тушди.  
 Гуллар нам баргини  
 Қайирди аста.  
 Офтоб ҳам сув ичар  
 Тоғлардан пастда.  
 Лоладек қип-қизил  
 Ўт шафақ ўчди.»

Ойбек ҳайрат билан тинглайди дилгир.

Кўз ёшин яширди Миртемир андак.  
Чапак чалди кимдир, ҳайқирди кимдир,  
Уйқудан уйғотди гулдурос қарсак.

Кўз очиб сўзланди, алаҳсиради,  
Қотган лабларида сизди совуқ муз.  
Ўрнидан кўзғолиб — зўрға туради,  
Деди: «Мен кўмирга айланган Юлдуз».

### ҚИЙНОҚ

Бугун ишга яна чиқолмади у,  
Қаҳратон совуғи — эллик даража.  
Бригадир дўқ урди: Эҳ аблаҳ, какку,  
Бўйнингда турибди уч ойлик режа!?

Усмон гап қайтарди: — Билганингни қил,  
Оёқ кўтармоққа йўқ-ку, мажолим.  
Яхшиси, от мени, кел, бағримни тил,  
Тан тугади, қолди фақат хаёлим.

Шу он кимдир урди унинг бошига,  
Жазо хонасига сўнг судраб кетди.  
Тишлари урилиб хона тошига,  
Синди, увоқланди, ўзни унутди.

Тонгда ҳушга келди, хаёллари жаъм,  
Сўниқ хотиралар жонланди бир оз.  
Москов. Муса Жалил! Шеър ўқишган дам!  
Улар бир-бирига қўйганди ихлос.

Ойлар ҳам йилларга айланди, эвоҳ,  
Ваҳший панжаларда шоир пажмурда.  
Миллат! Сен эдингми бу «сир»дан огоҳ?  
Усмон Носир қалби бурда ва бурда!

### МАРСИЯ

Навоий кетганда ташлаб дунёни —  
Қуёш куйган эди, ой тутилганди.  
Қора парда босиб чексиз самони,  
Осмондан заминга ҳам қуюлганди.

Амир Темур ўлди, жасорат синди,  
Ватан бошсиз қолди, эгасиз қолди.  
Садоқат ранжиди, муҳаббат тинди,  
Оқибат йўқолди, қадр йўқолди...

Улугбек кўз юмди, юлдузлар сўнди,  
Коинот меҳвари чиқди изидан.  
Тоғлар қулаб кетди, денгизлар тўнди,  
Оталар оғринди ўғил сўзидан..

Бобур вафот этди қирқ етти ёшда,  
Йиғлаб қола берди Андижон зор-зор.  
Машраб кўз ёшидан гул унди тошда,  
Разолат тиклади шоирларга дор.

Ҳамзани тош бўрон қилди жаҳолат,  
Ёвлар хурсанд бўлди, душманлар кулди.  
Фурқатни ҳайдади элдан хиёнат,  
Шароф Рашидовни ҳаётдан юлди.

Беҳбудий, Жулқунбой, бўлди жувонмарг,  
Кетди Фитрат, Ойбек, Гафур Гуломлар.  
Миллат чўкди, аччиқ кўз ёшларга гарқ,  
Тарихга айланди қайғули шомлар.

Чўлпон отилганда виждон ҳам ўлди,  
Шеърят ўқ еди, шеър яраланди.  
Ижод оламига энг қийин бўлди,  
Авлодлар юзма-юз, руҳ қораланди.

Ҳеч кимки, бўлмади Усмон Носирдек,  
Ҳокисору хароб, майиб ва мажруҳ.  
Авлод қараб турди кўрдек, басирдек,  
Қайдин яралганди у қўрқоқ гуруҳ?

Шундоқ, сўндирилди ўт-шоир бола,  
Боиси — истеъдод бўлгани фақат!  
Менинг қулоғимда у чеккан нола,  
Жон берган ҳақиқат, ўлган ҳақиқат!

Ўтган бу ҳақиқат тирилар қачон?  
Қачон озод бўлур, буюк шеърят?  
Мангута айлансин эркин Туркистон,  
Ватан байроғига битилган ният!!

Тожихон қийналиб сўзлар хотира:  
 — Усмонжон кўрмаган қийноқ қолмади.  
 Ҳеч кимнинг бошига солмасин сира,  
 Шоир ҳеч ўлмади, душман толмади.

Биласиз, Магадан об-ҳавосини,  
 Худо қарғаган жой — музлик ўлкаси.  
 Қуёш туққанмикан Осиёсини —  
 Офтоб куйдирадир унинг елкасин.

Маҳбуслар қалтироқ, жони ровоқда,  
 Назорат қилгувчи ивирсиқ, вахший.  
 Кимки ётар экан бунда қамоқда —  
 Дер эди: бу кундан ўлганим яхши.

Қоп-қаро ўрмонда кесарлар дарахт,  
 Қаҳратон қиличи танни кесади.  
 Ўрмон чийиллайди, қулоқлар карахт,  
 Шоҳларни қийратиб шамол эсади.

Заранг новдаларин игнасин санчар,  
 Тирноқлар кучади, панжаларда қон.  
 Ҳамма ўлим истар, руҳини янчар,  
 Оч бўри сингари увуллар ўрмон.

Неча кун Усмонни учратмадим мен,  
 Ўликми, тирикми — билмадим асло.  
 Кимдир деди: уни кўрай десанг сен,  
 Фалон жойга боргил, хушёр бўл, аммо —

— Менинг айтганимни билмасин биров,  
 Бора қол, бу бурда нонларни ҳам ол!

Олдим тугунчамга! Бошимда қиров,  
 Мени бошлаб кетди ватандош хаёл.

Охири тополдим, энг қаттиқ қийноқ —  
 Ҳазо гуруҳига тушган экан у.  
 Хонага кирдим мен, пилчиллар чироқ,  
 Кипригим куйдирди кўзда аччиқ сув:

— Усмонжон,  
Мен келдим,  
Келдим суроқлаб...  
Жавоб йўқ,  
Термулиб турди у фақат.  
Бурда нонни қўйдим эзиб, пачоқлаб...  
Икки қўллаб еди,  
Ғажиди ғат-ғат.

Тикилдим,  
Бор кўнглим,  
Бардошим синди.  
Мени танимади, бир сўз айтмади.  
Жовдир-жовдир қараб жуда укинди,  
Ортиқ тикилмоққа кучим етмади.

Йиглаб,  
Қайтиб кетдим.  
Дардим улғайди.  
Бор гапни сузладим, сўраса биров.

Ой ўтди,  
Бир куни  
Вақт топиб ўнғай,  
Яна бориб етдим,  
Юрак бериб дов.

Ёмғир ёғар эди,  
Совуқ, изғирин.  
Кўзимга кўринди хунук манзара.  
(Қандоқ айтиб берай у ҳолат барин?)  
Ўҳ... Қалбим шилтинди, қонади яра:

Ялангда, ёмғирда, ярим яланғоч,  
Устунга боғланган шоирни кўрдим.  
Кўкка юзин қилиб,  
Дер эди: Қоч! қоч!  
Эсим оғди,  
Тошдай бўзрайиб турдим.

Муз каби ёмғирни ямлар эди у,  
Унинг аҳволини кўрди осмон, ер.  
Баъзан ҳаёлини жамлар эди у:  
Лабидан учарди энг оташин шеър:

«Шундан кейингина мен англадим,  
Ўлим борлигини дунёда!..»

...Тожихон бошқа сўз айтолмади бот,  
Кузларин чирт юмиб қилди бир садо:  
Ватан ва миллатни айланг эҳтиёт,  
Йўқса, дунё сизга қилади жафо!

### КУНДУЗ

Баланд шаффоф осмонда,  
Зангор шарқий томонда.  
Тун бўйи уйқу билмай,  
Кечани кўзга илмай,  
Ерга термулиб турар,  
Чексиз бир хаёл суар,  
Ботмай қолган ой...

Юлдузлар кетур ташлаб,  
Чўлпон ҳам дилни ғашлаб.  
Оқ булутлар тўзган он,  
Уларга бўлиб ҳайрон —  
Ерга термулиб турар,  
Хўрсиниб бир оҳ урар,  
Ботмай қолган ой...

Тўлиб — тўлмаган эди,  
Ўлиб — ўлмаган эди,  
Қўшиқ экан эрмаги,  
Сўнгсиз экан эртаги,  
Ерга термулиб турар,  
Ер бошига нур қуяр,  
Ботмай қолган ой...

Тўймай ёруғ жаҳонга,  
Тўймай Ўзбекистонга.  
Тўймай она меҳрига,  
Тўймай севги сеҳрига,  
Ерга термулиб турар,  
Ерни у мунча суяр,  
Ботмай қолган ой...

Ё, қабрини кўрмоқчи?

Ё, сабрини кўрмоқчи?  
Ё, исмини сўрмоқчи?  
Ё, қадрини кўрмоқчи?  
Ерга термулиб турар,  
Ерга эгилиб турар,  
Ботмай қолган ой...

Айтмас нима дерини,  
Ким билади сирини,  
Ё ўқийди шеърини,  
Унутиб ер жабрини,  
Ерга термулиб турар,  
Ўзича суҳбат қураар,  
Ботмай қолган ой...

Кетолмайди узоққа,  
Бўрон учирган ёққа,  
Урилай, деб чироққа,  
Сас бермоққа қулоққа,  
Ерга термулиб турар,  
Айланиб шунда юрар,  
Ботмай қолган ой...

У дер: — Салом, тупроғим!  
Кўз очган дала, тоғим,  
Тортса-да аччиқ доғим,  
«Унутмас мени боғим?»  
Ерга термулиб турар,  
Кечаю кундуз куяр,  
Ботмай қолган ой...

#### РИВОЯТ

Бор экану йўқ экан,  
Оч экану тўқ экан.  
Бу чексиз олам ичра,  
Ўзбекистон деган юрт —  
Бир ўлка бўлган экан.  
Қуёш экан ўртоғи,  
Нурга тўлган ҳар ёғи.  
Бир томони боғ экан,  
Бир томони тоғ экан.



Саҳролари, чули кенг,  
Гуё осмонларга тенг,  
Дарёлари айқирган,  
Полвонлари ҳайқирган.  
Ғузат мамлакат экан,  
Армони қат-қат экан.  
Қалби кўп куюк экан,  
Дарди зўр буюк экан.  
Куйлашиб мингдан бирин,  
Ошкора қилиб сириш —  
Қушлашиб сайраш экан.  
Йиғлашиб яйраш экан;  
Булбул экан сайроқи,  
Қарға экан қайроқи,  
Чумчуқ экан чийиллоқ,  
Читтаги узун қулоқ,  
Пўпишаги аймағи,  
Тўти экан маймоғи.  
Мусичаси хўп нодон,  
Лайлаги экан ларзон.  
Тўрғай чулдирар экан,  
Бургут гулдирар экан,  
Бойўғли бахил экан,  
Нияти шум, тил экан.  
Сайроқи булбул эса,  
Фақат унга гул эса  
Тўхтамай сайраш экан,  
Сайрашдан яйраш экан.  
Қай кунидир кечаси,  
Жам бўлишиб нечаси,  
Булбулга ташланибди,  
Зўр гийбат бошланибди.  
Чорлашибди бўрини,  
Тулкиларнинг зўрини —  
Ундашибди бу ишга.  
Булбул тушиб нолишга —  
Берилибди хонишга!  
Бир кун тонг маҳали,  
Ғунча очилмай ҳали,  
Булбулни ушлашибди,  
Патидан тишлашибди.  
Қанотларини юлиб,  
Сўнгра яланғоч қилиб,  
Бўрига ташлашибди,

Кузини ёшлашибди.  
Бўри дарров хамлабди,  
Шу заҳоти ямлабди.  
Алқисса, ўз юртига,  
Сира боқмай ортига.  
Кетибди шимол сари,  
Келган экан илгари.

Бор экану йўқ экан,  
Оч экану тўқ экан.  
Булбул сайроқи экан,  
Қарға қайроқи экан.  
Каклик аймоғи экан,  
Тути маймоғи экан.  
Улар сирини билган  
Тулан Низом деган бир —  
Шоир қишлоқи экан.

## ҲУМО

### Д о с т о н

Ўзбекистон муқаддас Ватан, ота-боболаримиз хоки ётган ер, ўзимиз ётадиган ер.

*Ислол КАРИМОВ.*

#### I

Учиб келган Ҳумо куш,  
Кучиб келган Ҳумо куш,  
Бошинг тилломи, кумуш,  
Қушим, хуш келибсан, хуш!

Қанотларинг зангори,  
Тилингда тақдир тори,  
Сенга қалбимда бори,  
Сенга шоир диёри!..

Кўзларинг чақноқ экан,  
Доимо уйғоқ экан,  
Ғам сендан узоқ экан,  
Бахт сенга ўртоқ экан.

Тирноқларинг қиличми,  
Думинг олтин хивичми,  
Парвозинг улуг бурчми,  
Сен шунча қудрат, кучми!?

Сенга ҳеч армон борми,  
Сенсиз Хон, Султон борми,  
Сени демас, жон борми,  
Сенсиз ҳам жаҳон борми.

Кел, мангу боғларда қол,  
Гул очур тоғларда қол,  
Ўлкамга ошиён сол,  
Қуёш мисол, ой мисол!

Кел, сени кўз-кўзлайин,  
Шеър тулпорин теалайин.  
Айтар гапни чўзмайин,  
Кел, бир дoston сўзлайин!

## II

Тошкент қучоғига чўқур эди шом,  
Кузнинг ипак ели тарқатур илҳом,  
Нозли юлдузлардан тўкилур инъом,  
Кўк ичра ой ташур элга аҳтиром,  
Оташин севгидан тебранур майдон,  
Ҳар дилни ўйнатур чексиз ҳаяжон!

Баланд супа узра юртбоши турар,  
Ўз халқин қалбини у ёрқин кўрар,  
Ватан юрагидек юраги урар,  
Ватан юрагидан у қудрат сўрар,  
Оташин севгидан тебранур майдон,  
Ҳар дилни ўйнатур чексиз ҳаяжон!

Қушдек учиб чиқди самога Байроқ,  
Гулдирос қарсақдан коинот уйғоқ,  
Ҳар битта кўнгилда ёқилди чироқ,  
Байроқ булиб қолди бунда иштиёқ!  
Оташин севгидан тебранур майдон,  
Ҳар дилни ўйнатур чексиз ҳаяжон!

Байрам тўрисида бир-бир кўринур,  
Ясавий, Бухорий, шаҳаншоҳ Бобур,  
Беруний, Навоий ва Амир Темур,  
Улар тилга келиб сўзлайди масрур,  
Оташин севгидан тебранур майдон,  
Ҳар дилни ўйнатур чексиз ҳаяжон!

Темур дер: Биз мулки Турон бўлуғимиз,  
Амири Туркистон, Элнинг тўлиғимиз,  
Қадимий миллатнинг энг улуғимиз,  
Туркнинг бош бўғини, шудир йўриғимиз!

Оташин севгидан тебранур майдон,  
Ҳар дилни ўйнатур чекеиз ҳаяжон!

Улуғ ғазал айтиб деди Навоий,  
Менинг авлодларим бу иш киройи,  
Қутлуғ бўлсин Ҳумо — коинот бойи,  
Сиз ила очилсин замон чиройи.  
Оташин севгидан тебранур майдон,  
Ҳар дилни ўйнатур чексиз ҳаяжон!

Янгроқ қўшиқ элти арзу самони,  
Яна тиниқ айлаб тоза ҳавони,  
Ер ҳади билмаган бундай навони,  
Оҳанг қанотида кўринг вафони!  
Оташин севгидан тебранур майдон,  
Ҳар дилни ўйнатур чексиз ҳаяжон!

Хур-хур раққосалар учади пир-пир,  
Гўзаллик зарбидан юраклар зирқир,  
Бунда ёр-ёр айтур туркона кампир,  
Қадим қўшиқларда о, қандайин сир,  
Оташин севгидан тебранур майдон,  
Ҳар дилни ўйнатур чексиз ҳаяжон!

Капалакдек қувнар бунда ҳар бола,  
Гўзал саҳна узра сочилган лола,  
У — Алишер, Бобур, Нодир, Камола,  
Миллатни мангуга қилур ҳавола,  
Оташин севгидан тебранур майдон,  
Ҳар дилни ўйнатур чексиз ҳаяжон!

Сал ўтмай бошланди ёғдудан ўйин,  
Мушакбозлик эмиш — бошда нур қуюн,  
Аланга ичида кўк деган қўйин,  
Дейман, о, қалбим, кел, сен ўтга тўйин!  
Оташин севгидан тебранур майдон,  
Ҳар дилни ўйнатур чексиз ҳаяжон!

Чилдирма овози оламни тутди,  
Карнай садолари бўшлиқни ютди,  
Истиқлол бағрига армонлар етди,  
Ул қаро кунларни Ўзбек унутди!  
Оташин севгидан тебранур майдон,  
Ҳар дилни ўйнатур чексиз ҳаяжон!

Ярим кеча. Шоир Абдулла Ориф —  
 Оқ қоғоз бетига ёзур дил ёриб.  
 Юз бора ўчирар, кўчирар ҳориб,  
 Ҳар сўзни туширар қонига қориб.  
 Шоир ўчмас гулхан, аланга экан,  
 Унинг ёғдулари оламга экан!

Минг йиллар қатига учди хаёли,  
 Уни сескантирди тарих шамоли,  
 Қўзига кўринди Турон аҳволи,  
 Кейин титраб қолди япроқ мисоли,  
 Шоир ўчмас гулхан, аланга экан,  
 Унинг ёғдулари оламга экан!

Юраги орзиқди кўпни билай, деб,  
 Аждодлар тирилди суҳбат қилай, деб,  
 Улуғлар йиғилди, мен ҳам йиғлай, деб,  
 Абдулла боламнинг бошин силай, деб,  
 Шоир ўчмас гулхан, аланга экан,  
 Унинг ёғдулари оламга экан!

Руҳида юксалди бир буюк талаб,  
 Бобур изларидан юрди жадаллаб,  
 Йўлда бошлаб кетди девона Машраб.  
 Шунчалар бўларми тақдири — матлаб,  
 Шоир ўчмас гулхан, аланга экан,  
 Унинг ёғдулари оламга экан!

Шоир чўчиб тушди, қизил Инқилоб,  
 Қийғоч кўзларини айлади селоб,  
 Шўролар — қаҳратон қишдаги офтоб —  
 Ўлкани совутди, айлади хароб,  
 Шоир ўчмас гулхан, аланга экан,  
 Унинг ёғдулари оламга экан!

Икки дарё бўйлаб экилган пахта,  
 Поёндоз бўлганда «катта пойтахтга»,  
 Миллий зугум деди: «Сен мени мақта!»  
 Чин виждон бўлмаса, чин шеър қаёқда?  
 Шоир ўчмас гулхан аланга экан,  
 Унинг ёғдулари оламга экан!

Эркин нафас олди оғриган юрак,  
Қонли курашлардан соғ қолди тилак,  
Армон, армон эди: Истиқлол демак —  
Шоир демак, шеъри рост, ҳалол демак.  
Шоир ўчмас гулхан, аланга экан,  
Унинг ёғдулари оламга экан!

Шаҳдам босиб келур дуркун бир авлод,  
Орзу, ниятлари иллатдан озод,  
Энди Ўзбекистон қураш зур ҳаёт,  
Шоир илҳомлари уни айлар шод!  
Шоир ўчмас гулхан, аланга экан,  
Унинг ёғдулари оламга экан!

Тонготар очилди шоир эшиги,  
Мутал Бурҳон келди сойдаш тошиқиб,  
Ориқ бармоқлари куйлар ошигин —  
Қуёшга кўтарди Ватан қўшигин:  
«Улуғ халқ қудрати жуш урган замон,  
Оламни маҳлиё айланган диёр».  
Шоир ўчмас гулхан, аланга экан,  
Унинг ёғдулари оламга экан!

#### IV

Нақшбанд тупроғи олий зиёрат,  
Юртбоши кўксида руҳлар тўлқини.  
Фикрини тортади кумуш иморат,  
Зарҳал ёзувларда кўнгил ёлқини.

Садо келди: «Дил ба ёру даст ба кор».  
Бир лаҳза ўйлади, юраги тошди.  
Азиз саждағоҳни эъозлаб минг бор,  
Обод айламакка паймони ошди.

Секин пичирлади: Бу чексиз мазмун  
Авлод-аждодаларга қилуркан нидо:  
Тўрт мучанг соғ эрса, ақлинг ҳам бутун —  
Қўлинг ишда бўлсин, дилингда Худо.

Кун ўтди, ой ўтди, ҳафталар ўтди,  
Чаманга айланди Пир ётган бу жой.  
Ул зотнинг уйлари, ҳа, энди битди,  
Кундуз қуёш сийлар, кечалари ой.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотида,  
Ўзбекистон номи қарор — хатида.  
Бу хабар тарқалди Нур қанотида,  
Ҳилпира, Байроғим!

Бу хабар тарқалди, олам эшитди,  
Неча Хондамирлар тарихга битди;  
Қуллик занжирларин ўзбек итқитди,  
Ҳилпира, Байроғим!

Ота-боболарнинг руҳи шодланди,  
Ўзбекнинг ўчмаган номи ёдланди.  
Соҳибқирон Темур яна отланди,  
Ҳилпира, Байроғим!

Сирдарё бўйида бошланди тўйлар,  
Ҳар дамда сўйилди ҳисорий қўйлар.  
Ўзбекистон тенглар ичра бўй-бўйлар,  
Ҳилпира, Байроғим!

Яна чилдирманинг тантанаси бор,  
Ноғора тинмайди, карнай ларзакор.  
Меҳнат, қўшиқ билан халқим бахтиёр,  
Ҳилпира, Байроғим!

Мен эса хонамга чўкаман шу дам,  
Қоғозга қувончим тўкаман шу дам,  
Тақдир манглайдан ўпаман шу дам,  
Ҳилпира, Байроғим!

## VI

Байроқ ҳилпирайди нилий самода,  
Уни эркалайди майин шаббода.

Унга термулади ҳар ўткир нигоҳ,  
Киприклар найзаси намланур гоҳ-гоҳ.

Юрак дук-дук урар, қалба эҳтирос,  
Озод Ватан ўғлин нигоҳи олмаос.



Эгнида либоси ярашган, башанг,  
Ялангбош, юзлари тўлишган, яшанг:

Лабида табассум, аъло кайфият,  
Унга насиб этмиш энг Олий Ният.

Юртбоши тикилди юксак Байроққа,  
Хурсинди, хаёли кетди йироққа.

Байроқ ҳилпирайди, еллар ўйнатар,  
Эркин қувнар гуё мовий кабутар.

Мовий ранг — тириклик, ҳаёт тарзидир,  
Беғубор оппоқ ранг поклик рамзидир.

Яшил ранг ҳамиша Умид тимсоли,  
Ҳам қизил чизиқлар қондир мисоли.

Яримой тасвири — Истиқлол шони,  
Ўн икки юлдузда миллат иймони.

У ўйлай, ҳилпирар, ҳилпирар Байроқ,  
Киприқлар пирпирар, ҳислари булоқ.

Юртбоши кўзида Ўзбекистони!  
Жисмидан яратган ўз Онажони!

Рўмолчасин олиб, у сал эгди бош,  
Кўзларига келган эди ёш.

## VII

Муҳташам кошона. Халқ фарзандлари  
Заковат кўрсатар Олий Анжуман.  
Унга зўр вакиллар — ўз дилбандларин  
Юбормиш ҳар битта вилоят, туман.

Мадҳия куйланур: унинг садоси,  
Муаззам бинога сиғмай кетади.  
Ватан болаларин жўшқин навоси  
Узоқ-узоқларга бориб етади.

Пойтахт қулоқ тутур баланд авжига,  
Бахтлар водийсин қоплайди оҳанг.

Сир, Аму чулгонур нурли мавжига,  
Қулоқлар остида сўзлари жаранг.

Баралла эшитур далада деҳқон,  
Ишчи юрагида ҳаяжон, ҳавас.  
Қўшилиб куйлайди қирларда чўпон,  
Менга-чи, бу қўшиқ менга муқаддас.

Ахир, эрк нимадир, озодлик нима?  
Унинг ғуруридан бебахра ўсдим.  
Мустақил бўлмаган юрт сувда кема,  
Унинг замзамига мен ҳам фарқ тушдим.

Шеъримнинг мазмуни, шакли ўзгарди,  
Ёлгон туйғуларга бўлдим-а, асир...  
Ҳатто ўз динимдан руҳим тўзганди,  
Аммо виждонимга қилмади таъсир.

Ҳеч учмас ҳодисот: Миллий Истиқлол!  
Унинг қўшиғини куйлайман жондан.  
Юрагим ёнганда қуёни мисол,  
Қаёққа кетаман Ўзбекистондан.

Бутун халқ куйлайди, унга жўр бўлиб,  
Оташин Юртбоши куйлар мардона.  
Миллат ўз қўшиғин айтади тўлиб,  
Уни тинглар энди замин, замона.

Мен куйлаб, қувониб айтаман достон,  
Тилимда умрбод шу бўлур такрор:  
«Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,  
Оламни маҳлиё айлаган диёр».

## VIII

Қадимдан қадимий Шаҳри Туркистон,  
Бунда покизадир Ер билан Осмон.  
Аҳмад Яссавийнинг муқаддас жойи,  
Бунда товланади руҳлар чиройи.  
Ҳар бир тош, ҳар гиштдан тўкидур оят,  
Ҳар бир кафт тупроғи қилур иноят:

Бунда яшамоқда ўлим билмас жон,  
Кел, уни тавоф қил, бегуноҳ Инсон.  
Улуғ зот қошида бир ўйлан, поклан,

Ғафлатни от, энди, тавба қил, оқлан,  
Қабр теграсида Қозоқ ва Ўзбек,  
Унга термулади гўё бир кўздек.  
Оғир сукут сақлар пинҳон сағана,  
Икки азим давлат бошчиси — ана —  
Бош эгиб турибди хаёлга ботиб.  
Ислоом ака деди секин сўз қотиб: —  
Нурсултон, биз киммиз, оғайни, айтгил,  
Қўлни бер, имзо чек, Ҳақ сўзни битгил,  
«Қуръони Карим»га қўяйлик юзни,  
Тез келсин, чорласак, туркман, қирғизни,  
Бир тан бўлиб турсин Турон замини,  
Бизни англаб қўйсин иймон замини.  
Мақбара жонланиб кетгандай бўлди,  
Кўзларга диёнат ёшлари тўлди.  
Лабларга урилди енгил шаббода,  
Икки миллий Байроқ уйнар ҳавода.  
Қуёш сочар эди зарларин мўл-кўл,  
Тобора жипсе эди икки Буюк Қўл!

## IX

Тун оғиб бормоқда. Ишлар Юртбоши.  
Кўп қават бинода ўчмайди чироқ.  
Тинч ухлаб ётибди олам қуёши,  
Юртбоши уйғоқдир. Истиқлол уйғоқ.

Завод, фабрикалар тун бўйи ишлар,  
Ватан ҳудудида ўғлонлар сергак.  
Ишчи Мурунговда олтинни гиштлар,  
Мус тақиллик ила уйғоқ ҳар юрак.

Бул кеча қайси бир адиб ё шоир  
Тўлиб ёзаётир ўлмас шоҳ асар.  
Қай рассом эжанки санъати нодир,  
Истиқлол суратин қалбига чизар.

Бу кун республика солномасини  
Қай олим элтадур абадиятга.  
Кимки яратолса ўз номасини  
Етадур муродга, эзгу ниятга.

Юртбоши тарихни секин варақлар,  
Яқин ўтмишни у келтирар кўзга.

Шароф Рашидовдан нени сўроқлар,  
У мангу сукутда келолмас сўзга.

«Қодирий ой каби тutilганида,  
Шеър кўкин чақнатди. Чўлпон бир ялов.  
Фитрат, Боту ўқдан титилганида,  
Ўртоқ Усмон Носир ёнарди лов-лов.

Юртбош хаёли чўзилди яна,  
Қалам ётиб қолди қоғоз устида.  
Қайда пайдо бўлур миллий пўртана,  
Нималар пинҳондир унинг остида.

Ўшнинг фожеаси, Қувасой иши,  
Паркентда тўкилган беғуноҳ қонлар.  
Бариси, бариси ганим қилмиши,  
Унга аён эрур шубҳа, гумонлар.

Бир кун нажот тилаб келганди дарднок,  
Одил Полвон деган ўзганлик шоир,  
Уни тинглар эди Юртбоши чанқоқ,  
Шоир дер ўртаниб ботину зоҳир:

«Ўзганга чўғ тушди, ёнур бир ҳафта,  
Ху, Қорахонийлар бағри эзилди.  
Мен Сизга интилдим, югурдим шартта,  
Оналар кўзида ёшлар тизилди.

Етилган неча қиз оқди дарёда,  
Отилган чолни-да ким ҳам сўрайди.  
Шундай шафқатсизлик борми дунёда,  
Бизга, Ислом ака, олам торайди.

Ўт қўйди менинг зўр кутубхонамга,  
Китоблар кул бўлди, чўғлар гул бўлди.  
Тонгларда йиғладим марҳум онамга,  
Дедим: отам, онам, ҳа, энди ўлди.

Оловга айланди «Қуръони Карим»,  
Бухорий Ҳадиси ўрлади кўкка.  
Азиз Гиждувоний кўнглидир ярим,  
Яссавий қабрида турди-я тикка.

Улуғ Фирдавсийнинг «Шоҳномаси» кул,  
Навоий, Лутфий ҳам аланга ичра.

Бобур қочиб чиқди миниб бир дулдул,  
Бобораҳим Машраб шеър уқир пичраб».

Чингиз ога деди: «Бу недир, нима?  
Кимнинг араваси уйнатур ларзон.  
Қирғизни Ўзбекка сен ганим дема,  
Эртага ҳамма гап бўлади арзон.

Туркнинг йигитлари қай монанд деса,  
Алпомиш, Манасни айтдик мутлақо.  
Улар бургут эди, бургутлар эса,  
Бир-бирин қўзини чўқимас асло».

Юртбоши фикрида минг битта савол —  
Муаммолар юзин очур бехато,  
Айримлар бор, улар эмасдур ҳалол,  
Уларга не керак, олтин ва мато.

Ҳамиша ҳамрўзи изма-из юриб,  
Элга содиқман, деб онт ичганлар бор.  
Улар метин сафда тинкаси қуриб,  
Халқ ичра йўқотмиш виждон, номус, ор.

Яна ялтоқланур баъзи юзсиз зот,  
Виждон либоси-ла ясанган шайтон.  
Мансур, Мажиддинлар ҳали барҳаёт,  
Уларнинг бошида синсайди осмон.

Дўстлар дўстман дейди, эмаслар ҳушёр,  
Чанга ботирарлар турмуш ойнасин.  
Ҳар қанча айтса ҳам Юртбоши такрор,  
«Барака тоғурлар, виждон қийнасин!»

Президент хонаси — мамлакат қалби,  
Ҳужжатлар қалашган, кетма-кет хабар.  
Турмуш ташвишлари: Ижобий, салбий.  
Эртага бошлайди дунёга сафар.

Кеча тоғ қишлоғин сел қилди хароб,  
Ғўза ниҳолларин уриб кетди дўл.  
Орол танасида ғужғондир сароб,  
Денгиз асрамоққа борми бизда қўл?

Қондош Тожикистон тупроғида ўт,  
Бир учқун аланга олмоғи мумкин.

Аму гирдоблари, сен оловни ют,  
Унинг аждар тили фасод ҳамда кин.

Юртбоши ўрнидан турди астойдил,  
Пойига пойандоз тушади оқ тонг.  
Қашқадарё бўйлаб отланди дадил,  
Ғафлат қола берди бўлиб ҳангу манг.

Сунг Сурхон кенлиги, Хоразм тараф,  
Қорақалпоқ ери интиқ кутади.  
Меҳнаткаш водийда дейди, нима гап,  
Келгуси ҳафтада унга ўтади.

Мен эса шоирлик бурчим, деб яқсар,  
Қаламим йўнаман илҳомга қониб.  
Юксак туйғулардан юрагим титрар,  
Достон давомини битгум тўлғониб.

## X

Самарқанд. Иш билан тугади кундуз,  
Кеч кирди. Президент кўнгли чароғон.  
Ҳавас-ла термулди. Кўк тўла юлдуз,  
Пасайиб қолганга ўхшайди осмон.

Тип-тиниқ коинот. Сузар тўлин ой,  
Тенгсиз жамолида бир доғ сезилди.  
«Ойда ҳам доғ бор-а» — деди, ҳойнаҳой,  
Ичга кириб кетди. Секин чўзилди.

Оппоқ пар болишга ёнбошлади у,  
Киприклар учига уйқу илинди.  
Тун кўрди. Тулпорнинг устида ёғду —  
Амир Темур экан, аниқ билинди:

— Менинг шаввоз болам, юмушлар нечук?  
Рухият оламин тола айлангиз...  
Ватан Сизга ҳамда мен битган тузук,  
Миллатни энди, Сиз дилга жойлангиз.

Қадимий душманлар ўлмаган ҳали,  
Улуғ Турон юртни қилурлар ҳавас.  
Тупроқ қонга тўлган бизлар маҳали,  
Унинг вужудидан отилади сас:

Менга нажот беринг, ўзликни беринг,  
Абадий чаманзор айланг қучоғим.  
Эл аро эркинлаб шодумон юринг,  
Юксалсин, юксалсин, қирларим, тоғим.

Эрталаб йиғилди кескин анжуман,  
Нуқсонлар беаёв юзга айтилди.  
Боболар угити, Ота халқ, Ватан,  
Тақдир каломлари қатъий битилди.

Қайтмагай ортига ўтган замонлар:  
Ой янглиғ юз очди қадим армонлар.  
Келди Мустақиллик — даври давронлар,  
Бу бахтни кўрмаган не-не хоқонлар.  
Халқимни оламда бор қил, худойим,  
Асил фарзандларни асрагил доим!

Ўзлигин кўрсатур энди ўзбегим,  
Амир Темур эди менинг ўзлигим.  
Улуғ Навоийдек улуғ сўзлигим —  
Беруний, Шоҳ Бобур, Шоҳ Улуғбегим,  
Халқимни оламда бор қил, худойим,  
Қодир фарзандларни асрагил доим!

Бухорий, Яссавий, Нақшбандга боқ:  
Уларнинг хокидан уйғоқ бу тупроқ.  
Тарихим қати — қон, қондир ҳар ҳароқ.  
Ҳар битта сатрида алам, дард, фироқ.  
Халқимни оламда бор қил, худойим,  
Содиқ фарзандларни асрагил доим!

Байроғим ҳилпирар бахт, бардош бўлиб,  
Ёғдуси қувончдан кўзда ёш бўлиб.  
Жасур йўлбошчига у йўлдош бўлиб,  
Мангу ярақлайди бир куёш бўлиб.  
Халқимни оламда бор қил, худойим,  
Шонли фарзандларни асрагил доим!

Амиқою Олмон, Чинда овози,  
Фаранг, Ёпон, Ҳинд ҳам ундан кўп рози.  
Дўстлик садоқати — дилда эъзози,  
Лочиндай шиддаткор, юксак парвози.  
Халқимни оламда бор қил, худойим,  
Хақгўй фарзандларни асрагил доим!

Ҳасадгўй, ғаразгўй кимсалар ҳам бор,  
 Ҳамиша уларда кўп ёлғон шиор.  
 Ислон оға бордур — тинчлик барқарор!  
 Ўзбекистон пойдор, эли бахтиёр!  
 Халқимни оламда бор қил, худойим,  
 Ботир фарзандларни асрагил доим!

Саробга айланди ганимлар фоли,  
 Элга маълум бўлди уларнинг ҳоли.  
 Аслида ким улар, нима аъмоли?  
 Мардона ўғиллар Ватанга тоъле!  
 Халқимни оламда бор қил, худойим,  
 Жасур фарзандларни асрагил доим!


Деҳқонга меҳрибон, боғбонга ҳамдам,  
 Шоирга илҳому олимга чидам.  
 Гўдаклар тинч ухлар, она кўрмас ғам.  
 Чоллар мамнун яшар, йигитлар ўктам.  
 Халқимни оламда бор қил, худойим,  
 Ғамхўр фарзандларни асрагил доим!

Эркин юракларга имон Ватандир,  
 Тоza кўнгилларга дармон Ватандир.  
 Ҳалоллик қасрига посбон Ватандир,  
 Озод, хур Туркистон, Турон — Ватандир,  
 Халқимни оламда бор қил, худойим,  
 Толмас фарзандларни асрагил доим!


Элим деб, юртиб деб яшагил ёниб, —  
 — Дейди йўлбошчимиз тўлиб, қувониб.  
 Мен уни тинглайман, англайман қониб.  
 Ҳар куни сўрайман тонгда уйғониб;  
 Халқимни оламда бор қил, худойим,  
 Нодир фарзандларни асрагил доим!

Она Ўзбекистон, бошингда Ҳумо,  
 Меҳру муҳаббатинг юрагимга жо.  
 Сен борсан — мен борман, тирикманки то —  
 Кўксимда Қуръоним, қилгум илтижо:  
 Халқимни оламда бор қил, худойим,  
 Менинг Юртбошимни асрагил доим!





РУБОУЧЛАР



## РУБОИЙЛАР

\* \* \*

Ерни ўп, зарраси кузинг қораси,  
Унинг нафасидир дил таманноси.  
Сен Ватан боласи, халқ дардини ол,  
Сен, ахир, шу юртнинг бир фуқароси.

\* \* \*

Кўнгил тиниб қолса, сен дарёга боқ,  
Ўзлигинг йўқотсанг, сен дунёга боқ.  
Мозорни тавоф қил, бозорни айлан,  
Ғафлатни қувиб сол, ҳушёр бўл, ўртоқ.

\* \* \*

Тегирмон тошидай айланур дунё,  
Биз унга солинган донлармиз гўё.  
Чархнинг ҳийласига чидаб доимо,  
Ўлим нелигини билмаймиз асло.

\* \* \*

Дунё нима ўзи, сирини қаерда?  
Ўша, кам дейилган бири қаерда?  
Тулан Низом боши ердай айланур,  
Уни биладиган пири қаерда?

\* \* \*

Нелар ўтиб кетди, қаро ер тўймас,  
Жаҳолат гирдибод қилишин қўймас,  
Тулан Низон кулар ўз аҳволига.  
Дунёда яшамоқ базммас, тўймас.

\* \* \*

Иймон, виждон қани, қайдан топамиз,  
Эътиқод, ихлос, деб қайга чопамиз.  
Қандоқ яширамиз нуқсонни элдан,  
Ойни этак билан қандоқ ёпамиз.

\* \* \*

Биз яшнаб турибмиз лола гул янглиғ,  
Олам яшармоқда бола гул янглиғ.  
Тулан Низом гафлат селидан қочар.  
Ўсар кўксимизда нола гул янглиғ.

\* \* \*

Ҳамиша айлади имтиҳон тақдир,  
Мен каби бечора, бағри қон тақдир.  
Тулан Низом ёруғ манглай эмаами,  
Бу осмон остида саргардон тақдир.

\* \* \*

Тамошамга қолган, эй юксак фалак,  
Дунё уйинига чаласан қарсак.  
Тулан Низом дейди: нолам эшитмас,  
Залворли бу замин гўё бир кесак.

\* \* \*

Аввал элга рөст бир руҳпарвар керак,  
Дилга ёғду бир шамси анвар керак.  
Тулан Низом деди: Она Ватанга  
Адолат ҳомийси — бир сарвар керак.

\* \* \*

Элга наф берувчи дарё бўлолмадим-ов,  
Ё онам пойига бўрё бўлолмадим-ов.  
Тулан Низом дарди тилланур гоҳо:  
Ёримнинг бошида Ҳумо бўлолмадим-ов.

\* \* \*

Улуғ саждагоҳдир бу азиз ерлар,  
Биздан-да огоҳдир бу азиз ерлар.  
Тулан Низом, ўйлаб қадам бос, тўхта,  
Кўп ўткир нигоҳдир бу азиз ерлар.

\* \* \*

Еллар ўйинига қолди яшил барг,  
Сокинлик, сукутни у айлади тарк.  
Пишиқ новдаларга вафо қилмасдан,  
Шамоллар кафтада бўлди жувонмарг.

\* \* \*

Тухмат тоши тегса, синади фалак,  
Ер чиппа айланиб беради дарак.  
Э, Инсон, инсонни авайла мудом,  
Битта нохуш сўздан тинади юрак.

\* \* \*

Э, одам, одамга сунма ёмонлик,  
Ёмонлик қилганга йўқдир омонлик.  
Унда ҳам руҳ бордир, бир кўнгил бордир.  
У ҳам бир мусулмон, бизнинг томонлик.

\* \* \*

Эй руҳим, қайларда кезасан гирён,  
Муҳаббат даштида овора, эй жон.  
Сен каби оламда бир вафо излаб,  
Тулан Низом қалби лахта-лахта қон.

\* \* \*

Қачон тиним топур бу афғор кўнгил,  
Тутун кун йиғлайди зору зор кўнгил.  
Тулан Низом жонин олган ким дема,  
Мавжланур дарёдай келса ёр кўнгил.

\* \* \*

Кимлар бадавлату ким яшар муҳтож,  
Кимлар тубан, кимнинг боши узра тож.  
Тулан Низом йиғлар: тақдир турфа ранг,  
Шул боис бу замин топмади ривож.

\* \* \*

Уйғоқ кўзим осмонга тушди шому шаъб,  
Бодраб ётур сочилиб нурафшон кавкаъб.  
Тулан Низом рўмолча олди-да, титраб,  
Кўз ёшларин артди Зухрога қараб.

\* \* \*

Ёра юрган кўчаларда изим қолди,  
Унга битган хатларимда сўзим қолди.  
Ошиқ Тулан Низом деди: фақат энди  
Парвардигор ато қилган тузим қолди.

\* \* \*

Ватан — онамиздир, номидир Ўзбекистон,  
Ер — гулхонамиздир, номидир Ўзбекистон.  
Тулан Низом деди: гар улсак қабримизни —  
Тагию, устию, тоmidир Ўзбекистон.

\* \* \*

Эй, хирадманд, келгил, менга-да кўз бер,  
Ростини сузлаб бер, бир аччиқ суз бер.  
Тулан Низом умри утмасин бекор,  
Ватан ўгли, деган ўзлик бер, ўз бер.

\* \* \*

Айт, қачон келасан инсофга, диёнатга,  
Ичинг тўлиб иллатга, ўрандинг хиёнатга.  
Тавба қилсанг булмасми, гаровда яшайсанми,  
Ақлингми зиёнатга, жонингми омонатга.

\* \* \*

Душманга душманлик кучини кўрсат,  
Ғанимга ғанимлик ўчини кўрсат.  
Номардга мардликнинг кудратин билдир,  
Дўстинга дўстликнинг бурчини кўрсат.

\* \* \*

Ёмонга ёмон бул, яхшилик қилма,  
Уни тузатай деб, бахшилик қилма.  
Яхшини авайла, яхши феълин ёй,  
Дилин огритмагил, ваҳшийлик қилма.

\* \* \*

Улуғлар шаънига хунук сўз айтма,  
Ҳар жойда валдираб гуноҳга ботма.  
Ҳасад милтиғини олма қўлингга,  
Оғзингдан қон келиб хокисор ётма.

\* \* \*

Бировлар айбини дейсан ҳар қачон,  
Ўз айбинг улардан ёмондир, ёмон.  
Тилингдан сўрганми заҳарли илон,  
Қалбингда яшарми ё битта шайтон.

\* \* \*

Қани, қани, кўзлари чўлпон қани,  
Гул юзларин ранглари алвон қани.  
Тўлан Низом дунёни хасча кўрар.  
Ишқ қани, ўлмаган жонон қани.



\* \* \*

Назмим менинг бағримдаги аланга,  
Кукка урлар сира сизмай танамга.  
Тулан Низом, юрагимни эзмагил,  
Умрим йиғлаб утар бўлди қаламга.

\* \* \*

Дунёга келганлар кетди ердан ўпкалаб,  
Тақдир тулпорлари босганида тепкилаб.  
Тулан Низом, билгил, сен ҳам бир куни  
Улар орқасидан боргунг шошиб, чопқилаб.

\* \* \*

Баҳор келди яна, ёшариш яна,  
Кўнгилга лолалар, гуллар кўрмана.  
Тулан Низом деди: минг қуллуғ баҳор,  
Ташнавор қалбимда буюк тантана.

\* \* \*

Тошга бош урмагил, тош ёрилади,  
Беғуноҳ қонингга тош қорилади.  
Тулан Низом шеърин ўқима асло,  
Дунё зориллайди, ер зориллайди.

\* \* \*

Тошкент — пойтахтимиз — миллий кўркимиз.  
Самарқанд, Бухоро — бошда бўркимиз.  
Авлиё боболар хоки шундадир,  
Шундан зеболанур қадим Шарқимиз.

\* \* \*

Инсоф, диёнатдир — жаҳон байроғи,  
Тинчлик саодатдир замон байроғи.  
Меҳри қалбимизда жуш урган сайин —  
Юксаладур Ўзбекистон байроғи.

\* \* \*

Севги қўли бошингни силади бир чоқ,  
Сен бўсанинг юзига урдинг шапалоқ.  
Тулан Низом гафлатда чекди надомат:  
Энг буюк туйғуга туфладинг аҳмоқ.

\* \* \*

Севги тутқундайди, юрак маҳкум эди,  
Бўса йироқ эди, кунлар машғум эди.  
Тулан Низом қалби соғинч Ватани,  
Кўзлар йиғлоқ эди, диллар маъсум эди.

\* \* \*

Ўзбекистон гуллади чаман-чаман,  
Ойдай юзи кулади чаман-чаман.  
Тулан Низом қалби юрт била обод,  
Ундан илҳом келади чаман-чаман.

\* \* \*

Кўз тўймас фирибгар, лекин топар пул,  
Аждардай нафсини охир ёпар пул.  
Тулан Низом билар уни оқибат,  
Қутурган ит бўлиб бир кун қопар пул.

\* \* \*

Сен тулки феъллисан баттол, мунофиқ,  
Аждаҳо келолмас Сенга мувофиқ!  
Тулан Низом деди: жаннат йўқ сенга,  
Дўзахни дема сен, дўзах ҳам ёпиқ.

\* \* \*

Намозу Исломдан мен лоф урмасман,  
Тақводор, гапингга сира кирмасман.  
Тулан Низом сендай мақтанчоқ эмас,  
Сен юрган йўллардан асло юрмасман.

\* \* \*

Мунча ҳам ботқоққа ботибсан, тавба,  
Лойдаги тош янглиғ қотибсан, тавба.  
Тулан Низом билар кир ишларингни,  
Оёғим остида ётибсан, тавба.

\* \* \*

Баланд-баланд тоғларни кўрдим, кўп экан,  
Чаман-чаман боғларни кўрдим, хўп экан.  
Тулан Низом, қочгил гумроҳ элидин,  
Нодонлар кўп экан, ҳар ерда тўп-тўп экан.

\* \* \*

Кўкда ой яримта, кўнгил яримта,  
Соғинч кундай тўла, кўнгил яримта.  
Тулан Низом ҳижрон ўтида кўлдир,  
Ёрсиз сўз яримта, бу тил яримта.

\* \* \*

Онадан туғилдим мен армон бўлиб,  
Ўтиб борадурман ошиқ жон бўлиб.  
Тулан Низом умри дарёдай ўйчан,  
Термулиб турибман мен ҳайрон бўлиб.

\* \* \*

Текинхурнинг миллати йўқ, ёши йўқ,  
Эл ичида обрўйи йўқ, тоши йўқ.  
Эй меҳнаткаш, суғуриб ол тишини,  
Қорни бору мияси йўқ, боши йўқ.

\* \* \*

Устоз кўрмаганни юриши хунук,  
Авзойи хунукдир, туриши хунук.  
Тили сўзга келмас, кулгуси дағал,  
Эл ичра бир суҳбат қуриши хунук.

\* \* \*

Шоирлар мажлиси — ҳислар тўфони,  
Ўткир туйғуларнинг тинмас бурони.  
Унда олам тирик, она-Ер, уйғоқ.  
Унга эришолмас дунё султони.

\* \* \*

Олимлар йиғини — пирлар йиғини,  
Дунёда номаълум сирлар йиғини.  
Сен унга бора қол, қулоқ тут маҳзун,  
Бир дам қайраб олгил, ақлинг тигини.

\* \* \*

Дарё булай десанг, қирғоқларинг йўқ,  
Туфон булай десанг, тулғоқларинг йўқ.  
Тулан Низом битган рубойни кўр,  
Нечун кўзларинг йўқ, қулоқларинг йўқ.

\* \* \*

Ким моли зиёда, масжидга бино қуарар,  
Бу нур кошонасин албатга худо кўрар.  
Қурганга ўлим йўқ, охири қиёматда —  
Бино меҳробида ул ўзи танҳо турар.

\* \* \*

Кўзларинг риёкор, тилларинг алдоқ,  
Юрагинг кир экан, бўлибмиз ўртоқ.  
Тулан Низом дейди: телба дунёда  
Билмадим, сен аҳмоқ, ёки мен аҳмоқ.

\* \* \*

Мушкулларим осон бўлсин, йўлим яхшироқ,  
Рубойга қалам тутсин қўлим яхшироқ.  
Тулан Низом сўзи қолса элига етмай,  
Ўлим яхши, ўлим яхши, ўлим яхшироқ.

\* \* \*

Боғ аро гуллар узиб эсдинг, шамол,  
Бандидан барглари сен кесдинг, шамол.  
Тулан Низом деди: кўнгил оғриди...  
Тошга тег, синсин сенинг дастинг шамол.

\* \* \*

Бир осмон остида яшаймиз бирга,  
Лек, ақлим етмади у қилган сирга.  
Тулан Низом ҳайрон деди: сен каби —  
Унинг ҳам гуноҳи сизмасди ерга.

\* \* \*

Бу даштлар, чўллардан қарвонлар ўтган,  
Улар елкасида замонлар ўтган.  
Тулан Низом сокин одимлар бундан —  
Амир Темур деган қиронлар ўтган.

\* \* \*

Дунёнинг иши шу: ўнг-терс айланма,  
Уни англай дея мардум, шайланма.  
Тулан Низом каби ҳўнгираб йиғлаб,  
Олам устунига сен ҳам бойланма.

\* \* \*

Бугун оқшом кўк тоқида ой ярқироқ,  
Бог ортида шарқирагай сой ярқироқ.  
Тулан Низом олдида ҳу қабристон  
Менинг онам макон топган жой ярқироқ.

\* \* \*

Дўстлик нима ўзи, ким яратади,  
Дўстсиз ўтган дамлар тез қаритади.  
Тулан Низом, дўстлик энг олий неъмат,  
Қалбингни қайғудан у аритади.

\* \* \*

Ҳамма нарса ўтди, қолмади ҳеч бир,  
Тўплаган тажрибам оламга татир.  
Елғон сўзлаяпсан — дер Тулан Низом, —  
Сенга аён эмас ўзингдаги сир.

\* \* \*

Еб-ичиш етарли, каму кўстим йўқ,  
Дейман, тенглар ичра бўйу бастим йўқ.  
Тулан Низом кеча шундоқ йиғлади,  
Кўз ёшим артмоққа битта дўстим йўқ.



\* \* \*

Гуё Самарқанда осмон паст экан,  
Ер билан кўк бунда бир пайваст экан.  
Юлдуз яқин экан, лек Улугбекка,  
Жаҳолат ўглидек қасдма-қасд экан.

\* \* \*

Дейсан: майсалардан сен оҳиста сўр,  
Қонли лолалардан либос киймиш гўр?  
Ҳа, ёруғ дунёдан, биздан араалаб,  
Лаҳад ичра қуриб ётган гулни кўр.

\* \* \*

Ерга уруғ қадаб аҳли зироат,  
Ризқ бўлиб пишгунча қилур қаноат.  
Сен-ки, эй забардаст соҳиби қалам,  
Илҳоминг етилмай қолма хижолат.

\* \* \*

Йўқ, жон эмас, қалбимда Ватан яшар,  
Ватан ичра шеърият, чаман яшар.  
Тулан Низом айтгур: она-Ер узра,  
Жон учар тупроқ бўлиб бу тан яшар.

\* \* \*

Ағёрларинг чақирса, тош била келай,  
Ҳабибларинг бўлса, қуёш била келай.  
Тулан Низом демиш: ёр чорласа гар,  
Ерга манглай босиб, бош била келай.

\* \* \*

Муҳаббатнинг ипларига боғландим-ку,  
Айрилиқнинг қозонида доғландим-ку.  
Вафосизлик ҳаддан ошди, энди ўзни  
Ҳақ дорига осмоқ учун чоғландим-ку ✓

\* \* \*

Бир зум тўхта тўлиққан, тошиққан кимса,  
Тулпор миниб ҳовлиққан, шошиққан кимса.  
Тулан Низом оҳ чекур сени кўрганда,  
Оқибат ёғоч отга ошиққан кимса.

\* \* \*

Зар, шойи-шалпарни жуда суярсан,  
Сен қачон ўзингни ундан тиярсан.  
Тулан Низом йиғлар сенинг ҳолинга,  
Охири, енги йўқ тўнни киярсан.

\* \* \*

Бир шаккок сўйлади: дўзахми, жаннат,  
Қай бири мен учун жуда зарурат.  
Ёлғиз қолган чол дер: парвардигорим,  
Дўстларим қаерда, у ерга жўнат?

\* \* \*

Эй ошиқ жон, парвоналик муборак бўлсин,  
Ватан, дебон, мардоналик муборак бўлсин.  
Тулан Низом, сенга бу шоир деган ном —  
Олий ёрлиқ, — девоналик муборак бўлсин!

\* \* \*

Ҳазил-ҳузул ила умринг ҳам ўтиб кетди,  
Илму ҳунар олмадинг-а, дам ўтиб кетди.  
Тулан Низом ўрта йўлда уйлаб борадур,  
Шижоатсиз, ҳам омадсиз ғам ўтиб кетди.

\* \* \*

Дўстингни йўқламоқ бир ишинг бўлсин,  
У билан шод, хандон юришинг бўлсин.  
Меҳмон қил, меҳмони бўлгил доимо,  
Унутма ҳеч қачон, ёз-қишинг бўлсин.

\* \* \*

Кел, эй, дустга қул бер, юрганда йул бер,  
Гар ҳовуз сўраса, сен унга қул бер.  
Денгиз бер, дарёларни бер, яна у —  
Нимани истаса, шуни бер, мул бер.

\* \* \*

Аллоҳим, не берсанг, уни элга атадим,  
Ҳою-ҳавасларим дўлга, селга атадим.  
Тулан Низом каломи бу: дунё мулкани  
Ўткинчи шамолга, беқадр елга атадим.

\* \* \*

Не-не замон ўтар, давронлар ўтар,  
Қанча хонлар ўтар, султонлар ўтар.  
Қуй, мени мақтама, мен билан бирга  
Тулан Низом каби Инсонлар ўтар.

\* \* \*

Ўзбекистон, юртим, байроғинг баланд,  
Боғларинг ҳуш ҳаво, ҳар тоғинг баланд.  
Тулан Низом айтсин байроқ деб ўлган,  
Ҳар боланг хокидан тупроғинг баланд.

\* \* \*

Узум оғочидай қоматим букма,  
Ошиқи мағрурман, тутдайин тукма.  
Тулан Низом деди: боғ шамолидай  
Булбулни чўчитма, гунчани сукма.

\* \* \*

Тоққа нидо қилсам, тоғ гулдирайди,  
Дарёга ҳайқирсам, у гулдирайди.  
Гунчага роз айтсам, боғда шаббода —  
Булоқни уйғотур, сув чулдирайди.

\* \* \*

Зеро, жоиз бўлса, шундоқ бир таъбир:  
Ҳамманинг борари, тўхтари қабр...  
Унгача йўл узоқ... Бардош қил, бардош...  
Кейин мангу қотиб қолади сабр.

\* \* \*

Чароқлайди, яроқлайди қалбимдаги офтобим,  
Еру кўкни тўлдирсайди яхшилиқдан савобим.  
Тулан Низом дейди: ярлақолса худойим,  
Ҳар эшикка оят ўқиб кириб борса китобим.

## МУНДАРИЖА

### ШЕЪРЛАР

Шеър ҳавоси . . . . .	5
Илтижо . . . . .	10
Кўнгил дафтари . . . . .	11
Тоғ дарахтлари . . . . .	12
Сайра, қушим . . . . .	13
Менинг жавобим . . . . .	15
Усмон Носирнинг қамоқда олинган суратига термулиб . . . . .	16
Тингла, денгиз . . . . .	17
Яна Навоий ҳайкалига боқиб... . . . .	18
Ўлим . . . . .	19
Юрак садо қилди, кўзим намланди . . . . .	20
Ярим кеча эди ўшанда . . . . .	21
Қолган умрим . . . . .	23
Мулоқот . . . . .	25
Мусофир . . . . .	26
Пушкин ҳақида икки шеър . . . . .	27
Омон қолдим . . . . .	29
Қузғун . . . . .	31
Табиат қушиғи . . . . .	33
Занжирсарой шеърлари . . . . .	35
Мен юракни қўзғасам... . . . .	38
Мовароуннаҳр фарзандлари . . . . .	40
Бобур таваллоси . . . . .	42
Туркистон — менинг уйим . . . . .	43
Ниҳоллар . . . . .	45
Учаётган бургут . . . . .	46
Каклик . . . . .	48
Элбек туғилган қишлоқ . . . . .	50

### ШЕЪР АЙТТИМ КЕЛЯПТИ, ОНАЖОН!

Рост гап . . . . .	52
Онам руҳи . . . . .	53
Шеър айттим келяпти, онажон . . . . .	54
Онам сурати . . . . .	56
Индира Ганди хотирасига . . . . .	57
Сафар . . . . .	59
Тушимга кирди онам . . . . .	60
Она товус ноласи . . . . .	61
Онам-а... . . . .	63
Фотима . . . . .	65

## БАРИНИ БИР УПИЧ ЕНГДИ...

Дединг . . . . .	68
Сенинг эртакларинг... (туркум) . . . . .	69
Упич . . . . .	70
Қўнгил . . . . .	72
О, иқрор бўлдим . . . . .	75
Унутилган кўча . . . . .	78
Ошиқ сўзи . . . . .	80
Интизорлик . . . . .	81
Ишқ . . . . .	82
Қўнгил қуши . . . . .	84
Бўзтўрғай . . . . .	85
Парвонаман . . . . .	86
Санам . . . . .	87
Саъдий газалига мухаммас . . . . .	88
Хусайн Бойқаро газалига мухаммас . . . . .	89
Адиб Собир Термизий газалига мухаммас . . . . .	90
Муқимий газалига мухаммас . . . . .	91
Фурқат газалига мухаммас . . . . .	93
Ҳазиний газалига мухаммас . . . . .	94
Муқаддас руҳ . . . . .	96

## ДОСТОНЛАР, ЛИРИК ҚИССАЛАР

Чулпон (достон) . . . . .	98
Мажнунтол йиғиси (лирик қисса) . . . . .	123
Гиря («Қирқ кун» достони) . . . . .	136
Уч сўз (достон) . . . . .	187
Руҳи равоним (достон) . . . . .	248
Юракдаги гап (достон) . . . . .	286
Оқ гул (лирик қисса) . . . . .	294
Ботмай қолган ой (лирик қисса) . . . . .	325
Хумо (достон) . . . . .	347

## РУБОЙЛАР

Рубойлар . . . . .	362
--------------------	-----

ТЎЛАН НИЗОМ

САЙЛАНМА

Шеърлар  
Достонлар  
Рубоийлар

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 1998 йил

Мухаррир *Аъзам Уктам*  
Мусаввир *Неъмат Ҳаким*  
Бадий муҳаррир *Феруза Башарова*  
Техникавий муҳаррир *Галина Ломиворотова*  
Мусахҳиҳлар *Ю. Бизаатова, Н. Муҳамедиева*

Теришга 05.11.97. да берилди. Чоп этишга 15.01.98. да рухсат берилди.  
Бичими 84x108<sup>1/32</sup>. Бодони гарнитураси. Офсет босма.  
Шартли босма табоғи 20,16. Нашриёт ҳисоб табоғи 17,74.  
Адади 15000 дона. Баҳоси узаро келишув асосида.  
Буюртма № 1765.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмаҳонаси.  
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кучаси, 41.